

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

Н.Э. МУҲАММАДИЕВ

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ
КАСБ ЭТИКАСИ ВА ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИ

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан вазирлик
олий ўқув юртлари учун дарслик сифатида тасдиқланган*

(қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри)

Тошкент 2005

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Илмий кенгашида
маъқулланган.*

Муҳаммадиев Н.Э. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 300-б.

Дарсликда ички ишлар идоралари ходимлари касб ахлоқи ва эстетик маданиятининг вужудга келиши, таркибий тузилиши, турлари, категориялари, принцип ва нормалари, улуғ аждодларимизнинг ахлоқ-одоб ҳақидаги ўғитлари ҳамда ходимларнинг муомала маданияти, тергов, профилактика, оператив-қидирув, эксперт-криминалистика фаолиятининг ахлоқий-маънавий муаммолари, жиноятчилар дунёсининг ахлоқий тубанлик қонунлари, касбий бузилиш ва уни бартараф этиш йўллари, маънавият ва маърифат ишларини ташкил этишга доир назарий ва амалий қоидалар баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабаларига, илмий ҳамда амалиётчи ходимларига мўлжалланган.

Тақризчилар: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари, юридик фанлари доктори, профессор **Ш.З. Ўразаев**; фалсафа фанлари доктори, профессор **С. Шермухаммедов**; фалсафа фанлари докторлари **А.Қ.Қодиров, Б.Т. Тўйчиев, Ҳ.Ф. Ҳайдаров**, юридик фанлар доктори, профессор **З.С. Зарипов**

“Бизнинг миллий ғоямиз юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигидан иборатдир.”

И.А.Каримов.

СЎЗ БОШИ

Ўзбек халқи мустақилликка эришгач, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий, муҳофаа ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида ғоят улкан вазифаларни уйдалаган ҳолда келгусида ўз авлодларига демократик давлатни барпо этиш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш заминида озод ва обод Ватан қолдириш йўлида буюк бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқдалар.

Мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган барча ўзгаришлар, бир томондан, инсонни ўзгартириш ва ривожлантириш учун объектив шарт-шароитларни вужудга келтираётган бўлса, иккинчи томондан, қурилаётган одил жамият учун ҳар томонлама ва чуқур билимга эга бўлган, жисмонан соғлом, ахлоқан пок, маънавий етук инсонларга бўлган улкан эҳтиёжни келтириб чиқармоқда. Ана шу заруратни тўлиғича ҳисобга олган президентимиз И.А. Каримов: “Давлат қурилиши, иқтисодий ривожланиш жараёнлари маънавий камолот, юксак ахлоқийлик билан тўла уйғун бўлмоғи керак. Биз ўз сиёсатимизни шунга мослаб кўрамиз ва уни изчиллик билан рўёбга чиқарамиз. Ишонч-этиқод бўлмаган жойда ташаббускорлик ҳам, бунёдкорлик фаолияти ҳам бўлмайди”¹, - деб ўқтирган эди.

Шундай экан, она юртимизнинг келгусидаги тараққиётини ватанпарвар, имон-этиқодли, меҳр-оқибатли, ўз касбини севувчи, юксак маданият соҳиби бўлган кишиларсиз тасаввур этиш қийин. Буюк келажагимизнинг ана шундай бунёдкорлари ва эгаларини тарбиялашдек масъулиятли масаланинг ҳал этилиши, *биринчидан*, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар зиммасига ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний

¹ Каримов И.А. ватан саждоғох каби мушаддасдир. Т.3. – Т.: Ўзбекистон 1196. – 354-б

манфаатларини ҳимоя қилиш, жинойтчиликка қарши кураш, халқнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш йўлашидаги таълим-тарбия ишларини такомиллаштиришга доир бир қатор вазифаларни юкласа; *иккинчидан*, ўз сафларини сиёсий жиҳатдан етук, ахлоқан пок, касбига садоқатли, онги адолат ғояси билан суғорилган, қийинчиликлардан мунтазам равишда тўлдириб боришни тақозо этса; *учинчидан*, хизматнинг оғир қисматларига бардош бера олмасдан касбий таназзулга учраган, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан нопок ходимлардан доимий равишда тозалаб туришни талаб этади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчиларнинг фаолиятидаги бу икки жиҳатни уйғунлаштириш вазифасининг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан қуйидагиларга боғлиқ.

Биринчидан, ижтимоий-иқтисодий тузум ўзгариш тўғрисидаги кишиларнинг иқтисодий, сиёсий ижтимоий фаолиятида ва оилавий турмушида содир бўлаётган чуқур ўзгаришлар сабабли юзага келган янги ахлоқий муносабатларга, аҳолининг маънавий-ахлоқий савиясига;

Иккинчидан, жинойтчиликнинг пайдо бўлаётган янги турларини тезликда пайқаш ва уларнинг олдини олиш учун оператив чора-тадбирларни кўриш асосида фуқароларнинг тинч-тотув яшашларини таъминлаш орқали жамиятнинг ривожланишига йўл очиб бериш вазифаси қандай ҳал этилаётганлигига;

Учинчидан, эскининг бағрида етилаётган ижобий янгиликларни ҳаётга зиддиятларсиз татбиқ этиш борасида ташаббусни кўлга олиб, янги маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга хизмат қилувчи мутахассислар касб ахлоқи ва маданиятининг даражасига;

Тўртинчидан, эл тинчлиги, юрт осойишталигини, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга бел боғлаётган фидойи ёшларни қонунга чуқур ҳурмат, жинойтчиликка чексиз нафрат руҳида тарбияловчи, уларнинг қалбида миллий истиқлол ғоясини изчил шакллантирувчи таълим-тарбия тизимининг амалда қандай ташкил қилинганлигига;

бешинчидан, ҳар бир шахснинг ҳақ-ҳуқуқларини қонунга аниқ итоат этган ҳолда ҳимоя қилиш борасида содир этиладиган ваколатли ҳатти-ҳаракатларнинг қанчалик жамиятнинг маънавий-ахлоқий ҳаёти талабларига мос равишда олиб борилишига;

олтинчидан, диний қадриятларни тўғри англаб, унинг умуминсоний моҳиятини дилига жойлаб, инсонни олий мавжудот деб билган ҳолда ҳокимиятни эгаллаш мақсадида одамлар дилига кўрқув ҳиссини солиш учун ҳес қандай қабихликлардан қайтмайдиган террорист, экстремист, ақидапарастларнинг ифвокорона, ғайриинсоний ҳатти-ҳаракатларини тўғри англайдиган уларга қарши тура оладиган ориятли фуқароларнинг ахлоқий-маънавий ва руҳий ҳолатига ва ҳ.к.

Бугунги кунда «энг ёмон нарса – бу одамнинг оёғи ердан узилишидир. Агарда ким қаерда туғилгани, кимнинг фарзанди эканини, қайси замин, қайси тупроқнинг сувини ичиб, тузини тотганини эсдан чиқарса, билингки, у ўзини бутунлай йўқотган бўлади. Бундай одамнинг келажаги бўлмади»¹.

Зеро шундай экан, одоб, хулқ-атвор ва ахлоқ одамзодни кимнинг ва қайси элнинг фарзанди эканлигини, кимга ва нима учун хизмат қилиши кераклигини доимий равишда англатиб турувчи энг муҳим тарбиявий омил ҳисобланади.

Ахлоқ – инсоният камолоти сарчашмаларидан бири. Ҳар бир одам у орқали ўзининг жамиятдаги ўрнини англайди, ҳаётининг мазмунини белгилаб олади. Шунинг учун ҳам ахлоқ масаласи қадим-қадим вақтлардан буён донишмандларнинг, жамоат ва давлат арбобларининг қолаверса, давлатнинг диққат марказида бўлиб келган. Чунки ахлоқий муносабатларни тўғри йўлга қўймасдан, касб ахлоқи маданиятини шакллантирмасдан туриб, ҳеч бир давлат кўзлаган мақсадларига эриша олмайди. Шу боис ҳам бу ҳозирги кунда давлатимиз олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

¹ Қаримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005. – 26-27-б.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги катта ишларни амалга оширмоҳдалар. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 1993 йил 30 декабрда чиқарган “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси” номли 446-сон буйруғининг эълон қилиниши ҳамда шахсий тартиб орасида, мунтазам равишда “Маънавийат ва маърифат” дарсларининг олиб борилиши бу борада олға ташланган катта қадам бўлди.

Ички ишлар идораларининг барча ходимлари адолатпарвар демократик ҳуқуқий давлатни бунёд этишга, инсон манфаатларини олий қадрият сифатида ҳимоя қилишга сафарбар қилган бугунги кунда “Касб одобномаси” уларнинг ўзига хос ахлоқ кодекси ҳисобланади.

Шубҳасизки, жамият ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ички ишлар идораларини ҳам ислоҳқилиб боришни тақозо этади. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2004 йил июль ойида «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармон қабул қилинди.

Ушбу фармон ички ишлар идораларида тубдан ўзгартириш, хизматни қайтадан ташкил қилиш, айниқса ички ишларга ахлоқий-маънавий жиҳатдан пок, ўз касбий бурчига садоқатли, жасур, жинойтчиликнинг ҳар қандай кўринишларига нафрат туйғуси билан суғорилган, жисмонан соғлом ва бақувват, иродали, имонли, ҳалол, адолатли, ўз касбини пухта эгаллаган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимининг қасамёди» га содиқ бўлган инсонларни қабул қилиш, уларни шу руҳда тарбиялаш вазифасини юклади.

Демак, юксак маънавий – ахлоқий фазилатларга эга бўлган комил инсон – ички ишлар идоралари ходимларини шакллантириш давр талабидир. Ана шу талаб ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёзилган мазкур дарсликда ички ишлар идоралари ходимлари касб ахлоқи ва нафосатининг мазмуни, моҳияти,

принциплари, нормалари, категориялари, асосий йўналишлари, жаҳон мутафаккирларининг ахлоқ-одоб ҳақидаги фикрлари, шунингдек, ички ишлар идоралари ходимларнинг муомала маданияти, оилавий турмуш одоби, хизмат вазифаларини бажаришдаги хулқ-атвори, касбий бузулиш ва уларни бартараф этиш йўллари, тергов, криминалистика, профилактика, оператив-қидирув ходимларининг ахлоқий ва эстетик маданиятини шаклланишига оид назарий ва амалий масалалар атрофлича ёритилган.

Ушбу дарслик ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларининг курсантлари, тингловчилари, ўқитувчилари ҳамда амалиётчи ходимларини ахлоқан пок, маънавий етук, она-Ватанга садоқатли, имони бутун, ҳалол ва адолатли, юксак касб маҳоратига эга бўлган ватанпарвар, халқпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш ишларига хизмат қилади.

Дарслик ички ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқи ва эстетик маданияти соҳасидаги барча билимларни қамраб ололмаслиги табиий. Шунинг учун ҳам биз ушбу дарсликни такомиллаштириш ҳақида билдирилган барча фикр ва мулоҳазаларни мамуният билан қабул қиламиз ҳамда ўз таклифлари билан ўртоқлашган китобхонларга миннатдорчилик билдирамыз.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири
генерал-полковник**

З. АЛМАТОВ

I боб

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСБ ЭТИКАСИ ВА ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИ ФАНИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1-§. Касб ахлоқи ва унинг умумий ахлоқ тизимида тутган ўрни

Ахлоқ ва унинг таърифи. Ҳеч бир инсон жамиятдан ташқарида, якка ҳолда яшамайди. У одамлар орасида ўсади, улғаяди, ҳаёт кечиради, ўзининг бутун ҳаёти ва фаолияти давомида хар хил тоифадаги кўплаб инсонлар билан, каттаю кичик меҳнат жамоалари билан мулоқатда бўлади. Бу инсоннинг ўз кундалик ҳаётий эҳтиёжларини қондириш заруратидан келиб чиқади.

Жамоа бўлиб яшаш жамиятда қабул қилинган урф-одат, анъана ва қонун-қоидаларга амал қилишни талаб этади. Ана шу жараёнда инсон ва жамият ўртасида юзага келадиган объектив алоқадорлик, яъни ижтимоий муносабат хулқ-атвор, одоб, хатти-ҳаракат принцип ва нормаларининг мажмуаси ахлоқнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бинобарин, ахлоқнинг манбаи жамият эҳтиёжи ва манфаатларидан иборат.

Кишиларнинг кундалик ҳаётида одоб, хулқ-атвор, ахлоқ каби тушунчалар кўплаб ишлатиладики, бунда одоб – бирор-бир кишининг ўзини тута билиши туфайли содир этадиган оддий чиройли, ёқимли хатти-ҳаракатини англатса (масалан, ёшларнинг кексаларга салом бериши, транспортда жой бериши в.х.), хулқ-атвор эса, кишига одат бўлиб қолган такрорланиб турадиган муомала, хатти-ҳаракат ва руҳий хусусият, феъл ва авзойининг бир-бутун мажмуасини билдиради (масалан, бирор-бир кишининг тўй-маракаларда очик кўнгиллик билан чин дилдан хизмат қилиш). Демак, одоб торроқ, хулқ-атвор эса унга қараганда кенгроқ маъноларга эга бўлган тушунчалар ҳисобланади.

“Ахлоқ”¹ – арабча сўз бўлиб, хулқ-атвор, юриш-туриш, тарбия, адаб деган маъноларни англатади. Ушбу тушунча жамиятнинг ахлоқий ҳаётида юз берадиган барча жараёнларни ўзида мужассам этади.

Жамиятнинг ахлоқий ҳаёти деб кишиларнинг ишлаб чиқариш жараёнини ташкил, этишда, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фаолиятида, оиласида ва кундалик турмушида юзага келадиган муносабатлар; уларнинг хулқ атвори, юриш-туриши; адолат, садоқат, бурч, бахт каби муносабатларининг мажмуига айтилади. Шундай келиб чиққан ҳолда, жамиятнинг кўп қиррали ва мураккаб ахлоқий ҳаётини акс эттирувчи “ахлоқ” тушунчасини категория сифатида қуйидагича таърифлаш мумкин.

Ахлоқ инсон ва жамият ўртасидаги объектив алоқадорлик туфайли келиб чиқадиган, шахсий ва умумий манфаатларни мувофиқлаштириб туриш асосида ҳар бир шахснинг ҳаёти ва фаолиятини бошқарадиган, тартибга соладиган муаёян хулқ-атвор, одоб, хатти-ҳаракат принцип ва нормаларининг мажмуидир.

Ахлоқ ижтимоий ҳодиса бўлиб, инсоният жамият вужудга келиши билан бир вақтда жамоалар билан шахслар ўртасидаги эҳтиёж ва манфаатларга хизмат қилувчи ижтимоий муносабат тариқасида вужудга келган. У ўзининг тарихий тараққиётида қуйидаги вазифаларни бажарган:

- умуминсоний маданиятнинг инсон табиий хислатларини ўзгартирувчи фаолият шаклидаги таркибий қисми;

- жамият яшовчи ҳар бир шахсни ҳар томонлама камол топтирувчи маънавий-ижтимоий омил асосларидан бири;

- кишиларларнинг ички туйғуларини, ҳиссиётларини ўстириб, умуминсоний моддий ва маънавий қадриятларни англаб етиш, уларни асраш ва келгуси авлодларга етказиб бериш йўлларида энг афзали;

¹ Ахлоқшуносликка оид турли тилларда нашр этилаётган адабиётларда «этика», «мораль», «нравственность» каби тушунчалар ишлатилган. Улардаги «этика» қадимги юнон, «мораль» қадимги рим, «нравственность» қадимги славян тилларидан олинган бўлиб, араб тилидан ўзбек тилига кириб келган «ахлоқ» тушунчаси билан айнан бир маънони англатади ва ишлатилади.

-оила ва кундалик турмушда мавжуд бўлган оилавий бурч, ўзаро хурмат, садоқат, ор-номус каби анъаналарни авлоддан-авлодга ўтказиш асосида давом эттириш воситаси;

-адолатли жамият қуриш ва унда бой-бадавлат, тинч-тотув, бахтли яшаш ғояси ва х.к.

Ахлоқнинг мазмунини жамиятнинг таркибий тузилиши, хусусан, ундаги мулкӣ муносабатлар, меҳнат тақсимоти, аҳолининг ёши, кишиларнинг эҳтиёж ва манфаатлари белгилайди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосини хилма-хил шакллардаги мулклар ташкил этаётган бир вақтда уни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқӣ негизларини:

“-умуминсоний қадриятларга содиқлик;

-халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

-инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

ватанварварлик”¹ ташкил этади. Шубҳасиз, ана шу негизлар асосида Ўзбекистон халқларининг янгича мазмундаги маънавий-ахлоқӣ дунёси шаклланади ва қарор топади. Бу эса, ўз навбатида, халқимиз ахлоқининг негизини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Юқорида баён этилган масалалар, яъни ахлоқ унинг жамият ҳаётида тутган ўрни каби муаммоларни ўрганиш билан бевосита ахлоқшунослик фани шуғулланади.

Ахлоқшунослик фани ва унинг ривожланиш қонуниятлари.

Ахлоқшунослик - ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти, хусусиятлари, жамият ривожига ўрни, тараққиёт қонуниятларини ўрганувчи ва ҳақиқатлиги амалда исботланган билимлар мажмуидан иборат фан. У бошқа ижтимоий фанлар сингари ўз қонунлари ва категорияларига эга бўлиб, улар орқали ўз хулосаларини баён қилади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат мафкура. Т. 1. -Т.: Ўзбекистон, 1996-76-бет

Ахлоқшунослик фани умумий этиа назарияси, тарихий этика, норматив-қадриятлар этикаси, касб этикаси ва ахлоқий тарбия назарияси каби таркибий қисмлардан ташкил топган.

Умумий этика назарияси ахлоқнинг табиати, моҳияти, хусусияти, таркибий қисмлари, унинг жамият тараққиётида тутган ўрнини ўрганади.

Тарихий этика ахлоқнинг келиб чиқишини, унинг тарихий тарихий тараққиёт қонунларини, ҳар хил назарияларнинг тарихдаги ўрни, ривожланиш босқичлари ва тамойилларини (тенденцияларини) тадқиқ этади.

Норматив қадриятлар этикаси аниқ ахлоқ нормаларини, ахлоқий мажбурийлик талабаларини, ахлоқий мерос сифатида шаклланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ахлоқий қадриятлар тизимини ўрганади.

Касбий этика ҳар бир касб-ҳунарга хос ахлоқий норма, принцип ва сифатларни ўрганади ва ҳаётга татбиқ этади.

Ахлоқий тарбия назарияси ахлоқнинг жамият талаби, эҳтиёжи ва манфаатларидан келиб чиққан қолда уни ҳаётга татбиқ этишнинг восита ва усулларини ўрганади ва ўргатади.

Ахлоқшунослик фанининг таркибий қисмлари узвий бирликда бўлиб, бир-бирларини тақозо этади ва тўлдириб туради.

Ахлоқшунослик фани фалсафа, ҳуқуқшунослик, психология, диншунослик, сиёсатшунослик, педагогика каби бир қатор фанлар билан алоқада бўлиб, унинг хусусиятлари, яъни бошқа ижтимоий фанлардан фарқ қилувчи жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- ахлоқшунослик инсон фаолиятининг барча томонларини эмас, балки улардаги ахлоқий хислатларнинг чегараларини изоҳлаб, кўрсатиб бери ш билан шуғулланади;

- ахлоқшунослик - инсондаги ахлоқийликни юқори даражадаги фозиллик деб билгани холда, унинг зарурлиги, келиб чиқиши, моҳияти, хусусиятлари, жамиятда тутган ўрни ва ривожланиш қонуниятларини тушунтиради ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этади.

-ахлоқшунослик - инсонлардаги ахлоқ-одоб, бурч, кадр-қимматни шунчаки акс эттирмайди, балки уларни танқидий баҳолайди, таҳлил этади.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни бунёд этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг изчиллик билан амалга оширилиши, ахлоқшунослик фанининг ҳам муайян қонуниятлар асосида мавжуд воқеликдаги ахлоқий ҳодисаларни ўрганиш ва унинг йўналишларини белгилаб беришни ҳам тақозо этади.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ахлоқшунослик илми қуйидаги қонуниятлар¹ асосида иш кўради ва ривожланиб боради.

1. Маънавият ва ахлоқнинг ўзаро бирлиги, ахлоқнинг маънавият ўзагини ташкил этиши қонуни.

2. Инсон ва ахлоқнинг ажралмаслиги, ахлоқнинг инсон моҳияти ва унинг хатти-ҳаракатини белгилашдаги фаоллиги қонуни.

3. Ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўзаро алоқаси, ахлоқнинг ҳуқуққа инсоний мазмун бериб бориш қонуни.

4. Ахлоқ ва иқтисоднинг ўзаро таъсири, иқтисоднинг тобора ахлоқийлашиб бориш қонуни.

5. Ахлоқ ва сиёсатнинг ўзаро алоқадорлиги, ахлоқнинг сиёсат мазмунини белгилаб бериш қонуни.

Касб ахлоқи ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни. Жамиятда мутлақ, абадий ва ўзгармас ахлоқ йўқ. Ахлоқ тарихдан ўзгарувчан ва нисбий мустақилликка эга бўлган ижтимоий ҳодисадир. Унинг бу хусусиятлари умумий ахлоқнинг таркибий қисмларидан бири бўлган касб ахлоқида яққол намоён бўлади.

Жамият ривожининг тарихда ижтимоий меҳнат тақсимотининг (деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, савдогарлик ва бошқа касбларнинг) пайдо бўлиши меҳнатнинг бир тури билан банд бўлган кишилар

¹ Қонун – муайян шарт-шароитда воқеалар ривожининг характер ва йўналишини белгилайдиган, маълум бир қатъий натижани тақозо этадиган объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий, барқарор муносабатларидир. (Туленов Ж. Диалектика назарияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2001., 106-б.)

гуруҳларининг касб-ҳунар жиҳатидан ажралиб чиқишига ва шунга мувофиқ равишда турли хил мутахассисликларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Бу эса ҳар бир кишининг қилаётган меҳнат турига, меҳнатни ҳаракатлар ва руҳий қувватларни сарфлашни талаб этадиган такрорланмас, ўзига хос кўникмаларни вужудга келтирди. Оқибатда бу кўникмалар ҳар бир касбда ички ва ташқи, асосий ва асосий бўлмаган зиддиятларни келтириб чиқарди. Одамлар эса субъектив туйғуларини, ахлоқий фикрларини уларни бартараф этишга жалб этадилар. Шу тарқа, касбий муносабатлардаги хилма-хил ҳолатлар орасидан ихтисоснинг нисбатан мустақиллигини хусусиятларини ифодаловчи энг типик ҳолатлар ажралиб чиқди. Улар, ўз навбатида, меҳнат жараёнида иштирок этаётганларнинг ўзига хос хатти-ҳаракати, хулқ-атвор нормаларини келтириб чиқарадики, оқибатда касбий муносабатлар сифат жиҳатдан барқарорликка эришиши биланоқ ҳар бир меҳнат турининг табиғига мувофиқ келувчи ахлоқий дастурларнинг юзага келишига, яъни касб ахлоқининг пайдо бўлишига олиб келади.

Йиллар ўтиши билан ишлаб чиқариш, фан ва техника ривожланиб, ижтимоий меҳнат тақсимооти янада чуқурлашди. Бу жараённинг узлуксиз давом этиши эса, ўз навбатида, ҳар бири муайян ижтимоий функцияни бажарадиган янгидан-янги фаолият соҳалари пайдо бўлишига сабаб бўлди. Уларнинг соҳиблари эса шунга кўра муайян ижтимоий бурчларни бажар бошлаганлар. Мазкур бур ва мажбуриятлар муайян ахлоқий қоидалар ва хулқ-атвор нормаларида ўз аксини топди.

Шундай қилиб, касб ахлоқининг пайдо бўлиши узлуксиз меҳнат тақсимотининг маҳсули, унинг ахлоқий дастури, ахлоқий баҳоси сифатида фаолият кўрсата бошлади.

Жамиятнинг ҳар бир касб-ҳунарга, ихтисосга берадиган ахлоқий баҳоси икки асосий омил билан биринчидан, мазкур касб-ҳунар вакилларининг жамият ривожланиши учун объектив равишда нималар бериши билан; иккинчидан, жамиятнинг маънавий таъсир бериши билан-белгиланади.

Ана шу ахлоқий баҳо омилларига кўра, касб ахлоқини ҳар бир касб-хунарнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва вазифаларига қараб бир неча турга ажратиш мумкин: ўқитувчилик ихтисосига қараб - шифокор ахлоқи; ҳуқуқни муҳофаза қилиш ихтисосига қараб - юрист ахлоқи; қуролли кучлар ихтисослигига қараб - ҳарбийлик ва офицерлик этикаси ва х.к.

Шифокорлик ҳозирги замонда энг кўп тарқалган, ҳаёт учун энг зарур касблардан бири бўлиб, бу касб ахлоқининг хусусиятларига қуйидагилар киради:

-беморларга ниҳоятда эътибор билан, ширинсўзлик ва одамшавандалик билан муносабатда бўлиш ва ғамхўрлик қилиш;

-беморларнинг руҳиятига ижобий таъсир этиш, яъни руҳий даволаш усулларини пухталиқ билан қўллаш, кишиларда тажриба ўтказиш чегараларини аниқ билиш ва уни бузмаслик;

-беморлардаги касалликни, у келтириб чиқарадиган ёмон оқибатлар ва уни даволаш сирларини ошкор қилмаслик ҳамда уни беморга ва унинг қариндошларига ниҳоятда эҳтиётлик билан маълум қилиш ва х.к.

Шифокорлик касби ахлоқининг сир-асрорларини тиббиётда деонтология фани қилмаслик, яъни беморларга кўпол гапириш, хайқириш, уларнинг касалини кўриб, ошкора ҳайратга тушиш, изтироб чекиш бемор руҳиятига салбий таъсир кўрсатади, “дард устига чипқон” бўлади. Бу эса беморни ҳам шифокорни ҳам катта фожиага дучор этиши мумкин.

Демак, шифокорлик касб ахлоқининг жамият тараққиётида тутган ўрни шундаки, шифокор ўзининг юксак ахлоқий хислатларини намоён қилиб, беморларни ўз вақтида ва тўғри даволаб, кишиларнинг жисмонан соғлом бўлишини таъминлаб, жамиятнинг янада ривожланишига ҳисса қўшиши ёки, аксинча, ўзининг бебурдлигидан, одамларни хаста, ногирон ҳолга келтириши, баъзан эса уларнинг ўлимини тезлаштириб, жамият ривожига тўсқинлик қилиши мумкин.

Ўқитувчилик шифокорлик каби жамият ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшувчи касблардан бири ҳисобланади. Бу касб ахлоқининг ўзига хос хусусиятлари жумласига қуйидагилар киради.

-ўқувчи-талабаларни энг замонавий билимлар билан қуроллантириш, уларни қаётга татбиқ этишнинг йўлларини кўрсатиб бериш;

-уларга замонавий усуллар асосида таълим-тарбия бериш, талабчан бўлиш, ўқувчи-талабларни ўз боласидек севиб тарбия қилиш;

ўз фикрларини аниқ ифодалай олиш, ўз устида тинмай ишлаш, ўқувчи-талабларининг қалбида билимга чанқоқлик ҳиссини уйғотиш;

-турмушда ўз хулқ-атворини қаттиқ назорат қилиб, шу асосда ўқувчи-талабларга ҳар соҳада доимо ибрат бўлиш ва ҳ.к.

Ўқитувчилар касб ахлоқининг жамият ҳаётида тутган ўрни ёш авлоднинг хат-саводини чиқариш, уларга замонавий илм сирларини ўргатиш, ёшларга таълим-тарбия бериш ва шу асосда уларда меҳнатсеварлик, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, умуминсоний қадриятларни эъзозлаш, Ватанни муҳаддас деб билиш каби туйғуларни шакллантириш билан белгиланади.

Ватанни ҳимоя қилиш ҳам энг шарафли касблардан биридир. Ушбу касб эгаллари бўлмиш ҳарбий хизматчилар - солдат ва офицерларнинг касб ахлоқи ватанпарварлик, мардлик, жасурлик, энг замонавий жанг қуроллари, усул ва воситаларини билиш ва қўллай олиш; жанговор ўртоқли қоидаларига содиқ қолиш, жанг майдонларини ташлаб кетмаслик, асрга тушишдан ҳазар қилиш; ҳарбий қасамёдга содиқ қолиб, ҳарбий бурчни ҳаётининг сўнгги дақиқаларига қадар бажариш каби хусусиятлари билан ажралиб туради.

Ҳарбий хизматчилар касб ахлоқининг асосий қоидалари уларнинг “ҳаобий қасамёди” ва низомларида ўз ифодасини топган. Ҳарбий хизматчилар касб ахлоқининг жамият ривожига тутган ўрни мазкур мамлакат аҳолисини тинч-тотув яшашлари учун ҳар томонлама шароит яратиб бериш, яъни уларни ташқи хавф-харатдуман тажовузидан ҳимоя қилиш билан белгиланади.

Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, касб ахлоқи умумий ахлоқнинг нисбатан мустақил қисмидир. У қуйидаги хусусиятларга эга:

-қадриятлар оламида жамият томонидан яратилаётган янги қадриятлар тизимининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи кўрсаткич эканлиги;

-жамият манфаати ва эҳтиёжларини қондирувчи маънавий озуқа эканлиги;

-ўта хавфли ва қийин, зиддиятли ва залварли шароитларда ахлоқий танловни амлга ошириш воситаси эканлиги;

-давлат-маъмурий идораларининг, жамоат ташкилотларининг аҳолининг турли қатламлари ўртасидаги кундалик турмуш муносабатларини тартибга солиб турувчи омилларидан бири эканлиги ва х.к.

Шунга кўра, касб ахлоқи, жамият томонидан қабул қилинган умумий ахлоқ қоидаларининг маълум касб эгаси томонидан амалда қандай бажарилишини кўрсатувчи хатти-харакат, одоб, хулқ-атворларнинг мажмуи вазифасини ўтаса; иккинчидан, шахснинг характерини шакллантиришда бевосита иштирок этиб, касбий бурчини муваффақиятли бажаришга кўмаклашади.

Шундай қилиб, касб ахлоқи - жамият томонидан қабул қилинган ахлоқ қоидаларини кишиларнинг ихтисосларига нисбатан амалда татбиқ зилувчи аниқ касбий бурч, шаън, ор-номус, қадр-қиммат каби хатти-харакатларнинг мажмуи, умумий ахлоқнинг кишилар касб-коридаги ўзига хос кўриниши.

Ана шундай касб ахлоқи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимларнинг касб ахлоқидир. “+уқуқни муҳофаза қилиш идораларида ахлоқ жамиятда қонунчилик ва адолатни ўрнатиш учунгина эмас, балки уларнинг ўз касбларидаги қадр-қиммат, халоллик ва покликни мустаҳкамлаш учун ҳам зарурдир”¹.

¹ Таджиханов У., Саидов А. +ушущий маданият назарияси. Дарслик. 2 томли. Т. 2. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998 - 51-б

Шундай экан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар касб ахлоқи мамлакатда қонун усуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни тугатиш борасида инсонпарварлик қонунийлик, адолат жамоатчилик асосида ахлоқий хатти-харакатларни содир этиш билан тавсифланади.

+уқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг касб ахлоқини қуйидаги соҳаларга бўлиб ўрганиш мумкин:

- прокуратура идоралари ходимларининг ахлоқи;
- ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқи;
- миллий хавфсизлик идоралари ходимларининг ахлоқи;
- суд идоралари ходимларининг ахлоқи;
- адвокатлар ахлоқи;
- солиқ ва божхона хизматчиларининг ахлоқи ва ҳ.к.

2-§. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСБ АХЛОҚИНИНГ МО+ИЯТИ, ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ, СО+АЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Ички ишлар идораларининг ходимлари “... ўз ҳуқуқлари доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамоат тартибини, жамоат хавфизлигини муҳофаза қилишни ва жиноятчиликка қарши курашни таъминлаш...”¹ каби бир қатор вазифаларни бажардилар, яъни ҳуқуқ ҳимоячисидек шарафли ва ниҳоятда масъулиятли касб соҳиби сифатида жамият ичида фаолият кўрсатадилар. Шубҳасиз, ҳар бир касб, ишлаб чиқариш фаолияти кишиларнинг ахлоқий сифатларига ва руҳиятига ўз муҳрини босади ва биз уни ички ишлар идоралари ходимлари касб ахлоқининг таркибий тузилишларида кўришимиз мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги =ашида низом // Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг шарорлар тыплами. - Т., 1991. 10 сон. - 19-б.

Ахлоқнинг таркибий қисмлари. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқи мураккаб тузилишга эга бўлиб, асосан уч таркибий қисмдан: ахлоқий онг, ахлоқий амалиёт ва ахлоқий муносабатлардан ташкил топади.

Ахлоқий онг.

Жамият яшовчи ҳар бир инсоннинг меҳнат фаолиятини, хатти-ҳаракатлари унинг онги орқали бошқарилади. Чунки онг кишиларнинг объектив воқеликни, яъни жамиятни, табиатни акс эттирувчи ғоялари, назариялари, ҳис-туйғулари ва одатларининг мажмуи бўлиб, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, фалсафий, диний, эстетик қарашлар ва кечинмалар шаклида намоён бўлади. Бинобарин, ахлоқий онг ижтимоий онгнинг бир шаклидир.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий онги хизмат жамоаларининг манфаатларига мос келувчи ахлоқий тушунча, ғоя, қараш, ишонч, туйғу, ҳиссиётларнинг бир бутун тизимидан иборат бўлиб, кишиларнинг, хусусан, ички ишлар идоралари ходимларининг жамиятдаги, кундалик турмушдаги ахлоқий фаолияти ва хулқи у акс эттирадиган объект ҳисобланади.

Ахлоқий онгнинг тузилиши. Ахлоқий онг икки ажралмас қисмдан - аниқ бир ходимнинг онги бўлган *индивидуал онг* ва бир қанча ходимлари бирлашмаси бўлган хизмат жамоаларининг онгини ўзида мужассамлаштирган *ижтимоий онгдан* иборат бўлади. Индивидуал ахлоқий онг таркибига шахснинг ҳис-туйғуси, фикр-мулоҳазалари кабилар кирса, ижтимоий ахлоқий онг таркибига эса жамият томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этиладиган кодекслар, категориялар, нормалар, принциплар, мафкуравий ғоялар ва бошқа қонун-қоидалар киради.

Ахлоқий онг даражалари. Ички ишлар органлари ходимларининг ахлоқий онги кундалик-ҳиссий ва ақлий-назарий даражаларга эга.

Кундалик-ҳиссий даражадаги ахлоқий онгга ахлоқий туйғулар, ҳиссиётлар киради. Маълумки, ҳиссиёт инсоннинг мавжуд воқеликка муносабатини унинг эҳтиёжи ва манфаатларига мувофиқ келиши ёки

келмаслигини акс эттирувчи ички кечинмалари, ҳис-туйғулар бўлса, ички ишлар органлари ходимларининг ахлоқий ҳиссиёти уларнинг ўзи ва бошқа одамлар томонидан бажарилган хатти-ҳаракат, иш муомала, қилиқларга нисбатан пайдо бўлган ички, субъектив руҳий кечинмалари ҳисобланади.

Ички ишлар органлари ходимларининг ахлоқий ҳиссиёти уларнинг ўзи ва бошқалар содир этган хатти-ҳаракатларни, муомалаларни маъқуллашлари ёки қоралашлари, уларга нисбатан ахлоқий мамнуният ёки ахлоқий норозилик изҳор қилишларига қараб ижобий ва салбий турларга бўлинади.

Ички ишлар органлари ходимларининг ахлоқий ҳиссиётлари ниҳоятда хилма-хил бўлиб, уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

- 2) Ватанга бўлган муҳаббат туфайли вужудга келадиган ватанпарварлик, касбий бурчга садоқат, жамият олдида масъуллик, миллий ифтихор, адолатпарварлик, инсонпарварлик туйғулари;
- 3) ходимларнинг шахсий ҳислатларини намоён қилишда пайдо бўладиган виждон, ор-номус, кадр-қиммат, ғурур, ўз хатти-ҳаракатларидан қониқиш, ўз қилмишидан ҳижолатга тушиш ҳиссиёти;
- 4) одамларга ёрдам бериш, уларнинг ҳожатини чиқариб, кўнглини олиш ҳамда бошқа хайрли ишлар қилиш жараёнида юзага келадиган яхшилик қилиш, эзгуликка интилиш фазилатлари;
- 5) ўзаро муносабат вақтида пайдо бўладиган ғамхўрлик, ишонч, ҳурмат, самимият, раҳмдиллик ҳиссиётлари.

Ички ишлар органлари ходимларининг ахлоқий ҳиссиётлари жамият ривожига қуйидаги муҳим вазифаларни бажаради:

биринчидан, улар кишилар томонидан содир этилган ахлоқий хатти-ҳаракатларга жамоат томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ахлоқий норма, принцип ва қонун-қоидалар нуқтаи назаридан баҳо беради, улардаги ижобий ва салбий ахлоқий қадриятларни, инсоннинг уларга муносабатини кўрсатиб беради;

иккинчидан, ахлоқий хиссиётлар одамлар ўртасидаги муносабатларни бошқарувчи ҳамда шахсийлик билан ижтимоийликни ўзаро уйғунлаштирувчи восита вазифасини ўтайди;

учинчидан, ахлоқий ҳис-туйғулар туфайли қоидалар, нормалар, принциплар инсоннинг ишонч-эътиқодига айлана боради, бу эса, ўз навбатида, инсоннинг ижодий фаоллигини оширишга хизмат қилади;

тўртинчидан, ахлоқий хиссиёт нафақат бошқариш, уйғунлаштириш вазифаларини, балки шахснинг ўзлигини англаш, ички имкониятларини ҳар томонлама ривожлантириб, воқеликка айлантириш воситаси вазифасини ҳам бажаради.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, ахлоқий хиссиётлар бўлмаса, шахслар ўртасида чин маънодаги ахлоқий муносабатлари ҳам бўлмайди. Чунончи, ахлоқий хиссиётлар инсондаги ижтимоийликнинг ички кўриниши бўлиб, уларни янада тўлақонли шакллантириш ахлоқий тарбиянинг энг муҳим вазифаларидан бир ҳисобланади.

Назарий - ақлий даражадаги ахлоқий онг норма, принцип, қоида ва ғоялар шаклида бўлади.

Ахлоқий амалиёт.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқи асосларидан бирини ходимларнинг ахлоқий амалиёти ташкил этади. Маълумки, ҳар бир фаолиятда аниқ бир мақсадни кўзлаб, тегишли воситалар, усуллар орқали ҳаракат қилинади ва маълум натижаларга эришилади. Демак, мақсад восита ва натижалар инсон фаолиятнинг, жумладан, *ахлоқий амалиётининг таркибий қисмлари* ҳисобланади.

Ҳар бир амалий фаолият бирон-бир мақсадга хизмат қилади, яхшилик ёки ёмонлик, адолат ёки разолат, самимият ёки ғаразгўйлик каби ахлоқий баҳога эга бўлади. Бу эса ҳар қандай мақсаднинг ахлоқий мазмунга эгалигидан дарак беради. Мақсадсиз фаолият бўлмагиндек, ахлоқий мазмунсиз мақсад ҳам бўлмайди.

Яхши ёки ёмон, адолатли ёки разолатли, самимий ёки ғаразли мақсадлари маълум в о с и т а л а р орқали амалга оширилади. Уларни, ахлоқий мазмунига кўра, қўлланиши мумкин бўлган ёки мумкин бўлмаган воситаларга ажратиш мумкин. Масалан, терговчи жиноятни очиб адолатни қарор топтириш мақсадида, бир томондан қўлланиши мумкин бўлган, инсонийликка мос келувчи ишонч, ўзаро хурмат, хушмуомалалик, самимият каби воситалардан: иккинчи томондан, аксинча, қўлланиши мумкин бўлмаган ғайринсоний, ғайриахлоқий воситалардан, яъни кўрқитиш, рухий тазйиқ ўтказиш, таъқиб қилиш, ҳақоратлаш, уриш кабилардан ҳам фойдаланиши мумкин. Бу мақсадни амалга оширишда қўлланиладиган ҳеч бир восита ахлоқий мазмунсиз бўлмаслигини кўрсатади.

Мақсадлар воситалар орқали амалга оширилар экан, бирон-бир аниқ н а т и ж а л а р н и ҳам беради. Олинган натижаларнинг ахлоқий мазмуни кишилар орзу-умидларининг рўёбга чиқишга ёрдам берувчи яхши ёки ёмон, қулай ёки ноқулай бўлган оқибатларни келтириб чиқариш билан тавсифланади.

Мана шу уч томоннинг ўзаро бирлиги ахлоқий амалиётнинг мазмунини ташкил қилади. Шунинг учун ахлоқий амалиёт баъзан амалда намоён бўладиган ёки амалий ахлоқ деб қам аталади.

Ахлоқий муносабатлар.

Ижтимоий муносабатларнинг таркибий қисмларидан бири сифатида ахлоқий муносабатлари жамият ҳаётида ўзига хос ўринлардан бирини эгаллайди.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий муносабатлари деб уларнинг аҳоли гуруҳлари, меҳнат жамоаларида амал қиладиган, қонунларда, буйруқларда ўз ифодасини топган ва ахлоқ нормалари билан чегараланган алоқалари, боғланишлари, таъсир ва акс таъсирлари, бошқаришлари ва кўриқлашларининг айтилади.

Ички ишлар идоралар ходимларининг ахлоқий муносабатларини, улар муносабатга киришадиган объект турига кўра, уч катта гуруҳга ажратиш мумкин.

Б и р и н ч и г у р у ҳ г а ички ишлар идоралар ходимлари фаолиятининг объектини ташкил этувчи қуйидаги шахслар билан бўладиган ахлоқий муносабатлар киради:

-ҳар хил тоифадаги қонунбузарлар;

-ҳуқуқ-тартиботни бузишга мойил бўлганлар, яъни қонун бузилишининг олдини олиш фаолиятини объекти бўлганлар;

-ҳеч қандай ҳуқуқий тартибни бузмасдан, ички ишлар идорларига муурожаат қилган фуқаролар;

-жабрланувчилар, бевосита гувоҳлар, холислар;

-қамоқ жазосини ўтаётганлар;

-қамоқ жазасини ўтаётганларнинг оиласи, қариндош-уруғлари;

-мансабдор шахслар;

-чет эл фуқаролари ва х.к.

И к к и н ч и г у р у ҳ г а ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида юзага келадиган ахлоқий муносабатлар кириб, улар 1) бошлиқлар а ва буйсунувчилар, катталар ва кичиклар; 2) хизмат лавозимлари ва унвонлари тенг бўлган ходимлар ўртасидаги мулоқатлардан ташкил топади.

У ч и н ч и г у р у ҳ г а ички ишлар идоралари ходимларининг бевосита ўз хизмат вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда, яъни оилада, турмушда, хуллас, хизматдан бўш вақтларида юз берадиган ахлоқий муносабатлари киради.

Ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлар.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий муносабатлари бевосита уларнинг ҳуқуқий муносабатларидан намоён бўлади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий муносабатлари деб уларнинг қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ва бурчларини амалга ошириш юзасидан

барча фуқаролар билан бўладиган алоқаларига айтилади. “Бинобарин, ҳуқуқий муносабат, биринчи навбатда, юридик нормаларни амалга оширишнинг, ҳуқуқ амал қилишининг натижасидир. Айнан ҳуқуқий муносабатлар орқали ҳуқуқ “яшайди”, амал қилади”¹.

Шундай экан, ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлари ўзаро узвий бирликда бўлиб, бу бирлик, ахлоқ ва ҳуқуқнинг, биринчидан, ички ишлар идоралари ходимлари билан жамият, давлат ўртасидаги ўзаро манфаатлари нисбатини тўғри белгилаши ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий муносабатлари ҳамда ҳуқуқий муносабатларининг тенглик принципи ўртасида уйғунликни таъминлаган ҳолда, ҳар бир фуқаронинг миллати, ирқи ижтимоий келиб чиқиши эгаллаб турган мавқеидан қатъи назар, уларга нисбатан бир хил талаблар қўйишида; тўртинчидан ички ишлар идоралари ходимларининг ҳар бир фуқаронинг хулқ-атворини баҳолашда асосий мезон -адолат принципининг талаблари асосида ёндашишида; бешинчидан ахлоқий ва ҳуқуқий тарбиянинг энг мақбул воситаларидан бири бўлган ишонтириш усулидан кенг фойдаланишларида яққол кўринади.

Айни вақтда ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлар ўртасида муайян фарқ ҳам мавжуддир, бу эса қуйидагилардан иборатдир:

1. +уқуқий муносабатлар давлат томонидан, ахлоқий муносабатлар эса жамоатчилик томонидан эътироф этилади ва ўрнатилади.
2. +уқуқий муносабатлар давлатнинг мажбурловчи кучи томонидан қўриқланса; ахлоқий муносабатлар эса ҳар бир инсоннинг ички эътиқоди, иймони ҳамда жамоатчилик фикри ва унинг таъсир кучи томонидан муҳофаза қилинади.

¹ Таджиханов У., Саидов А. +ушущий маданият назарияси. Дарслик. 2 томли Т. 1. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998 - 38-б

3. +укукий муносабатлар давлат томонидан чиқарилган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда ўз аксини топса, ахлоқий муносабатлар эса кўпинча “ёзилмаган қонунлар” шаклида бўлади.
4. +укукий муносабатлар қонунда белгиланган ҳуқуқ ва бурчлар орқали бошқариб турилса, ахлоқий муносабатлар эса кўп ҳолларда умуминсоний қадриятлар асосида тартибга солиб турилади.
5. +укукий муносабатларни бузганлик учун давлат мажбурлов чоралари кўрилса, ахлоқий муносабатларни бузганлик учун эса жамоат таъсири кўрсатилди.

Ахлоқий муносабатларни ҳуқуқий муносабатларга мутлақо қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Чунки улар ўзаро узвий бирликда бўлиб, бир-бирларини тўлдирди. Бу бирлик ахлоқий муносабатлар талабининг ҳаёт синовларидан ўтиб, ҳуқуқда ўз аксини топганлигида ҳамда ҳар қандай ҳуқуқий муносабатларнинг чуқур халқчил ҳаётидан ўрин олишида намоён бўлади.

Умуман олганда, ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлар ўз мазмунига кўра икки хил - бошқариш ва кўриқлаш вазифаларини ўтайди. Ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлари учун умумий бўлган жиҳат она Ватанга, давлатга, халққа унинг урф-одатларига, анъаналарига, маънавий-маданий, ҳуқуқий қадриятларига содиқ бўлган ҳолда мамлакатда озодлик ва ободликни, адолатни тенгликни, қонун устуворлигини, инсонпарварликни, халқлар ўртасидаги дўстликни қарор топтиришдан иборатдир.

Касб ахлоқининг соҳалари. Ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолияти ниҳоятда хилма-хил бўлади. Улар, асосан, жиноят содир этиб, тергов ва суддан яшириниб юрган маққумларни, бедарак йўқолганларни қидириб топиш; жазога ҳукм этилганлар ахлоқини тузйтиш ва уларни қайта тарбиялаш; озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатишган шахсларнинг ишга жойлашишга ва турмушда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш; корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва бошқа объектларни ҳамда фуқароларнинг

уйларини ва мол-мулкини кўриқлаш; йўл ҳаракати қоидалари ва транспорт воситаларининг техник аҳволини назорат қилиб туриш; ёнғин назоратини амалга ошириш; паспорт тизими талабларининг бажарилишини таъминлаш; ўта хавфли давлат жинойтчиларига қарши кураш каби ишлар билан шуғулланадилар.

Шунга кўра, ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқини қуйидаги соҳаларга ажратиб ўрганиш мумкин:

-жинойт қирув органи оператив вакилининг ахлоқи;

-ички ишлар идоралари терговчисининг ахлоқи;

-ички ишлар идоралари участка вакилининг ахлоқи;

-давлат автомобиль назорати ходимнинг ахлоқи;

-пост-патруль хизмати ходимнинг ахлоқи;

ёнғинга қарши қарувчи ходимнинг ахлоқи;

-босқинчилик, коррупция ва рэкетга қарши курашувчи ходимнинг ахлоқи ва х.қ.

Табиийки, ушбу хизматлар ходимлари касб ахлоқининг умумий ҳамда махсус норма ва талаблари мавжуддир.

Касб ахлоқининг хусусиялари. +ар қандай касб ахлоқида бўлгани каби ички ишлар идоралари ходимлари касб ахлоқининг ҳам ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Ушбу хусиятлар қуйидагилардан иборат.

1.Ички ишлар идоралари ходимларига қуйиладиган ахлоқий талаблар ҳуқуқий асосга эга бўлади, яъни улар қонунлар, низомлар ва йўриқномалар тарзида жазога, ғайриқонуний иш кўрганлар эса жинойий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

2. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқи, аввало, жасурлик, адолат ва садоқатга, ҳар бир ишга беғараз ва холис ёндашишга асосланади. Жинойтчиликка қарши курашиш, бошқа касблардан фарқли ўларок, ходимдан жасурлик, шижоат, топқирлик каби бир қатор юксак ахлоқий

ҳислатларга эга бўлишни талаб қиладики, бундай хислатларга эга бўлиш бошқа касбдагилар учун унчалик зарурий ҳол ҳисобланмайди.

3. Ички ишлар идоралари ходимлари касб ахлоқининг нормалари инсоннинг кадр-қийматини ҳурмат қилиш ва қонунни бузганларга нисбатан инсоний муносабатда бўлишга асосланади, яъни умуминсоний ахлоқ нормаларини ўзида акс эттиради.

Тўғри, ички ишлар идораларнинг ходимлари хизмат заруриятидан келиб чиқиб, ҳамда давлат ва хизмат сирини сақлаш учун жиноят қидирув ишлари давомида йўриқномаларда кўрсатилган талаблар бўйича ёлғон гапларни, баъзи бир комбинацияларини ишлатишлари мумкин. Аммо улар бу билан ҳақиқатга ҳилоф иш қилмайдилар, балки адолатни қарор топтириш учун хизмат қилган бўладилар.

4. Ички ишлар идораларининг ходимлари ҳокимият ва қонун вакили сифатида иш кўрар экан, уларнинг ахлоқи нуфузлилиқ ва тарбиявийлиқ хусусиятларига эгадир. Ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий нуфузи қанчалиқ юқори бўлса, халқнинг давлатга, қонун кучига ишончи ҳам шунчалиқ кучли бўлади ва аксинча.

Ички ишлар идораларининг ходимлари ўз табиатига кўра тарбиячидирлар, яъни жиноятнинг олдини олиш, оилавий жанжалларни ижобий ҳал этиш, вояга етмаган болалар билан ишлаш, жамиятга зарар етказувчи бошқа ҳар қандай зараркунандалар билан тарбиявий ишларни олиб бориш ички ишлар ходимлари кундалиқ иш фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий анъаналари ва урф-одатлари, хизмат хусусиятлари, норматив ҳужжатлар ва жамоатчилик фикри улар касб ахлоқининг асосий манбалари бўлиб хизмат қилади.

Касб ахлоқининг ваизфалари. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқи қуйидаги вазифаларни бажаради;

1. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқи уларнинг ўз хизмат вазифаларини муваффақиятли бажаришларига кўмаклашади.

2. Касб ахлоқи Ички ишлар идоралари ходимларини ахлоқий жиҳатдан тарбиялаб, уларда шижоат, жастурлик, адолат ва интизомлилик каби фазилатларини шакллантиради. Ушбу ахлоқий хислатлар эса хизмат вазифасини бажариш, жинойтчилика қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш учун ахлоқий восита ҳисобланади.

3. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқи ички ишлар идораларининг манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғунлаштириб туради.

4. +укуқий демократик давлатни бунёд этиш ички ишлар идораларидан жамоатчилик билан доимий ҳамкорлик қилишни тақозо этади. Ички ишлар идоралари ходимлари ўз бурчларини бажаришлари учун доимо ҳалққа таянишлари зарур, халқнинг қўллаб-қувватлашисиз ҳеч қачон жинойтчиликнинг пайини қирқиш мумкин эмас.

5. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқи уларнинг хизмат қийинчиликлари туфайли касбий таназзулга учрашларининг олдини олишга хизмат қилади.

3-§ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИНИНГ ТАЪРИФИ, МО+ИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси билан бир қатор да уларнинг эстетик маданияти ҳам мавжуддир.

Эстетика ва унинг таърифи. Табиат ва жамиятдаги мавжуд нарсаларга, воқеаларга, ҳодисаларга назар ташласак, уларнинг барчасида ажиб мукамаллик, мутаносиблик, латофат, нафислик мужассамлашганлигининг

гувоҳи бўламиз, буларнинг ҳаммаси инсонни завқлантиришни, унга қандайдир ором ва маънавий куч бахш этишини кўрамиз. Ана шу завқ-шавқ, ором ҳамда маънавий куч берувчи нарсаларнинг барчаси нафосат дунёсига мансуб қадриятлар жумласига киради.

Нафосат дунёси ҳақида эса эстетика фани баҳс юртиади. “Эстетика” сўзи юнонча “эстетикос” сўзидан олинган бўлиб, “сезиш”, “ҳис этиш қобилияти” деган маънони янглатади. Уни биринчи марта 1714-1762 йилларда яшаб ўтган олмон файласуфи Александр Баумгартен ўзининг фалсафий мулоҳазалар” китобида фанга категория сифатида киритган.

Хўш, эстетика деганда нимани тушунамиз? “Эстетика кундалик турмушимизда кўпинча нарса ва ҳодисаларнинг ранг-туси ва шаклидаги мукаммалик, мутаносиблик, латофат каби сифатларнинг мажмуи разида тушунилади. Фанда эса “эстетика” сўзи категория, яъни объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг гўзал, улугвор, қаҳрамонона томонларини ўзида акс эттирувчи фалсафий тушунча, инсоннинг воқеликка эстетик муносабатларининг мажмуи деб таърифланади. Шунга кўра, у ижтимоий онг шаклларида бири ҳисобланади. Инсоннинг ҳар қандай фаолиятида ахлоқий мақсад бўлгани сингари, эстетик манба-севинч ва ташвиш, орзу-умид, кулгилилик, фожиалилик ҳам мавжуд бўлади. Бундай ҳолатларни ички ишлар идоралари ходимларининг фаолиятида ҳам кузатишимиз мумкин.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касб эстетикаси уч таркибий қисмдан: эстетик муносабат, эстетик онг ва эстетик фаолиятдан ташкил топади.

Эстетик муносабат. Ички ишлар идоралари ходимларининг эстетик муносабати деб воқелик ҳодисаларини гўзал ёки хунук, юксак ёки паст, фожиали ёки кулгили, қаҳрамонлик ёки кўрқоқлик деб баҳолаш қобилиятларига айтилади. Эстетик муносабат объектив ва субъектив томонлардан ташкил топади, яъни у субъектив билан объект ўртасидаги ўзига хос алоқалар шаклида намоён бўлади. Бунда эстетик муносабатларнинг

объектив томони, аниқроғи эстетик объектини инсоний алоқалар ва муносабатларга киришган, бевосита идрок этиш объектига айланган, одамларнинг эстетик эҳтиёжларини қондиришлари хизмат қиладиган воқеликнинг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган хилма-хил кўринишлари ташкил этса, эстетик субъектини эса эстетик ҳис-туйғу, кечинма, дид ва идеалларга эга бўлган шахс ёки гуруҳ ташкил этади.

Эстетик онг. Ички ишлар идоралари ходимларининг эстетик онги деб уларнинг воқеликни акс эттирувчи ҳис-туйғу, кечинма, дид ва идеалларининг мажмуига айтилади. Эстетик онг - эстетик ҳис-туйғулар, эстетик дид, эстетик орзу, эстетик қарашлар ва назариялардан ташкил топади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг *эстетик ҳис-туйғуларини* воқеликни идрок этиш шароитида ҳосил бўладиган шодлик, хайратланиш, ажабланиш, роҳатланиш, лаззатланиш, эҳтиром, завҳ-шавҳ, нафрат каби эҳтирослар, ҳиссиётлар, тушунчалар ташкил этади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг *эстетик диди* деганда, уларнинг бевосита ҳис-туйғу билан ҳодисаларнинг эстетик қимматини аниқлаш, яъни гўзалликни хунукликдан, улуғворликни пасткашликдан, қаҳрамонликни кўрқоқликдан кулгилиликини фожиавйликдан фарқ қилиш қобилиятлари тушунилади. Шунга кўра, кимда-ким гўзалликдан завқланса, унинг эстетик диди яхши бўлади ва аксинча, гўзалликка бепарво бўлса ёки хунукликдан лаззат олса, унинг эстетик диди ёмон бўлади. Эстетик дид шахснинг мавжуд воқеликдан қониқиши ёки қоникмаслигидир.

Ички ишлар идоралари ходимларининг *эстетик орзуси* деганда эса, уларнинг нафақат мавжуд воқеликни инъикос эттириши, балки унинг келажаги тўғрисидаги тасаввурлари, умидлари ва майлларининг мажмуаси тушунилади.

Эстетик назария объектни бутунича қамраб оладиган принциплар, қарашлар, тушунчалар, қоидалар, ақидалар, билимлар тизимидан иборат бўлиб, улар мантиққа, муайян фалсафий қарашларга асосланган бўлади.

Эстетик фаолият. Ички ишлар идоралари ходимлари эстетик фаолиятининг асослари уларнинг муайян талаб ва фаолиятнинг барча соҳаларини қамраб олади. Шунга кўра “меҳнат эстетикаси”, “ишлаб чиқариш эстетикаси”, “турмуш эстетикаси”, “спорт эстетикаси” кабилар фарқланади. Улар кишиларнинг завқ-шавқ билан ҳалол меҳнат кишиларига кўмаклашади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг эстетик фаолият уларнинг юриш-туришларида ўз хизмат хоналарини жиҳозлашларида, табиий оламга ва кишиларга муносабатларида яққол намоён бўлади.

Эстетик фани. Эстетик онг, эстетик муносабат, эстетик фаолият, эстетик тарбия, санъат масалаларини ўрганиш билан бевосита эстетик фани шуғулланади.

Эстетика- гўзаллик олами, санъат ва бадиий ижод қонуниятларини ўрганувчи ва ўргатувчи фан.

Ана шу умумий таърифдан келиб чиққан ҳолда Ички ишлар идоралари ходимларининг касб фаолияти эстетикасига фан сифатида қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касб фаолияти эстетикаси деб уларнинг воқеликка эстетик муносабатда бўлишлари орқали ўзаларининг хизмат фаолиятларини нафосат қонунлари, принциплари, воситалари асосида ташкил этишларини ўрганиш ва ўргатишга айтилади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касб эстетикаси қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) Ички ишлар идоралари ходимларининг оламини гўзаллик қонунлари асосида яратиши, ўзгартириши ва қайта қуришга кўмаклашиш;

2) гўзаллик, қаҳрамонлик ва улуғворликни уларнинг антиподи бўлган хунуклик, кўрқоқлик ва пасткашликдан ажрата билиш;

3) нафосат қонунлари, принциплари асосида эстетик тарбия ишларини ташкил қилиш.

Эстетика билан этика доимо диалектик бирликдадир. Инсон фаолиятидаги ҳар бир хатти-ҳаракат гўзал бўлганлиги учун ҳам яхшидир, кадр-қимматлидир. Яъни ахлоқийдир ва аксинча содир этилган ҳар бир яхши, адолатли иш, хатти-ҳаракат нафосатлидир. Шунинг учун ҳам буюк рус нафосатшунос олими В.Г.Белинский “гўзаллик-ахлоқ-одобнинг туғишган синглизидир” деган ҳақ эди.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти фанининг таърифи ва вазифалари. Ички ишлар идоралари фаолиятидаги ахлоқийлик ва эстетикавийликнинг ўзаро бирлигидан келиб чиққан ҳолда, ўрганаётган фанимизга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданият - умуминсоний ахлоқ қонунлари, принциплари ва нормаларини, шунингдек, эстетик кадриятларни ходимларнинг жинойтчиликнинг олдини олиш, жинойтчиликка қарши кураш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда хизматдан ташқари вақтлардаги фаолиятларида қўллаш ва уларга ахлоқий тарбия бериш, эстетик маданиятини шакллантиришнинг қонуниятлари, усуллари, йўлларини ўрганадиган ва ўргатадиган назарий-фалсафий, амалий-ҳуқуқий фан.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданият фани қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) билиш, яъни одамлардаги яхши ва ёмон, ахлоқий гўзал ёки хунук хислатларни англаб олиш асосида воқелик тўғрисида муайян билимларни ҳосил қилиш;

2) баҳолаш, яъни ҳар бир одамнинг, жамиятнинг талаб-эҳтиёжларидан, манфаатларидан келиб чиққан ҳолда кадриятларни баҳолай олиш ва шу асосда янги кадриятлар тизимининг келгусидаги истиқболларини белгилаб бериш;

3) *бошқариш, тартибга солиш*, яъни одамлар ўртасидаги муносабатларни жамият томонидан ўрнатилган ахлоқий нормалар асосида тартибга солиш, бошқариш;

4) тарбиялаш, яъни ахлоқ ва нафосат қонунлари асосида ходимлари она Ватанга, ўз касбий бурчига, эстетик орзу-умидларига садоқатли қилиб тарбиялаш, уларнинг ахлоқий ва эстетик маданиятини шакллантириш ишларини ташкил қилиш.

Умуман олганда, бугунги уқндаги ахлоқ-одоб, нафосат, маънавият соҳасидаги асосий вазифа, И.А.Каримов таъкиддаганидек, “ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ғаётининг маъноси қобил фарзандларни ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир”¹

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Ахлоқшунослик ва нафосатшунослик фанлари нималар ҳақида баҳс юритади ва қандай вазифаларни бажаради?

2. Касб ахлоқи ва эстетик фаолияти деганда нимани тушунасиз ва у жамият ривожига қандай ўрин тутатади?

3. Ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий ва эстетик фаолияти қандай таркибий тузилишларга эга?

4. Ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқ муносабатларига нималар киради?

5. “Этика” ва “эстетика” сўзларининг луғавий маъноларини айтиб беринг?

“Ўзбекистон Республикаси ички идоралари ходимларининг касб одобномаси” ва “Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тингловчиларининг Ахлоқ кодекси”ни ўқинг ва ёд олинг.

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан шолсин. Т. 2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - 208-б.

II боб

+УҚУҚНИ МУ+ОФАЗА ҚИЛУВЧИЛАР КАСБ АХЛОҚИ +АМДА ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИГА ДОИР ФИКЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

+уқуқнинг пайдо бўлиши билан уни амалга оширувчилар, кейинчалик эса бир бутун ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар тизими юзага келган. +озирги кунда ахлоқ ва эстетик тафаккурнинг келиб чиқиши, ривожланишини ўрганиш ва тушунтиришда икки хид, яъни формациявий ёндашув жамият ривожланишини беш асосий босқичга: ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодал, капиталистик, коммунистик тузумларга бўлиб ўрганишга чақиради. Шунга кўра, ахлоқ ва эстетик тафаккур ҳам бир-бирларига қарама-қарши бўлган қул ва қулдор, деҳқон ва феодал, пролетар ва буржуазия ахлоқи ва эстетикасига ажратилади. Синфий кураш давомида мазлумлар ахлоқи ва эстетик қарашлар ғолиб чиқади, деб ўқтирилади.

Ахлоқ ва эстетик тафаккур тарихини синфий кураш ғоясига асосланган ҳолда ўрганадиган бўлсак, уни ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодал, капиталистик, коммунистик тузум даврлари ахлоқи ва эстетикаси босқичларига бўлишимиз керак бўлади.

Ибтидоий жамоа тузуми давридаги ахлоқ ва эстетик тафаккур-уларнинг уруғчилик хусусияти, синфий эмаслиги, қўполлик; қулдорлик тузуми давридаги ахлоқ ва эстетик тафаккур-ижтимоий онг шаклини олганлик,

синфийлик, ифодкорлик; феодал тузумидагисига дин билан бирлашиб кетганлик, табақаларга боғланиб қолганлик; капиталистик тузум ахлоқи ва эстетик тафаккурига - индивидуализм, хусусий мулкнинг ахлоқий ва эстетик қадриятга айланганлиги; коммунистик тузум ахлоқи ва эстетик тафаккурига - пролетар ахлоқи ва эстетик тафаккурининг ғалаба қилганлиги хосдир.

Синфий кураш ғоясига асосланган формациявий ёндашувдаги асосий хато бир бутун халқнинг, миллатнинг ахлоқини снъий равишда икки қарама-қарши томонга ажратиб талқин этишдан иборат. Шунинг учун ҳам биз бундай қарашлардан ва ёндашувлардан воз кечамиз, уни мустабит замон мафкурасининг қолдиғи деб ҳисоблаймиз.

Цивилизациявий ёндашув эса ҳар бир халқнинг ва миллатнинг тарихий макон ва замондаги муайян ўрни борлигини эътироф этган ҳолда ахлоқ ва эстетикани синфий қарама-қарши томонларга ажратмасдан, қандай бўлса шундайлигича ўрганиш зарурлигини уқтиради. Бу ёндашувга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчиларнинг ахлоқи ва эстетик тафаккури тараққиётини антик давр, ўрта асрлар даври, янги давр ва энг янги даврлардан иборат асосий босқичларга бўлиб ўрганишни энг мақбул принцип деб қисоблайди.

1-§. +УҚУНИ МУ+ОФАЗА ҚИЛУВЧИЛАР КАСБ АХЛОҚИ ВА ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИГА ДОИР ҚАРАШЛАР ТАРИХДАН

Кишилиқ жамиятининг илк даврларида инсонларнинг турли касб ва ҳунар эгаларининг, табақаларнинг, синфларнинг ҳақ-ҳуқуқларини асосан подшолар, вазилар, лашкарбошилар, уруғ ва қабила оқсоқоллари ҳимоя қилганлар. Шунинг учун ҳам қадимги давр мутафаккирлари уларнинг ахлоқий фазилатлар тўғрисида ниҳоятда қимматли фикрларни билдирганлар ва ёзиб қолдирганлар.

Булар тўғрисидаги дастлабки ахлоқий таълимотлар қадимги Шарқ мамлакатлари-Миср, Бобил, Фаластин, Хитой, +индистонда ва Марказий Осиёда юзага келган.

Қадимги Мисрда касб ахлоқини ёритувчи пандномалар яратилиб, уларда одоб қоидаларини билишнинг афзалликлари кўрсатиб ўтилган. Уларда масалан, мўътадиллик ва камтарлик одобли одамнинг энг гўзал фазилатлари деб қаралган.

Бундай брахманизм, жайнизм, буддизм ҳамда қадимги Хитойда шаклланган конфуцийлик, даосизм таълимотларида ҳам кўплаб учратиш мумкин.

Ахлоқ ва нафосат тўғрисидаги бирмунча аниқ ифодаланган қарашларни қадимги Греция ва Рим (эр. Ав VII-VI асрлар)да кўриш мумкин.

Сукрот. Сукрот (Сократ) эрамиздан олдинги 469-399 йилларда яшаб ўтган юнон файласуфи бўлиб, касб ахлоқи ва эстетик тафаккури тўғрисида бирмунча оқилона фикрларни баён қилган. Масалан, унинг фикрича, жастурлик айни вақтда доноликдир, яъни хавф-хатарни ва хавфсизликни ўз вақтида билиб, англаб олишдир.

Мардлик кўркувни даф қилишни, донолик қонунларига риоя қилишни, мўътадиллик ўз ҳиссиётларига эрк бермасликни, адолат яхшилик қилишни англатади.

Сукрот ўзининг эстетик қарашларида гўзаллик коитотдан инсон турмушига, унинг ички кечинмаларига кўчирилганлиги, эстетик тасаввурнинг нистийлиги тўғрисидаги ғояларни илгари суради.

Афлотун. Афлотун (Платон) эрамиздан олдинги 427-347 йилларда яшаган юнон файласуфларидан бўлиб, ўзининг “Далат”, “Сиёсатчи” ва “Қонунлар” номли асарларида ахлоқ ва эстетик тафаккур ҳақидаги қарашларини баён этган. Афлотунинг фикрича, оламнинг асосида “ғоялар дунёси” ётади. Энг олий ғоя яхшилик, бахт ғояси - худодур.

Афлотун ўзининг “идеал давлат

ҳақидаги ғояларини илгари сураб экан, ундаги яхши фазилатли одамларнинг касб-ҳунар ахлоқи тўғрисида ҳам жуда кўп қимматли фикрларни билдиради. Масалан, унинг фикрича, ҳар бир одам ўз ишини қилиш керак, бошқаларнинг касби соҳасидаги ишларига аралашмаслиги зарур; идеал давлатни бошқарувчи шахс тўрт яхши ҳислатга донолик, жасурлик, мувозанатни сақлаб туриш, одиллик каби ахлоқий фазилатларга эга бўлиши керак.

Афлотун ўзининг фалсафий қарашларида эстетикани гўзаллик, санъат фалсафаси тарзида талқин этади, унинг ёритиб турувчилик кучи гўзалликни кашф этади, уни фақат ҳис-туйғу билан эмас, балки ақл-идрок орқали англаш мумкин, деб ҳисоблайди.

Арасту. Арасту (Аристотель) эрамиздан олдинги 384-322 йилларда яшаган энг буюк юнон мутафаккирларидан биридир. У ўзининг “Никомах этикаси”, “Евдем этикаси”, “Қатта этика” ва “Сиёсат” номли асарларида ахлоқий тушунчаларни таҳлил қилиб, улардаги умумийликни топишга ҳаракат қилади, этика тушунчаларининг илмий таснифини ишлаб чиқади.

Арасту ўзининг “Сиёсатчи” номли асарида ахлоқнинг жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб: “Табиат инсон кўлига қурол тескари томонга нисбатан ҳам ишлатиши мумкин; шу сабабли ахлоқий таянчлари бўлмаган одам энг инсофсиз ва ёввойи, ўзининг жинсий ва дид майлларида энг тубан мавжудот бўлиб қолади”¹ -деб ёзган эди.

Арасту фикрича, инсоний фазилатлар ҳаётда тўғри йўл топиш, яшиликнинг маконини аниқлаб олишдир. Барча ахлоқий фазилатлар - адолат, дўстлик, муҳаббат, мардлик, сахийлик ва бошқалар фақат инсон фаолиятида намоён бўлади. Одам адолатли ишларни бажариш билан адолатли бўлиб боради, мардона ҳаракатларни амалга ошириш орқали мард бўлиб боради.

¹ Асмус В.Ф. Античная философия.- М.: Высш школа, 1976- 363-б. (Бу жойда ва бошқа ыринларда келтирилган кычирма гаплар таржимаси бизники - Н.М.).

Арасту ўзининг эстетик қарашларини баён қилишда, нафосат асосини моддий дунёдаги нарсалар ташкил қилади, нафосат ва шу нарсаларнинг тартиблилик, аниқлик, уйғунлик, яхлитлик хоссаларида намоён бўлади, деган бир қатор ижобий фикрларни олға суради.

Арсту ҳуқуқни муҳофаза этувчиларнинг касб ахлоқи ҳақидаги аниқ фикрларини ўз шогирди Александр Македонскийга қилган куйидаги насиқатларида баён этади:

“Эй Искандар, балки сен жиноятчини жазолашга буюриб, буни унинг қилган гуноҳи учун берилган жазо ёки унинг тўғри йўлга киришига сабаб бўладиган тадбир деб хаёл қиларсан. Агар шундай иш қилишга жазм қилган экансан, аввало ўз қалбингга мурожаат қилгин. Бунинг сабабини қалбингнинг ташқарисидан сиртқи қисмидан эмас, баоки тубидан, замиридан излаган. Жиноятчига жазо белгилашдан мақсадинг яхши ном чиқаришмиёки қаҳру ғазабингга таскин беришми, шуни аниқлагин. Агар бу ишда кўзлаган мақсадинг қасос олиш бўлса, билгилки, қаҳру ғазаб аччиқдир, аччиқ дарахт эса ширин мева бермайди. Агар жазони белгилашдан мақсадинг, сенинг нуқтаи назарингда ҳам, жиноятчи учун ҳам тузалиш бўлса, у ҳолда жиноятчини молу-мулкидан маҳрум этсанг ёки таҳдид қилиб, кўрқитсанг, бу сени аччиқ устидан ғазаб билан оғир жазолар белгилашдан халос этади.

Зиндонга ташлашнинг ўзигина етарли бўлган кимсага нисбатан шамшир ишлатиш ёки таҳдид, дўқ-пўписанинг ўзи кифоя қилган кишини зиндонга ташлаш лойиқу шойиста иш бўлмайди. Чунки бир хилдаги жиноятлар учун жазо белгилашда жиноятчилар ахлоқининг ҳар хиллигини назарда тутиш керак.

Билгил, агар ҳакамлик қилган чоғингда жазо белгилай туриб ҳаддан зиёда қаттиққўллик қалсанг ва белгилаган жазоларнинг ҳақиқатга хилоф бўлса, мақсадинг жиноятчини тўғри йўлга солиш бўлмаса, у ҳолда жазолаш орқали ўзингга етказган зараринг жазоланувчига етказган зарарингдан кўпроқ бўлади. Шундай бўлгач, қозилик қилганингда диққат ва синчковлик билан иш

тутгил, токи бегуноҳлар сенинг шамширинг ва қамчингдан ноҳақ балога гирифтор бўлмасин.

Жинойтини шамшир ва қамчисиз тузатиб бўлмайдиган одамлар сендан омонлик топмасин.

Ёлғондан сақлангил. Зеро, ёлғон нафснинг заифлигидан, фикрнинг сустлигидан ва кетини ўйламай иш қилишдан келиб чиқади.

Сен ҳирс ва таъмадан сақланишинг керак. Шаҳватни тарк этишда қуйидаги хикматни ёдда тутсанг сенга ёрдам беради. Билгил шаҳват ақлни емиради, фикрни қоронғулаштиради, шахснинг обрўига доғ туширади ва унинг буюк ишлар қилишга тўсқинлик этади.

Билгилки, адолат буюк ва кудратли худонинг ер юзидаги ўлчовидир. Унинг ёрдамида заиф бўлган ҳақ одам, кучли бўлган ноҳақдан ўз ҳақини олади. Кимки, аллоҳ бандлари орасида ўрнатган илоҳий адолат ўлчовини бузса ва ундан четлашса, катта нодонликлар қилиб, хатоликларга йўл қўяди”¹

Зардуштийликда ахлоқий ва эстетик қарашлар. Ахлоқий таълимотлар нафақат Қадимги Миср, +индистон, Хитой, Рим ва Грецияда, балки бининг ватанимизда ҳам жуда-жуда қадим замонлардаёқ пайдо бўлган. Илдизи қадим замонларга бориб тақаладиган ахлоқий таълимотлардан бири зардуштийликдир.

Зардуштийлик динининг асосчиси эрамиздан олдинги 589-512 йилларда яшаган Зардушт Спитама ҳисобланади. Бу диннинг муқаддас китоби “Авесто”дир.

Зардуштийлик динидаги ахлоқий-эстетик қарашларнинг асосини бир-бирига қарама-қарши ку бўлган яхшилик, яхшилик, ёруғлик, гўзаллик худоси Ахура Мазда ва ёмонлик, ёвузлик, пасткашлик худоси Ахриман ўртасидаги кураш ташкил этади.

¹ Арастуниг Искандарга наси=ати // Ызбека педагогикаси антологияси Икки жилдли. Ж.1. - Т.: Ыщитувчи, 1995.- 39-46-б.

Авестода ҳуқуқни ҳимоя қилувчиларнинг ахлоқий фазилатлари ҳақида қимматли фикрлар баён қилинади. Масалан, “Давлатни адолатли подшолар покиза қалб ва эзгу ниятлар билан бошқаларишлари керак. Золим подшоларнинг давлатни бошқаришларига йўл қўйманглар” (Ясна, Спетамадгат, 47-боб), “+ақиқат бахт-садат манбаидир. Бахт фақат ҳақиқатни севгувчи инсонгагина мансубдир” (Ясна, Муқаддима), “Адолат тантана қилиши, ёвузлик йўқ қилиниши керак” (Ясна, Спетамадгат 49-боб)¹. Бундай фикрларни Авестода кўплаб учратишимиз мумкин.

Зардуштийликдаги эстетик қарашлар Ахура Маздага хизмат қилувчи худолар ва уларнинг бажарадиган вазифалари орқали ифодаланган. Масалан, +уёш ва ёруғлик худоси Митра ер у кўкда кезиб, зулмат худоси Ахриман билан курашувчи улуғвор ва баҳодир йигит сифатида тасвирланса, ободончилик ва фароволик худоси бўлган Анахит нафис либос кийган гўзал аёл қиёфасида намоён бўлади. Хумо - бахт, толе ва давлат худоси. У боши, танаси ва қанотлари олтин, кумуш бўлиб, кимга соя солса, ўшанга бахт келтиради. Шунинг учун ҳам бу афсонавий кушнинг тасвири мамлакатимиз гербида ўз аксини топган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, қадимги мутафаккирлар ахлоқни одамни бахтга эриштирувчи восита деб билганлар, ахлоқнинг аниқ дунёвий асосларини топишга уринганлар.

¹ Щаранг: Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане.- Т.: Фан, 1976. - С. 50, 54-56.

2-§ МАРКАЗИЙ ОСИЁ УЙ/ОНИЙ ДАВРИ

МУТАФАККИРЛАРИНИНГ +УҚУҚНИ МУ+ОФАЗА ҚИЛУВЧИЛАР

АХЛОҚИ ВА ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИ +АҚИДАГИ ФИКРЛАРИ

Марказий Осиё Уйғониш даврининг хусусиятлари. Марказий Осиёда ислом дини VIII-IX асрларда уруш қилиш, зўрлик ишлатиш ва имтиёзлар яратиш йўллари билан жорий қилинган бўлса-да, кейинчалик у халқимизнинг иймон-этиқоди ва маданиятига айланиб қолди.

VIII-IX аср бошларида араб халифалигининг маданий марказлари бўлган Бағдод ва Дамашқ шаҳарларида илм-фан ривожига кучайиб кетди. Бунинг сабаби, бир томондан, қадимги Юнонистон мутафаккирлари (Аристотель, Гален, Гиппократ, Архимед ва ҳ.к.) илмий меросининг кириб келганлиги бўлса, иккинчи томондан, қадимги Хитой ва +индистон олимларининг асарлари орқали ушбу мамлакатлар фан ва маданиятининг кенг ёйилиши, уларнинг араб мамлакатлари, Сўғд, Хоразм, Хуросон каби ўлкаларда ривож топган фан ва маданият билан узвий равишда қўшилиб кетиши бўлди. Бу охири-оқибатда Шарқ Уйғониш даврининг бошланиши учун замин тайёрлади. Ана шу замин асосида Марказий Осиёда Бухорий, Термизий, Насавий, Хоразмий, Фарғоний, Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Розий каби бир қатор машҳур алломалар етишиб чиқдилар.

Марказий Осиё Уйғониш даврининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат эди:

1) дунёвий маърифатга интилиш, бу йўлда ўтмиш ва қўшни мамлакатлар фан ва маданиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш, айниқса, табиий ва ижтимоий фалсафий илмларни ривожлантириш;

2) табиатни билишга қизиқиш, табиатшунослик илмларининг ривожига, ақл кучига ишониш, асосий этиборни ҳақиқатни инсон тасаввури ва илмининг асоси деб ҳисоблаш;

3) инсонни, унинг ақлий, табиий, бадиий, маънавий фазилатларини улуғлаш, инсонпарварликни, юксак ахлоқий фазилатларни тараннум этиш, комил инсонни тарбиялашни мақсад қилиб қуйиш;

4) қомусий билим, барча нарсаларга қизиқиш ва ҳ.к.

Бу давр маданияти, илм-фани ўзининг ана шу хусусиятлари боис жаҳон маданиятининг ривожига хизмат қилди¹.

Марказий Осиёдаги Уйғониш даврини IX-XII асрларни қамраб олувчи биринчи ва XIV-XVI асрларни ўз ичига олувчи иккинчи босқичларга ажратиш мумкин.

Фаробий. Уйғониш даврининг биринчи босқичида ижод қилган Шарқ алломаларидан бири атоқли файласуф ва ахлоқшунос олим *Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ўзлуғ ибн Тархон Фаробийдир* (873-950). Шарқда “Иккинчи муаллим” деб тан олинган бу аллома ўзининг “Фозил одамлар шахри”, “Давлат арбобининг ҳикматлари”, “Бахт-саодатга эришув ҳақида” каби бир қатор асарлари билан ахлоқ илмини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган.

Фаробий касб ахлоқининг келиб чиқиши, хусусиятлари ва уни ҳаётга татбиқ этиш борасида қуйидаги ғояларни илгари суради: “Инсоннинг касб-ҳунар ва санъатдаги фазилатларига келсак, бу фазилат туғма эмасдир. Агар касб-ҳунар фазилати туғма бўлганда, подшоҳлар ҳам ўзлари истаб ва ҳаракат қилиб эмас, балки подшоҳлик фақат табиий равишда муяссар бўлган, табиат талаб қилган тиббий мажбурият бўлиб қолар эди. Назарий ва буюк фикрий фазилат, улуғ туғма фазилат ва касб-ҳунар фазилати одат-малака бўлиб қолган одамда бу фазилатлар иродани ҳосил қилишнинг ва одатга айлантиришнинг сабаби бўлади. Бундай одамлар чексиз ва жуд кучли табиат ва ирода эгаларидир. Халқларда ахлоқ, одоб, расм-русум, касб-ҳунар, одат ва иродани ҳосил қилиш учун инсондан зўр куч ва қудрат талаб қилинади. Бу икки йўл

¹ Шаранг: Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихдан лав=алар. - Т.: Ўзбекистон, 1995. - 10-11-б.

билан, яъни таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим сўз ва ўргатиш билан, тарбия эса амалий иш, тажриба билан бўлади”¹ .

Форобийнинг фикрича, ҳуқуқни, энг аввало, фозиллар шахрининг хокими ҳимоя қилади. Шунга кўра, *ҳокимнинг ахлоқий фазилатлари* ҳақида у шундай деб ёзади: “Ҳоким Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга бўйсунмаслиги керак. У табиатан ўн икки фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур. Булар:

биринчидан, ўта соғлом бўлиши, шу туфайли ҳокимлик вазифаларини осон бажариши лозим;

иккинчидан, нозик фаросатли бўлиб, фикрларни тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасавур қила олиши зарур;

учинчидан, у англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларини хотирасида тўла-тўқис сақлаб қолиши, барча тафсилотларини унутмаслиги зарур;

тўртинчидан, у зеҳни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинар-билинмас аломатларини ва у аломатлар нимани англатишини тез билиб, сезиб олиши зарур;

бешинчидан у фикрини равшан тушунтира олиши чиройли сўзлар билан ифодалай олиши зарур;

олтинчидан, у устозлардан таълим олиши, билим маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиш, ўрганиш жараёнида сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан қочмайдиган бўлиши зарур;

еттинчидан, таом ейишда, ичимликда, аёлларга яқинлик қилишда очофат эмас, аксинча, ўзини тия оладиган бўлиши, қимор ва бошқа ўйинлардан завқ, ҳузур олишдан узоқ бўлиши зарур;

саккизинчидан, у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур;

¹ Щаранг: +айруллаев М.М. Форобий.- Т.: Ўзбекистон, 1991 -70-71-б.

тўққизинчидан, у ўз қадрини билувчи ва номус-ориятли одам бўлиши, пасткашликлардан юқори турувчи, туғма олийҳиммат бўлиши, улуғ олий ишларга интилиши зарур;

ўнинчидан, у бу дунё молларига, динор ва дирҳамларга қизикмайдиган, мол-дунё кетидан қувмайдиган бўлиши зарур;

ўн биринчидан, у табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибдод ва жабр-зулмни, мустабид ва золимларни ёмон кўрувчи, барчани адолатга чақирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшилиқни ва ўзи суйган гўзалликларни раво кўрувчи бўлиши зарур; ўзи ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга мурасасиз бўлиши зарур;

ўн иккинчидан, ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, кўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги зарур”¹. Бу ўғитлар ўз аҳамиятини ва қадрини йўқотмайдиган, инсоният тафаккурининг олтин хазинасида жой олган “ақл гулшани” ҳисобланади.

Низомулмулк. Турон заминнинг Уйғоник давридаги йирик сиёсатчиларидан бири давлатшунос, ахлоқшунос олим Абу Али ибн Али Тусий-Низомулмулк (1017-1092) ўзининг “Сиёсатнома” асрида сиёсат ва ахлоқнинг узвий бирлигидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилувчиларнинг ахлоқий фазилатлари ҳақида бирмунча амалий аҳамиятга эга бўлган фикрларни баён қилади.

Низомулмулк ҳуқуқни муҳофаза қилиш ишлари билан энг аввало подшоҳ, сўнгра вазир, қози, ҳоким ва уларга кераклигини уқтириб ўтади.

Низомулмулк ҳақли равишда, ҳар қандай подшоҳ фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ишлари билан шуғулланар экан, у албатта: “ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додини

¹ Шаранг: Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаъри - Т.: Абдулла Щодирый номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. - 159-160-б.

бериб, жазолаъ ва раият сўзларини бевосита эшитиб бориши керак. Муҳим бўлган аризаларни қабул қилиб, ҳар бирига жавоб бериши лозим”¹ -деёди.

Иқтидорли ва доно сиёсатчи бўлган Низомулмулк ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаси учун ходимларни танлаш, уларни жой-жойига ҳўйиш, бажараётган ишлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳақида: “Мамлакат қозиларининг аҳволини тўла-тўкис билиши зарур ва улардан қайсилари олиму-зоҳид, камбағал, аммо камтамаъ бўлса, тарбия қилиб, шулар билан иш юритиш керак. Агарда шундай бўлмаса, уларни ишдан олиб, ўринларига бошқа лойиқ кишиларни қўядилар. Уларнинг ҳар бирига зарур даражада маош берадилар, токи хиёнат қилишларига хожат қолмасин. Чунки бу иш жуда ҳам нозикдир, улар мусулмонларнинг яхшию ёмонликлари устидан ҳукм чиқарадилар. Бу амални жоҳил ва нопок кишиларга ишониб бўлмайди. Агар бирон-бир ҳоким жаҳл ва зулм билан ҳукм чиқарса, подшоҳга маълум қилган ҳолда уни вазифасидан олиб, жазолаш керак”², - деган ғояни илгари суради.

Ўз замонасида мамлакат фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ишларига масъул бўлган вазир Низомулмулк давлат хизматчиси ҳисобланмиш жосуслар, соҳибхабар ва мунҳий (хабарчи)ларнинг давлатдаги ўрни, уларнинг касб ахлоқи ҳақида гапириб, бу иш билан шуғулланадиган кишилар холис бўлиб, ғараз билан иш тутмасинлар, чунки мамлакатнинг бошқа бирор киши уларнинг нима иш билан машғул эканликларини билиши мумкин эмас. Соҳибхабар ва мунҳий (хабарчи)ларнинг бўлиши подшоҳнинг адолатидан ва кучли тафаккуридан дарак бериб, вилоят ободонлигига қаратилган бўлади”¹ -деб ёзади.

Юқорида келтирилган фикрлар сиёсатчи, мутафаккир Низомулмулкнинг, биринчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчилар ўз фаолиятида давлатни мустаҳкамлаш учун ахлоқ ва сиёсатни қўшиб олиб боришлари; иккинчидан давлат уларнинг тўғри ва ҳалол ишлашлари учун барча

¹ Шаранг: Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. - Т.: Адолат, 1997. - 20-21-б.

² Ыша манба, 47-б

¹ Ыша манба, 69-70-б

шароитларни яратиб бериши, яъни улар маош, уй-жой, озиқ-овқат билан таъминланган бўлишлари; учинчидан, жосуслик одамларни бир-бирларига чақиш учун эмас, балки давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарурлигини чуқур англаб етганлигидан, уни давлат сиёсатининг ажралмас қисми деб билганидан дарак беради. Бу ғоялар эса ҳозирги кунда ҳам ўзининг амалий қийматини йўқотгани йўқ.

Марғинович. Шарқ Уйғониш даврининг машҳур ҳуқуқшунос, ахлоқшунос алломаларидан бири Бурҳониддин Ал-Марғинович (1123-1197) бўлиб, у мусулмон оламининг фани эришган барча билимларни эгаллаган, улуғ алломалардан сабоқ олган ҳамда бутун қилиш ва ҳаётга татбиқ этишга бағишлаган. У ўзининг ўлмас асари “+идоя” билан мусулмон олами олимлари сафидан жой олган мутафаккирдир.

Бурҳониддин Марғинович “+одоя” асарини 1178 йилда Самаарҳанд шаҳрида ёзган.

“+идоя” (арабча тўла номи “+идоя фи фуруъ алфиқх”, яъни фикх соҳалари бўйича қўлланма) - тўғри йўлни кўрсатиш, деган маънони англатади. Бу китоб 4 жилддан иборат ва 56 бобга бўлинган бўлиб, унда ислом маросимларининг асосий талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий қоидалари, хусусан, таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж қурбошлик; оила, никоҳ масалалари билан боғлиқ бўлган қоидалар батафсил ёритилган, ҳуқуқий қоидаларни бажармаганлик учун жазо чоралари белгиланган. “+идоя”да мулкӣ ва молиявий муносабатларга, жиноят ва жазо, фуқаролик ҳуқуқи, суд ва процессуал масалаларга кенг ўрин берилган¹.

Масалан, Бурҳониддин Марғинович ёзадики: Қасам уч турлидир: биринчиси - ғамус; иккинчиси - мунғақид; учинчиси - лағв. /амус қасам - бир ишни бир замонда “қилганман” ёки “қилмаганман” деб, қасддан ёлғон қасам ичишдир. Бундай қамас ичиш билан одам қаттиқ гуноҳкор бўлади, шунинг

¹ Шаранг: Саидов А., Тошшулов Ж. Ўзбекистон давлати ва ушшу тарихи. Ўшшув шылланма. - Т.: ИИВ Академияси, 1995.- 43-б.

учун ҳам пайғамбаримиз: “Ким ёлғондакам қасам ичса, уни Аллоҳ дўзахга хукм қилади”¹ -деб ёзган эди. Баён этганларга хулоса ясаб айтиш мумкинки, Бурҳониддин Марғиноний мусулмон ҳуқуқшунослигининг асосчиларидан бири сифатида ахлоқ ва ҳуқуқ илмининг ривожланишига катта ҳисса қўшди, аммо уларни бир-бирларидан ажратмади.

Ахлоқ ҳақидаги жуда кўп қимматли фикрларни Аҳмад Югнакий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос +ожиб каби мутафаккирларнинг асарларида учратишимиз мумкин. Уларнинг ахлоқ соҳасида ёзган асарлари ниҳоятда кўп бўлиб, уларнинг ҳаммасини ушбу дарсликда келтириш қийин, шунинг учун ҳам биз уларнинг айримлари тўғрисида қисқача фикр юритдик холос.

3-§ АМИР ТЕМУРНИНГ +УҚУҚ-ТАРТИБОТ +ИМОЯЧИЛАРИ КАСБ АХЛОҚИ +АҚИДАГИТАЪЛИМОТИ

Маркизий Осиёдаги иккинчи Уйғониш даврининг бошланиши бевосита Амир Темур (1336-1405) бобоколонимизнинг номи ва хизматлари билан боғлиқдир. Шубҳасизки, у кураги ерга тегмаган саркарда, атоқли давлат арбоби, қонуншунос, ватанпарвар, Туронзаминни дунёга танитган буюк шахс.

Амир Темурнинг инсоният тарихи олдидаги хизматларини академик Б.Аҳмедов шундай баҳолайди: “Биринчидан, у мамлакатда кучайиб кетган тарқоқликка барҳам бериб, эл-юртни ўз туйғу остида бирлаштириб, марказлашган йирик давлатга асос солди. Бу билан зироатчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратиб берди.

Иккинчидан, Амир Темур, бир қатор халқлар ва юртларнинг мустамлакачилар зулмидан озод бўлишига ёрдам берди. Масалан, Европанинг

¹ Щаранг: Хидоя: комментарии мусульманского права. Т. 1. - Ташкент: Узбекистон, 1995 - С. 409.

Боязид Илдириим хужумидан, Россиянинг мўғуллар хукмронлигидан кутилишига сабабчи бўлди.

Учинчидан, Туркистон заминини зироатчилик, хунармандчилик, илм-фан ва маданият ривожланган илғор мамлакатга айлантирди”¹ .

Амир Темурнинг бу тарихий хизматлари Марказий Осиёда умуман, Шарқда иккинчи Уйғониш даври учун ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий, ғоявий омилларни яратиб берди.

Раҳбарнинг ахлоқий фазилатлари ҳақида. Соҳибқирон Амир Темур таниқли давлат арбоби сифатида давлатни бошқариш, давлат хизматчиларининг, хусусан, давлатда ҳуқуқ-тартибот ўрнатиш учун масъул бўлган кишиларнинг ахлоқий фазилатларига доир илғор ғояларни илгари сурди.

Давлат қурилиши масаласида: “Давлат агар дину ойин асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади, Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар бир кимса, назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди”, - деган ўғитни баён қилиб, ҳар бир давлат раҳбари ўзининг салтанатини (ҳокимиятини, - Н.М.) биринчи навбатда, қонун-қоидалар асосида қуриши, бу қонун-қоидаларнинг фуқаролар томонидан тан олинишини таъминлаб, уларнинг бажарилиши йўлида хизмат қилиши лозимлигини ўқтиради.

Давлатни бошқариш масаласига келганда эса, биринчидан кенгаш; иккинчидан, машварату маслаҳат; учинчидан, қатъий қарор тадбиркорлик ва ҳушёрлик; тўртинчидан, эҳтиёткорлик билан иш юритиш керак, деган қонидани баён қилган ҳолда, давлатни бошқариш ниҳоятда катта масъулият талаб қилишини, уни ўзбошимчалик билан эмас, балки халқ қалбига қулоқ солиш орқали оқилона бошқариш зарур эканлигини кўрсатади.

¹ Шаранг: Амир ўғитлари. - Т.: //улом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1996 - 72-б.

Айниқса, мамлакатни бошқариш, ҳуқуқ-тартибот ишларни ташкил этишда давлат вазиларининг ўрни катта эканлигини англаган Амир Темур, султон, аввало, адолатпеша бўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирлар сақласин, токи подшоҳ зулм қилса, одил вазир унинг чорасини топсин. Агар вазир золим бўлса, кўп вақт ўтмай салтанат уйи қўлайди, деб уқтирган ҳолда “адолатли вазилар давлат устунидир” деган ғояни илгари суради.

Амир Темур давлатни идора қилиш ишларини қуйидаги ўн икки қоида; 1) ҳар ерда ва ҳар вақт ислом дунёда ривож бериш; 2) ўн икки табақа ва тоифадаги кишилар билан иш кўриб, давлат салтанат устунларини ўшалар билан мустаҳкамлаш; 3) маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик ва хушёрлик-эҳтиёткорлик билан иш кўриб, дўсту душман билан мурося мадора қилиш; 4) давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқариш; 5) амирлар ва сипоҳийларни мартаба ва унвонлар билан мукофотлаб, хушнуд этиш; 6) адолат ва инсоф билан иш юритиш; 7) уламою машойих, оқилу донолар, муҳаддислар, хабарчиларнинг иззату ҳурматларини жойига қўйиш; 8) азму жазм билан иш тутиб, бошлаган ишни охирига етказиш; 9) раият аҳволидан огоҳ бўлиш, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўриш; 10) турку тожик, арабу ажамнинг (барча халқлар ва миллатларнинг) турли тоифа ва қабилаларидан бўлган кишиларни тенг кўриб, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш; 11) фарзандлар қариндошлар, ошна-оғаёни, қўшнилар ва дўстларни унутмаслик, холидан хабар олиш; 12) дўсту душманлигига қарамай, ҳар жойда сипоҳийларни ҳурмат қилиш асосида амалга оширганлигини айтиб ҳар бир давлат арбобига ўз салтанатини ана шу қоидалар асосида бошқаришни маслаҳат беради¹.

+уқуқ-тартибот ҳимоячиларнинг ахлоқий хислатлари ҳақида. Амир Темур давлатда ҳуқуқий тартиботни ўрнатиш ишлари билан бевосита амирлар, вазирлар, хоқимлар, қозилар, нуёнлар, мингбошилар, юзбошилар,

¹ Шаранг: Темур тузуқлари. - Т.: Шарш, 1991. - 53-56-б. Амир Темурнинг бошқа сўзлари =ам шу асардан келтирилган.

шайхулисломлар, садрлар, муфтийлар, кадхудолар, калонтарлар шуғулланиши кераклигини айтиб, улар қуйидаги ахлоқий фазилатларга эга бўлиши зарурлигини уқтиради.

Биринчидан, беғаразлик, яъни ҳаммага бир хил жиддий ва одилона қараб ҳеч кимни бир-биридан фарқ қилмасдан, бойни камбағалдан устун қўймасдан иш юритиш фазилатига эга бўлиши керак, дейди. Чунки, қаерда ғаразгўйлик бўлса, ўша жойда адолат қарор топмайди, қонуннинг устунлиги таъминланмайди. Беғаразлик - қонун устунлигини таъминловчи юксак ахлоқий сифат ҳисобланиб, адолатли жамият қуришнинг маънавий таянчларидан бири ҳисобланади.

Иккинчидан, ростгўйлик, яъни ҳақиқатни ёлғондан ажрата билиш асосида адолатни қарор топтириш фазилатларига эга бўлиши керак, дейди. Унинг ўзи бутун умри мобайнида “куч - адолатдадир”, аниқроғи “ростидурусти”, яъни “ҳақиқат - сихат саломатлик, ҳақиқат - тартиб, ҳақиқат - адолатдир” деган ғояни илгари сурган холда иш кўрган эди. Чиндан ҳам, ҳақиқатнинг бўлмаслиги инсонда ўзига, атрофидагиларга, қонун кучига, қолаверса, давлат ҳокимиятига ишончсизлик туйғусини келтириб чиқаради. Шундай экан, ҳақиқатни излаб топиб, уни қарор топшириш ҳуқуқ-тартиботчилар фаолиятининг тамал тоши ҳисобланади. Зеро, ҳақиқатгўйлик нафақат юксак ахлоқий фазилат, балки ҳуқуқ-тартиботчиларнинг муқаддас бурчи ҳамдир.

Учинчидан. раҳм-шавқатлилик, яъни гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукмлар чиқариш асосида иш юритиш фазилатларига эга бўлиш кераклигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, қаерда раҳм-шафқат бўлса, ўша ерда ҳуқуқ-тартибот ўзаро ишонч асосида қарор топади. Ашаддий жиноятчиларга нисбатан халқнинг қаҳр-ғазаби ошади. Аксинча, раҳм-шафқат қилинмаган жойда ёвузлик вужудга келади. Ёвузлик эса, одамлар ўртасида нифоқ солувчи қора куч бўлиб, давлат ҳокимиятининг илдизларини емиради.

Тўртинчидан, ҳар қандай одамнинг гуноҳи бир маротаба кечирилсин, иккинчи, учинчи марта гуноҳ қилса, у ҳолда гуноҳига яраша жазолансин деб, кечиришни, кечиримли бўлишни юксак ахлоқий сифатлар даражасига қўшади. Кечириш одамлар ўртасидаги меҳр-шафқатнинг мезони, рақмдилликнинг негизи ҳисобланади. Шу туфайли, кечириш, афв этиш мамлакатда ўрнатилган тартибнинг самарадорлигини оширувчи омиллардан биргина бўлиб қолмасдан, айтилиши вақтда қабул қилинган қонунларнинг инсонпарварлик даражасини кўрсатувчи мезонлардан бири бўлиб ҳисобланадики, бу мезон бузилган жойда ҳуқуқ-тартиботчилар ҳалқ назаридан қолиб, унинг нафратига дучор бўлади.

Бешинчидан, иймон билан қудрат бир онадан туғилган, мустаҳкам иймонга таянган қудрат буюк бўлади деб, ҳар бир фуқарони, айниқса ҳуқуқ-тартиботчини иймон-эътиқодли бўлишига ундайди. Шубҳасизки, иймон бутун бўлган жойда қонунга итоаткорлик устун бўлиб, ҳуқуқ-тартиботчи ахлоққа зид бўлган иллатлар ва жиноятлар оғушига ботиб кетмасдан, ҳар қандай шароитда ҳам Ватан олдидаги бурчини бажаради. Иймонли-эътиқодли ҳуқуқ-тартибот ҳимоячилари билан давлат куч-қудратга тўлиб, буюклик сари қадам ташлайди.

Амир Темур давлатларда ҳуқуқ-тартибот ўрнатувчиларнинг ижобий ахлоқий фазилятларини баён қилиш билан бир қаторда, ахлоқий зид бўлган ғийбат, тухмат, уйдирма, ёлғон-зулм қилиш, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотиш, пийга тушиш, гина-кек сақлаш, ҳасад қилиш, ичиқоралик каби иллатларни буткул қоралайди. Бундай кишиларга ҳуқуқ-тартибот ишларини ишониб топшириш мумкин эмаслигини қайта-қайта уқтиради.

Жиноятни аниқлаш ва жазони белгилашнинг ахлоқий жиҳатлари тўғрисида. Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳуқуқий қарашларида жиноятни аниқлаш ва жазони тайинлаш масалалари ҳам муқим ўринлардан бирини эгаллайди.

У қонунчилик соҳасида ислом динини ҳар ерда ва ҳар вақт қўллаб-қувватлашни, шариат қонунларини ҳимоя қилишни ва уни амалда бажаришни

ўзининг муқаддас бурчи деб билган. Шунинг учун ҳам Оллоҳнинг ягоналигини тан олмасдан исмол динига қарши чиқишни, шариат қонунларига итоат қилмасликни оғир жиноят деб ҳисоблаган.

Амир Темур шариатда кўрсатилган жиноятлардан ташқари; 1) салтанатини йиқитиш мақсадида вазирларнинг давлатга хиёнат қилишини; 2) молия вазирларининг молия ишларига совуққонлик билан қараб, давлат бойлигининг бир қисмини ўзлаштириб олишини; 3) амирларнинг иш юзасидан ўзаро нифокқа боришини; 4) ўғилнинг салтанат мартабасига даъвогарлик қилиб, бош кўтаришини; 5) набиралар ёки қавм-қариндошларнинг душманлик қилишини; 6) сипоҳийларнинг ҳаддидан ошиб, қўл остидаги кишиларга зулм ўтказишини; 7) хотин-қизларни камситиб, зўрлаб зино қилишни; 8) ўғрилиқ, уриб кўр қилиш, кулоқ ва бурунни кесиш, шароб ичиш кабиларни энг оғир ва хавфли жиноятлар деб биларди.

Уларга нисбатан жазоларни белгилашда, “золимлар (гуноҳкорлар) етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим”, дея аввало, одамларнинг гуноҳларини ашёвий далиллар асосида исботлаш, сўнгра уларни халқ олдида ошкора жазолаш ва ниҳоят, жазони фақат айбдорга нисбатан қўллаш зарурлигини ўқтирган ҳолда, жазолашни исбатлаш, ошкораликни таъминлаш ва айбдорлик даражасини ҳисобга олиш каби ҳоидалар асосида иш олиб бориш кераклигини кўрсатиб берган эди.

Ушбу қонун-қоида асосида Амир Темур хиёнаткор вазирларга - ўлим; салтанатга даъвогарлик қилиш мақсадида бош кўтарган ўғилга - қаттиқ назорат, душманлик қилган набира ва қавм-қариндошларга - маошдан маҳрум қилиш; юлғич молия вазирига - мол-мулкини мусодара қилиш; нифокдор амирларга - амирлик калонтарларга - жарима солиш жазосини белгилаган ҳолда, “Агар бирор кимсанинг гуноҳи исботлангандан сўнг, ундан жарима олсалар, бошқа яна дарра билан урмасинлар. Агар дарра уриш билан

жазоласалар, ундан жарима олмасинлар”, - дея бир айб учун фақат бир жазо белгиланиши керак, деган қоидани ҳаётга татбиқ қилишни ўзининг қонуншунос ҳукумдорлик вазифаси деб билган.

Жиноятни аниқлаш. Жазони белгилаш ишлари садр, қозий, муфтий, мухтасиблар зиммасига юкланган бўлиб, улар соҳибқирон олдида қонун ва унинг ижроси учун масъул эдилар. Яна шуни алоҳида қайд қилиш керакки, у давлатнинг қонун-қоидаларини аҳолига тушунтириш учун ҳар бир шаҳарга олимлар ва муддарисларни тайин қилган. Улар ҳуқуқий билимларни халқ орасида тарғиб қилиб, аҳолида қонунга итоаткорлик ҳиссини тарбиялаганлар.

Амир темур ахлоқий ҳислатларининг марказида турувчи энг муҳим фазилатлардан бири инсонпарварлик бўлган. У ҳар бир мамлакатни фатҳ этгач, уни тартибга келтириш ва юксалтириш, ободончилигини таъминлаш борасида чора-тадбирларни белгилаб. Катта ишларни амалга оширган. Айниқса, солиқ масаласида одилона иш юритиб, хирожни экиндан олинган ҳосил ва ернинг унумдорлигига қараб олишни, солиқ ундириш ишларини фақат буйруқ бериш ёки яхши сўз билан амалга оширишни тайинлаган, солиқ тўламаганларни калтаклаш, уриш-сўкиш, арқон солиб судраш, занжирбанд қилишни қатъиян тақиқлаган.

Худди шунингдек, амалдорларга кимки бирон чўлни, ташландиқ ерни обод этса, ундан биринчи йил солиқ олмасликни, хабор еларни ўзлаштиришга кучи етмаганларга турли асбоб-ускуна ва керакли нарсалар беришни тайинлаган ва унинг бажарилишини назорат қилган. Бузилган йўлларни тузатиш, янги йўлларни, кўприкларни қуриш ишларига эътиборини қаратиб, йўловчиларнинг ўзини ва мол-мулкининг дахлсизлигини таъминлаш мақсадида йўлларга кузатувчи ва соқчилар қўйган.

Булардан ташқари мамлакатнинг ободончилигини таъминлаш, маданий-маърифий ривожланиши учун катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса, ҳокимлар учун сарой, ҳуқуқ-тартиботчилар учун дор ул-адолат, яъни қозихона, камбағал етим-есирларга овқат бериладиган

ғарибхоналар қурдириб, касаллар учун шифохоналар солдириб, уларда ишлаш учун табиблар тайинлаған ва ўзининг “Тузук”ларида қайд этилган ана шу талабларни келгуси хукмдорлар ўзларининг дилларига жо қилишларини маслаҳат берган. Амир Темур жон таслим қилиш олдиндан: “Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифаларни кўринг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин....”, дея васият қилган эди.

Миллий истиқлолимиз туфайли халқимизнинг узок ўтмишга бориб тақалувчи тарихини қайтадан ўрганиш Амир Темурнинг, “қизил мафкурачилар” тарғиб қилганидек, саводсиз, ўғри-қароқчи, каллакесар, одамхўр, ёвуз бўлмаганлигини, балки буларнинг ҳаммаси, Предизентимиз И.А. Каримов айтганидек, халқимизнинг юраги ва онгидаги миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка солиш учун махсус ўйлаб чиқилган бўҳтон эканлигини исботлаш билан бир вақтда, унинг ниҳоятда иймон-эътиқодли, камтар, ҳалол-пок, адолатли, беғараз, билимдон, жасур, тадбиркор, эҳтиёткор, ҳақиқатгўй раҳбар, камбағал ва бева-бечораларнинг ҳомийси, аскарларнинг ғамхўри бўлган хукмдор. ҳарбий саркарда, дипломат, қонуншунос, халқини жаҳонга машҳур қилган буюк инсон бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Амир Темур авлодларга давлат куриш, уни бошқариш, ҳуқуқий тартиб ўрнатиш, хўжалик ишларини юритиш, ҳарбий юришлар уюштириш, фан ва маданиятни ривожлантиришга ҳомийлик қилиш халқнинг ижтимоий турмушини яхшилаш, мамлакат ободончилигини таъминлаш, каби бир қатор ишларнинг хулосаси бўлган қомусий асар - “Темурнинг инсоният тарихда тутган ўрни тўғрисида, у қолдирган мерос тўғрисида И.А.Каримов “Амир Темур тузукларини ўқисам, худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўлман”¹ , “...Кимки Ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, ишқисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. - Т.: Ўзбекистон, 1996.-198-б.

унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

Амир Темур шахсини идрок этиш - тарихни идрок этиш демакдир.

Амир Темурни англаш - ўзлигимизни англаш демакдир.

Амир Темурни улуғлаш - тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, кудратимизга асосланиб, буюк келажакимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир”¹ - деган эди.

4-§. АЛИШЕР НАВОЙНИНГ +УҚУҚ-ТАРТИБОТ +ИМОЯЧИЛАРИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ +АҚИДАГИ /ОЯЛАРИ

Алишер Навоий (1441-1501) ўзбек халқнинг улуғ шоири ва мутафаккири, буюк инсонпарвар олим ва давлат арбоби, бутун ҳаёти ва фаолиятини одамларнинг бахт-саодати учун курашга бағишлаган буюк инсон.

Алишер Навоий 1472 йилда вазир лавозимига тайинланиб, “Амир Кабир” (“Улуғ Амир”) унвони билан давлат ишларини бажаришга киришади. Унинг давлат вазири, яъни ҳуқуқ-тартибот ўрнатувчиларнинг бошлиғи сифатида олиб борган ишлари ҳақида академик В.Зоҳидов: “Навоий давлат ишида турганида ҳам бир нафас бўлса-да халқни эсдан чиқармади. Давлатни ҳадқ манфаатларини кўзловчи, залқ орзуларини амалга оширувчи воситага айлантиришга, давлат арбобларини халқ хизматчиларига айлантиришга тиришда ва бу ишда унинг ўзи намуна бўлди. У давлат ишларини интизомга солишга, ҳукумат идораларини, саройни ярамаслардан, халқ ҳисобига зарбоф тўн кийовчи, айшу ишрат қилувчи ифлосландар, амалпарастлардан, фитначилардан тозалаш, уларни фош этиш қамчилаш учун қўлидан келганича ҳараат қилади”¹ -деб ёзган эди.

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. - Т.: Ўзбекистон 1997 - 169, 173-б

¹ Щаранг: Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг шалби. - Т.: Ўздавнашр 1970-92-б.

Инсонпарварлик ва адолат тўғрисида. Алишер Навоийнинг ахлоқий қарашлари марказида инсонпарварлик ғояси ётади. Бу ғоянинг асосий қондаси эса, инсонни қадрлаш, унинг шахсини ҳурмат қилиш, фикр ва ҳиссиёти эркинлигини таъминлаш ҳисобланади. Инсон бахтли яшаши унга муносиб ижтимоий муҳит яратиш зарурлигини уқтирган Алишер Навоий ҳуқуқ-тартибот ўрнатувчиларда инсонпарварлик фазилатларини шакллантиришнинг асосий воситаси илм-маърифат ва ахлоқий тарбиядан иборат деб билади. Шунга кўра, ҳуқуқ-тартибот ўрнатувчиларда инсонпарварлик фазилатларини шакллантиришнинг амалий ибтидоси сифатида - адолатли шоҳ ғоясини илгари суради.

У ўзининг асрларида одил подшоҳ ҳақидаги ёояни икки йўл - 1) адолатсиз, золим жоҳил ва фосиқ шоҳларни танқид қилиш; 2) адолатли, инсонпарвар, фозил подшоҳларни улуғлаш орқали ривожлантиради.

Холим ва жоҳил подшоларнинг адолатсизлигидан обод жойлар вайронага айланиб, халқнинг тинчлиги бузилади, адолат ўрнини разолат эгаллайди. Одил подшо ҳалққа қуёш каби ҳаёт бағишлайди. Унинг тиғи сиёсатидан фуқаролар золимлар хавфидан омон қолади. Шоҳ қандай бўлса, унинг қўл остидаги мулозимлари ҳам худди шундай бўладилар. Агарда шоҳ адолатсиз бўлса, унинг вазири, беклари, миршабу қозилари ҳам адолатсиз бўладилар, агарда шоҳ адолатли бўлса, унинг мулозимлари ҳам адолатли бўладилар, деган ғоя Алишер Навоийнинг ҳуқуқ-тартибот ўрнатувчилар касб ахлоқининг асл мазмунини ташкил этувчи таълимоти ҳисобланади.

Алишер Навоийнинг:

*Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким йўқ халқ гамидан гами¹*

¹ Навоий А. Ҳамса. - Т.: Ўзбекистон ФА нашриёти, 1960. - 6-б.

деган фикри инсонпарварликни мадҳ этувчи дунёқарашнинг ўзгани ташкил этади. У инсон жаҳондаги энг шарафли, каромат тожиги эга бўлган зот сифатида таърирлайди:

*Барча жаҳондан қилиб ашраф сени,
Айлади розига мушарраф сени.
Топшурубон дурри амонат сенга,
Қилди қарам тожи каромат сенг².*

Алишер Навоий ҳуқуқ-тартибот посбонларининг қалбида инсонпарварликни шакллантиришнинг вани амалда намоён қилишнинг, яъни ахлоқий муносабатларида сўз санъатининг алоҳида ўрни борлигини кўрсатиб ўтади. У сўз санъати фақат инсон учун ато этилган. Инсоннинг инсонлиги сўз биландир. +айвон сўзлашиш имкониятидан маҳрум. “Садди Искандарий”да Навоий шундай ёзади:

*Такуллум била кимса инсон эрур,
Сўзи йўқ баҳойимга не сон эрур³.*

Шунинг учун оғиздан чиқаётган сўз суҳбатдошга инъом этилаётган гавҳардек қимматли бўлсин. Яхши сўз билан душманни ром этиб, барча муромақсадни ҳосил қилиш мумкин. Инсон сўзни ақл билан ишлатиши лозим. Аччиқ сўзлар билан тирикни ҳалок этиш мумкин. Аммо шундай сўзлар ҳам бўладики, улар ўлик танга жон киритадилар:

*Вале сўзда доғи маротибдурур,
+ам анда ҳунар ҳам маойиб дурур.
+ам улдирки, айлар тирикни ҳалок,*

² Ыша манба, 19-б. ³ Ыша манба, 163-б

+ам андин ўлик тан топар руҳи пок¹

+уқуқ-тартибот ҳимоячиларнинг ахлоқий фазиларлари ҳақида.

Алишер Навоийнинг фикрича, ахлоқан юксак, камолатга етган киши, биринчидан, ҳалол ва ҳақгўй бўлиши лозим. Шоир айтадики, инсон ким-барибир ҳалоллик ва ҳақгўлик унинг ҳаётининг мазмунини ташкил этиши лозим. У “Садди Искандарий” достонида шундай деб ёзади:

*Биров даҳр аро давлат ойин эрур,
Ки ҳар сўзим ул айткай, чин эрур.
Худо номин онинг раво айлагай,
Ки ҳар ваъда қилса - вафо айлагай²*

Иккинчидан, у мардлик ва олижаноблик фазилатларига эга бўлиши керак. Бу фазилат инсоннинг виждон амри билан ўз фуқаролик бурчига содиқлиги орқали намоён бўлади. Демак, виждонсиз - садоқат, садоқатсиз - мардлик ва олижаноблик бўлмайди. Бу хусусда Навоий: “Вафосизда ҳаё йўқ ва ҳар кимда имон йўқ - андин одамийлик келмоқ имкони йўқ”³, -деган эди.

Учинчидан, комил инсон саҳоват ва ҳиммат фазилатларига эга бўлиши даркор. Чунки инсон, ўз табиатига кўра, яхшилик сари ва муҳтож кишига фойдали бўлиш сани интилади. “Саҳоват, - деб ёзган эди. Навоий, - инсоният боғининг борвар шажаридур... Саҳоват одамға бандандур ва ҳикмат анга руҳ ва ҳиммат аҳлидин оламда юз минг футуҳ. +имматсиз киши эр сониде эмас, руҳсиз баданда киши тирик эмас”¹.

¹ Навоий А. Ма=буб-ул шулуб. - т.: Ўздавадабнашр, 1959 - 35-б.

² Навоий А. Асарлар. Т.Х. - 241-б.

³ Навоий А. Асарлар. Т. XII. - 53-б.

¹ Навоий А. Асарлар. Т. XIII - 50-б.

Алишер Навоий бу юксак ахлоқий фазилатларнинг қарама-қаршиси бўлган тубан хислатлар - ёлғончилик, мунофиқлик, алдамчилик, сотқинлик, очкўзлик, худбинлик кабиларни қоралайди.

“Ёлғончи - деб ёзган эди Навоий, - киши эмас, ёлғон айтмоқ мардлар иши эмас. Ёлғон сўз дегувчини беобрў қилар, чунки у гавҳарни оддий тошдек хор қилар”² .

алишер Навоийнинг ахлоқ ҳақидаги ғоя ва қарашлари жаҳон мутафаккирларининг жавоҳирлари сандиғидан абадий жой олган бўлиб, унинг асарларини ўқиш, такрор-такрор ўқиш ҳар бир ҳуқуқ-тартибчининг фахрли ишига айланиши керак. Чунки улардаги ахлоқий ғялар фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нормалари вазифасини ўтайди³ .

Буюк бобокалонимиз Алишер Навойдан ташқари Лутфий, Абдрақмон Жомий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Шайбонийхон, Бобораҳим Машраъ, Мирза Бедил каби бир қанча мутафаккир алломалар гўзал ахлоқ ҳақида бебаҳо асарларни мерос қилиб қолдирганлар. Уларни ўрганиш ва амалда қўллаш ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида хизмат қилувчи ҳар бир ходимнинг миллий ва касбий бурчи ҳисобланади.

5-§ ЯНГИ ДАВРДА ВУЖУДГА КЕЛГАН ВА +ОЗИРГИ ЗАМОНДА МАВЖУД БЎЛГАН АХЛОҚИЙ ВА ЭСТЕТИК ТАЪЛИМОТЛАР, УЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Янги даврда вужудга келган ахлоқий ва эстетик таълимотлар орасида И.Кант, В. Гегель, Л.Фейербах, К.Маркс ва Ф.Энгельсларнинг ахлоқий ва эстетик қарашлари ғоя ва назариялари алоҳида ажралиб туради.

Кант. Иммануил Кант (1724-1804) немис классик фалсафасининг асосчиларидан бири бўлиб, ўзининг “Амалий ақлни танқид”, “Одоблар

² Навоий А. Асарлар. Т. XIII. - 239-б.

³ Щаранг: Ёылдош Жумабоев. Ёрта Осиё этикаси тарихи очерклари. Т.: Ёзбекистон, 1980

метафизикаси”, “Антропология” каби асарларида этика назарияси масалалари ҳақида фикр юритиб, уни фалсафанинг махсус қисми деб ҳисоблайди.

Кантнинг фикрича, этика икки қисмдан - бурч ҳақидаги таълимотдан ва бурчнинг амалиётга татбиқ қилинишидан иборатдир. Этикани бундай бўлиш унинг инсонни икки хил қисми бўлиб, табиат қонунларига бўйсунди, унинг худқ-автори ҳам табиат қонунлари билан белгиланади; иккинчи томондан, инсон-ахлоқий вужуд, шунинг учун у фақат ахлоқий бурчга бўйсунди.

Кантнинг ахлоқий қарашларидаги ижобий томонлар, аввало, унинг одамлар ўртасидаги барча муносабатлар инсонийлик, инсон шахсига ҳурмат билан қараш асосига қурилиши керак, инсонга нафрат билан қараш шармандалиқдир деган фикрларининг мазмуни билан характерланади.

Кантнинг ахлоқшунослик, ҳуқуқшунослик ва давлатшунослик фанларига қўшган ҳиссаси ахлоқни фан ва айни, пайтда, инсоннинг ажралмас хислати деб билган ҳолда ҳуқуқий давлат қуриш ҳақидаги фикрлари билан қўшиб ахлоқ ва ҳуқуқнинг ажралмаслигини кўрсатиб берганлигидадир.

Гегель. Немис классик фалсафасининг энг машҳур намоёндаларидан бўлган Георг Вильгельм Фридрих Гегель (1770-1831) ўзининг ахлоқий масаларга доир қарашларини “Рух феноменологияси” ва “+уқуқ философияси” асарларида баён этган.

Гегель ахлоқ шахснинг хусусий иши эмас, балки ҳамма учун умумий қонундир, деган фикрга таянган ҳолда, одамнинг маънавий дунёси унинг хатти-ҳаракатларини белгилайди, деган ғояни илгари суради.

Гегелнинг ахлоқшунослик фанлари соҳасидаги хизмат шундаки, у этика атегорияларининг мазмунини ва моҳиятини очиб берган. Масалан, у этиканинг асосий категориялари бўлмиш “виждон”, “яхшилик”, “ёмонлик” ҳақида фикр юритиб: “Яхшилик - киши шахсий индивидуал ахлоқининг умумий ирода билан гармоник узвий бирлиги, ёмонлик - шахс иродасининг умумий иродага мос келмаслигидир. Ёмонлик - яхшилик сингари ирода ўз

манбаини топади, ирода эса ўз маъносида ифодалайди”¹ -дейди. Бундан ташқари Гегель этика фанига инсонларнинг виждон эркинлиги ҳақидаги таълимотини ҳам киритади. Бу хусусда у “виждон-деган фикрни илгари сурган эди.

Фейербах. Немис классик фалсафасининг сўнгги вакилларида бири бўлган Людвиг Фейербах (1804-1872) кишилардаги бахтга интилишини ахлоқнинг асоси деб билгани ҳолда, ахлоқнинг бош қоидаси инсонларнинг ўзларини онгли равишда чеклай билишлари ва бир-бирини севишлари..... деб тушунади. Шунинг учун ҳам у “жинсий муносабатни ахлоқий муносабатларнинг ва умуман, ахлоқнинг асоси деб ҳисоблаш мумкин”² , дейди. Шу тариқа у ахлоқни биорухий принциплар асосида тушунтириқша уринади. Шундай қилиб, Фейербах ахлоқнинг асосий вазифасини кишилар орасидаги муҳаббатда, аёллар билан эркаклар ўртасидаги жинсий муносабатларда, уларнинг севгисида намоён бўладиган бахтга интилишларини биргаликда бошлаш иборат деб билгани ҳолда, кишилар орасидаги жинсий-ахлоқий муносабатларни барча муносабатларнинг асоси деб тушунади.

+озирги замон ахлоқий ва эстетик тафаккурининг асосий йўналишларини ўзида ифодаловчи оқимлар позитивизм, неопозитизм, прагматизм, экзистенциализм, неотомизм, структурализм ва бошқалар ҳисобланади.

Позитивизм. Позитивизм латинча “positivus” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “иобий” деган маънони билдиради. Бу оқимнинг асосчиси француз файласуфи О.Кант ҳисобланади. Позитивизм вакиллариининг фикрича, воқелик ҳақидаги ҳақуқий ижобий (“позитив”)билимлар алоҳида махсус фанлар ёки уларнинг синтетик бирлаштирилиши натижасида линади; шунга кўра, фалсафанинг воқеликни таҳлил қилувчи, ўрганувчи махсус фан сифатида мавжуд бўлишга ҳаққи йўқ.

¹ Гегель. Сочинения. Т. VII. - м., 1950 - 161-б.

² Фейербах Л. Избранные философские произведения в двух томах. Т.1. -М., 1965. - 618-б.

Позитивизм учта асосий кўринишга эга: 1) О.Кань позитивизми; 2) махизм - Э.Мах, Р.Авенариус позитивизми; 3) И.Шлик, Р.Карнап, Б.Рассел, А.Айер непозитивизми. Бу оқимлар XIX асрнинг 30-йилларида пайдо бўлиб, ҳозирги кунга қадар турли кўринишларда ривожланмоқда.

Этика масаласида непозитивизм ахлоқнинг манбаи ижтимоий борликда эмас, балки инсоннинг ўзида, унинг ҳис-туйғуларида, аниқроғи сўзидадир, деб тушунтиради. Уларни мантиқан муҳокама қилиш ва текшириш, позитивистлар фикрича, этиканинг асосий вазифаси жанжалларни тугатиб осойишталикни қарор топтиради. Аслида ёмонлик ҳақидаги сўзларни истеъмолдан чиқариб ташлаш билан ёмонлик йўқ бўлиб кетмайди.

Прагматизм. “Прагматизм” тушунгачи юнонча “pragmatos” (иш ҳаракат) сўзидан келиб чиққан бўлиб АҚШда юзага келган фалсафий ва ахлоқий таълимот номидир. Прагматизм вакиллари ўз, ахлоқий қарашларини инсонни фаол шаклланаётган реаллик деб билган ҳолда баён қиладилар.

Хўш, прагматизм этикасининг асосий қоидалари нималардан иборат? Унинг бош постулати такрорланмас, ноёб ва шу сабабли ҳар гал кишидан мутлақо янгича ечим, хулқни талаб этадиган ахлоқий вазият ҳақидаги қоидадир. Шунга кўра, хулқни танлаш муайян вазиятда муваффақитни таъминлайдиган воситаларни танлашдир. Прагматиклар этика категориялари ҳақида фикр юритиб, муайян вазиятда фойда келтирадиган ҳамма нарса яхшилиқдир, деган ҳоидани илгари суради. Бу оқимнинг вакиллари Ч.Прис, У.Жеймс ва бошқалар ҳисобланадилар.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, прагматизм таълимотига кўра, фойда келтирадиган ҳамма нарсалар ахлоқийдир, фойдаси тегмаганлари эса ахлоқсизликдир. Прагматизмнинг эстетикасини таҳлил қиладиган бўлсак, бу оқимнинг вакили бўлган Жон Дьюи (1859-1952) фикрича, нафосатнинг ўзаги тажрибалардан ташкил топади; инсон ва дунёдаги мукаммалик эстетиканинг бошланғичи бўлса, эстетик қадриятлар тажрибани гармоник шаклда ташкил этишдир; санъатнинг асосий вазифаси одамга лаззат бағишлашдан иборатдир.

+озирги замоннинг ривожланиш мантиғи шуни кўрсатадики, олам муҳит, ижтимоий воқелик қанчалик ранг-баранг бўлса, уларнинг инъикоси бўлган ахлоқий ва эстетик қарашлар ҳам шунчалик хилма-хилдир. Шунинг учун ҳам уларни ўрганишимиз керак, аммо қандайдир манфаатлардан келиб чиққан ҳолда дунёда ягона бўлган ахлоқ тизимини яратишга уриниш асосида уларни танқид қилишга ҳаққимиз йўқ.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Зардуштийликнинг ахлоқий қоидаларини айтиб беринг?
2. Марказий Осиёда Уйғониш даврининг асосий хусусиятлари нимадан иборат?
3. Форобий касб ахлоқидаги қайси фазилатни улуғлайди?
4. Амир Темур ҳуқуқ-тартибот ўрнатувчиларнинг ишларини ташкил этишда қандай ахлоқий фазилатлар зарурлиги ҳақида фикр юритади?
5. Алишер Навоий инсонпарварлик таълимти асосида нималар ётади?
6. +озирги замон ахлоқий ва эстетик таълимотлари тўғрисида нималарни биласиз?
7. Амир Темурнинг “Темур тузуклари” ва Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” китобларини ўқиб чиқинг ва улардаги ахлоқий ўғитларнинг амалий қиммати тўғрисидаги ўйлаб кўринг.

III боб

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСБ АХЛОҚИНИНГ ПРИНЦИП ВА НОРМАЛАРИ

1-§. Умуминсоний ахлоқ принциплари ва уларнинг ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятиданамоён бўлиши

“Умуминсоний ахлоқ принциплари” тушунчаси. “Принцип” лотинча сўз бўлиб, ўзбек тилида: 1) назария, таълимот, фан ва шу кабиларнинг асосий қонун-қоидаси; фаолият учун асос қилиб олинадиган қонун-қоида; 2) киши қаттиқ ушлаб олган ва оғишмай амал қиладиган қоида, нуқтаи назар, қараш, маслак деган маъноларни англатади¹.

ахлоқ принципларини бирон-бир шахс яратмаган, у муайян ижтимоий муносабатларга мувофиқ, моддий ва маънавий ҳаёт жараёнида кишилар ижтимоий турмушининг, азлоқий муносабатларининг талабларини бирмунча умумлашган ҳолда акс эттирадиган ахлоқий онг шакллари сифатида вужудга келган қонун-қоидалар ҳисобланади. Шунга кўра, *умуминсоний ахлоқ принциплари* деб жамиятнинг маънавий онгида ишлаб чиқилган, инсоннинг маънавий моқиятига, бурчига, ҳаётининг мазмунига ва кишилар ўртасидаги ўзаро талабларнинг табиати таалуқли бўлган умумий талабларни акс эттирадиган, инсонлар фаолиятининг умумий йўналишини кўрсатиб берадиган ва муайян ҳуқ-атвор нормаларига асос бўлиб хизмат қиладиган қонун-қоидаларга айтилади.

Умуминсоний ахлоқ принципларига қуйидагилар киради: инсонпарварлик, ўзаро ёрдам, ишонч, ҳамжаҳатлик тинчликсеварлик, ватанпарварлик, адолатлилик, одамийлик, қонунийлик ва х.к.

Инсонпарварлик принципи. Инсонпарварлик икки маънода, биринчидан амалий фаолият, яъни инсоннинг озодлик ва тенглик учун олиб борадиган кураши; иккинчидан, дунёқараш, мафкура, сиёсат, ахлоқ, тарбия сифатида тушунилади. Бу икки томон доимо бир-бирини тўлдириб туради.

Инсонпарварлик одамларга меҳр-муҳаббат билан қараш уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, бахт-саодати, ҳар томонлама камол топиши ҳамда ижтимоий ҳаётда инсон учун қулай шарт-шароитлар яратиш бериш ҳақида

¹ Щаранг: Ўзбек тилининг изоли лугати - М.: Русский язык, 1981. Т.1. - 602-б.

ғамхўрлик қилишни ифодаловчи олижаноб туйғулар, қарашларнинг мажмуидир.

Инсонпарварлик ахлоқий принцип сифатида кишиларнинг хулқини бир-бирига ҳурмат ва ғамхўрлик, инсоннинг куч-қудратига ишонч руҳида тартибга солиб борадиган хатти-ҳаракатларни билдиради.

Инсонпарварлик принципининг ахлоқий мазмунини қуйидагилар ташкил этади:

-инсон олий даражадаги қадрият деб тушуниш унинг ижодий куч ва қобилияларининг, имкониятларининг чексиз камол топишига ишониш;

-ҳар бир инсонни кадр-қимматини, шахсий дахлсизлигини, эркин яшашини, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, бахт-саодатга эришишларини талаб қилиш;

ҳар бир инсонни моддий ва маънавий қадриятларининг яратувчиси сифатида, унинг ёши ва жинси, ирқи, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳурмат қилиш;

-эркак ва аёлларни, қария ва болаларни, барча ирқ ва миллат вакилларини уларнинг инсонийлигига қараб ҳурмат қилиш;

-ўзгаларнинг тақдирига бефарқ қарамаслик, инсониятнинг бахт-саодати йўлида тинмай меҳнат қилиш ва керак бўлса ўзини қурбон қилишга тайёрлик ва кабилар киради.

Инсонпарварлик принципи ўзининг ҳуқуқий ифодасини “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” (1948 йил 10 декабр), “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси” (1992 йил 8 декабрь) каби ҳужжатларда топган.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да “+амма одамлар ўз кадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар. Уларга ақл ва виждон авто қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарларча руҳда муносабатда бўлишлари керак” (1-модда); “+ар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир” (3-модда); “+еч ким

ҳийноққа ёки шафқатсиз, ғайринсоний ёки кадр-қимматни хўрловчи муомали ва жазога дучор этилмаслиги керак” (5-модда); “+еч ким асоссиз қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмас” (9-модда)-дейилган бўлса¹, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир” (24-модда); “+ар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлигига эга” (27-модда); “+амма учун виждон эркинлиги кафолатланади. ҳар бир инсон ҳоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” (31-модда),- дейилган². Булар Конституциямизнинг ниҳоятда инсонпарвар руҳдаги қонун эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг маънавий негизларидан бирини инсонпарварлик ташкил этади. Инсонпарварлик принципини амалга оширмасдан туриб, халқимизнинг азалий орзуси бўлган фуқаролик жамиятини барпо этиб бўлмайди. Инсонпарварлик хислатлари эса халқимизнинг қон-қонига, жон дилига сингиб кетгандир.

Инсонпарварлик - деб ёзган эди И.А.Каримов - бу ўзбек ҳалқи руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўровонлик унинг табиатига ётдир.... Тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жангу-жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ туширолмади. Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва ёруғлик, болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, яқинларга ва ёруғлик болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, яқинларга ва бошқаларнинг қайғусига ҳамдардлик мужассамлашгандир”¹. Инсонпарварлик ўзбек халқининг барча ҳаёт жабҳаларига кириб кетган бўлиб,

¹ Инсон =ушущлари: Универсал халқаро =ужжатлар тыплами. - Т.: Ўзбекистон, 1996 - 10-12-б.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - Т.: Ўзбекистон 1992 - 14-б

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, ишқисод сиёсат мафкура. Т.1.-Т.: Ўзбекистон 77-б

унинг қонун-қоидалари ички ишлар идоралари ходимларининг фуқаролар билан, аҳолининг турли-туман қатламлари билан бўладиган ахлоқий-ҳуқуқий муносабатларини қамраб олган ҳолда уларни тартибга солиб турувчи, бошқарувчи восита ҳисобланади.

Умуминсоний ахлоқ принципларига кирувчи инсонпарварлик ички ишлар идораларининг қонунни ҳимоя қилиш ва амалда қўллаш фаолиятида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Ушбу хусусият қуйидагиларда кўринади:

1. Ички ишлар идораларининг фаолияти ўз мазмунига кўра инсонпарварлик хусусиятига эга. Чунки бу муассасалар кишиларнинг яшаши, меҳнат қилиш, ижод билан шуғулланиши, дам олишини таъминлаш учун уларни ҳуқуқбузарлардан ҳимоя қилиш, уларнинг шахсий, мулкӣ, сиёсий ҳақ-ҳуқуқларини қўриқлашга қаратилган.

шунга кўра, умуминсоний ахлоқ принципи бўлган инсонпарварлик ички ишлар идоралари ходимларининг фаолиятида ёмонликка, ёвузликка қарши курашувчи, шахс ва жамият, давлат манфаатларини ҳар хил ғайринсоний тажовузлардан ҳимоя қилувчи, жамиятда ўрнатилган ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларининг оғишмай амалга оширилишини таъминловчи, ҳар бир инсоннинг бахтли-саодатли ҳаёт кечириши ва келгусида камол топиши учун шарт-шароитлар яратиб беришга хизмат қилувчи касб ахлоқи принципи шаклида намоён бўлади.

2. Ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолиятида инсонпарварликнинг касб ахлоқи сифатида амал қилишини кўрсатувчи омиллардан бири бу уларнинг жамиятчиликнинг олдини олишга қаратилган хатти-ҳаракатлари ва ўтказадиган тадбирлари ҳисобланади. Бу хатти-ҳаракат ва тадбирларнинг заминдан ётувчи инсонпарварлик ғояси қуйидагилар билан ифодаланади: ахлоқий назоратдан четда қолган шахсларни аниқлаш ва улар орасида таълим-тарбия ишларини олиб бориш; балоғат ёшига етмаган ёшларнинг меҳнат қилиш, дам олиш, кадриятлардан фойдаланиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; жиноятчиликни келтириб чиқарувчи сабабларни тезликда

билиш ва уларни тугатиш чораларини кўриш, жазони ўтаб чиққан, аммо яна жиноят қилишга мойил бўлганларни назоратга олиш ҳамда аҳолининг барча қатламлари ўртасида мунтазам ҳуқуқий тарғибот ва ахлоқий тарбия ишларини ташкил этиш.

Шундай қилиб, Ички ишлар идоралари ходимлари ўз фаолияти билан инсонпарварликка хизмат қиладилар, яъни қонунбузар шахсларни жамиятда қарор топган ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар асосида тарбиялаш ва қайта тарбиялаш орқали эркин ижобий ҳаётга, олижаноб инсонлар даврасига қайтариш вазифаларини бажаради.

3. Жамият ва давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларни бузиб, жиноят содир этганларни ҳам, энг аввало, инсон деб билган ҳолда, қайта тарбиялаб, ҳалол меҳнат кучоғига қайтариш асосида иш юритиш ўзбек қонунчилигининг ва қонун ижросини таъминловчи Ички ишлар идоралари ходимларининг фаолиятидаги инсонпарварликнинг асл моҳиятини ташкил этади.

4. Ички ишлар идоралари фаолиятидаги инсонпарварлик ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларга қарши курашда қўлланиладиган усул ва воситаларда ўз ифодасини топган бўлиб, аввало ишонтириш, сўнгра мажбур этиш воситаларини қўллашда кўринади.

Ишонтириш усули ҳар бир инсонни ўрнатилган ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларига амал қилишга, қонун талабларини ва тартиб интизомни бузмасликка, борди-ю уларни бузса, албатта қилмишига яраша жазо олиши муқаррарлигига иқрор этишда намоён бўлади.

Мажбурлаш - ишонтириш усули иш бермай қолганда қўлланиладиган восита. Унинг амалда қўлланиши шахснинг конституциявий ҳуқуқларини у ёки бу тарзда чеклашни англатади.

Ишонтириш ва мажбурлаш усулларини қўллашнинг ахлоқий-ҳуқуқий асосларини, биринчидан, шахснинг жисмоний (ҳаёти ва соғлиғи), ахлоқий (шаъни ва қадр-қиммати), маънавий (руҳий) дахлсизлиги; иккинчидан, уй-

жойларининг; учинчидан, фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид сирларни сақлаш ҳуқуқларининг дахсизлиги ташкил этади. Бу нормалар ички ишлар идоралари ходимларининг фуқаролар билан бўладиган муносабатларини бошқарувчи, тартибга солиб турувчи восита вазифасини ўтайди. Худди шунга кўра, ички ишлар идораларининг ушбу нормаларни бузган ҳар қандай ходими, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, интизомий, маъмурий ва жиноий жазога тортилади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ҳар қандай процессуал ҳаракатларни - ушлаш, тинтув қилиш, экспертиза ўтказиш, сўроқ қилиш, юзлаштириш ва бошқаларни ўтказиш вақтида инсоннинг ҳаётига, соғлиғига хавф туғдирувчи ва зиён етказувчи усул ва воситаларни қўллашлари қатъиян тақиқланади.

Ҳар бир инсонга, у ким бўлишидан қатъий назар, тўғри муомала қилиш зарур, уришмаслик, бақирмаслик, ҳақорат қилмаслик, шахсиятига тегмаслик керак. Улар билан доимо яхши муомалада бўлиб, самимий мулоқот қилиш лозим. Бу, албатта, ички ишлар идоралари ходимлари ҳар қандай қабихликни кечиришлари кераклигини эмас, балки ҳар бир масалани қонуний асосда, шошмасдан, бафуржа ҳал этишлари лозимлигини билдиради.

Инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат ҳуриш ва фуқаролик жамиятини бунёд этиш жараёнида инсонни, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш энг долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда. Бу эса, айтиш мумкин, вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча идораларнинг фаолиятини тубдан қайта қуришни инсонийлаштиришни тақозо этмоқда.

Ахлоқшунос олим В.М.Базаров фикрига кўра, ички ишлар идоралари фаолиятини инсонийлаштириш икки йўналишда олиб борилиши керак: биринчидан, ички ишлар идоралари ходимларининг бутун фаолиятини;

иккинчидан, ҳар бир ходимни инсонийлаштириш зарур¹. Инсонийлаштириш - инсонпарварликнинг амалдаги ифодаси.

Жамоатчилик принципи +еч бир одам ўзгалардан ажралмайди. У албатта бошқалар билан ўзаро ҳамкорлик қилган ҳолда жамоа-жамоа билўлиб яшайди ва меҳнат қилади. Жамоа бўлиб яшаш инсонларга хос бўлган хусусиятлардан бири ҳисобланади. бу хусусият асосида ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, қўллаб-қуватлаш, ҳамдарлик ётади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг жинойтчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш, инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби вазифаларини бажаришларида хизмат қилиш ўзаро ҳамкорликнинг, ўзаро ёрдамнинг ўрни ниҳоятда катта бўлади. Хизмат жамоаларига бирлашган ходимларнинг фаол ҳаракатисиз бу вазифаларни удалаб бўлмайди. Бинобарин, хизмат вазифасини бажаришда муайян мақсадни кўзлаган, эҳтиёж ва манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик асосида фаолият кўрсатиш жамоатчилик принципининг асосини ташкил қилади.

Жамоатчилик принципи деб ички ишлар идоралари ходимларининг жинойтчиликнинг олдини олиш, жинойтларни очиш, одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда шахсий манфаатни кўпчилик манфаатига онгли равишда бўйсундиришга асосланган дўстларча ҳамкорлик, ўзаро ёрдам муносабатлари билан боғлиқ ихтиёрий, онгли хатти-ҳаракатларини белгиловчи қоидалар мажмуига айтилади.

Жамоатчилик принципи ички ишлар идоралари ходимларининг шахсий манфаатларини жамоанинг манфаатлари билан уйғунлаштириувчи ва ходимларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминловчи меҳнат қонун-қоидалари сифатида ҳар икки томонга (шахс ва жамоага) муайям вазифа ва мажбуриятларни юклайди.

¹ Базаров В.М. Гуманизация деятельности правоохранительных органов - важнейшее направление политики Республики Узбекистан. Дисс...канд. полит. Наук. - Ташкент.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1995 - с. 94.

Ходимнинг хизмат жамоаси олдидаги вазифалари куйидагилардан иборат:

1) хизмат жамоатсининг кучига ишониш, уни ҳурмат қилиш, фикрига қулоқ солиш, унда ўзининг бахтини тасаввур қилиш;

2) хизмат жамоатсининг бўлаётган ишларга ўзини ҳам масъул деб билиш, тартиб-интизомни сақлашга, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик ишларига ҳисса қўшиш;

3) хизмат жамоасининг аҳиллигига путур етказувчи иллатлар бўлмиш шахсиятпарастлик, сохта жамоатчилик, амалпарастлик, «таниш-билишчилик», калондимоғлик, гурукбозликка қарши курашиш.

Хизмат жамоасининг ходимлари олдидаги вазифалари куйидагилардан иборат:

1) ҳар бир ходимнинг хизматини диққат билан кузатиш, жамоа ишига қўшган ҳиссасини адолатли баҳолаш;

2) ҳар бир ходимнинг маънавий ва жисмоний имкониятларидан, тўплаган тажрибаларидан унумли фойдаланиш;

3) ҳар бир ходимнинг яхши турмуш кечириши учун ғамхўрлик қилиш, йўл қўйган хатоларини тузатишига ёрдам бериш.

«Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил. Биз тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг хурматини, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламиз»¹, - деган эди. И.А.Каримов. шу боис ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат жамоалари ҳам ота-боболаримизнинг жамоатчилик анъаналарига содик қолган ҳолда кўпгина хайрли ишларни амалга оширмоқдалар.

Жамоатчилик ички ишлар идоралари ходимларининг халоқий принципи сифатида, биринчидан, тарбичлаш, умуминсоний ахлоқ

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истишбол, иштисод, сиёсат мафкура. Т. 1.-Т.:Ўзбекистон,1996-12-б

принциплари ва нормаларини амалга ошириш, уларнинг авлодлар ўртасидаги узлуксизликка асосланган ворисийлигини таъминлаш; иккинчидан, соғлом ахлоқий-рухай ҳолатни вужудга келтириш; учинчидан, меҳнат ва хизмат интизомини мустаҳкамлаш; тўртинчидан тақдирлаш, ходимларнинг ахлоқий фаоллигини ошириш; бешинчидан, оилавий-турмуш шароитларини яхшилаш, олтинчидан, демократияни ривожлантириш асосида бошқариш ишларини такомиллаштириш вазифаларини бажаради.

Шундай қилиш, жамоатчилик принципи И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Жамоатчилик ғоялари, жамоа манфаатларининг бирлиги, кўпчилик фикрининг устунлигига асосланиши...»² билан бошқа ахлоқий принциплардан ажралиб туради.

Адолат принципи. Ички ишлар идоралари ходимлари касб ахлоқининг энг муҳим принципларидан бирини адолатлилик ташкил қилади

«Адолат» - арабча сўз бўлиб, одиллик, тўғрилиқ, ҳаққонийлик деган маъноларни англатади. «Адолат» тушунчаси кенг қамровли тушунча сифатида ижтимоий муносабатларнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Умуман олганда, адолат-ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий муносабатларга киришган одамларнинг ўз бурч ва вазифаларни жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда тўғри, қонуний, ҳалол, виждонан, ҳаққоний ва одилона бажаришларини ўзида акс эттирувчи ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий категориядир.

Адолат ахлоқ ва ҳуқуқ категорияси сифатида ахлоқий-ҳуқуқий муносабатларни назорат қилиб турувчи одамларнинг фаолиятига баҳо берувчи зарурий ўлчов ҳисобланади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг адолат принципи деб жамият томонидан белгиланган ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларни ҳаққонийлик билан, одилона ва холисона, тўғри қонуний тарзда ҳаётга татбиқ этишга қаратилган фаолиятига айтилади.

² Каримов И.А. Ватан саждаго= каби мушаддасдир. Т.3. -Т.: Ўзбекистон 1996-335-б

Бу принцип ўз мазмунига кўра уч таркибий қисмдан-тақдирлаш мезони, талаб қилиш мезони ҳамда қонуний баҳо беришдан -ташқил топади.

Адолат принципининг тақдирлаш мезони деганда, жамиятнинг, хизмат жамоаларининг ҳар бир одамни хизматчини қилган меҳнатига (хизматига) яраша сийлаши ёки қилмишига яраша жазолаши; талаб қилиш мезони деганда, шахс-хизматчининг жамият ва хизмат жамоалари томонидан норма, одоб қонидаси, анъана, урф-одат шаклида қарор топган ахлоқий талабларга оғишмай амал қилишини, уларни бажаришини қатъиян талаб қилиши; қонуний баҳо бериш деганда эса, ўрнатилган ахлоқий баҳолаш ўдчови асосида ҳар бир ҳаракатга берилган баҳонинг тўғри ёки нотўғрилигини белгилаб бериши тушунилади.

Адолат принципи ички ишлар идоралари ходимларининг фаолиятида қуйидаги ҳолларда яққол кўринади.

Ўзбекистон Республикаси, энг аввало, ўзининг барча фуқароларини, жинси, ирқи миллати, тили дини ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан таъий назар, қонун олдида тенг деб билади. Бу олий даражадаги адолат принципининг кўринишидир. Республикамиз Конституциясида баён этилганидек, «+еч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳисобга олиниши ёки қамокда сақланиши мумкин эмас. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқманмагунча, у айбдор ҳисобланмайди. +еч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас»¹. Бундай адолатли қонун-қоида ички ишлар идоралари ходимларининг дастури ҳисобланади ва у «Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак, ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - Т.: Ўзбекистон, 1992-12, 14-б.

марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас»² худди шунингдек «қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт»³ -деган амалий қоидалар билан мустақамланганлигида кўриниб туради.

Адолат принципи ички ишлар идоралари ходимларининг ҳар бир ходимидан объектив, ҳаққоний беғараз, садоқатли, раҳмдил бўлишни талаб қилади.

Улуғ аллома Носириддин Тусий: «Ижтимоий (ахлоқий ва ҳуқуқий - Н.М.) адолатнинг учта асоси талаби бордир, булар; биринчидан, аҳоли турли табақаларининг ўзаро уйғун бўлишини таъминлаш; иккинчидан, эл-улуснинг ҳақ-ҳуқуқи тенг таъминланган ҳолда кишиларни хизматга тайинлашда шахснинг салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиш; учунчидан барчанинг тенг фаровонлигини ҳимоя қилиш билан бирга бу фаровонликни юзага келтиришдаги хизмати ва ҳуқуқига қараб ҳар бир инсон ўз улушини олишига имкон яратишдан иборатдир»⁴ -деган эди.

Улуғ аждодларимизнинг адолатпарварлик ҳақидаги ўлмас ғояларига асосланган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти кураётган эканмиз ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими адолатга интилиш-халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият эканлигини унутмаслиги ҳамда адолатпарварлик ғоясининг бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимида сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топишига сидиқидилдан хизмат қилиш керак⁴ .

Қонунийлик принципи. Ички ишлар идоралари ходимлари касб ахлоқининг муҳим принципларидан бири қонунийликдир.

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси - Т.: Адолат, 1995-6-б.

³ Ўша манба, 6-б

⁴ Шаранг: Ватан туй\уси. - Т.: Ўзбекистон, 1996 - 33-39-б

⁴ Каримов И.А. Ватан саждог= каби мушаддасдир. Т.З.-Т.: Ўзбекистон, 1996 -354-355-б

Қонунийлик деб ижтимоий муносабатга киришган жамият аъзоларининг ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилган ҳолда уларни амалга оширишларига айтилади.

Қонунийлик кўп ҳолларда қонуншунослик принципи тарзида талқин қилинади. Шунга кўра, қонунийлик принципига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Ички ишлар идоралари ходимлари касб ахлоқининг қонунийлик принципи деб уларнинг конституцияда, қонунларда, фармонларда, буйруқларда кўрсатилган ва белгилаб қўйилган ҳуқуқ нормаларининг талабларини оғишмай амалга ошириш, мавжуд қонунларга қатъий бўйсунган ҳолда ўзига юклатилган хизмат вазифасини инсонпарварликка, адолатга, ҳақиқий тенгликка, қонунийликка асосланган ҳолда бажаришларига айтилади.

Профессор У.Тожихонов ёзганидек, қонунийлик барча ҳолатда ҳам ҳуқуққа асосланган собитқадамликдир².

Қонунийликнинг тўрт принципи мавжуд:

- 1) қонунийликнинг ягоналиги ва унинг бир хилда тушунилиши;
- 2) қонуннинг устунлиги;
- 3) қонунларнинг ҳаққаонийлиги ва мақсадга мувофиқлиги;
- 4) қонуннинг маданият билан боғлиқлиги¹.

Бу принципларнинг ички ишлар идоралари ходимларининг фаолиятида амал қилиши, бир томондан, жинойтчиликнинг олдини олиш, жинойтчиликка қарши кураш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида фуқароларнинг, мансабдор шахсларнинг, жамоат ташкилотлари, корхона ва муассасаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонуний тарзда қўриқлашларини ўз ичига олса; иккинчи томондан, ички ишлари идораларидаги тартиб-интизомни жараёнларини қамраб олади. Бу эса ички ишлар идоралари ходимларининг амалдаги

² Щаранг: Тожихонов У. Ўзбекистон мустақил давлатчилигининг =ушущий-маънавий муаммолари - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1996 - 179-б

¹ Щаранг: Каримов О., Тўйчиева Х. Дав лат ва =ушущ асослари.-Т.: Ўштитувчи, 1996-163-164-б

қонунчилик принципларини мукамал билишлари ва уларни ўзларининг фаолиятларида тўлиқ қўллашлари лозимлигини кўрсатади.

Ватанпарварлик принципи. «Ватан» арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида «она юрт» деган маънони англатади. «Ватан-деган эди файласуф олим +.Пўлатов-муқаддас қадрият. Тараққиёт Ватандан бошланади. У инсоннинг киндик қони тўкилган жой, инсонни ижтимоий етимликдан асровчи манзил, ҳар кимнинг бирилигини ҳадрловчи, ўз-ўзига сиёсий беклигини ифодалавчи замин, маънавий камолат ва фуқаролик майдони, ҳаёт мактаби, фаровонлик ва бахт-саодат ўчоғидир»²

«Ватанни севмоқ иймондандир», - деган эдилар пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом. Ватанни севиш ватанпарварликнинг негизини ташкил қилади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ватанпарварлиги деб она Ватанга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш, унинг сарҳадларини ташқи душманлардан, ҳимоя қилишга, керак бўлса, унинг мустақиллиги, ободлиги, озодлиги, тинчлиги ва осойишталигини сақлаш жонларини фидо қилишга тайёр туришларига айтилади.

Ўзбекистон фуқаролари ватанпарварлигининг хусусиятлари ва аҳамияти тўғрисида И.А.Каримов шундай деб ёзган эди: «Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги-бу қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир. ... Ватанга содиқлик, ватанпарварлик ўзининг қудратли илдизлари билан ўз оиласининг, авлод-аждодларнинг номус-ориға, чуқур эҳтиромға, инсоннинг шахсий виждонига бурчига ва ўз сўзига содиқликка бориб тақалади. Кишиларимизнинг ватанпарварлиги ҳамма вақт севимли халқнинг шон-қарафи, кадр-қиммати, маданияти ва анъаналарига эҳтиёткорлик билан муносабатда ўз ифодасини топиб келди. Баъзида ҳаётда қийин вазиятлар

² Щаранг Пўлатов +. Мустақиллигимиз шадриятлари // Ўзбекистоннинг миллий истишлол мафқураси-Т.: Ўзбекистон, 1993 - 76-б.

бўлади, баъзан адолатсизлик ва ранж-алам эзади. Лекин жаҳл устида она Ватанни, ватандошларни ҳақорат қилиш - бу бориб турган шаккокликдир. Буни халқ асло кечирмайди»¹ .

Ички ишлари идоралари ходимларининг ватанпарварлиги уларнинг Ватанни ҳис қилишида, Ватанга бўлган туйғусида ифодаланган бўлади.

«Ватан ҳисси - шу Ватаннинг эгаси бўлмиш халқни билишдан, унинг қадрига етишдан нималарга қодир бўлганлигини тан олишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади. Ватан ва халқ эгизак. Бирини ҳис этиш учун иккинчисини билмоқ керак. Ўзбекистон деганда ўзбек халқини, ўзбек халқи деганда Ўзбекистонни тушунмош керак. Бирисиз иккинчисини ҳис қилиш мутлоқо мумкин эмас. Ўзбексиз Ўзбекистонни, Ўзбекистонсиз ўзбекни хаёлга ҳам келтириб бўлмайди. .. Азал котиблар васиқани шундай битибдилар, тақдир бизга кулиб боқибди, Ўзбекистон бизга Ватан бўлибди, биз унга фарзанди комил бўлибмиз. То абад шундай бўлгай иншоллох!»² .

Ватан туйғуси-аждодларимизнинг Ватан дея, унинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида жон фидо қилганликларини, жабр-ситам, зулм-истибдодга учраганликларини ёд этиш, мустақил, озод ва обод Ватанимизга юксак эътиқод билан яшаш, унга ҳамиша садоқатли бўлишидир³ -

Ватанпарварлик ҳақида донишмандлар шундай деганлар:

Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати Ватан йўлида қурбон бўлишига ҳозир эканликларида акс этади. (Г.Гегель)

Кимки ўз юртини севмаса, у ҳеч кимни сева олмайди. (Байрон)

Саховатнинг энг буюк жасурликлари Ватанга бўлган муҳаббат туйғули вужудга келади. (Ж.Ж.Руссо)

¹ каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, ишқисод, сиёсат мафкура Т.1. -Т.: Ўзбекистон 1996 -83-84-б

² ватан туйғуси -Т.: Ўзбекистон, 1996 - 146-б

³ щаранг. Ёша манба, 152-153-б

Ватан учун чала иш қилиш, унинг учун ҳеч нима қилмасликдир.(М. Робеспьер)

Ўз Ватанига доғ тушириш- уни сотиш деган сўз.(В.Гюго)

Шундай жиноят борки, уни оқлаб бўлмайди, - бу Ватанга хиёнатдир.
(П.Буаст)¹ .

2-§. АХЛОҚ НОРМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИДА НАМОЁН БЎЛИШИ.

“Умуминсоний ахлоқ нормалари “ тушунчаси. “Норма”-лотинча сўз бўлиб, ўзбек тилида: 1) расмийлаштирилган қонун-қоида. Умум томонидан қабул қилинган, ҳамма учун мажбурий деб ҳисобланган, қонун ҳукмига кирган тартиб-қоида; 2) бирор нарсанинг, ишнинг аниқ белгиланган улчами, миқдори, меъёри деган маъноларни англатади² .

Ахлоқ нормалари деб бир хилдаги иш-амалларга жорий қилинадиган умумий буйруқлар ва тақиқлар орқали кишилар хатти-ҳаракатини тартибга солувчи ахлоқ-одоб талабларининг шаклига айтилади³ .

Ахлоқ нормалари икки хил кўринишда, яъни ахлоқий муносабатларнинг таркибий қисми ва ахлоқий онг шаклларида мавжуд бўлади. Ахлоқ нормаларининг биринчи шакли кўпчилик кишиларнинг бир хилдаги хатти-ҳаракатлари туфайли келиб чиққан ва кейинчалик барча учун бажарилиши шарт қоидалар тусини олган нормалардир. Иккинчи хил кўринишдаги ахлоқий норма инсон онгида ўз аксини топган муайян қоида

¹ Щаранг: Тафаккур гулшани. -Т.:афур /улом нашриёти, 1976.-26-28, 30-б.

² Щаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. -М.: Русский язык, 1981.- 514-б.

³ Щаранг: Философия луғати.-Т.: Ўзбекистон, 1976.-47-б.

сифатида намоён бўлади (масалан, “ўлдирма”, “ўғирлама” ва ҳ.к.), яъни буйруқ майлилик хусусияти кўзга ташланди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, агар ахлоқ принциплари-умумлашган ахлоқий тушунчалар бўлса ахлоқий нормалар уларни муайянлаштиришга хизмат қилади, яъни ахлоқий принципларга риоя қилиш учун қандай ахлоқий хислатлар зарурлигини, бунда киши иродаси қай тарзда намоён бўлиши кераклигини кўрсатади.

Ахлоқ нормалари нафақат элементлар ахлоқий онг, балки шу билан бирга, кишиларни ҳаракатга ундовчи мотив ҳамдир. Улар маънавий ва амалий ҳодисаларнинг синтези сифатида нима қилиш мумкину, нима мумкин эмаслиги, у ёки бу шароитда қандай ҳаракат қилиш керагу, нимадан ўзимизни тийишимиз лозимлигини кўрсатган ҳолда хулқимизни йўлга солади, яъни мумкин ва номумкинлик меъёрини белгилаб беради.

Шунга кўра ички ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқи принциплари ҳам амалда ахлоқ нормалари орқали вожиб бўлади. *Ички ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқининг нормалари* деб, жамият, давлат, вазирлик томонидан ишлаб чиқилган, ички ишлар идоралари ходимларининг хулқи, феъл-атворларини тартибга солувчи, бажарилиши шарт бўлган ахлоқий -ҳуқуқий талаблар мажмуасига айтилади.

Ички ишлар идоралари ходимлари касб ахлоқининг нормалари умумийликдан хусусийликка ва ундан алоҳидаликка қараб амал қилган ҳолда ходимнинг ўз хулқий хатти-ҳаракатларини содир этишда нима қилиши лозимлигига эмас, балки унинг қандай бўлиши кераклигига қўйиладиган талаб тарзида намоён бўлади. Худди шунингдек, ахлоқий нормалар жамиятнинг, давлатнинг, хизмат жамоаларининг ходимга муносабатини ифодалаб, унинг шахсига муайян баҳо беради. Шундай қилиб, ахлоқ нормалари бир вақтнинг ўзида талаб ва баҳо нормалари шаклини олади, яъни жамият, давлат, хизмат жамоалари ёмонлик келтирадиган хатти-ҳаракатларни улар орқали қоралайди ва яхшиликка эришишга қаратилган хатти-ҳаракатларни улар орқали

мақуллайди. Бу билан ахлоқ нормалари фақат ёмонлик учун тўсиқ эмас, балки айна пайтда ходимларни яхши ишларга чорловчи маънавий-ахлоқий омил бўлиб ҳам хизмат қилади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқининг нормаларига қуйидагилар киради: хушмуомалалик ва одоблилик оддий ва камтарлик халолик ва ростгўйлик, очиқ кўнгиллик ва дангалчилик, саҳилик ва мурувватлилик, ўзаро ҳурмат, дўстона муносабат, самимийлик, сиполик, катталарни ҳурмат қилиш ва бошқалар.

Хушмуомилалик ва одоблилик. Ички ишлар идоралари ходимлари амал қилиши зарур бўлган ахлоқ нормаларидан бири хушмуомилалик ва одобликидир. Хушмуомилалик - ўзга кишиларга бўлган ички ҳурматнинг ташқи кўринишидир. Унинг ўнта белгиси бор. Улар қуйидагилар: инсоф, ақл, илм, ҳилм, олижаноблик, кўркам феъл, яхшилик, сабр, шукр, мулойимлик. Мана шуларга амал қилган ҳар бир ходим ҳамиша ва ҳар қандай ҳолатда фуқаролар билан одоб доирасидан чиқмасдан мулоқатда бўлади.

Хушмуомилалик-кўнгилдаги ардоқли фикрларни, энг ноёб ҳис-туйғуларни, энг эзгу ниятларни одамлар билан баҳам кўриш, осойишталик, вазминлик, хотиржамлик билан иш тутиш демакдир.

Одоблилик- яхши тарбия кўрганликнинг намоён бўлиши, хатти-ҳаракатларда, сўзлашувда меъёрни, чегарани, мувофиқлик ва номувофиқликни билишдир. Одоблиликнинг асосий белгиси - ўзини тута билиш, ҳукм чиқаришда шошмаслик, кишиларнинг орқасидан ғийбат қилмаслик, ўзгалар фикрини тинглай билиш, ширинсўзлик ҳисобланади.

Одоб бўлмаган жойда маънавият бўлмайди. Аждодларимиз айтганидек: “Одоби йўқнинг ақли йўқ, одобсиз ақл, ақлсиз одоб йўқ. Одоб икки хилдир: ҳикмат одоби ва хизмат одоби. +иммат одоби поклик ва тўғри йўлга етаклайди, хизмат одоби эса бадавлатлик ва обрўга етказди”¹

¹ Щаранг: +икматнома.-Т.:Чылпон, 1992.-38-б

Халқимизнинг хушмуомилалик ва одоблилик ҳақидаги фикрларига амал қилиш ички ишлар идоралари ходимларининг обрўсини оширади ва уларга нисбатан халқнинг ишончини кучайтиради.

+алоллик ва ростгўйлик. *+алоллик* -ҳар бир инсоннинг ўз кучи билан меҳнат қилиши, шунинг эвазига топган мол-мулки, обрўси, жамичтда тутган ўрни, хулқининг тўғрилиги, сўзида қатъийлик ва садоқатнинг мажмуасидир.

+аётда, хизмат вазифасини бажаришда ҳалоллик билан меҳнат қилиш ички ишлар идоралари ходимлари учун зарурий бўлган ахлоқий талаб ҳисобланади. Ички ишлар идоралари ходимлари хатти-ҳаракатларидаги ҳалоллик улар хулқининг тўғрилиги, сўзида қатъийлиги, собитқадам бўлиши ва умрининг охиригача ўз принципларига содиқ қолишида кўринади. Шунинг учун ҳам ҳалоллик кишига улкан ахлоқий қониқиш бағишлайди.

+алоллик тўғрисида жаҳонга машхур донишмандлар шундай деганлар:

Ақлнинг ҳалоллиги ҳақиқат олдида чекинмай, унга интилиши, ҳар қанча қийин бўлганда ҳам уни топиши, енгил, қулап, ярим-ёрти хулосалар, ҳақоратли сохтагарчиликлардан жирканишидадир. Мустақил изланиши, ҳукм чиқариши ва ўзича ҳал эта олиши журъатига эга бўлишидадир. Мустқил фикрлаши журъатидадир. Инсон бўлишликдадир. (Р.Роллан)

Халол одамни таъқиб этиши мумкин, аммо уни бадном қилиб бўлмайди. (Ф.Вольтер)

Одам қанчалик ақлли ва эпчил бўлса, ҳалоллигини йўқотиши билан шу қадар бадхоҳ, адоватчи бўлиб қолади. (Цицерон)

+алоллик ҳар қандап мартабани безайди. (Ф.Шиллер)

+алоллик энг яхши ва айни пайтда энг тўғри фаолият тарзидир. (Ж.Леббок)

Ростгўйлик ҳалолликнинг бир кўриниши бўлиб, ҳақиқатни гапириш, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам кадр-қимматини тўғри баҳолаш, яхшини яхши, ёмонни ёмон деб очикчасига айтишдир.

Ростгўйлик ички ишлар идоралари ходимларининг ажралмас ахлоқий фазилати бўлмоғи керак. Бу хусусда Т.Драйзер: «Ростгўйлик - ҳаёт нафаси, ҳар қандай фазилатнинг негизи», -деган бўлса, Хусайн Воиз Кошифий:

«ростгўй одам тонг каби беғубордир. Ростгўй бўлишга ҳаракат қилсанг, ишинг ўнгланиб, юришиб, жонинг ссуда бўлади», - деб ҳақ, гапни айтган эдилар.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқи нормаларидан ўрин олган ҳалоллик ва ростгўйлик, биринчидан, ҳар бир ходимдан ўз сўзининг устидан чиқишни талаб қилади, бу эса уларнинг ўз бурчини пухта бажаришларига ҳамда қонунбузарлар олдида ожиз қолганларнинг уларга суянишига олиб келади; иккинчидан, ёлгончиликка, тамагирликка ўрин қолдирмайди; учинчидан, ҳар ҳандай қийин шароитларда ҳам зиддият ва камчиликларни, жинояткорона қилмишларни очиб ташлайди; тўртинчидан, келгусида бўладиган хийла-найрангларга йўл қолдирмайди.

Шижоат ва хушёрлик. *Шижоат* - ботирлик, жасорат, довюраклик, мардлик дегани. Касб ахлоқининг марказий нормаларидан саналмиш бу фазилат ҳақда Абдулла Авлоний шундай деган эди: «Шижоат деб ботир ва юракли бўлмакни айтилуру. Шажий киши ҳеч нарсадан қўрқмайдурган ботир ва юракли бўлуру. Шижоат инсониятнинг соф ойинаси, иффат, ғайрат, истиқомат каби яхши хулқларнинг нурунийсидир. Шижоатнинг ҳақиқати қалбнинг матонатиндан, рухнинг саломатиндан иборатдур»¹.

Демак, шижоатли бўлмиш ички ишлар идоралари ходимларидан, энг аввало, ботир ва довюрак бўлишни талаб қилади. Бу эса жиноятчи билан олишиш, уни ушлаш ёки гумдон қилиш заруратидан келиб чиқувчи ахлоқий талаб ҳисобланади. Фақат довюрак ва мард ходимгина жиноятчилар билан хаёт-мамот жангига киришишга қодир бўлади.

Шижоатли ходим бошлаган ишини охирига етказмай куймайди. У ҳар қандай тўсиқларни енгиб, жиноятчиликнинг олдини олиб, ўзбек халқининг қалқони ва суянчиғи бўлиш бахтига муяссар бўлади. У ўзининг обрў-эътиборини, номини ва шаънини хамиша баланд тутиб, ички ишлар идораларининг қадр-қимматини сақлайди, халқнинг уларга бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

¹ Щаранг: Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ - Т.: Ышитувчи 1992-21-6

+ушёрлик. - ички ишлар идоралари ходимларининг касб ахлоқи нормаси сифатида ходимлардан доимо бедор ва огохликда бўлишни, яъни халқнинг ҳаётидан хабардор бўлишни, айниқса жиноятчи унсурларнинг килмишларидан огох, бўлиб туришни, ахлоқ, ва қонун талабларини бузишларига йўл қўймасликни, бунинг учун эса ўзларининг бор имкониятларини ишга солишларини талаб этилади.

+ушёрлик - жиноятчиликнинг олдини олишдаги асосий восита, усуллардан энг муҳими. Унинг талабларини бажариш ҳар бир ходимнинг муқаддас бурчидир.

+аёлилик ва покизалик. *+аёлилик* ва *покизалик* ҳам касб ахлоқи нормалари ҳисобланади.

+аёлилик - бу уялиш, хижолат тортиш, ўзини ҳар хил ножужа ҳатти-ҳаракатлардан тия олиш демакдир. Бу тўғрида улуғ аждоддаримиз шундай деганлар:

+аё имондандир. +аёли, одобли бўлмоқ, ҳар вақт хайрли ишларга сабаб бўлади. (Хадислардан)

Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. +аёсиз инсон - имонсиздир. Имонсиз эса инсон эмасдир. (Алишер Навоий)

Иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир. +аё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг иффат пардаси йиртилмас. (Абдулла Авлоний)

Инсонда доимо турадиган ҳусн ва латофат ҳаё ила иффатдир. +аёсиз юз жонсиз жасад кабидир. (Ибн Сино)

Покизалик - бу тозалик ва софлик дегани. Тозалик-инсон саломатлигининг гарови. У касб ахлоқининг нормаси сифатида ҳар бир ходимдан кийим-кечагининг, афт-ангорининг, иш жойининг покиза бўлишини ҳамда қалбининг пок бўлишини, ейиладиган таомларига ҳаром аралашмаслигини, луқманинг ҳалол бўлишини талаб қилади.

Собитқадамлик, сабр-қаноат, камтарлик. *Собитқадамлик* - ният қилинган ишга жиддий киришиш ва охирига етмагунча ундан чекинмаслик, бошланган ишни охирига етказишдир. Собитқадамлик инсоннинг ўткинчи нарсаларга, бир лахзалик кайфиятга, «ошна-оғайнигарчиликка» берилмаслигидир.

Сабр-қаноат - бошга тушган кийинчиликларни чидам билан енгишдир. Бу ахлоқий хислат ички ишлар идоралари ходимларидан хизматнинг барча аччиқ-чучукларига, қисматларига, хавф-хатарларига чидашни, хизмат бурчини сабр ва матонат билан бажаришни талаб этади. Бу хусусда Абдулла Авлоний: «Сабр шундай кучли нарсадурки, шахватни иффатга, газабни шижоатга, шиддатни хилмга, катталиқни тавозуга, ёмонлиқни яхшилиқка айландурмакга қуввати этади»¹ - деган эди.

Камтарлик деб кишининг ўзини табиий ҳолда, қандай бўлса шундайлигича, ҳамма билан тенг, баб-баробар тутишига айтилади. Камтар кишига ясамачилик, дабдабавозлик, иззатталаблик, шухратпарастлик ётдир. Бу ҳақда донолар шундай деганлар:

Кучли одамлар ҳамиша оддийдирлар. (Л.Н.Толстой)

Камтарлик саҳоват кўркигина бўлиб қолмап, балки унинг соқчиси ҳамдир.
(Ж.Аддисон)

Камтарликнинг етишмаслиги ақлнинг етишмаслигидандир. (А.Поп)

Ҳамма нарсада, ҳатто камтарликда ҳам меъёрни билиш керак. (А.Франс)

Камтарликни пеш қиладиган камтарлик - камтарлик эмас. камтарлик жандасига ўранган такаббурликнинг ўзгинаси, холос. (И.Бехер)

¹ Щаранг: Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ - Т.: Ышитувчи, 1992 - 24-б

Хўжасакўрсинга камтарлик пардали мунофиқликдир. (Ф. Ларошфуко)

Жоҳил кишилар олдида камтарлик қилмагил, акс ҳолда улар назарида сен тубан ва шармандадирсан. +ақир ва нотавон кўринмай десанг, донолар олдида такаббур бўлма. (Мажид Хавофий)

+алқимизнинг инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган ишларида ички ишлар идоралари ходимларининг ўз хизмат вазифаларини касб ахлоқи принцип ва нормалари асосида бажаришлари катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Чунки одилона, инсонпарвар шарт-шароитлар келажаги буюк давлатимизнинг, меҳнаткаш ўзбек халқининг камолотини таъминлагай, иншооллоҳ!

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Умуминсоний ахлоқий принциплар деганда нимани тушунасиз ва унинг қандай шаклларини биласиз?

2. Ахлоқ нормалари тўғрисида гапириб беринг.

3. Ватанпарварлик ва инсонпарварлик ҳақида ўз фикрларингизни айтиб беринг ва бу тўғрида баҳслашинг.

4. Шижоат нима, мардлик деганда нимани тушунасиз?

5. Хусайн Воиз Кошифийнинг: «+аё ва андиша дунёда тартиб сақлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. +аё йўқолса, ҳеч. кимда виждон ҳам қолмайди, у ҳолда дунёда тартиб бузилади, кишилар бир-бирига бефарқ қарайдиган бўладилар», - деган хикматли гапига ўз муносабатингизни билдиринг.

«Ахлоқ,-одобга оид Хадис намуналари» китобини кутубхонадан олиб ўқинг ва ундаги хикматлар хусусида фикр юритинг.

Камтарликни пеш қиладиган камтарлик - камтарлик эмас. камтарлик жандасига' уранган такаббурликнинг узгинаси, хвλος. (И.Бехер)

Хужсакурсинга камтарлик пардали мунофикликдир. (Ф. Ларошфуко)

/Коңил кишилар олдида камтарлик к,илмагил, акс л,олда улар назарида сен тубан ва шармандадирсан. Х.ак,ир" ва нотавон куринмай десанг, донолар олдида такаббур булма. (Мажид Хавофий)

Халкимизнинг инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган ишларида ички ишлар идоралари ходимларининг у³ хизмат вазифаларини касб ахлоқи принцип ва нормалари асосида бажаришлари катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Чунки одилона, инсонпарвар шарт-шароитлар келажаги буюк давлатимизнинг, меҳ,наткаш узбек халқининг камолотини таъминлагай, иншооллоҳ!

IV-боб

УМУМИНСОНИЙ АХЛОҚҚА ЗИД ИЛЛАТЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

1-§ Умуминсоний ахлоққа зид иллатлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари

«Умуминсоний ахлоққа зид иллат» - ахлоқий ёмонлик тушунчаси. «Иллат сўзи тандаги дард, касаллик, хасталик, жисмоний ёки руҳий камчилик, нуқсон, айб ҳамда бирор ишга, ҳолга сабаб бўлган бузуклик, бало, деган маънони англатади. Шунга кўра, умуминсоний ахлоққа зид иллатлар деб умуминсоний одоб-ахлоқ принциплари ва нормалари доирасига сиғмайдиган, унга хилоф равишда содир этиладиган ярамас хатти-ҳаракатларга айтилади.

Бундай ахлоқсизликларга ғазаб, жаҳолат, адоват, ғийбат, ҳақорат, ҳасад, нифок, зулм, ёлғончилик мақтанчоқлик, дангасалик, ичкиликбозлик,

манфаатпараслик, шуҳратпарастлик, айёрлик, хушомадгўйлик, иккиюзламачилик, эзмалик, жиззакилик, бузуқчилик кабилар киради.

/азаб. /азаб - инсоннинг ақл қувватидан ҳиссиёт қуввати устун келиб, босолмасдан, ўзгаларга қиддат билан муомала қилиши. /азаб агарда бировни уриш, сўқиш, яъни кишиларга жабр ва зулм етказиш тариқасида юзага чиқса, у ахлоққа зид иллатга айланади. Ўринсиз ғазабланиш ички ишлар идоралари ходимларининг ишларига зарар келтиради.

/азабнинг иллатлари тўғрисида донишмандлар шундай деганлар:

/азаб тез қайтариладиган, шафқатсиз зоят кучли, руҳий жиҳатдан хайвоний бир ҳиссиётдир, у қотиллик сабабчиси, замкулфат хамрохи, зиёндошлик ва номуссизлик. оинаси булиши мумкин. (Аристотель)

Разаб устида жазо бериш - жазолаш эмас, ҷасд олишдир. (П.Буаст)

Разаб устида урган хар бир зарбамиз охир-о^ибат узимизга келиб тушади. (У. Пени)

Разаб тушиши бировнинг хатоси учун узимиздан уч олишимиздир. (А.Поп)

Капси бирларингда жахлу газаб кузиса, дархол у сунут саълашга утсин. (Хадис)

К, айси бирларинингда жахлу газаб тик турган наптда келса, дархол утириб олеин. Агар шунда хам газаб кетмаса, ётиб олеин. (Хадис)

/ийбат ва тухмат. /ийбат - бу бировларнинг орқасидан ёмонлаб гапириш, фискл-фасод тарқатишдир. /ийбат тарқатувчиларни ғийбатчилар деб атайдилар. Улар бировнинг гапини бошқа бировга етказиб, одамлар ўртасига нифоқ соладилар. Оқибатда ота ўғилни оқ, қилади, қиз онасидан юз ўгиради, устоз шогардидан воз кечади, рахбар ва ходим ўртасида совуқчилик тушади, бир-бирларидан уч олиш пайига тушадилар. Шу тарика ғийбатчилар дунёни

бузадилар. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз: «/ийбатдан сақланингиз, ғийбат зинодан ҳам ёмонроқдур», - деган эдилар.

Тухмат - бу ҳалол, имони бутун одамларни айблаш ёки қоралаш мақсадида ўйлаб чиқарилган асоссиз даъво, бухтондир.

Тухмат-бухтонлар туфайли собиқ шурулар даврида юз минглаб кишилар ҳаётдан куз юмдилар. Биргина «ўзбеклар иши» деб аталувчи Марказдан тўқиб чиқарилган бухтон туфайли халқимизнинг ўн мингдан ортиқ фарзанди устидан жиноят иши кузгатдилар, беш мингта яқинини қамоқда сақладилар. Аммо матонатли халқимизнинг асл фарзандлари қийинчиликларни, тухмат бало-қазоларини енгиб Ватанимизнинг мустақиллиги, ободлиги ва озодлиги йўлида тинмай меҳнат қилмоқдалар.

Улар орасида ички ишлар идоралари вакиллари, жумладан матонатли генерал, профессор У.Тожихонов ҳам бор¹.

Ёлғон. *Ёлгон* - бу ҳақиқатга тўғри келмайдиган, нотўғри сўзларни айтишдир. Ёлгончи кишиларни каззоб дейдилар. Пайғамбаримиз: «Ал каззобу ло уммати» - ёлғончи менинг умматимдан эмасдур, - деган эдилар². Гапларнинг ёмони - бу ёлғончиликдир, ёлғонни ҳазил билан ҳам, жиддий ҳам гапириб бўлмайди. Ёлғончилик ёвузликка бошлайди, ёвузлик эса жаханнамга. Ростгўй одамга яхши баҳо, ёлғончи одамга ёмон баҳо берадилар.

Хадисларда фақат уч ҳолда - уруш вақтида, эр ва хотинни ризо қилишда, икки мўмин орасини тузатмақда ёлғон гапиришга рухсат этилади.

Ёлғончиликнинг зарарлари ҳақида донишмандлар шундай деганлар:

Ёлғончилик - қабих иллат. (М.Монтень)

Ёлғончи - инсон деб аталлишга лойиқ эмас. (Ф.Фенеяон)

Ёлғон бевиқор қилур одамни,

Ёлғон шармисор қилур одамни. (Саъдий)

¹ Щаранг: Илюхин В. Щабохат ёхуд ... («Ўзбеклар иши» деган уйдирма хусусида).- Т.: Ўзбекистон, 1992 - 56-6.

² Щаранг: Ахлош-одобга =адис намуналари. - Т.: Фан, 1990 - 46-6

Ёлгончининг жазоси унинг гапига ҳеч ким ишонмай қўйишида эмас, балки унинг ўзи энди ҳеч кимга ишонмаслигидадир. (Б.Шоу)

+ақорат, кўрқоқлик, нифоқ, тама, зулм. Халқ. фидойиси Абдулла Авлоний ёмон хулқлар, ахлоққа зид иллатлар тўғрисида қуйидагиларни ёзган эди.

«*Хақорат* деб бир кишининг нафсига, иффатига тегадурган сўзлар ила кадр ва эътиборини тушунмак ниятида ёмон муомала қилмоққа айтилади. Бировни хақорат қилиш катта гуноҳдир. Хақорат таҳқир қилинган кишининг дилига ўрнашиб, шундай ёмон жароҳатларни очурки, фурсатни ғанимат топиб уч ва интиқом олмагунча тузалмайдур.

+ўрқоқлик энг ёмон хулқларнинг биридур. Кўрқоқ кишилар ваҳм ва хаёлот асири бўлуб, бир ишни ишламакга жасорат қилолмаслар. Кўрқоқ, кишиларнинг сўз ва ваъдаларига ишониб бўлмагани каби йўл ва сафарда ҳам ҳамроҳ бўлмак хатодур. Зероки, юраксиз кишиларда сабр ва сабот, журъат ва матонат каби яхши сифатлар бўлмайдур.

Нифоқ, деб кишининг олдида бир ҳил, орқасидан бошқа хил сўзланадиган сўзларга айтилади. Бундай сўзловчи икки юзлама кишиларни мунофиқ, дейилади. Баъзи хийлакор, кўрнамак, ёлгончи мунофиқлар булурки, ўзларининг шахсий манфаатлари учун сизни қурбон қилур.

Тама деб бировдан бир нарса умидвор бўлишга айтилади. Тамагирлик балосига гирифтор бўлган кишиларда номус ва хаё деган яхши сифатлар бўлмайди.

Зулм деб бировнинг жонига ёки молига зарар етказмакни айтилади. Мансаб ва давлатга, куч ва қувватга мағрур бўлиб, бировнинг хақиға таарруз (тўсқинлик) ва тажовуз қилмок зулмдур.

Катталиқнинг иззати зулм ва таадди (жабри)да эмас, шафқат ва марҳаматдадур. Кичикликнинг лаззати нафрат ва қаршилиқда эмас, садоқат ва ҳурматдадур»¹.

¹ Абулла Авлоний Туркий гулистон ёхуд ахлоқ Т.: Ышитувчи, 1992, 51,52,54, 55-6

Ахлоққа зид иллатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари. Умуминсоний ахлоқда зид иллатларнинг келиб чиқишига қуйидаги шароитлар сабаб бўлади:

1. Ижтимоий ҳаёт ривожланишининг бир текис бормаслиги, яъни эскилик билан янгилик ўртасидаги зиддиятлар туфайли келиб чиқувчи ахлоқий ёмонликлар. Масалан, хусусийлаштиришда эскилик бўлган умумий мулкчилик тарафдорлари билан янгилик бўлган хусусий мулкчилик тарафдорлари ўртасидаги келишмовчиликлар ахлоқий иллатларни келтириб чиқаради.

2. Ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш соҳасида йўл қуйилган хатолар туфайли келиб чиқадиган ахлоқий ёмонликлар. Бу ҳақда И.А.Каримов: «+аммамиз яхши биламиз: 15 дан то 18 ёшгача бўлган давр инсон умрида энг нозик, энг мураккаб даврдир. Шу ёшда инсон онги, хулқи ва ахлоқи, маънавий қиёфаси тугал шаклланади. Хали суяги қотмаган фарзандларимизни ўз ҳолига ташлаб қўйсақ, тарбияси, илми ва маънавияти билан шуғулланмасак, келажакда уларнинг комил инсонлар бўлиб етишмоғига ким кафолат бера олади?»¹ , - деган эди.

3. Бойлик орттириш, яъни ҳаётнинг мазмунини қандай йўл билан бўлмасин, бойлик орттириш, мол-дунё тўплашда кўрувчиларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши. Бунинг оқибатида ўғирлик, чайқовчилик, фохишабозлик, талончилик, босқинчилик кабилар авж олиб кетади.

Умуминсоний ахлоққа зид бўлган энг юқори даражадаги иллат жиноятчиликдир. Жиноят содир этиш ахлоқда ёмонликдир.

Умуминсоний ахлоққа зид бўлган иллатлар ахлоқ нормаларини бузишнинг қуйидаги шакларида намоён бўлади:

- 1) ижтимоий ахлоқ, бузилишининг шакли бўлган безорилик;
- 2) ғайриинсоний муносабатда бўлишдан келиб чиқувчи кўполлик, қасос, қасам;

¹ Каримов И.А. Янгича тафаккурга - кенг йыл // Халқ сўзи. 1997 йил 1 май.

3) ўзининг шахсини эҳтиёт қилмаслик туфайли келиб чиққан ахлоқий ёмонлик шакллари: шахсиятпарастлик, худбинлик.

Бозор муносабатларига асосланган демократик жамият қуриш шароитида ҳам ахлоқда зид иллатларнинг, айниқса ўғрилиқ, фирибгарлик, порахурлик, жинсий бузуқлик, ичкиликбозлик, майда безорилик кабиларнинг сақланиб қолиши табиийдир. Бунинг сабаби бир томондан, эскидан одамларнинг онгида сақланиб қолган ахлоқий иллатларнинг яшовчанлиги бўлса; иккинчи томондан, жамиятдаги зиддиятлар, уларнинг тўлиқ ҳал этилмаганлигидир. Ана шу икки масалани ҳал этишда ички ишлар идоралари ходимларининг ўз ўрни бор.

2-§. АХЛОҚҚА ЗИД ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УНДА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Умуминсоний ахлоқда зид иллатлар, биринчидан, жамиятнинг ҳар томонлама ривожланишига тўсклнлик қилади; иккинчидан, ёшларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш ишларига халақит беради; учинчидан, жиноятларнинг келиб чиқлишини кучайтириб юборади. Шунинг учун ҳам ахлоқда зид иллатларга қарши курашиш ички ишлар идоралари ходимларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Ахлоқда зид иллатларга қарши курашишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Бозор иқтисодиётининг қонунларидан келиб чиққан ҳолда мамлакат ҳаётининг, айниқса иқтисодий фаолиятининг барча жабхаларида меҳнат шартномаларини бажариш, солиқ, тижорат интизомини мустақкамлашни амалга ошириш. Интизом ахлоқнинг ажралмас қисми, ахлоқ эса жамиятдаги хатти-ҳаракатларни тартибга солувчи, бошқарувчи асосий омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам меҳнат ва хизмат интизомини кучайтириш ҳар қандай ахлоқсизликнинг олдини олишда асосий восита бўлади.

2. Ахлоққа зид иллатларни тугатишга қаратилган яна бир йўналиш иш ҳақини тўлашда тенглаштириш сиёсатига йўл қўймаслик, яъни инсон қанча ва қандай меҳнат қилган бўлса, шунча иш ҳақи даромад олишини таъминлаш; яхши меҳнатни тақдирлаш ишларини юқори даражада ташкил этиш.

3. Жамиятда яратилаётган барча моддий неъматлар ва уларнинг тақсимланиши давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан назорат қилиб турилиши лозим. Бу эса ҳар хил ишқмаслар, ўғрилар, фирибгарлар ва чайқовчилар безориликларининг олдини олишга ёрдам беради.

4. Жамоатчилик томонидан ёмон хулқли одамларга қарши муҳит яратиш зарур. Агар шундай муҳит яратилса, яъни одамлар ахлоқбузарлардан ҳамма жойда - ишда ҳам, кўчада ҳам, маҳалла-куйда ҳам нафратлансалар, қилмишларига доимо танбەҳ берсалар, яъни улар учун ноқулай муҳит яратсалар, ахлоққа зид иллатлар тезда йўқолади.

5. Жамиятнинг кичик ёшдаги фуқароларини меҳнатга, ҳалол меҳнат қилишга ўргатиш, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш.

6. Ҳар бир кишининг меҳнати самарали бўлиши лозим. Самарали меҳнат ахлоқсизликдан асрайди.

7. Умуминсоний ахлоққа зид бўлган ахлоқий ёмонликларнинг энг қабих шаклларида бири жиноятдир. Унинг жамиятга зарари ва уни тугатиш йўллари ҳақида И.А.Каримов шундай деган эди: «Демократик давлат ўз фуқароларига тинч яшаш ва меҳнат қилиш имконини тўла таъминлаб бермоғи керак. Лекин, айни замонда, жиноятчиликка қарши кураш шунчаки вақтинчалик кампанияга айланиб кетмаслиги лозим. Бу иш давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири бўлмоғи зарур.

Жиноятнинг яширин ва энг қабих тури бор. Бу -коррупция ва порахурлик. Жиноятнинг бу тури бошқарув аппаратини издан чиқарибгина қолмай, бозор асосларини ҳам барбод этиши мумкин.

Бюрократ кимса хадик ёки масъулиятсизлик туфайли жараённи секинлаштириб қўйса, порахур кўпинча кўра-била туриб, ўз манфаатини ўйлаб давлат ва халқ манфаатларига зид қарорларни қабул қилади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг порахўрлик, қонунни четлаб ўтиб чайқовчилик қилиши, энг аввало, тижорат аҳлининг узини обрўсизлантиради, аҳолининг қарғишига дучор этади. Шу сабабли, бозор муносабатларининг виждонли ва софдил тарафдорлари турли ўғри ва муттаҳамларга ўз ораларидан ўрин бермасликлари керак»¹.

Ахлоққа зид иллатларни тугатиш куйидаги ташкилий тадбирларни амалга оширишни ҳам талаб этади.

1. Одамларнинг меҳнат ва хизмат фаолиятларини, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондирувчи маданий дам олиш шакллари: саёҳат, уйин-кулги, туй-томоша, санъат, бадий ижодкорлик, ихтирочилик ва бошқа турли-туман тадбирлар билан уйғунлаштириб олиб боришни ташкил этиш.

2. Одамлар ўртасида маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантириш ишларини, яъни азалий удумлар - каттани хурмат, кичикни иззат қилиш, аёлларга олийжаноб муносабатда бўлиш, ҳар куни саломлашиш, меҳмоннинг иззат-хурматини жойига қўйиш, камтарлик кабиларнинг хаётда қўлланилишини назорат қилиш асосида мунтазам равишда иш олиб бориш. Бу тадбирларни амалга оширишда ички ишлар идорлари ходимларининг ўрни беқиёсдир. Чунки у ахлоқ ва ҳуқуқ химоячиси сифатида бу ишларни амалга оширишга масъулдир.

«Жамият маданиятсиз, маънавий-ахлоқий қадриятларсиз яшай олмайди. Уларни писанд қилмаган жамият пировард-оқибатда таназзулга юз тутади»¹ ҳамда ахлоқсизлар жамиятига айланиб қолади.

3. Оиладаги муҳитни яхшилаш, оилавий тарбияга эътиборни кучайтириш, айниқса болаларни уриш ва кўрқитиш асосида тарбиялаш усулларини тарбия

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан шолсин. Т 2.- Т.: Ўзбекистон 1996 - 222-б.

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан шолсин Т. 2. - Т.: Ўзбекистон 1996 - 222-б

тизимидан сиқиб чиқариш керак. Қўрқув одамни тарбия қилмайди, аксинча, охир-оқибатда бир қанча ахлоқсизликларни келтириб чиқаради. Оилада ўзаро ишонч, хурмат ва ўзаро руҳини шакллантириш керак, чунки бу рух ахлоқсизликларнинг илдизига болта уради, жамиятнинг ривожланишига, фарзандларимизнинг оқил бўлиб етишишларига замин яратиб беради.

4. Одамлар орасида маънавият ва маърифат ишларини тарғиб қилиш, ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларининг бажарилишини талаб этиш ҳамда ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, бу соҳадаги билимларни тарғиб ва ташвиқ, қилиш ишларини тўғри йўлга қўйиш лозим. Бу ишларни амалга оширмасдан туриб буюк давлат кўриб бўлмайди.

«Бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз, -деган эди И.А.Каримов, - инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир.

Бу нарса айниқса ёш авлодга тегишли. Келажаги буюк давлат, энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларнинг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик килмоғи зарур. Илм ўрганиш ва маънавий-ахлоқий қадриятлар ўрнини турли «Сникерс» ва сигарет савдоси эгаллашига асло чидаб бўлмайди.

Шу сабабли, мен барча ватандошларимизга мурожаат қилиб айтаман: бугун ҳаёт қанчалик оғир бўлмасин, маънавиятимиз ва маданиятимизни унутмайлик!¹.

Юқоридагиларни хулосалаб айтиш мумкинки, умуминсоний ахлоққа зид иллатларга қарши курашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: 1) ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш; 2) ҳокимият ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг ишларини замон талаблари даражасида фаоллаштириш; 3) жамоатчилик назоратини кучайтириш ва жамоатчилик фикрига қулоқ солган ҳолда узлуксиз иш юритиш; 4) ўзбек халқи миллий қадриятларининг руҳига мос тарзда ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ишларини олиб бориш.

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан шолсин Т. 2. - Т.: Ўзбекистон 1996 - 224-б.

И. А. Каримов умуминсоний ахлоққа зид иллатларга қарши курашнинг дастурий йўналишларини қуйидагича белгилайди: «Фуқароларимизнинг ҳуқуқбузарликка қарши ички имкониятлари ва юксак даражадаги ахлоқи жиноятчилик ва коррупция жамиятга олиб кирадиган емирилишдан энг яхши химоядир. Оилада, мактабда, меҳнат жамоасида, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия, жамоатчилик фикрининг кучи, оммавий ахборот воситалари, руҳонийларнинг обрў-эътибори - ҳамма-хаммаси одамларимизда Қонун бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларга нисбатан барқарор қаршилиқни шакллантиришга қаратилмоғи лозим»². Бинобарин ахлоққа зид иллатларнинг пайини қирқиб ҳар бир виждонли фуқаронинг, хусусан, ички ишлар идоралари ходимининг бурчидир.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Умуминсоний ахлоққа зид иллатлар деб нимага айтилади?
2. Тамагирлик, порахўрлик, безорилик, чайқовчилик деганда нималарни тушунасиз ва бу ҳақда жаҳон донишмандларининг айтган қандай доно сўзларини биласиз?
3. /ийбатчи, туғматчи, ёлғончилар тўғрисида ўз фикрларингизни баён қилинг ва ҳаётдан мисоллар келтиринг.
4. Фирибгарлик, кўзбўямачилик, ўғрилиқ тўғрисида гапириб беринг?
5. Беҳаёлик ва фоғишабозликка қарши кураш зарур деб ўйлайсизми? Ички ишлар идоралари ходимлари бунга қарши қандай чора-тадбирларни амалга оширмакдалар? Шу ҳақда сўзлаб беринг.
6. Ахлоқсизликка қарши курашнинг асосий йўналишларини нималар ташкил этади?
7. Жалолiddин Давонийнинг: «Кўп гапириш ярамайди, зероки ҳаддан ташқари маҳмаданагарчилик енгилтаклигу димоғдорлик нишонасидир ва

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср босма асосида: ҳавфсизликка таъдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари- Т.: Ўзбекистон, 1997 - 94-б

хурмат йўқолишию жиддият етишмаслигининг сабабчисидир», деган ҳикматли сўзига ўз муносабатингизни билдиринг. Нима учун И.А.Каримов: «Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсон бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз», - деб ҳисобламоқда? Фикрингизни далиллар билан асослаб беринг.

V боб

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСБ ЭТИКАСИНИНГ КАТЕГОРИЯЛАРИ

1-§. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСБ ЭТИКАСИ КАТЕГОРИЯЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Касб этикасининг категориялари. +ар бир фаннинг ўз категориялари бўлгани каби ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти фанининг ҳам категориялари мавжуд. «Категория» сўзи юнонча бўлиб, луғавий маъноси «хукм», «гувоҳ», «ифодалаш», «таъриф бериш», «фикр айтиш» демакдир.

Ички ишлар идоралари ходимлари касб этикасининг категориялари деб жамият ахлоқий ҳаётидаги умумий, муҳим томонларни, хусусиятлар ва муносабатларни инсон томонидан ўзлаштириш усулларини акс эттирувчи тушунчаларга айтилади.

Этика фанининг категориялари бошқа фанларнинг категорияларидан ўзининг бир қатор *хусусиятлари* билан фарқ қилади.

Биринчидан, этика категориялари фақат ахлоқшунослик соҳасида эмас, балки бошқа фан соҳаларида ҳам қўлланилади. +ар қандай назария, кашфиёт ва илмий қарашнинг заминида маълум қадрият бор, яъни у мазкур иш нима мақсадда қилинган, у

яхшими ёки ёмон нарсами, деган саволдан ташқарида бўлмайди. Шундай қилиб, амалиётда ахлоқий фаолиятдан ташқарида бўлган нарсанинг ўзи йуқ.

Иккинчидан, этика категориялари (масалан, ватанпарварлик, адолат, жавобгарлик ва х.к.) бир вақтнинг ўзида бошқа фанлар - сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий фанларнинг ҳам категориялари ҳисобланади. Бу ахлоқийликнинг, унинг инъикоси бўлган ахлоқ, категорияларининг синтез қилиш хусусиятига эга эканлигини кўрсатади. Синтез, бир томондан, ахлоқий тарбия учун бошқа фан жабхаларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда иш кўришини кўрсатса, иккинчи томондан, бошқа фан категорияларига ахлоқий мазмун бағишлашини, уларнинг ахлоқийликдан ташқарида эмасликларини ҳам кўрсатиб беради.

Учинчидан, этика категориялари ўзининг кенг қамровлилиги билан ажралиб туради. Бу категориялар инсон ҳаётининг барча жабхаларини, яъни туғилишидан ҳаётининг сўнгги кунларигача бўлган меҳнат, севги, кундалик одоб-ахлоқ, ҳулқ, муомала - ҳаммасини ўзида умумий тарзда акс эттириши билан ажралиб туради.

Туртинчидан, этика категориялари кишилар хатти-ҳаракатлари, ҳулқ,- авторларини жамият талаблари нуқтаи назаридан маъқуллаш ёки қоралаш, яъни ахлоқий баҳолаш хусусиятига эгадир.

Этика категорияларига қуйидагилар киради:

- *яхшилик ва ёмонлик;*
- *адолат ва адолатсизлик;*
- *бахт ва бахтсизлик;*
- *виждон ва виждонсизлик;*
- *бурч, ор-номус ва қадр-қиммат;*
- *ҳаётнинг маъноси.*

Бу категориялар, гарчанд умумий категориялар бўлсада, ўзининг ички ишлар идоралари ходимларининг амалий фаолиятида қўлланишида аниқлик,

яъни ўзига хослик касб этади. Бу ўзига хослик уларнинг бажарадиган вазифаларида яққол кўринади.

Касб ахлоқи категорияларининг вазифалари. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси категориялари қуйидаги *вазифаларни* бажаради:

1) *билиш*, яъни жамият ахлоқий ҳаётининг ривожланиш қонуниятларини билиш асосида унинг моҳиятини англаб олиш;

2) *баҳолаш*, яъни кишиларнинг хатти-ҳаракатларини, жамият томонидан белгиланган ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларни қандай бажараётганликларини яхшилик, адолат нуқтаи назаридан асослай олиш;

3) *танлаш*, яъни ахлоқий қадриятлар дунёсида тўғри хатти-ҳаракатларни содир этиш учун мақсад, восита ва усулларни тўғри белгилаш;

4) *бошқариш*, яъни тўғри танланган мақсадга эришиш учун содир этиладиган ахлоқий муносабатларни тартибга солган ҳалда йўналтириб туриш;

5) *башорат қилиш*, яъни жамият ахлоқий ҳаётининг келгусидаги ривожланиш йўлларининг моделларини яратиш, шу асосда ҳар хил тахминлар қилиш ва керакли ишларни режалаштириш;

6) *бирлаштириш*, яъни одамларнинг яхшилик ва эзгулик йўлидаги ҳамжихатликларини таъминлаш;

7) *тарбиялаш*, яъни ҳар бир инсоннинг ахлоқий, ҳуқуқий онгини ривожлантириш асосида уларнинг ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг ҳар хил восита ва усулларини ишлаб чиқиш, амалда қўллаш ва х.к.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу умумий вазифалардан ташқари ҳар бир категориянинг ўзига хос жихати ва бажарадиган мухсус вазифалари мавжуд. Яхшилик, ёмонлик, адолат категориялари норматив фаолиятни ифодаловчи категориялар ҳисобланади.

2-§. «ЯХШИЛИК» ВА «ЁМОНЛИК» КАТЕГОРИЯЛАРИ, УЛАРНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ

ФАОЛИЯТИДА НАМОЁН БЎЛИШИ

«Яхшилик» ва «ёмонлик» касб этикасининг инсон фаолиятини ахлоқий жихатдан баҳоловчи марказий категорияларидан ҳисобланади.

«Яхшилик» тушунчаси ва унинг моҳияти. Яхши деганда, одатда, кишининг бирор талабига тўла жавоб берадиган, унга ёқадиган, маълум бўлган хатти-ҳаракатлар, нарсаларнинг ижобий сифатлари тушунилса, яхшилик деганда эса ихтиёрий равишда бирор кишининг манфаатини кўзлаб иш тутиш, унга манфаат етказиш, хайрли, эзгу ишларни амалга ошириш тушунилади.

Яхшилик ўзининг кундалик оддий тушунчасидан ташқари этика фанининг категорияси сифатидаги таърифига ҳам эгадир.

Яхшилик деб теварак-атрофда содир бўлаётган ҳамма воқеа, ҳодиса ва вужудга келаётган нарсаларнинг инсонни эъзозлайдиган, унинг манфаат ва эҳтиёжларини қондирадиган, ахлоқий идеалларига мос келадиган, одамгарчилигининг ўсишини ҳар томонлама таъминлайдиган, пировардида бахтли ҳаёт кечиришига хизмат қиладиган барча ижобий томонларининг йиғиндисига айтилади.

Яхшилик ички ишлар идрралари ходимлари касб этикасининг категорияси сифатида ахлоқнинг турлича намоён бўлишини ўзида акс эттирар экан, бошқа ахлоқ категорияларидан ўзининг қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради: 1) инсон фаолиятининг сабаби ва натижасига кўра текшириладиган ҳамма муайян ахлоқий нормалар тизими нуқтаи назаридан ижобий баҳолашга имкон берадиган ижобий ахлоқий мазмун; 2) ахлоқий идеалга мувофиқ, келадиган реал мавжуд ахлоқий муносабатларнинг ижобий мазмуни; 3) муайян, аниқ тарихий ахлоқ шаклининг барча ижобий норма ва принциплари йиғиндисини ўзида жамлаган умумий идеал;

4) хатти-ҳаракатнинг сабабига айланувчи ахлоқий мақсад;

5) инсоний хусусият, фазилат эканлиги ва х.,к.!

Яхшилик категорияси ўзининг кўп қирралилиги, кенг қамровлилиги, ахлоқий муносабатларнинг универсаллиги, яъни кишилар ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олганлиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам у меҳнат соҳасида - жамият манфаатлари йўлида қилинган ҳалол ижодий меҳнат; сиёсат ва ҳуқуқ, соҳасида -инсонпарварлик, адолатпарварлик ва бошқа шаклларда намоён бўлади.

Яхшилик ички ишлар идоралари ходимларининг ўз фаолиятларида инсонларнинг тинч-тотув, осуда яшашларини таъминлашга хизмат қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда жиноятни очиб ташлаш каби ижобий саъй-ҳаракатларни амалга оширувчи мард, кўркмас, инсонпарвар, виждонли, тўғри сўз бўлиш халқи учун, унинг тинчлиги, бахт-саодати учун ўз ҳаётини қурбон қилишга тайёр туриш каби бир қатор ахлоқий фазилатлари сифатида намоён бўлади.

Ҳар қандай жиноятнинг олдини олиш, жиноятчини ушлаб, қилмишига яраша жазолаш жамиятнинг ривожланиши, инсониятнинг тинч, осуда яшашини таъминлаш йўлида қилинган яхшилик ҳисобланади. шунга кўра, ички ишлари идоралари ходимларининг мамлакатимиз фуқароларининг тинч-осуда яшашларини таъминлаш борасида олиб бораётган барча ишлари, ўтказилаётган тадбирлари халқимизнинг буюк келажагини таъминлаш йўлида қилинган яхшилик ҳисобланади.

«Ёмонлик» тушунчаси ва унинг моҳияти. Ёмон одам деганда, одатда, феъл-атвори бузуқ, ярамас разил одам; ёмонлик деганда эса, ўзининг феъл-ҳаракатлари тушунилади.

Умуман олганда, яхши хулқ эгаси бўлиш - яхшилик ёмон хулқлилик ёмонлик ҳисобланади. Чунончи, жамиятнинг моддий ва маънавий фаровонлигини оширишга қарши қаратилган барча хатти-ҳаракатлар ёмонликдир.

Ёмонликни оддий тушиниш ва фалсафий, яъни категория сифатида тушуниш мавжуд.

ёмонлик деб жамиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи, кишиларнинг ахлоқий идеалларига, улар эъзозлайдиган қадриятларга зид келадиган, бахтга эришишга, одамлар орасидаги муносабатларда ахлоқий тараққиётнинг қарор топишига ва инсонийликнинг ўсишига зид келадиган хатти-ҳаракатларни ўзида мужассаслаштирган тушунчалар йиғиндисига айтилади.

Ёмонликнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат: космополитизм, миллатчилик, ошна-оғайнигарчилик, маъмурий буйруқбозлик одам ўлдириш, ўғрилик зўровонлик, мансабпарастлик, порахўрлик ташмачилик, тамагирлик, безорлик, босқинчилик, ичкиликбозлик, ишёқмаслик ва х.к.

Ёмонликларни, борлиқни акс эттиришига қараб шартли равишда табиий, ижтморий ва ахлоқий ёмонликларга бўлиш мумкин. Бунда табиий офатларни; - зилзила сув тошқини, ёнғин каби табиий офатларни ижтморий ёмонликларга - кишининг кишини эксплуатация қилиши, миллатчилик, ирқий ва бошқа жихатлардан камситиш; ахлоқий ёмонликларга эса ёлғончилик, ҳақорат қилиш, кўролмаслик, юлгичлик, порахўрлик кабиларни киритиш мумкин.

Бундан ташқари ёмонликни қуйидаги хилларга бўлиш мумкин:

- 1) ёмонлик-мақсад;
- 2) ёмонлик-восита;
- 3) ёмонлик-натижа;
- 4) ёмонлик-бахр.

Ёмонлик-мақсад бирор ёмон хатти-ҳаракатни разилона, ғайриинсонийлик ва жоҳиллик билан талаб қилиш, жамият ва жамоа манфаатига зид келадиган, худбин ният билан қилинадиган ёмонликдир. Масалан, одам улдириш, халқни қурқувда ушлаб туриш ва ҳоказолар.

Ёмонлик-восита бирор хатти-ҳаракатни амалга ошириш учун қўлланиладиган тадбир, шу ҳаракатни бажариш усули ва қуролидир. Ёмонлик-восита қандай мақсад учун хизмат қилишига қараб, адолатли ва адолатсиз бўлади.

Ёмонлик-натижа яхши мақсадга эришиш учун яхши, инсонпарвар воситалар қўлланишига қарамай, шароит, вазият тақозоси, хатоликлар туфайли содир бўладиган ёмонлик.

Ёмонлик-баҳо у ёки бу хатти-ҳаракат жамоа ва индивид фаолиятидаги салбий, ғайриахлоқий, антигуманистик жиҳатларни баҳолаш мезонидир. Ёмонликнинг барча кўринишлари ҳамма даврларда шу мезон ёрдамида баҳоланади. Аммо бу мезон жамият тараққиётига кўра ўз мазмунини ўзгартириб, янгилаб боради¹.

Ёмонликнинг юқорида кўрсатилган шакл ва турларини чуқур тушуниб олиш ички ишлар идоралари ходимларининг ёмонликни тугатишга қаратилган фаолиятларининг янада самаралироқ бўлишига хизмат қилади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ва амалий фаолияти ёмонликни, ёвузликни тугатишга қаратилган фаолият бўлиб, ўнинг мақсади жамият ҳаётида яхшиликни қарор топтириш ҳисобланади. Ички ишлар идоралари ходимларининг ёвузлик, жиноятчилик каби ёмонлик турларига қарши курашиши ижтимоий ёмонликнинг камайиши ва жамиятда яхшиликнинг кўайишига хизмат қилади.

Ички ишлар идоралари ходимлари ёмонликка қарши курашни, аввало, ишонтириш орқали, борди-ю у ёрдам бермаса, жазолаш усули билан олиб борадилар.

«Яхшилик» ва «ёмонлик» ўзаро алоқадор ва айна вақтда бир-бирини инкор этувчи категориялардир.

Яхшилик ва ёмонлик тўғрисида ҳадисларда шундай дейилган:

«Яхшиларингиз хушхулқ, бўлиб, кишиларга ён берувчи, яъни атрофида яхши ҳаёт кечиришга имкон берувчи кишилардир. Ёмонларингиз махмадона, дилозор, кишилар роҳатини бузувчи кишилардур».

«Яхшиларингиз қарзни яхши адо этувчи кишилардир.

Яхшиларингиз ўз ахлига, оила ва аъзоларига яхши бўлганларингиздир.

¹ Щаранг: Шермухамедов Я. Этика категориялари системаси. - Т.: Фан, 1978 - 34-б

Одамларнинг яхшиси одамларга манфаатлироғидир».

«Кимга яхшилик қилай», - деб сўраган саҳобага уч марта онангга деб, тўртинчисида отангга деб айтдилар. Яъни яхшиликни онангга, онагга, онангга, сўнгра отангга қил, дедилар»¹.

3-§. «БУРЧ», «ОР-НОМУС», «ВИЖДОН» КАТЕГОРИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ХАТТИ-АРАКАТЛАРИНИ БОШҚАРИШ ВА НАЗОРАТ ҚДЛИШДА ТУТГАН ЎРНИ

«Касб бурчи» тушунчаси ва унинг аҳамияти. Инсон ижтимоий мавжудотдир. У жамият ҳаётининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида кўп қиррали фаолият юритади, ана шу жараён давомида турли хил кишилар, гуруҳлар билан алоқада бўлади. Ҳар қандай алоқадорлик эса одамга қандайдир мажбурият юклайди, ана шу мажбуриятни бажариш бурчини келтириб чиқаради. Шундай қилиб, бурч, оддий қилиб айтганда, адо этилиши, бажарилиши шарт бўлган вазифа, мажбуриятдир.

Бурчнинг манбаини, асосини ижтимоий манфаатлар ташкил этади. Бурчда манфаат буйруқ шаклида майдонга чиқади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий бурчи деб ходимларнинг жамият, давлат қўйган вазифаларни, хизмат вазифаларини мажбурий равишда бажаришларига айтилади.

Ички ишлар идоралари ходимлари касбий бурчининг асосий мазмунини ташкил этувчи вазифа ва мажбуриятлар қуйидагилардан иборат:

- она Ватан - Ўзбекистан Республикасига чексиз садоқат билан хизмат қилишга, хизмат бурчини ўз кучи, хаттоки ҳаётини аямасдан бажариш;
- ўз давлати конституциясига ва қонунларига катъий риоя қилиш, буйруқ ва низомларнинг талабларини бажариш;

- хизмат вазифасини бажаришда, ижтимоий ва шахсий ҳаётда ҳалол ва тўғри, итоаткор, меҳнатсевар, интизомли бўлиб барчага намуна бўлиш;

- жинойтчиликнинг олдини олиш ва тугатиш билан боғлиқ махсус хизмат машаққатларига сабот билан бардош бериш;

- касбга оид билимларни мунтазам эгаллаш, ўз уқуви ва маҳоратини такомиллаштириш;

- ҳалол, интизомли, жасур бўлиш, хизмат бурчини ижро этиш чоғида оқилона ташаббус кўрсатиш;

- «ички ишлар вдоралари ходими» деган номни шараф билан оқлаш, ор-номусини эъзозлаш;

- бошлиқларга сўзсиз бўйсунуш (уларнинг буйруқлари қонунга зид бўлмаган тақдирда);

- ўзаро биродарликни эъзозлаш, ўз ҳаётини аямасдан ўртоқларини хавф-хатардан қутқариш, уларга сўз ва иш билан ёрдам бериш, ҳар бирининг ор-номусини ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, ўзини ва бошқа хизматчиларни таҳқирлашларига йўл қўймаслик, уларни нолойиқ қилмишлардан тийиб қолиш;

- махсус юриш-туриш одоби қоидаларига риоя қилиш ва ҳарбийча саломлашиш қоидаларини бажариш, доимо қоида бўйича, озода ва ораста кийиниш.

Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, ички ишлар идоралари ходимлари касб бурчининг талаблари жамият ҳаётининг оддий қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, шахс билан жамият, бошлиқ билан бўйсунувчи, катталар билан кичиклар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

«Ор-номус» («шаън») ва «кадр-қиммат» категориялари. Ор деганда, одатда, ўзига номуносиб ёки эп кўрмаган ишдан, нарсадан хижолат тортиш, уялиш, номус қилиш тушунилса, номус деганда кишининг ўз обрусини улуғлаши ва ардохлаши, орият, диёнат, уят-андиша қилиш, шарм, ҳаё тушунилади. Шунга кўра, ориятли одам деб ор-номусини биладиган, ўз обруйини кадрлайдиган

кишиларга айтилса; номусли одам деб уят-андишини биладиган, шарм-хаёли кишиларга айтилади.

Кўриниб турибдики, ахлоқий тушунчалар бўлмиш «ор-номус» ва «шаън» инсонда шахснинг ижтимоий ахамияти ва ахлоқий қадр ҳосил бўладиган фазилатларнинг мавжудлигини кўрсатади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ишъни деб уларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришда жасорат ва мардлик кўрсатиб, *ўзларининг* инсонийлик, собитаддамлик, адолатпарварлик, ҳалоллик хислатларини ҳар томонлама намойиш қилиб, орийтли, диёнатли, шарм-хаёли бўлиб, ўз касбларини улуғлашлари ва ардоқлашларига айтилади.

Касб шаънини ифодаловчи асосий саъй-харакатлар жумласига мардлик, жасорат, инсонийлик, собиткадамлик, адолатпарварлик, далоллик, диёнат, андиша, орийт, хаё ва бошқалар киради.

Касб шаъни ички ишлар идораларининг ҳар бир ходимидан 1) касб учун зарур бўлган барча ахлоқий талабларнинг мажмуини тўлиғича англаб олишни, 2) уз хизмат жамоасининг халқ олдидаги масъулиятини ўзининг шахсий масъулияти деб билишни, 3) ҳар қандай қийин, зиддиятли, хавфли шароитларда хизмат бурчини бажаришга тайёр туришни талаб қилади. Бу талабларни бажариш эса аҳоли орасида ички ишлар идоралари ходимларининг нуфузини ошириб боради.

«Ор-номус» категорияси билан бир қаторда инсон фаолиятининг ахлоқий томонларини ифодаловчи «қадр-қиммат» категорияси ҳам мавжуд.

Қадр-қиммат деб ички ишлар идоралари ходимларининг жамиятда, кишилар орасида тутган ўрни, топган обрўси, хурмати ва нуфузига айтилади. «Ор-номус» категорияси шахс ахлоқининг ташки томонларини ифодаласа, қадр-қиммат категорияси эса инсоннинг ўз-ўзини англаши ва назорат қилишни ифодалайди. Қадр-қиммат ўз қадрини англаш шакли бўлиб, инсонни камситадиган, хурлайдиган ва шу билан унинг бошқа кишилар кўз ўнгида уз қимматини

йўқотишига сабаб бўладиган қилиқларга йўл қўймайдиган тўсиқ ҳисобланади. Ички ишлар идоралари ходимларнинг кадр-қиммати уларнинг ўзини ўзи ҳурмат қилиши ва сақлаши, атрофдагиларнинг ҳурматини йўқотмаслиги, ўз шаънига доғ туширмаслик учун ўзини назорат қилиши сифатида майдонга чиқади.

«Виждон» категорияси. Виждон деганда, одатда, кишининг уз хатти-ҳаракати, қилмиши, юриш-туриши учун одамлар, жамоатчилик олдидаги масъулият туйғуси тушунилади. Бинобарин, ички ишлар идоралари ходимлари касб этикасининг категорияси сифатида уни қуйидагича тушунтириш мумкин.

Виждон деб ички ишлар идоралари ходимларининг ўз ахлоқий хатти-ҳақаратларини ва бу хатти-ҳаракатларга боғлиқ бўлган ҳис-туйғулари, кечинмаларини давлат, жамият томонидан жорий қилинган ахлоқий" нормалар нуктаи назаридан баҳоловчи ва назорат қилувчи ички туйғуларининг мажмуасига айтилади.

Садоқат ички ишлар идоралари ходимларининг виждонига хос асосий хусусиятдир. Инсонда ироданинг пайдо бўлиши ва кучайиши уни ҳаракатга келтиради, виждон азобидан қутқаради.

Виждоннинг таркибий тузилиши, биринчидан, ўзига нисбатан танқидий муносабатда бўлиш, эришган муваффақиятлардан ўзини йўқотмаслик, ички жихатдан қониқиш ҳосил қилиш, иккинчидан, уз шахсий манфаатларидан кечиб, ўзини жамият манфаатлари йўлида бахшида этиш каби ички туйғуларни қамраб олганлигини кўрамыз.

Виждон инсонинг фақат ўзига, ўз хатти-ҳаракатларигагина эмас, балки бошқа кишиларга, ижтимоий манфаатларга муносабатини ҳам ифода этади. Зеро, ички ишлар идоралари ходимларининг манфаатлари Ватан манфаатлари билан боғлиқ, экан, уларнинг ахлоқий масъулият ҳисси тобора ривожлана боради. Ходим қанчалик виждонли бўлса, ўз касбий бурчини шунчалик чуқурроқ англайди ва фаолроқ, бажаради. «Виждоннинг буюк қудрати бор, - деб ёзган эди қадимги юнон мутафаккири Цицерон, - гуноҳсизни ҳар қандай қурқувдан фориғ этгани холда ва гуноҳкорнинг тасаввурида у ўзи лойиқ бўлган ҳамма

жазоларни муттақил тиклагани ҳолда, икковини ҳам баравар ҳаяжонга солиб туради»¹.

Юқорида зикр қилинган ахлоқ категорияларидан ташқари, «бахт», «ҳаётнинг маъноси», «имон», «адолат» каби категориялар ҳам мавжуддир.

Ҳаётнинг маъноси деб ички ишлар идоралари ходимларининг ўз олдига қўйган мақсад ва ниятларига, уларни амалга ошириш учун қиладиган хатти-ҳаракатларининг мажмуасига айтилади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси категориялари ўзаро алоқада, боғланишда ва ривожланишдадир.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Касб ахлоқи категориялари деб нимага айтилади ва уларнинг қайсиларини биласиз?

2. Ахлоқ категориялари қандай вазифаларни бажаради?

3. Яхшилик ва ёмонлик деганда нимани тушунасиз?

4. Муҳаммад Зеҳний: «Яхши одам ушбу дунёни тарк этсада, бироқ, у тирик ҳисобланади. Ёмон одам тирик бўлсада, барибир ўлик каторидадир», - деб айтган хикматли сўзларнинг моҳияти тўғрисида фикр юритинг.

5. Касб одобномасида ёзилган: «Ички ишлар идоралари тизимида хизматни онгли равишда, ўз хоҳиши билан касб қилиб олган Ўзбекистон Республикаси фуқароси адолатпарварлик, байналмилалчилик, жасурлик, садоқат каби фазилатларга эга бўлган жонажон Ватанинг, ўз ҳалқига жон-дилдан хизмат қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблайди»-деган фикрлар касб бурчининг моҳиятини ташкил этадими? Бу ҳақда ўз мулоҳазаларингизни айтиб беринг.

¹ Щаранг: Тафаккур гулшани - Т.: /афур /улом нашриёти 1981 - 347-б

6. Ор-номус, кадр-қиммат, виждон деганда нималарни тушунасиз? Қонунлар қонуни виждондир (А.Ламартин), олий хукм виждон хукмидир (В.Гюго) деган фикрларга ўз муносабатингизни билдиринг.

VI боб

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСБ ЭСТЕТИКАСИНИНГ КАТЕГОРИЯЛАРИ

1-§. ЭСТЕТИКА КАТЕГОРИЯЛАРИ, УЛАРНИНГ МО+ИЯТИ ВА А+АМИЯТИ

Эстетика фани ушнинг бир қанча категорияларига эга.

Ички ишлар идоралари ходимлари касб эстетикасининг категориялари деб уларнинг воқеликка эстетик муносабатларининг, эстетик онг ва эстетик фаолиятларининг энг муҳим зарурий томонларини ўзида акс эттирувчи тушунчаларга айтилади.

Эстетика категорияларининг асосини нафосат категорияси ташкил этади. Нафосат - бу воқеа, ҳодиса ва нарсаларнинг умумий эстетик томонларини ўзида акс эттирувчи тушунча бўлиб, биринчидан, табиат, жамият ғамда инсоннинг моддий ва маънавий яратувчанлик фаолиятидаги объектив равишда мавжуд бўлган нафосатни; иккинчидан, оламни гўзаллик қонунлари асосида ўзгартирувчи ижодий эстетик фаолиятни; учинчидан, эстетик онгни қамраб олади.

Нафосатнинг муҳим хусусиятларини меъёр, уйғунлик, мукамаллик ташкил этади.

Эстетик меъёр табиат ва жамиятдаги нарсалар, воқеа-ҳодисаларнинг ички ва ташқи, умумий ва хусусий томонларини, улардаги моҳият ва ҳодиса, мазмун ва шакл ҳамда барча қарама-қаршиликларини бир бутун ҳолда ифода этишдир,

уларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга айланиш жойини туташтириб турувчи системали, субстанцияли ўлчовдир.

Онгли мавжудот бўлган инсон ўзини қуршаб турган воқеликка муносабатида ҳар бир нарсага ўзига хос мезон нуқтаи назаридан ёндашади ва шу асосда воқеликни нафосат қонунлари бўлмиш миқдорийлик ва сифатийликнинг меъёри даражасида ўзгартиради.

Уйғунлик нарса ва ҳодисаларнинг гўзал ва хунук, манфий ва мусбат, яхши ва ёмон томонларининг ўзаро ечимидан келиб чиқувчи ва бир бутунликни ифодаловчи, объектив мазмунга эга бўлган тушунча ҳисобланади. Уйғунлик уз ичига мутаносиблик, такрорланувчанлик, мувофиқлик, ўхшашлик, ҳамжихатликни қамраб олади. Уйғунлик фақат табиатга, жамиятга хос бўлмасдан, балки инсонга унинг табиат ва жамиятдаги нарсалар билан бирлашиб кетган фаолиятига ҳам тааллуқдидир. Шунинг учун ҳам уйғунлик универсаллик характериға эға эканлиги билан бошқа ҳодисалар, воқеа ва нарсалардан ажралиб туради.

Мукамаллик гўзалликнинг объектив асоси, унинг юқори даражасидир. Мукамалликка инсоннинг эҳтиёжини қондирувчи меҳнат қуроллари, жамият ва шахс манфаатларига мос келувчи ижтимоий-сиёсий тузум ҳамда ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ўзгаларнинг талабини қондирадиган одамлар киришлари мумкин.

Нафосат объективлик ва субъективлик хусусиятларига эға бўлиб, муайян ва нисбийдир. Чунки бир жойда ва бир вақтда нафосатли , гўзал бўлган нарса, бошқа бир жойда ва вақтда хунук бўлиши мумкин.

Нафосат гўзаллик ва хунуклик, улугворлик ва пасткашлик, қахрамонлик ва қурқоқлик, қулгилилик ва фожиавийлик категориялари орқали намоён бўлади.

Шунга кўра ички ишлар идоралари ходимларининг касб эстетикаси категорияларига қуйидагилар киради:

- *гўзаллик ва хунуклик;*

- *улуғворлик ва пасткашлик;*

- *кахрамонлик ва қурқоқлик;*
- *кулгилилик ва фожиавийлик.*

Эстетика категориялари, бир томондан, инсоннинг воқеликка эстетик муносабатда бўлишларининг муҳим, зарурий боғланишларини ўзида акс эттирса; иккинчи томондан, воқеликни нафосат қонунлари асосида ўзлаштиришнинг йўналишларини белгилаб берувчи методологик асос вазифасини ҳам бажаради.

Воқеликни нафосат қонунлари асосида ўзлаштириш, энг аввало, ички ишлар идоралари ходимларининг иш жойларини, меҳнат воситаларини бадий жиҳатдан қайта жиҳозлаш, яъни ишнинг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган, унинг завқ-шавқ билан ишлашига, маънавий-маданий дам олишига имкон берадиган гўзал муҳитни яратишда кўринса, сўнгра уларнинг турмуши, хулқ-атвори ва меҳнат эстетикасида яққол кўзга ташланади.

Эстетика категориялари ўзининг амалий ифодасини техникавий эстетика, турмуш эстетикаси, хулқ-атвор эстетикаси, меҳнат эстетикасида топади ва одамларнинг эстетик маданиятини шакллантиришда катта аҳамият касб этади.

2-§. «ГЎЗАЛЛИК», «УЛУ/ВОРЛИК», «ҚА+РАМОНЛИК» КАТЕГОРИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИДА НАМОЁН БЎЛИШИ

«Гўзаллик» категорияси ва унинг амалда намоён бўлиши. «Гўзаллик» - эстетика фанининг асосий категорияси. Эстетика фанининг деярли барча муаммолари гўзаллик категорияси билан у ёки бу даражада боғлиқдир. Гўзаллик нафосат оламининг негази, асосий белгиси, бош хоссаси ва моҳиятини ташкил этади. Шу боис эстетикани гўзаллик ҳақидаги фан ҳам дейишади.

Гўзаллик бирор нарсага хис-туйғу орқали таъсир ўтказиш билан инсонда жисмоний ва маънавий кучлар оқимининг кўпайишига олиб келадиган шодлик, завкланиш, маънавий қониқиш холатини вужудга келтирадиган табиий ва ижтимоий ходисадир¹.

Гўзаллик табиатда, жамиятда, одамларнинг моддий ва маънавий фаолиятида мавжуд бўлади. Табиатдаги гўзаллик, бир томондан, инсоннинг табиат ходисаларидаги уйғунлик, мукамаллик, чиройни хис қолиши ва ҳаяжонга тушишини ифодаласа; иккинчи томондан, инсоннинг орзуси сифатида тасаввурларини бир-бирига ўтказиб, боғлаб турувчи образ хисобланади.

Ички ишлар идораларининг ходимлари табиатдаги гўзалликни сақлаб қолиш учун амалга ошираётган ишлар орқали ўзлари ҳам қалбан ва жисмонан гўзаллашиб борадилар.

Худди шу жойда хунукликни ҳам кўриш мумкин. Масалан, табиатни ифлослантириш ўта хунуклик хисобланади. Бу иш одамларга катта зарар етказди.

Жамиятдаги гўзаллик - бу шахс ва жамият манфаатларининг уйғунлигини таъминловчи адолат, инсонпарварлик, ва тенгликка асосланган ижтимоий муносабатлар мажмуи хисобланади.

Инсон гўзаллиги унинг маънавий, жисмоний уйғунлигидир. Инсондаги гўзалликни ифодалаш учун «гўзаллик» ва «чиройлилик» тушунчалари ишлатилади. «Гўзал инсон» деганда унинг ижобий ахлоқий ҳислатлари, яъни яхшилиги, меҳрибонлиги, тўғрисиўзлиги, ўзгаларни ҳурмат қилиши - қисқаси инсоннинг маънавий-ахлоқий фазилатлари тушунилади.

«Чиройли инсон» деганда эса, унинг ташқи, яъни жисмоний томони тушунилади. Бу ўринда шуни унутмаслик керакки, гўзал инсон ҳамма вақт ҳам чиройли бўлавермайди ва аксинча, чиройли инсон ҳамма ерда ва ҳамма вақт ҳам гўзал бўлавермайди.

¹ Щаранг: Умаров Э. Эстетика. - Т.: Ўзбекистон, 1995 - 107-б

Ички ишлар идораларининг ходимлари уйғун тарздаги комилликка интилишлари керак.

Хуш, ички ишлар идоралари ходимларининг касб фаолиятидаги гўзаллик нималарда ифодаланади?

1. Шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш ички ишлар идоралари ходимларининг касб фаолиятидаги гўзалликнинг ёрқин ифодасидир.

Маълумки, ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг объекти қонунни, ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларни бузувчи шахслар ташкил этади. Бундай шахслар ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан жамиятнинг ривожланишига, одамларнинг эркин ижодий меҳнат қилишларига, дам олишларига ғалақит берадилар, яъни гўзалликни бузадилар. Ички ишлар идораларининг ходимлари, бир томондан, инсоннинг эркин ижодий меҳнат қилишларига имконият яратиб берувчи ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлса, иккинчидан томондан, жинойатчиликка қарши курашиш, ёвузликни йуқ қилиш жамиятда адолат ўрнатиш, инсонпарварлик, гўзаллик, улуғворлик ва қаҳрамонлик уруғларини сепиш билан шахс ва жамият ўртасидаги олий даражадаги гўзаллик, яъни уйғунликни таъминлашга хизмат қилиши билан ажралиб туради. Бу эса ички ишлар идоралари ходимларининг маънавий гўзалликларига кўп даражада боғлиқ бўлади.

2. Ички ишлар идоралари ходимларининг фаолиятидаги гўзаллик уларнинг касб маҳрратларида яққол кўринади.

Касб маҳорати ички ишлар идоралари ходимларининг инсонпарварлик мақсадини амалга оширувчи восита ҳисобланади. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб маҳорати қуйидаги уч эстетик омилни тақозо этади: 1) ҳар бир ходимнинг ўз предметларини ҳар томонлама, тўлиқ ва эркин эгаллаб олишларини; 2) меҳнат воситалари ва методларини эркин ўзлаштиришларини; 3) бажарадиган ишларига ижодий ёндашишларини. Бу уч омил ички ишлар

идоралари ходимларининг хизмат фаолиятидаги гўзалликни ҳар томонлама такомиллаштиришга хизмат қилади.

Гўзаллик ҳақида донолар шундай деганлар:

Кишида икки гўзаллик бўлиб, улар ички ва ташқи гўзалликка бўлинади. Ташқи гўзалликка кишининг барча аъзолари, масалан, кўз, қулоқ, қош, юз, лаб, оғиз, қўл, оёқ, қомат гўзаллиги киради. Ички гўзаллик эса кишининг ёқимли хулқлар билан безанишидир. Бу хулқлар мулойимлик, саҳоват, шижоат, шин, камтарлик, иффат ва бошқалардир (Абулбаракот Қодирий).

Кишини гўзал қилиб кўрсатадиган нарса унинг чиройи эмас, балки чиройли хулқдир. Чиройли хулқ, хунук кишини ҳам чиройли қилиб кўрсатади (Хуррабий).

Инсонда ҳамма нарса: чеҳра ҳам, кийим ҳам, қалб ҳам, тафаккур ҳам ... гўзал бўлиши керак (А.П.Чехов).

Гўзаллик - ҳақиқий бахт-саодат ва расмана қаҳрамонлик бўлиб, у баландпарвоз сўзларга муҳтож эмас (В.Раабе).

Гўзаллик бутун оламни қалбга олиб кирадиган куч ва истеъдодга эга (М.Сервантес).

Гўзаллик баъзи хислат ва белгилардан иборат эмас, балки умумий ташқи қиёфада ва унда ҳаётнинг моҳияти кам даражада акс этишидадир (Н.А.Добролюбов).

«Улуғворлик» тушунчаси ва унинг аҳамияти. Ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолиятида улуғворлик алоҳида кўзга ташланиб турадиган хатти-ҳаракат ҳисобланади. Улуғворлик гўзалликка яқин тушунча ҳисоблансада, унинг ўзига хос томонлари ҳам мавжуд. Ўзбек тилида улуғ деганда, эгаллаган ўрни, ҳажми ғоят йирик, жуда катта, улкан, буюк нарса, воқеа, ҳрдисалар; ҳар томонлама ортиқ, устун, кудратли ишлар; беқёс таланти, истеъдодли, қобилятли, буюк шахслар; кўп ва катта мақсадларни ўз ичига олган, буюк

дастурлар тушунилади¹. Шунга кўра, *улуғворлик* деб ички ишлар идоралари ходимларини ўзининг ғоят йирик ва улканлиги, виқорлилиги, амалга оширган ишларининг қудратлилиги, беқиёслиги, буюклиги билан лол қолдирадиган, салоҳияти босиб турадиган табиат ва жамият ҳодиса, воқеа, нарсаларига ҳамда уларнинг давомида катта истеъдод, бажарадиган қаҳрамонона ифодаланишига айтилади.

«Улуғворлик» тушунчаси соҳаларида, яъни табиатда, жамиятда инсон фаолиятида, унинг маънавий дунёсида мавжуд бўлиб, ўзида дунёнинг чексизлигини, абадийлигини ва инсон ички кучдарининг нихрятда буюклигини ўзида акс эттиради.

Улуғворлик бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган қуйидаги икки томондан ташкил топади:

1) одамни лол қолдирадиган, салоҳияти босиб турадиган улуғворлик (масалан, ота ва онанинг улуғворлиги, Ватаннинг улуғворлиги, йирик олимлар ва давлат жамоат арбобларининг улуғворлиги ва ҳоказолар);

2) инсонга рух, бағишловчи, унинг куч-қудратини кўтарувчи улуғворлик (масалан, табиатдаги улуғворлик, хусусан, баланд тоғлар, қорли чуққилар, мовий денгиз, ҳайбатли тўлқинлар, улкан шаршаралар ёхуд инсоннинг ижодкорлик қобилияти, ижодий меҳнати билан яратилган архитектура ансамбллари, катта шаҳарлар, ёдгорликлар, хайкаллар, айтайлик, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари, Шохи зинда, Оқсарой, Амир Темура мақбаралари).

Улуғворлик ҳисси ички ишлар идоралари ходимларини янгидан-янги ишларни, қаҳрамонликларни содир этишга чорлайди, уларга қувонч бағишлайди, олийжаноб инсоний туғуларни шакллантиришга хизмат қилади.

Қаҳрамонлик ва унинг намоён бўлиши. Қаҳрамон деганда, одатда, шижоати, довиюраклиги, ботирлиги билан шуҳрат қозонган; жонбозлик, мардлик қилиб, ўзини кўрсатган киши тушунилади. Биз она Ватанимиз тарихига назар ташласак, унинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида ўзларининг жонларини фидо қилган

¹ шараф: Ўзбек тилининг изоли луғати - М.: Русский язык, 1981 - 273-б

Тумарис, Широқ, Спитамен, Амир Темур каби номлари мангуликка дахлдор шахсларни кўрамиз. Хўш, қахрамонлик деганда нимани тушунамиз?

Қахрамонлик деб ички ишлар идоралари **ходимларининг она Ватан озодлиги**, ободлиги, фуқароларнинг тинч-осуда яшашларини таъминлаш йўлида ҳар қандай қийинчиликлардан кўрқмасдан, ўзининг ҳаётини хавф остига қўйиб бажарадиган, яъни инсониятнинг келажаги учун қилган ва қиладиган алоҳида жасоратларига айтилади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг қахрамонлиги Қуйидагиларда яққол намоён бўлади:

- 1) жинойтчиликнинг олдини олишда, жинойтчиларни ушлашда, айниқса, уларни қуролсизлантиришда;
- 2) ёнғинларнинг олдини олиш, уни учириш ишларини амалга оширишда;
- 3) сув тошқинлари вақтида, сувга чўкаётган одамларни қутқаришда;
- 4) табиий офатлар ва фавқулодда ҳодисалар юз берганда.

Қахрамонлик асосида ҳамма вақт она Ватанни севиш, инсонларга бўлган чуқур мухаббат хис-туйғулари ётади. Ватанни севган одамгина қахрамонлик кўрсатишга қодир.

Қахрамонлик, мардлик, ботирлик ҳақида донишмандлар шундай деганлар:

Азизим, ботир деб шундай кишига айтиладики, у ўз элининг тинчлиги учун ҳар қандай машаққат қадахини кўрқмай қабул қилиб, шоду хуррамлик билан нуш этади. Марди майдан деб шундай кишига айтиладики, бундай кишининг ақли бирор ишни қилишга қарор топса жонидан кечиб, ҳаётидан қўл ювиб, мақсад майдонига қадии қўяди (Хожа Самандар Термизий).

Қурқув нималигини билмай, ўлимга мардона тик боган одамни мард деса бўлади (Арасту).

+ақиқий мардлик ҳеч бир кулфат ва хатарларга қарамай, ўзини хотиржам тута билиш ва вазминлик билан ўз бурчини адо этишида намоён бўлади (Ж.Локк).

Хақиқий мард одам бирон-бир ишга қўл урганда эҳтиёткор бўлмоғи, барча тасодифларни чамалаб кўрмоғи, аммо ишни хал этишига келганда эса жасорат кўрсатмоғи лозим (Геродот).

Давлатингдан айрилсанг- кўп нарса йўқотмайсан, номусингдан айрилсанг - кўп нарса йўқотасан, мардлингдан айрилсанг - ҳамма нарсангни йўқотганинг (И.Гёте).

3-§. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИДА ФОЖИАЛИЛИК ВА КУЛГИЛИЛИК

Фожиалилик ва унинг мохияти. Фожа деганда, одатда, бошга тушган аянчли мусибат, қайғу, ҳалокат тушунилади. Зеро, ҳаётда зиддият ва туклашувлар мавжуд экан фожиаларнинг бўлиб туриши муқаррар. Бундан қочиб қутилиб бўлмайди.

Фожиалилик деб ички ишлар идоралари ходимларининг ҳаётдаги мохиятли кучлар зиддияти натижасида келиб чиқувчи тўқнашувларнинг иштирокчилари бўлиб қолиши ёки уларни бартараф этиш вақтида қайғу босиб, ғам-алам чекиб, аянчли аҳволга тушиб қолган ҳолда халоактга учрашларига айтилади.

Фожиалиликнинг объектив асосини инсон, унинг тақдири, азоб-уқубат чекиши ва ҳалокатга учраши ташкил этади. Аммо ҳар қандай одамнинг азоб-уқубати, ҳалокати фожа бўлавермайди: фақат қахрамоннинг ҳалокатигина фожиали бўлиши мумкин. Аблахнинг, жиноятчи муттаҳамнинг ўлими фожа эмас. Яхши одамларнинг улими ҳақиқий фожадир.

Фожиа тарихий даврнинг бурилиш нукталарида, эски ижтимоий алоқалар ва муносабатлар барбод бўлиб, эски сиёсий қарашлар, эстетик ва ахлоқий ақидалар машаққат билан баҳоланаётган шароитларда равнақ топади¹. Масалан, тожик халқининг бошига тушган кулфат бунинг яққол мисоли бўла олади. Тожикистонда эскилик билан янгилик ўртасидаги курашнинг тинч йўл билан эмас, балки куролли тўқнашув йўли билан амалга оширилиб, юз минглаб одамларнинг ўлдирилиши, шунча оилаларнинг ўз ватанидан жудо бўлиши XX аср фожиаларидан биридир.

Фожиалилик жамиятдаги барча зиддиятларни қамраб ололмайди. Бу зиддиятлар ҳеч қачон бутун инсоният тарихи давомида фаолият кўрсатадиган тўқнашувларнинг манбаини ташкил этмайди.

Ички ишлар идоралари ходимларининг фаолиятидаги фожиалилик, жумладан, жинойтчиликка қарши курашаётган ходимнинг мардларча ҳалок бўлишида оиласининг рашқ оқибатида барбод бўлишида, ҳар хил адолатсизликларнинг қурбони бўлишида яққол кўринади. Бундай ходимнинг ҳалокатга учрашидан бутун хизмат жамоаси, маҳалла ва халқ, қайғуради. Бироқ, ходимнинг жинойтчилар тўдасига қўшилиб кетиши унинг фожиаси эмас, балки ўз касби-бурчига хиёнати, ватанига нисбатан сотқинлиги сифатида баҳрланади.

Фожиалилик ўзининг бадийий ифодасини санъат асарларида топган бўлиб, улар халқда, бир томондан, жинойтчига нисбатан нафрат туйғусини уйғотишга хизмат қилса; иккинчи томондан, келажакка умид ва ишонч уйғотиш, яхшилик ва гўзаллик ёмонликдан ва ёвузликдан албатта устун келади, гўзаллик оламни ёвузликдан кутади, деган маънавий ғояни шакллантириш учун замин вазифасини бажаради.

Кулгилилик ва унинг шакллари. Кулгилилик фақат инсонгагина хос бўлган хислат ҳисобланади. Кулгилилик асосида ўзининг умрини яшаб бўлган ёки бўлаётган ҳодисалар ётади.

¹ Щаранг: Умаров Э.Эстетика. - Т.: Ўзбекистон 1995 - 122-б

Кулгилилик тушунчасига таъриф бериш қийин. Чунки кулги қўзғайдиган нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг бениҳоя кўплиги, унинг кўнимсизлиги, ўзгарувчанлиги бунга имкон бермайди.

Кулгилилик умрини тугатиб, янгиликка тўсик, бўлаётган иллатларнинг кулги қўзғатишидир. Кулгилилик гўзаллик ва хунуклик ўртасидаги зиддиятнинг калака бўладиган даражасидир. Кулгилилик инсоннинг ташқи кўриниши билан асл моҳияти ўртасидаги номувофикликларни, тафовутларни, беўхшовликларни, келишмов-чиликларни англаб, масхара қилишдир.

Кулги ўз хусусиятига кўра демократик мазмунга эга бўлиб, одамларни бири-бирига қовуштиради, ўзаро тенглаштиради. У инсонийликка ва ахлоққа зид бўлган иллатларга қарши курашнинг самарали воситаси, инсон куч-қудрати ва озодлигининг тимсолидир.

Кулгилиликнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

Юмор (хазил-мутойиба, хажв) - воқеа-ҳодисаларни улардаги камчиликларни ҳазиломуз тасвирлаш, беғараз хажв қилиш.

Истеҳзо (киноя, пичинг, кесатик) - кочирим билан, пардалаб кулиш ёки камситиш.

Сатира (масхаралаш) - ҳаётдаги, кишилардаги салбий ҳодисаларни, камчилик ва нуқсонларни каттик масхаралаб кулиш.

Сарказм (захарханда) - бу камчиликни каттик ботадиган тарзда мазах килиш.

Ички ишлар идоралари ходимларининг фаолиятида кулги катта аҳамият касб этади. Кулги ишдаги камчилик ва нуқсонларни очиб ташлаш билан бирга тарбиялаш, кўнгил юмшатиш, ачиниш ва меҳр-шафқат кўрсатиш вазифаларини ҳам бажаради.

Такрорлаш учун савол ва топшириклар

1. Эстетик категориялар деб нимага айтилади ва уларга қандай категориялар киради?

2. Нафосатдорлик нима? Унинг хусусиятларини айтиб беринг.

3. Гўзаллик нима ва у хунукликдан нимаси билан фарқ қилади?
4. Улуғворлик деганда нимани тушунасиз? Табиатдаги ва жамиятдаги улуғворлик ўртасида фарқ борми?
5. Қаҳрамонлик деб нимага айтилади? Ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими қаҳрамонлик кўрсатишга қодирми? Қандай одам қаҳрамонлик кўрсата олади?
6. Фожиалилик нима? Ўғрининг ўлими фожиами?
7. Кулгилиликиннинг қандай шакллари биласиз? Уларга ҳаётингиздан мисоллар келтиринг.

VII боб

САНЪАТ ВА УНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТУТГАН УРНИ

1-§. САНЪАТНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ, УНИНГ ИЖТИМОЙ МО+ИЯТИ ВА ТАЪРИФИ

Атрофимизни ўраб турган олам қанчалик ранг-баранг, сержило бўлса, унинг ижодий инъикоси бўлган санъат ҳам шунчалик хилма-хилдир. У инсонларга завқ-шавқ бағишловчи, уларнинг ҳар томонлама баркамолликка эришувларига хизмат қилувчи ижтимоий ҳаётнинг кўп қиррали, мураккаб эхсонларидан биридир.

Дунёда инсон зоти борки, она алласини тинглаб улғаяди, қўшиқ, айтиб ўз меҳнатидан баҳра олади, ҳазил-мутойиба қилиб ҳордиқ, чиқаради, бадий асарларни ўқиб ўзининг кунглидаги қаҳрамонларини топади. Буларнинг ҳаммаси санъат инсон ва жамият ҳаётининг ажралмас қисмларидан бири эканлигидан дарак беради.

Шунинг учун ҳам санъат нима, у қандай пайдо бўлган, унинг одамларга завқ-шавқ бағишловчи, инсониятни Халокатлардан сақлаб қолувчи сеҳрли кучи нимада, деган саволларга жавоб топиш турли замонларда яшаб ўтган олиму фозилларнинг диққат марказида бўлиб келган.

Санъатнинг пайдо бўлиши ҳақидаги назариялар. Санъатнинг вужудга келиши тўғрисида фанда турли хил фикрлар, қарашлар ва назариялар мавжуд. Шулардан асосийлари қуйидагилардан иборат.

Илоҳий назарияси. Дунёда мавжуд бўлган барча динларнинг раҳномалари ва тарғаботчилари ҳар қандай Санъатнинг бош сабабчиси, унинг асосий ижодкори *Оллоҳ* деб таъкидлайдилар. «Оллоҳ, - деб ёзилган Ислом динининг муққадас китоби «Қуръони Карим»да, - ҳамма нарсага қодирдир. Осмондаги ва Ер ҳамда улардаги бор нарса Оллоҳнинг мулкидир. ...Машриқ, ҳам, мағриб ҳам Оллоҳникидир. Баҳ қай тарафга юз бурсангиз, ўша жой Оллоҳнинг тарафидир. Оллоҳдан ҳам гўзалроқ ранг берувчи борми?»¹. Бу сўзлардан шундай хулоса чиқарилганки, Оллоҳ яратган нарсалар гўзалдир. Санъат -ана шу Оллоҳ яратган нарсаларнинг аниқ, ҳиссий ифодаси. Санъатнинг вужудга келиши эса бевосита Оллоҳ яратган нарсаларнинг вужудга келиши билан боғлиқдир.

Жинсий тасаввур - эротика назарияси. Бу назария ижодкорлари бўлмиш Н. Нардау, Конрад Ланге, З. Фрейд ва бошқаларнинг фикрига кўра, санъат бир жинсдагиларнинг иккинчи бир жинсдагиларни ўзларига қизиқтишлари, яъни ҳар хил усуллар ва воситалар билан жалб қилишлари орқали келиб чиққан. Энг қадимги санъат турларидан бири - безаниш. Безанишдан кўзланган асосий

¹ Шуръони Карим. Ўзбекча изо=ли таржима. Т.: Чўлпон, 1992 - 15, 17-б.

мақсад эса одамларнинг ўз жинсий майлларини, эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Бундай ишқий лаззат давомида, одамлар, хайвонларда бўлгани сингари, ўзларидан қандайдир ёқимли мусиқа оҳангларини чиқарадилар, ана шу ишқий мусиқа оҳанглари эса севги томирларида қоннинг кўпиришига, бу эса янги-янги мусиқаларнинг яратилиши, ушбу мусиқалар эса, ўз навбатида янгидан-янги санъатларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Бу ҳақда Зигмунд Фрейд шундай деган эди: « Ишқий лаззатнинг сеҳрли сози яратувчанлик кучига эгадир. Уни маданият илмининг биринчи талабларига бўйсундириш лозим. Чунки у маданият соҳасида улкан ютуқларга эришишнинг манбаи бўлиб, бу куч орқали одамлар чексиз бахт-саодатга мушарраф бўладилар»¹, дейди. Демак, эротик назария тарафдорларининг фикрига кўра, санъатнинг вужудга келиши ва ривожланиши асосида икки жинс ўртасида ишққа лаззатланишдан ҳосил бўладиган ёқимли соз оҳангларининг кучи ётади.

Ўйин назарияси. Бу назария асосчилари бўлган Г.Спенсер, Карл Бюхнер, В. Фринче, Ф. Шиллер ва бошқаларнинг фикрига кўра, санъат ҳеч бир маънони англатмайдиган ўйиндир. Ўйин эса барча хайвонларга хос бўлган хусусият, биологик ходисадир. Шундай экан, санъат ҳам биологик хусусиятга эга бўлган ходисадир. Ўйин ўзининг келиб чиқишига кўра, инсоннинг фойдали меҳнатидан олдин пайдо бўлган, шунга кўра санъат ҳам, шубҳасизки, инсоннинг фойдали нарсаларни ишлаб чиқаришидан олдин вужудга келган, фақат инсонга қониқиш ҳиссини бахшида этувчи табиат эҳсонидир. Унинг асосий мақсади лаззатланишдир.

Таклид назарияси. Бу назария асосчилари Демокрит ва Аристотель ҳисобланади. Улар санъатнинг асосига инсоннинг табиатдаги нарсаларга таклид қилишини қўядилар. Масалан, Демокритнинг фикрича, санъат, энг аввало, табиатга таклиддир. Чунки биз табиатдаги нарсаларга таклид қилганимиз

¹ Зигмунд Фрейд. Очерки по психологии сексуальности - М.: Молодежный центр «Система» при ЦК ВЛКСМ, 1989. - с.73.

туфайли ўргимчакдан ип-мато тўқиш санъатини, қалдирғочдан уй қуриш санъатини, сайроқи кушлардан - қўшиқ айтиш, куйлаш санъатини ўрганганмиз²

Санъатнинг вужудга келиши ва ижтимоий табиати. Санъат кишилиқ жамиятининг илк даврларидаёқ, вужудга келган ижтимоий ходисалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз худудида санъатнинг вужудга келиши, қадимшунос, тарихчи олимларнинг фикрига Қараганда, неолит - янги тош даври (*неос* - янги, *литое* - тош деган маънони билдиради) - милoddан аввалги 6-7 минг йилликларга тўғри келади¹.

Ибтидоий санъатнинг янги асосда ривожланган босқичи ҳам неолит даврига тўғри келади. Калтаминор, Хисор, айникса, Жойтун маданиятига мансуб ёдгорликлардай ибтидоий санъатнинг намуналари топилган. Ўтмиш тарихимизнинг хилма-хил ёдгорликлари орасида Марказий Осиёнинг тоғли туманларида кенг тарқалган қоятош расмлари диққатга сазовордир. Улар ишланиш усулига кўра икки хил бўлиб, бир қисмини бўёқ билан чизилган, бошқаларини эса - уриб, ўйиб, ишқалаб ҳосил қилинган сураглар (петроглифлар) ташкил этади.

Республикамиздаги қоятош расмларининг энг нодир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Куксарой, Такатош, Теракисой кабиларда бўлиб, улар юздан зиёддир. Мазкур жойлардаги қоятошларда Ўзбекистоннинг қадимги ва ҳозирги хайвонот оламининг, яъни ибтидоий бўкалар, шерлар, йўлбарслар, қоплон, тулки, бўри, буту ва жайрон кабиларнинг расмларини кузатиш мумкин. Аммо расмлар орасида ўқ-ёй, қилич, ханжар, дубулға, қопқон каби нарсаларнинг тасвирлари ҳам талайгина.

Ўзбекистан қоятошларидаги расмлар мазмунан бой ва манзараси жихатидан хилма-хилдир. Унда одамлар, уларнинг ов қилишлари, йиртқич хайвонларнинг тўқнашувлари тасвирланган.

² Щаранг: Асмус В.Ф. Античная философия - М.: Высш школа, 1976 - С. 169.

¹ Щаранг: Ўзбекистан тарихи 1-шисм. - Т.: Унисерситет, 1997 - 24-б

Республикамиздаги энг қадимги сураатлар Зараутсойда (Сурхондарёда) бўлиб, улар мезолит-неолит, яъни мил. ав. VI-II-IV минг йилликка оиддир². Қоятош расмлари орқали уша давр одамларининг ов, меҳнат ва жанг қуроллари тўғрисида тасавуур ҳосил қилиш мумкин. Шунингдек, қоятош расмлар қадимги авлодларимизнинг ғоявий қарашлари ва диний эътиқодларини ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эга.

Ушбу тарихий далиллар ўзбек халқининг энг ўадимий халқлардан, эканлиги унинг санъати ҳам ўзи каби қадимийлигидан далолат беради. Ўзбекнинг диёри жахонда илк бор санъат вужудга келган қадимий ўлкалардир. Бу шу ўлкада яшаб, ижод этган аждодларимизнинг ниҳоятда меҳнатсевар халқ бўлганлигидан далолат беради.

Санъатни илк бор вужудга келтирган ва асрлар оша ҳаракатга келтирган куч инсоннинг онгли, самарали ижодий меҳнатидир. Ибтидоий одамларнинг илк бор қоятошга туширган расмлари негизида пайдо бўлган тасвирий санъатдан ҳамда кейинчалик уларнинг нималарнидир айтиш, хиргойи қилиш, куйлаш, жонли ифода этишлари туфайли пайдо бўлган дастлабки мусиқа, кўшиқ, рақсларидан бошлаб ҳозирги кунда юксак малакали ва моҳир санъаткорлар томонидан яратилаётган юзлаб санъат асарларининг - ҳамма-ҳаммасининг асосида инсониятнинг онгли ижодий меҳнат фаолияти ётади.

Мазкур меҳнат фаолияти давомида табиатни, жамиятни, бир-бирларини қайта англаш жараёни бошланади, бу эса, ўз навбатида, одамлар ўртасида янгича иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик ва бошқа турли хил муносабатларнинг шакллана боришига олиб келади. Худди шу жараён асосида воқеликни гўзаллик қонунлари асосида тушуниш, идрок этиш ва қайта бахрлаш бошланади. Вахоланки, воқеликни гўзаллик қонунлари асосида тушуниш, идрок этиш ва баҳолаш ҳамда ўзгартириш санъат ижтимоий табиатининг тамал тоши ҳисобланади.

² Щаранг: Ыша жойда

Санъатнинг ижтимоий табиатини ифодаловчи муҳим жихатлардан бирини ҳар қандай санъат турининг воқеликни бадиий қиёфаларда (образларда) акс эттириш орқали инсоннинг олижаноб ҳис-туйғуларини ўстириш, кайфиятини кўтариб, уни завқ,-шавқ, билан самарали меҳнат қилишга ундаш, она тилини сўз санъати даражасига кўтариб, унинг куч-қудратини намойиш этиш, аждодлар томонидан асрлар мобайнида яратилган умуминсоний қадриятларга эга бўлган маданий мерос дурдоналарини келгуси авлодларга етказиб бериш ва унинг буюк келажагини башорат қилиш ташкил этади. Шунга кўра ҳар қандай санъат турининг мазмуни ва моҳияти унинг ижтимоий табиатига қараб белгиланади. Бу эса санъат ривожининг объектив қонуниятларидан бири ҳисобланади.

Санъатнинг таърифи ва хусусиятлари. Санъат деганда, одатдаги кундалик турмушимизда, биринчидан, юксак маҳорат ва усталик билан бажарилган ёки бажариладиган ишлар (масалан, хайдовчининг автоуловни бошқариш ёки футболчининг туп суриш маҳорати, жаррохнинг ёки шахматчининг усталиги); иккинчидан, амалий ишларни гўзаллик қонунлари асосида бажариш (масалан, боғбоннинг ёки заргарнинг инсонни лол қолдирадиган бирон-бир нарсани моҳирлик билан яратиши); учинчидан, бадиий ижод ишлари (масалан, шеър ёзиш, расм чизиш, мусиқа яратиш, ашула айтиш ва бошқалар) тушунилади.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, санъат кенг қамровли тушунчадир. Шунинг учун ҳам унга турли даврларда, турли хил олимлар томонидан ҳар хил таърифлар берилган.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда санъатга куйидагича таъриф бериш мумкин. *Санъат* деб кишиларнинг воқеликни бадиий қиёфалар, тимсоллар (образлар) орқали инъикос эттирувчи ижтимоий онгга ҳамда уни гўзаллик қонунлари асосида ўзгартиришга қаратилган бадиий амалий-ижодий меҳнат фаолиятига айтилади.

Ижтимоий онг шакли сифатида санъат борлиқди аниқ хис билан идрок этишнинг муайян кўриниши бўлган типик бадиий қиёфалар, тимсоллар орқали акс эттирар экан, албатта, давр талабидан, мавжуд ижтимоий-иқтисодий

хаётнинг негизларидан келиб чиққан ҳолда ундаги ижтимоий муносабатларни ўзида ифодалайди. Шунга кўра, у санъаткорга эмас, балки кишиларнинг иқтисодий-ижтимоий турмуш шароитига боғлиқ бўлади.

Санъат ижтимоий онгнинг бошқа шакллари бўлган сиёсат, ҳуқуқ, ахлоқ, дин ва хоказолардан қуйидаги бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади.

1. Санъат бошқа ижтимоий онг шаклларида фарқли улароқ воқеликни аниқ тушунчалар ва илмий категорияларда эмас, балки бадиий қиёфалар, тимсолларда акс эттиради. Масалан, ўзбек халқининг атоқли адиби Абдулла Қодирий халқимизнинг яқин ўтмишдаги турмушини, тарихини, сиёсатини, одобини, тилини ва дилини ўзининг «Ўтган кунлар» ёки «Мехробдан чаён» романларида яратган Отабек, Кумуш, Зайнаб, Юсуфбек хожи, Мирзакарим Кутидор; Анвар, Раъно, Солих маҳдум, Султонали мирзо, Сафар каби образлари орқали ифрдалаб беради.

2. Санъат ижтимоий онгнинг бошқа шакллари акс эттира олмайдиган ходисаларни - инсоннинг рухий дунёсини тушунишга, унинг ички сирлари билан ошно бўлишга имкон беради. Масалан, ўзбек халқининг забардаст шоири Абдулла Ориповнинг «Биринчи мухаббатим» шеърида ҳар бир инсоннинг қалбига илк бора ошно бўладиган ажиб бир ички сирли туйғу ҳеч бир фан тушунтириб бера олмайдиган хис шоир назмида қуйидагича ифодаланади:

Кеча оқшом фалакда ой бузариб ботганда, Зухро юлдуз милтириб, хира ханда отганда, Рухимда бир маъюслик, сокинлик уйготганда, Мен сени эсга олдим, биринчи мухаббатим, Эслаб хаёлга толдим, биринчи мухаббатим.

Дунё деган шундайин англаб бўлмас сир экан, Гох, кенг экан, гохида туйнуксиз қаср экан, Лекин инсон ҳаммша бир ҳисга асир экан... Нечун билмовдим аввал, биринчи мухаббатим, Парво қилмовдим аввал, биринчи мухаббатим.

Йўлин йўқотса одам - мухаббатга суянган, Руссага ботса одам - мухаббатга суянгай, Чорасиз қотса одам - мухаббатга суянгай, Мен кимга

суянгапман, биринчи мухаббатим, Фақат эслаб ёнгайман, биринчи мухаббатим.

Нидо бергил, қайдасан, шарпанга қулоқ, тутдим, Сирли тушлар кўриб мен бор дунёни унутдим, Тонгда туриб номингга ушбу шеъримни битдим, Дилдаги охим менинг, биринчи мухаббатим, Ёлғиз оллохим менинг, биринчи мухаббатим.

3. Санъатнинг бош масаласи, энг аввало, ҳазрати Инсонни, унинг кўп қиррали ижтимоий фаолиятини акс эттиришдан иборат. Шунинг учун ҳам жаҳон мутафаккирлари санъат ва адабиётни инсоншунослик фани деб ҳам атайдилар. Масалан, замонамизнинг ҳассос шоири Эркин Болидов ўзининг «Инсон» номли қасидасида оламнинг сарвари инсонни, унинг дунё ривожигаги ўрнини куйидаги сатрларда юксак маҳорат билан ифодалайди:

Собиту сайёрада инсон ўзинг, инсон ўзинг, Мулки олам ичра бир хокон ўзинг, султан ўзинг. Собит ўз маъвосида", сепёр фаза дунёсида, Коинон саҳросида карвон ўзинг, сарбон ўзинг.

Шамс — дил тафтингдадур, сайёралар кафтингдадур, Кенг жаҳон забтингдадур боғбон ўзинг, посбон ўзинг. Бу ёруғ дунё надур? Кошонадур, вайронадур,

Сенга меҳмонхонадур, меҳмон ўзинг, мезбон ўзинг.

Бунда оқ, бирла қаро, зулмат, зиё, шоҳу гадо, Жанг килурлар доимо, ул ён ўзинг, бул ён ўзинг.

Сен боло, ҳам мубтало, хапр ила кин, росту риё, Фитнагар олам аро фаттон ўзинг, курбон ўзинг.

Гох, адолат богида, пири адолат гоҳида,

Ўз дилинг даргоҳида шайтон ўзинг, гилмон ўзинг. Хормисан ё гулмисан, тождормисан ё қулмисан, Чўғзмисан, булбулмисан, нодон ўзинг, хушхон ўзинг.

Бу ҳаёт ўрмон экан, жон борки, қасди жон экан,

Бунда қатл осон экан, сиртлон ўзинг, жайрон ўзинг. Онаизоринг - замин, танҳо йўзу боринг - замин.

Каста беморинг - замин, углон ўзинг, дармон ўзинг.

Бағрида ётқучи — сен, неъматлар тотқучи сен,

Тиг бўлиб ботқучи - сен, пайкон ўзинг, қалкон ўзинг. Бўлмасин субҳинг қаро, бор бўл мудом борлиқ аро, Ўзни этгия доимо инсон ўзинг, инсон ўзинг.

Санъатда «бадий образ» тушунчаси ва унинг аҳамияти. Маълумки, санъат бошқа ижтимоий онг шаклларидан (ахлоқ, сиёсат, ҳуқуқ, дин, фан ва бошқалардан) воқеликни бадий образ орқали акс эттириши билан ажралиб туради. Санъатга асосан икки ҳолат, биринчидан, воқеликни қандай бўлса шундайлигича эмас, балки эстетик билиш қонунлари асосида идрок этиш; иккинчидан, одамларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини, ички ҳиссиётлари ва туйғуларини бир-бирларига сўз, оҳанг, товуш, имо-ишора кабилар орқали етказиш хосдир. +ар икки ҳолатнинг ҳам бошланғич нуқтасида воқеликни билиш қонуниятининг санъатда образли тарзда ижодий акс эттиришда намоён бўлишини кўрамиз.

Хуш, бадий образ деб нимага айтилади?

Бадий образ деб санъаткор томонидан воқеликни сўзларда, товушларда, оҳангларда, имо-ишораларда, рангларда, тасвирларда моддий, ҳиссий, маънавий ифодалаш шаклларига айтилади.

Бундай ифодалаш шакллари жумласига: клёслаш, персонаж, бадий асар кабилар киради.

Қиёслаш, ўхшатиш деганда, одатда, санъаткорнинг воқеликдаги бирон-бир нарсани, ҳодисани бадий жиҳатдан иккинчи бир нарсага, ҳодисага ўхшатган, қиёслаган холда тасвирлаш усули тушунилади. Масалан, Ватан - бу олтин бешик, Ватан - бу она, деганда Ватан онага, олтин бешикка қиёсланади, ўхшатилади.

Персонаж - бадий асарда иштирок этувчи шахс бўлиб, санъаткор у орқали ўзининг воқеликка бўлган муносабатини билдиради. Масалан, шоир Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари персонажларини, асосан, қушлар - Япалокдуш, Бойуғли, Қўркуш, Худхуд, Кулонкир султон, Шўранул, Малик Шохин ва Кордонларнинг киноявий-аллегорик образлари ташкил этади.

Бадий асар - ижодкорнинг воқеликда содир бўлган ёки бўладиган нарса ва ҳодисаларга нисбатан биддирилган ҳис-туйғуси, фикрини ифодаловчи санъат тури. Масалан, Алишер Навоийнинг соф севги куч-қудратини мадх, этувчи «Фархрд ва Ширин» достони шундай асарлар жумласига киради.

Объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларни бадий қиёфа орқали акс эттириш ўзининг хусусиятлари билан инъикоснинг" бошқа турларидан ажралиб туради:

1. Бадий қиёфада воқелик умумий тарзда эмас, балки алоҳида-алоҳида акс эттирилади. Яъни умумийликдан хусусийликка ва ундан алоҳидаликка қараб бориш бадий қиёфада ижодий инъикос қилишнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

2. Бадий қиёфада акс эттиришда тафаккур ва ҳис-туйғулар узвий бирликда ифодаланади.

3. Санъаткор бадий қиёфада акс эттириш орқали бадий ҳақиқатни яратади. Масалан, Алишер Навоийнинг мусаввир Л. К. Кайдалова ишлаган сурати бадий ҳақиқат жумласига киради. Чунки, томошабин унга қараб ҳақиқатан ҳам тарихда айнан шундай одам - шоир яшаганлигига тўла ишонч ҳосил қилади.

Санъатда бадий қиёфа қуйидаги аҳамиятга эга бўлади: биринчидан, турфа хил оламни ранг-барангликда акс эттириш; иккинчидан, акс эттирилган олам тўғрисидаги фикр ва ҳис-туйғуларни ўзгаларга етказиш, ўзлигини ифода этиш ва, учинчидан, ёш авлодни гўзаллик қонунлари асосида тарбиялаш.

Санъатда мазмун ва шакл. Мазмун ва шакл муносабати санъатдаги муғим муаммолардан биридир. Одатда, мазмун деганда нарса ва ҳодисаларнинг ички жараёнлари, хоссалари, алоқалари, зиддиятлари, ривожланишларининг мажмуи тушунилса, шакл деганда, мазмунни ифодалаш усуллари тушунилади.

Мазмунсиз шакл ва шаклсиз мазмун бўлмайди. Мазмун ва шакл доимо узвий бирликда бўлиб, мазмун муайян бир шаклда намоён бўлса, шакл ҳам муайян бир мазмунни ифодалайди.

Санъат асарларининг мазмуни деб мазкур асарда ифодаланган нарса, воқеа, ҳодисаларнинг ички жараёнлари, алоқалари, зиддиятлари, ривожланишидаги муқобил ҳолатларнинг мажмуига айтилади.

Ҳар қандай санъат асарининг мазмуни асар учун танланган мавзу ва унда ифодаланган ғоянинг узвий бирлигидан ташкил топади. Санъат асарининг мавзуи деганда, одатда, асар учун танланган объект ҳамда унда акс эттирилган ҳаётини воқеа, жараёнлар тушунилади.

Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романига мавзу қилиб узбек халқининг яқин ўтмишдаги ижтимоий турмуши танлаб олинган бўлса, ёзувчи Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» номли романига собиқ шуролар даврида бутун умр далада кетмон чопиб, серқуёш юртида елкаси офтоб кўрмаган, қут-баракот юртида косаси оқармай, «пахта иши», «ўзбек иши» баҳонасида тавкл-лаънат тамгаси осилган ўзбек халқининг ҳаёти мавзу қилиб олинган. Бу танланган мавзу ўзининг мантиқий интиҳосида шундай тасвирланади:

«Иван Иванович! (Чор Россияси ва қизил империянинг қонхўр жаллодлари ҳақида - Н.М.) Мен сенга юз ўттиз йил юртим турини бердим, юз ўттиз йил уйим турини бердим - аммо сен билан эл бўлмадим!

Иван Иванович! Мен сен билан юз ўттиз йил елкама-елка кун кечирдим, юз ўттиз йил чизган чизиғингдан чиқмадим - аммо сен билан эл бўлмадим!

Юз ўттиз йил тур десанг турдим, утир десанг ўтирдим, юз ўттиз йил кул десанг кулдим, йиғла десанг йиғладим - аммо сен билан эл бўлмадим!

Иван Иванович! Мен юз ўттиз йил ўзим киймадим - сенга кийдирдим!

Иван Иванович! Мен юз ўттиз йил ўзим киймадим - сенга кийдирдим, юз ўттиз йил ўзим емадим - сенга едирдим, юз ўттиз йил ўзим ичмадим - сенга ичирдим... аммо сен билан эл бўлмадим!...

Иван Иванович! Сен тиригим тирногини единг, сен улигим ёгин единг - аммо туймадинг!

Иван Иванович! Мен очликдан ўлмадим - сен тукликдан ёрилмадинг!

Иван Иванович! Мен сени юз ўттиз йил тунгач акам, дедим. Бўлди - мен энди сени тунгич акам, демайман.

Мен энди сени тунгич ака дегич тилларимни кесиб итга ташлайман!...

Иван Иванович! Далаларимда ну-нуламай тур, энди.

Далаларим дийдорига туйиб-туйиб олайн, энди.

Иван Иванович! Сен дала нималигини билармидинг? Сен садкаи дала кет!

Сен куш жомадон кутариб дайдишни биласан. Сен гилдиракли жомадон судраб дайдишни биласан.

Сен қайси юрт мевазор - шу юртни макон этасан. Сен қайси эл меҳнаткаш - шу элни макон этасан...

Қатор-қатор дайдиб келасану ... осайишта-осайишта эл-юртни алгов-далгов этасан.

Ота билан болани гиж-гиж этасан.

Ака билан укани ков-ков этасан...

Далаларим боболарим аччиқ-аччиқ куз ёшларидан дала бўлди.

Далаларим оталарим шурпешона терларидан дала бўлди.

Далаларим аёлларим гулдай хазон умрида дала бўлди.

Далаларим - боболарим шур-шур пешонаси.

Далаларим - оталарим ягир-ягар елкаси.

Далаларим аёлларим хазон-хазон умри.

Мен... далаларимни дея, қайтиб келаман!

Етти иклимдан булсада, қайтиб келаман» '.

Санъат асарининг мазмуни фақат унинг мавзуи билан чекланиб қолмасдан, балки унинг ғоясини ҳам қамраб олади.

Санъат асарининг ғояси деб ижодкорнинг асарда акс эттирилетган нарса, воқеа, ходиса, жараёнларнинг ҳаётдаги ўрни, моҳияти, маъноси юзасидан билдирган фикри, қарашлари ва уларга муносабатига айтилади.

Мавзу - асарда акс эттирилган воқеа, ҳодисалар бўлса, ғоя уларга ижодкорнинг муносабати, фикр ва қарашларини англатади. Ҳар қандай санъат асарининг мазмунини қамраб олувчи мавзу ва ғоя бир-биридан ажралмасдир.

Масалан, тарихчи олим академик Бурибой Ахмедовнинг қаламига мансуб «Амир Темур» тарихий романининг мавзуини ватандошимиз, буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темурнинг ҳаёти, ғоясини эса Амир Темурнинг она Ватан озодлиги ва ободлиги йўлидаги кураши, кучнинг адолатда эканлиги ташкил этади.

Санъат асари ҳамма вақт бирон-бир шаклда ифодаланган бўлади.

Санъат асарининг шакли деб мазкур асрнинг тузилишига, ундаги мазмунни ифодаловчи усуллар, воситаларга айтилади.

Санъат асарининг шакллари асосан сюжет, жанр, композиция, шунингдек, вазн, қофия, туюқ, оҳанг ва бошқалар киради.

Сюжет - французча сўз бўлиб (sujet), 1) бадиий асрда ифодаланган воқеаларни кетма-кет баён қилиш; 2) тасвирий санъатда - тасвирлаш предмети маъноларини англатади¹. Сюжет - бадиий асар мазмунини унда тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро бирлиги, кураши ва ривожланишини кетма-кет баён қилиш орқали ифодалашдир.

Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романининг сюжетини Анвар ва Раъно севги-мухаббатининг тарихи ташкил қилса, Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» романининг сюжети бош қаҳрамонлар Сайда ва Қдгсандаровлар ўртасида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш борасидаги муносабатларнинг ривожланиб боришидан иборат. Сюжет ҳар қандай бадиий асарнинг негизи ҳисобланади. Унда бош, яъни биринчи даражали воқеа-

¹ Щаранг: Словарь иностранных слов - М.: Русский язык 1985- С. 482.

ходисалар ўз ифодасини топади. Сюжет, бир томондан, мазмунга, иккинчи томондан, шаклга алоқадор бўлади.

Санъат асарининг композицияси деганда, 1) адабий асар, санъат асари қисмларининг тузилиши, жойлашиши ва ўзаро муносабати; 2) таркибий қисмлари маъно жихатидан ўзаро боғланиб бирлик ташкил этган бадиий асар, музика ёки рассомлик асари; 3) музика асари яратиш назарияси тушунилади².

Шунга кўра ҳар қандай асар ўзига хос композицияга эга бўлиб, ушбу композиция мазмун ва шаклни ўзаро боғлаб турувчи белбоғ ҳисобланади. Бадиий асар композициясининг асосий элементларини ритм, симметрия, бадиий параллеллик ва бошқалар ташкил этади.

Масалан, Тошкент шаҳрининг Амир Темур хиёбонига ўрнатилган Амир Темур хайкалининг композициясида шундай маъно бор, яъни буюк бобокалонимиз -соҳибқирон Амир Темур кўркмас, баҳодир, айна вақтда доно лашкарбоши, ислом ҳомийси, юртни босқинчилардан озод қилувчи даҳо қиёфасида акс эттирилган. Худди, шу жойда сюжет ва композициянинг бирлиги ҳам таъминланган. Суюк, сюжет композицияни улдирганидек, ўлик композиция ҳар қандай яхши сюжетни ҳам йўққа чиқаради. Сюжет ва композициянинг уйғунлигини таъминлаш ҳар бир санъат асари ижодкорининг муқаддас вазифаларидан бири ҳисобланади.

Санъат асарларининг шаклини тушунтириб беришда жанр масаласи муҳим ўринлардан бирини эгаллайди.

Жанр санъат асарининг тарихан таркиб топган, нисбатан турғун бирон бир турига мансублигини ифодаловчи ички бўлининининг ташқи кўринишидир.

Санъатда асосан қуйидаги жанр турлари - роман, қисса, хикоя, эссе, лирик шеър, драма, портрет, пейзаж, натюрморт, симфония, соната, опера, балет, кушик, раке, марш ва хоказолар мавжуддир.

² Щаранг: Ўзбек тилининг изоли луғати. 1 том. - М.: Русский язык 1981- С. 394

Санъатда шакл қуйидаги усуллар билан ифодаланади: бадиий адабиётда - тил; тасвирий санъатда - ранг; музика - товуш, оханг; рақсада - имо-ишоралар.

2-§. САНЪАТНИНГ ТУРЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Санъатни таснифлаш принциплари. Объектив оламдаги нарса ва ҳодисалар турли-туман бўлганидек, уларнинг бадиий инъикоси бўлган санъат ҳам шунчалик хилма-хил ва ранг-барангдир. Масалан, бадиий адабиёт, музика, мусаввирлик, хайкалтарошлик, наққошлик, ашула, рақс, архитектура, театр, кино ва бошқалар.

Санъатдаги ана шу хилма-хиллик ва ранг-баранглик маданий борлиқнинг ижодкори бўлган инсон ижодий фаолиятининг тарихий ривожланиш босқичларида вужудга келган бўлиб, уларни таснифлаш масалалари билан узок, ўтмишдан хозирги кунгача кўплаб мутафаккирлар, олиму фозиллар шуғулланганлар.

Масалан, қадимги давр мутафаккири Арасту (Аристотель) узининг «Поэтика» асарида санъат турлари бир-бирларидан нима билан тақдид қилишлари, нимага тақдид қилишлари ва қандай тақдид қилишлари билан фарқ қиладилар¹, дея санъат турларини таснифлашнинг уч мезон — нимани акс эттириши, қандай акс эттириши, нимада акс эттириши тўғрисида тўғри фикр билдиради.

XVIII асрда яшаб ижод этган француз маърифатпарвари Дени Дидро (1713-1784) Аристотелнинг «тақдид назарияси»га кўшилган ҳолда, агар санъатда сўзлар орқали тақдид қилинса, уни нотиклик, агар товушлар орқали тақдид қилинса - музика, ранглар орқали тақдид қилинса - мусаввир, ёғоч, тош, мрамор ва шунга ўхшаш моддий ашёлар орқали тақдид қилинса, бундай

¹ Щаранг: Аристотель. Поэтика - М.: Мысль, 1957 - 40-6

санъатни хайкалтарошлик дейилади', деган ҳолда санъатда сўз, мусиқа, тасвирий санъат ва хайкалтарошлик турларини ажратади.

+озирги кунда санъатни қуйидагача таснифлаш мезонлари мавжуддир.

Биринчидан, санъатни ижтимоий онг шакли деб билган ҳолда уни акс эттираётган ижтимоий борликнинг мазмунига қараб таснифлаш мезони. Бу принципга кўра, санъат қуйидаги турларга ажратилади:

- маконда мавжуд бўлган санъат турлари -архитектура, хайкалтарошлик, мусаввирлик ва бошқалар;

- замонда мавжуд бўлган санъат турлари - бадий адабиёт, шеърят, мусиқа ва бошқалар;

- маконда ва замонда мавжуд бўлган санъат турлари -театр, кино, телевидение, эстрада, цирк ва бошқалар.

Иккинчидан, санъатнинг объектив воқеликни акс эттиришда нисбий мустақилликка эга эканлигига қараб таснифлаш принципи. Унга кўра санъат тасвирий ва ифодали турларга бўлинади. Тасвирий санъат турларига - мусаввирлик, хайкалтарошлик, чизикли расм (графика), бадий фотография (сурат); ифодали санъат турларига эса безакли-амалий санъат, меъморчилик санъати ва мусиқа киради.

Учинчидан, санъатни инсон амалий фаолиятининг шаклларида бири деб билган ҳолда, ташки олами бадий жихатдан ўзлаштириш ва ўзгартиришда қўллайдиган моддий-маънавий ашёсига, услубларига қараб таснифлаш принципи. Унга кўра санъат - амалий, тасвирий, сўз ва томоша турларига ажратилади. Бунда амалий санъат турларига - меъморчилик, безак, нақишлар кирса; тасвирий санъат турларига эса рассомлик, хайкалтарошлик, графика, фотография кабилар киради. Сўз санъати турларига - бадий адабиёт, мусиқа, ашула, қўшиқлар кирса; томоша санъати турларига эса театр, кино, цирк, телевидение кабилар киради.

Санъатни юқорида келтирилган принциплар асосида турларга ажратиш воқеликни янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этган ҳолда санъат тури деган тушунчага умумий таъриф бериш имкониятини ҳам беради.

Санъат тури деб акс этилаётган предметга, яратилган қиёфанинг характери ва типига, эстетик эҳтиёжни қондириш усулига, бадиий қиёфани яратишда қўллайдиган ўзига хос материал ва қонунларига қараб бир-бирларидан фарқ қилувчи инсон бадиий фаолиятининг соҳасига айтилади.

Хулоса қилиб айтганда, санъат турларининг сони ҳамма вақт икки узвий ҳолатга: биринчидан, объектив оламдаги нарса, воқеа, ходиса ва жараёнларнинг ниҳоятда кўплигига, мураккаблигига, серкирралигига, турли-туманлигига; иккинчидан, субъектив омил ҳисобланмиш инсон хис-туйғулари, идрок этиш қобилиятининг хилма-хил ва ранг-баранглигига, ҳаёлот оламининг чексизлигига боғлиқдир.

Санъатнинг вазифалари. Санъат ҳамма вақт инсоннинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи, инсонда «инсонийлик»ни шакллантирувчи, шахсни ижтимоий-лаштирувчи, унинг ижодии қобилиятини амалда кўрсатувчи фаолият сифатида намоён бўлади. Санъатнинг борлиги туфайли одамлар ташвишларини унутадилар. Буларнинг хаммаси санъатнинг вазифаларига киради.

Умуман олганда, санъат ижтимоий борлиқнинг бадиий инъикоси бўлган ижтимоий онг шакли ва инсон амалий фаолиятининг ижодии тури сифатида билиш, алоқа, тарбиялаш, маърифатпарварлик, завқ бериш ва эвристик (кашф этиш, очиш) вазифаларини бажаради.

Санъатнинг билиш вазифаси. Билиш - воқеликнинг, унинг қонунларининг инсон онгида маълум мақсадга қаратилган фаол инъикоси. Демак, воқеликнинг бадиий инъикоси бўлган санъат ҳам шахс, гуруҳ, синф, жамоа ва жамиятнинг маънавий дунёсини, унинг ривожланиш қонуниятларини билишнинг ўзига хос усулларидан биридир.

Объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларни билишда табиий ва ижтимоий фанлар қонунлар, категориялар ва мантиқий хулосалар орқали иш кўрса, санъат эса, улардан фарқли равишда, бадиий асарларда акс эттирилган шахс қиёфаси орқали иш кўради. Шунга кўра санъатдаг" билиш-англаш жараёни, биринчидан, бадиий асарни ўқитаётган ўқувчи-мухлисни ушбу асарда ифодаланаётган воқеаларда бевосита хаёлан иштирок этиш имкониятини беради. Асардаги қахрамонларнинг хатти-ҳаракатларига қараб, ўқувчи-мухлис хис-хаёжонга тушади, қувонади, қайғуради, мавжуд реал воқеликка бахр беради. Воқеликка бахр бериш эса билиш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Иккинчидан, тасвирланаётган нарсалар, воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини очиб бериш орқали, инсон ҳаётининг фан кучи етмайдиган сирли томонларини очиш, яъни инсон маънавий - рухий ҳолатларининг тилсимини билиш имкониятини беради.

Масалан, Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» асарини ўқир экансиз ёки шу асар асосида ишланган фильмни томоша қилар экансиз, собиқ советлар даврида эзилган, таҳқирланган, пахта дея латофатидан, ўзлигидан айрилиб, вужуди темирга айланган ўзбек аёлининг аччиқ қисмати ҳаёлингизга келади; кўнглингизда собиқ совет тоталитар тузумига нисбатан нафрат, ўзбек аёлининг қадрини кўтариш, иззат-хурматини жойига қўйиш истаги жўш уради.

Худди шунингдек, Тохир Маликнинг «Шайтанат» номли асари билан танишган ўқувчи жаҳолат дунёсининг аччиқ, қисмати билан ошно бўлади, дилида уюшган жиноятчиликка қарши нафрат туйғуси ортади ради, тезроқ, адолатнинг тантана- қилиши, дунёда ёвузликнинг йўқ қилиниши истаги билан яшайди.

Санъатнинг алоқа вазифаси. Санъат ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатида ўзида турли даврларда ва мамлакатларда яшаб ўтган халқларнинг бир бутун

олам тўғрисидаги тасаввурларини, ғис-туйғуларини, орзу-умидларини мужассамлаштирган ҳоджа келгуси авлодни, тили ва дини бошқа бўлган одамларни, қолаверса, бутун дунё халқларини улар билан таништиради; улар ўртасида алоқа ўрнатади.

Санъат алоқа вазифаси орқали, биринчидан, асарлар орқали аجدодларни авлодлар билан боғласа; иккинчидан, дунё халқларини бир-бирлари билан боғлайди.

Санъатнинг алоқа вазифасига хос бўлган хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Санъат ўзининг алоқа вазифаси билан дунё халқларининг тили хилма-хиллиги туфайли юзага келган чегараларни бузиб ўтади ва улар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик, қон-қардошлик, маърифатпарварлик алоқаларини ўрнатади. Масалан, мусиқа, рақс, меъморчилик, тасвирий санъат асарлари тили бошқа бошқа халқлар учун умумий бадий асарлар ҳисобланади. Уларни кўрган ҳар бир халқ, завқ-шавқ олади.

2. Санъат орқали боғланиш фақатгина ақлий-амалий даражада бўлиб қолмасдан, балки ҳиссиётлар, туйғулар, ибрат кўрсатиш, тарбия бериш орқали содир этилади. Масалан, мамлакатимизда мунтазам равишда ўтказилиб келаётган санъат ва маданият кунлари, ҳар хил санъат асарларининг кўргазмалари, қўшиқ байрамлари халқлар ўртасидаги дўстликнинг кучайишига, жаҳолатининг чекинишига олиб келади.

3. Санъатнинг алоқа вазифаси орқали санъатдаги миллийлик умуминсонийлик билан қўшилиб, бир бутунликни ташкил этади. Оқибатда, бу бир бутунлик умуминсоний қадрият тусини олган санъат асари шаклига кириб, бутун дунё халқларининг маданий меросига айланади. Бундай санъат асарлари жумласига Алишер Навоий, Бобур, Шекспир, Рембрант, Бетховен, Умар Хайём, Леонардо да Винчи ва бошқалар яратган асарлар киради.

Санъатнинг тарбиявий вазифаси. Санъат асарларининг тарбиявий кучишу билани фодаланадики, унда акс эттирилган қахрамонларнинг қиёфаси ўқувчи-мухлисни ҳис-ҳаёжонга тушишга-қувонишга, нафратланишга мажбур қилади. Оқибатда, ўқувчи-мухлис ўзи севган қахрамонга ўхшашга, у бажарган ишларни бажаришга ҳаракат қилади. Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Мехробдан чаён» романини ўқиган ёки шу номли фильмни томоша қилган йигит ёки қиз ўзини Анвар каби мард, жасур, севгисига вафо қилувчи; Раъно каби ифбатли, чиройли, ширин сўзли, доно, вафодор бўлишга ҳаракат қилади. Бу шундан дарак берадики, санъат инсоннинг қалбига, унинг руҳиятига, иродасига таъсир қилиб, уни тарбиялайди, ўзини ўзи чуқур англаб олишига имконият беради.

Санъатнинг тарбиявий вазифаси, биринчидан, унинг инсоният томонидан яратилган бой маданий меросни келгуси авлодларга етказиб бериши; иккинчидан, инсонларнинг эҳтиёжларини қондирувчи, унинг ҳис-ҳаёжонларини жунбушга келтирувчи сеҳрли куч; учинчидан, ҳаётнинг барча жабхаларини ўзида мужассамлаштирган инсоният тажрибасининг мажмуи; тўртинчидан, оламни гўзаллик қонунлари асосида ўзгартирувчи восита эканлигида ифодаланади ва кишиларда нафис ҳис-туйғуларни шакллантиришга хизмат қилади.

Санъатнинг завқ бериш ва эвристик' вазифалари. Санъатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бу воқеликни гўзаллик қонунлари орқали ўзгартириш ҳисобланади. Бу, аввало, ҳар қандай санъат асарининг одамларга завқ-шавқ бағишлаши билан, уларнинг ҳис-туйғуларини жунбушга келтириб, меҳнат қилиш қобилиятини ишга солиш асосида янги ижодий ишга рағбатлантириш, яратувчанлик қобилиятини шакллантириш билан ифодаланади.

Санъатнинг завқ бериш вазифаси деганда, одамларнинг санъат асарларини ўқиш, куриш, эшитиш орқали эстетик завқ олиши, роҳатланиши тушунилади. Масалан, тинмай меҳнат қилиб турган дехқон мумтоз асарлар ҳисобланмиш

«Муножот» ёки «Ганновар»ни тинглаб, рохатланади ёки унинг куйига рақс тушган раққосаларнинг ўйинини кўриб завқланади.

Санъатнинг эвристик вазифаси деб одамларнинг санъат асарларини ўқиш, кўриш, эшитиш, маъносини чақиш асосида ўзларининг ижодий меҳнат фаолиятларида янги-янги нарсаларни топишларига, ихтиро қилишларига айтилади. Санъат асари олим учун бирон-бир нарсани кашф қилишда, бирон-бир янгиликни ихтиро қилишда, топишда бевосита таъсир курсатмасада, унга куч, завқ-шавқ бағишлаб, унинг ғайратига-ғайрат кўшган ҳолда билвосита таъсир қилади. Худди шу маънода ҳар қандай санъат асари эвристик вазифани бажаради.

Санъатнинг барча вазифалари бир-бирларидан ажралмас бўлиб, бир-бирини тўлдириб туради.

3-§. БАДИЙ ИЖОД ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ АХЛОКИЙ-ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АХАМИЯТИ

Бадий адабиёт бадий ижод турларининг ичида муҳим ўрин тутади. Бадий адабиёт, бошқа санъат турларидан фарқли ўларок, воқеликни сўзлар орқали акс эттиради. Шунинг учун адабиётни сўз санъати деб ҳам атайдилар.

Бадий адабиётнинг хусусиятлари куйидагилардан иборат:

1. Адабиётнинг қуроли сўз бўлиб, у воқеликни сўзларда акс эттириши билан бошқа санъат турларидан ажралиб туради. У бошқа кўпгина санъат турларининг асосини ҳам ташкил қилади. Масалан, театрда куйиладиган спектакллар, кинодаги воқеаларнинг асосида у ёки бу бадий асар ётади.
2. Бадий адабиёт объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларни, кишиларнинг ҳаётини ҳар томонлама, ўзининг ривожланиш йўлларига мос равишда акс эттиради. Бошқа санъат турларида бундай хусусиятлар йўқ: улар мавжуд воқеликнинг фақат бир томонини акс эттирадилар.

3. Бадиий адабиёт ўзининг ҳаётда тутган ўрни билан ҳам санъатнинг бошқа турларидан ажралиб туради. У мавжуд турмуш ҳақида маълумот берибгина қолмай, келгусида қандай яшаш кераклигини ҳам кўрсатиб беради. Шунинг учун ҳам бадиий адабиётни халқимиз «ҳаёт дарслиги» деб атайди, яхши роман, қисса, хикоя, дostonларни ҳамма вақт қўлдан қўймай, севиб мутолаа қилади.

Бадиий адабиёт ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий-эстетик маданиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутади: биринчидан, ҳаётдаги воқеаларни сўзлар орқали ифодалаб, унинг сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий томонларини ижобий ёки салбий образлар орқали ёритиб беради; ходимнинг онгига, ҳаракатларига ўзининг таъсирини ўтказиб, уни қаҳрамонликка ундайди; иккинчидан, санъат асарларига баҳо беришни ўргатади. Масалан, Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асарини ўқиган одам албатта ҳаяжонга тушади, унда акс эттирилган воқеалардан ўзига тегашли хулосалар чиқариб олади.

«Театр» сўзи грекча бўлиб, ўзбек тилида «Томоша учун жой» деган маънони англатади. Театр воқеликнинг актёрлар орқали бевосита томошабинлар олдида ифодаланиши билан характерланади. Театрда содир бўлаётган воқеалар томошабинларнинг тезликда жавоб қайтаришларига қаратилгандир. Театр томошалари орқали ички ишлар идоралари ходимлари ўзларининг қилаётган ишларини, хулқ-атворларини таҳлил қиладилар. Унинг натижасида улар ўз қилмишларидан қониқиш ҳосил қилиб қувонишлари ёки ўз-ўзларидан, қилган ишларидан уялишлари мумкин. Бу эса уларнинг хулқ-атворига, касб маҳорати ошишига таъсир этади. Масалан, Хамза театрининг «Тириклайин қўлга олинсин» номли спектакли уюшган жинойтчиликнинг моҳиятини, қабиҳ ишларини очиб ташлаш билан бир қаторда, ички ишлар ходимларининг ўз ишларига садоқати, мардлиги, жасурлигини тараннум этади, жинойтчиликни тугатиб, одамларни эзгуликка етаклашнинг нақадар зарур эканлигини бадиий образлар орқали ифодалаб беради.

Кино санъатлар ичида муҳим ўрин тутади. Кино жамоатчилиги асосида яратилган бадиий асар бўлиб, унда санъатнинг барча турлари иштирок этади.

Кинода акс эттирилган воқеалар ниҳоятда жонли бўлиб, томошабинни ўз комига тортиб кетади. Бунда унинг хис-туйғулари кўзғалиб, воқеликни теран илғаб олиши учун хизмат қилади. Масалан, «Учрашув жойини ўзгартириб бўлмади» фильмидаги Владимир Шарапов ва Глеб Жеглов образлари ўзининг ҳаққонийлиги билан ички ишлар идораларининг ҳар бир ходимини доимо тўлқинлантириб туради.

Шундай қилиб, санъат ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданиятини шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлиб, бу қуйидагиларда кўринади:

1. У тарбиявий восита вазифасини бажаради, зеро ижтимоий ҳаётнинг инъикоси бўлган санъат асарлари ижобий ва салбий образлар орқали пировард натижада касб маданиятининг шаклланишга таъсирини ўтказади.

2. Санъат жинойтчилигининг олдини олишга ёрдам беради. Санъат асарларида ҳаётнинг қоронғу томонлари, унинг иллатлари, жинойтчилар дунёсининг кирдикорлари очиб ташлангани боис одамларда жинойтчиларга нисбатан нафрат, ички ишлар идоралари ходимларига нисбатан ишонч ҳисси уйғонади. Бу эса халқни ички ишлар идоралари ходимлари билан янада яқинлаштиради.

3. Санъат ички ишлар идоралари ходимларининг касб маҳоратини оширишга хизмат қилади. Касб маҳоратини ошириш нафақат малака ошириш жойларида, балки ҳар хил оммавий ўйин-кулгиларни, маданий-маънавий дам олишларни тўғри ташкил қилиш жараёнида ҳам ўсиб боради. Масалан, яхши мусиқа ёки кўшиқ одамнинг иш қобилиятини оширади, ижодий меҳнатга ундайди.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Санъатнинг вужудга келиши ҳақидаги қандай назарияларни биласиз?

2. Санъатнинг келиб чиқишини тушунтириб беринг?
 3. Санъат деб нимага айтилади?
 4. Бадиий қиёфа нима ва унинг қандай шакллари биласиз?
 5. Бадиий қиёфанинг ўзига хос белгиларини кўрсатиб беринг.
 6. Санъат қандай вазифаларни бажаради?
 7. Санъат турларини кўрсатиб беринг ва улар ҳақида ўз фикрларингизни баён этинг.
 8. Санъатдаги бадиий усул ва услуб деганда нимани тушунасиз? +озирги замон санъатининг асосий йўналишлари тўғрисида фикр-мулаҳозаларингизни айтинг.
 9. «Бадиий адабиёт сўз санъатидир» деган фикрга қандай қарайсиз? Театр ва кино санъатларининг ички ишлар ходимларининг касб маданиятини шакллантиришдаги аҳамияти нималардан иборат?
- В. Г. Белинскийнинг: «Фан мантиқий тушунчалар орқали фикр юритиш бўлса, бадиий адабиёт образлар орқали фикр юритишдир», -деган сўзига ўз муносабатингизни билдиринг ва бу ҳақда суҳбатлашинг.

VIII боб

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ

А+ОЛИ БИЛАН МУОМАЛА ҚИЛИШ

МАДАНИЯТИ

1-§. МУОМАЛА МАДАНИЯТИ, УНИНГ АСОСИЙ

ШАКЛЛАРИ ВА ҚОЙДАЛАРИ

Аҳоли деб маълум бир ҳудудда - шаҳар, вилоят, туман ва мамлакатда истиқомат қилаётган одамларнинг мажмуасига айтилади.

Аҳоли ўзининг таркибий тузилиши бўйича ниҳоятда хилма-хил кишилардан ташкил топган бўлиб, улар ёши бўйича - катта ва кичик; касб-кори бўйича - деҳқон, ишчи, зиёли, тадбиркор, бизнесмен, ҳарбий; жинси бўйича - эркак ва аёл; ахлоқий хислатлари бўйича - яхши ва ёмон; эстетик жиҳати бўйича - гўзал ва хунук каби турларга бўлинади. Ички ишлар идораларининг ходимлари ҳам ана шу аҳоли таркибига киради ва давлатнинг кишилар тинчлигини, хавфсизлигини таъминловчи маъмурий-ижроия ҳокимият органи ҳисобланади.

Ички ишлар идораларининг ходимлари хизмат вазифаларини бажариш чоғида аҳолининг турли-туман қатламлари билан муомалада бўладилар. Маълумки, муомала ҳар қандай одам, жамият фаолиятининг зарурий ва умумий шарти, ҳар томонлама ривожланишининг муҳим омили, онгли одамни табиатдан ажратиб турувчи мезонлардан биридир. Шундай экан, ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли билан бўладиган муомалалари ҳам ўз объекти ва предметига эга.

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятидаги аҳоли билан бўладиган муомала объектларини қуйидагилар ташкил этади:

— фуқароларнинг эркинлигига, кадр-қимматиغا, ҳаётига ва мулкига, шунингдек, давлат ва жамоат мулкларига тажовуз қилган ҳуқуқбузарлар;

— ташкилотлар, корхоналар, муассасаларнинг меҳнат ва молия интизомини бузган бошлиқлари ва мансабдор шахслари;

— қонун ва ҳуқуқ-тартиботни бузишга мойил бўлган ва қаровсиз қолган оилалар;

— жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар;

— тартиб-интизом ўрнатишга жинойтчиликнинг олдини олиш ва очишга сидқидилдан ёрдам берувчилар;

— қонунбузарлик билан алоқаси бўлмаган, аммо ўзларининг шахсий юмушлари билан, яъни паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки чет элга чиқиш учун рухсатнома олиш юзасидан мурожаат қилганлар;

- ҳар хил масалалар бўйича мурожаат қилган чет эл фуқаролари.

Ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли билан бўладиган муомала маданияти деб уларнинг шахслар, оилалар, меҳнат жамоалари, ижтимоий гуруҳдир, ҳар хил жамоат ва давлат ташкилотлари, муассасалари, хорижий давлат фуқаролари билан бўладиган ҳамда қонун, фармон, низом ва буйруқлардаги ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар, принциплар билан тартибга солинган ахлоқий-эстетик, ҳуқуқий муносабат-лар тизимига айтилади.

Муомала жуда мураккаб жараён бўлиб, у одамларнинг ўзаро иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-маънавий муносабат-лари, алоқаларининг йиғиндисидан ташкил топади. Муомала барча маданият турларининг ботиний ва зоҳирий хусусиятлари мужассамлашган бўлади. Шу сабабли уни тарихий ворисийлик ва талаблари даражасида шакллантириш идоралари ходимларининг ички ва ташкл маданиятининг уйғунлигини, муштаракли-гини таъминлайди.

Ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли билан бўлади-ган муомала маданиятининг шакллари жуда кўп, уларнинг ичида учтаси алоҳида кўзга ташланиб туради:

- 1) хулқ-атвор маданияти;
- 2) ташқи кўриниш маданияти;
- 3) нутқ маданияти.

Муомала маданияти ушбу шаклларининг барчаси бир вақт-нинг ўзида ҳар бир одамда ички мазмун ва моҳият, ташқи ифода ҳамда уларнинг муштараклиги ёки муштарак эмаслиги тарзида сезилиб туради. Бинобарин, муомала маданияти уч тар-кибий қисмдан иборат:

- 1) феъл-атворнинг ички мазмуни ва моҳияти;
- 2) юриш-туришнинг ташқи ифодаси;
- 3) улар ўртасидаги уйғунлик ва мутаносиблик даражалари.

Хулқ-атворнинг ички мазмуни ва моҳиятини шахс ахлоқий-ҳуқуқий ва эстетик онгининг ривожланиш даражаси ташкил этса, ташқи кўринишини уларнинг синтези бўлган эстетик дид, фаҳм-фаросат белгилайди. +ар

иккаласининг уйғунлиги ва муштараклиги эса ички ишлар идоралари ходимларининг юксак маданият соҳиби эканлигидан дарак беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномасида: «Ички ишлар идоралари ходими юксак маданият соҳибидир. Унинг юқори даражада тарбияланганлиги- айтган сўзининг устидан чиқиши, фидойи-лиги, кўл урган ишини ўз вақтида, пухта ва тезкорлик билан бажариш қобилиятларига, содир этилган воқеани аниқ таҳлил этиш ва тўғри қарор қабул қилиш, вазминлик, мардонаворлик, турли хавф-хатарлардан, ҳақоратлардан эсанкираб қўймаслик сифатларига, шахсий хулқ-одоби, обрў-эътибори билан қариндош-уруғлари, фарзандлари ҳамда маҳалладошларига ўрнак бўлишга интилиш каби фазилатларга эга эканлиги билан белгиланади.

Юқорида қайд этиб ўтилган талабларга риоя қилиш, биринчидан, ҳар қандай мураккаб масаланинг ечимини осон-лаштиради ва иккинчидан, атрофдагиларга ижобий таъсир этади»¹, - дейилган.

Улуғ аждодларимиз ўзларининг хаёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда муомала одоби-маданиятининг умумий қоидаларини ишлаб чиққанлар. Бу қоидалар ички ишлар идоралари ҳар бир ходимининг аҳоли билан қиладиган муомаласининг ажралмас қисми бўлиши табиийдир.

Муомала маданиятининг умумий қоидалари. Муомала маданиятининг умумий қоидалари қуйидагалардан иборат:

1. Одоб ва эҳтиёт билан муомала қилишдан ҳамма мақсадлар рўёбга чиқади, ёпиқ эшиклар очилади. Мулойимлик билан айтилган сўзлар кўнгилга роҳат бахш этади. Очiq юз ва ширин сўзлик дўстлик ва муҳаббатга далил бўлади. Шунинг учун ҳамма билан одобга риоя этиб муомала қилинг, очiq юзли, ширин сўзли бўлинг.

2. Бир нарсадан хафаланиб, аччиғингиз келиб турган вақтда ҳеч ким билан сўзлашманг, ғазабингиз босилгунча сабр қилиб туринг. Одамларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси.-Т.: ИИВ, 1993.-4-б.

камчиликларини кечиринг, ҳар ишда фикр қилиш ва эътибор беришни унутманг.

3. Одамларга аралашмай бир четда турманг. Ким учраса, текширмай-нетмай дарҳол оғиз-бурун ўпишиб дўст бўлиб кетманг, ҳар ишда ҳур фикрли, тўғри сўзли бўлинг, тилингиз ва дилингиз бирдек бўлсин.

4. Қўпол муомалали кишиларнинг муомалаларига яхши муомала билан жавоб қайтаринг. Кишиларга қилган муомалан-ғизсиз улардан кутган муомаладан ҳар ҳолда юқори даражада бўлишига ҳаракат қилинг.

5. Ўзингиздан кичикларни хўрламанг, ақлингиз ва мартабан-ғиз билан мақтанманг, балки ўз мартабанғиз ва бошқаларнинг мартабаларини яхши тушуниб, ҳар кимнинг ўзига муносиб муомала қилинг.

6. +амсуҳбатингиз гўзал муомала қилишини истасангиз, ав-вал ўзингиз унга гўзал муомала қилинг: «Одамлар мени ёқтир-масалар, ёқтирмай қўя қолсинлар, нима ишим бор», демасдан, балки улар билан дўст бўлиш йўлларини изланг, кишиларга муҳаббатли бўлишингиз сабабли камолотингиз ҳеч бир зое кетмайди.

7. Халққа яхши ишларни сўзланг, ёмон ишларни яширинг. Одамлар билан муомалангиз шундай бўлсинки, ҳаётингизда сизни севсинлар, вафот этганингиздан кейин сизни эслаб, қайғурсинлар.

8. Жуда зарур бўлиб қолган вақтдагина халқдан ёрдам сўраш мумкин, бошқа вақтда халқнинг устига юк бўлиб туриш тўғри эмас. Шунинг учун халқда ўз оғирлигингизни солманг, уларнинг молларига тама қилманг, ўзингиз ишланг, меҳнат қилинг, ризқ-рўзингизни ўз меҳнатингиз билан яратинг.

9. Бир ишни бажаришга аҳд қилдингизми, сўзингизнинг устидан чиқинг, ваъдангизга вафо қилинг. Ким билан дўст бўлсангиз, дўстликка содиқ бўлинг. Одамларнинг шодлик-ларига шодланинг, қайғуларига қайғуринг. Ўзингиз севмаган нарсани бошқаларга раво кўрманг.

10. Жамият манфаати учун хизмат қилинг, бу йулда сарфлаган вақтингизга ачинманг, чунки бошқаларни севиш, уларга ёрдам бериш, камчиликларини тугатиш улуғлик ва одамгарчилик белгисидир.

11. *Одоб ила сен улуғлик олгин,*

+икмат гавҳарин қўйнингга солгин.¹

2-§. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ХУЛҚ-АТВОР МАДАНИЯТИ

Хулқ-атвор кишининг муомаласи ва руҳиятидаги, феъли ва хатти-ҳаракатларидаги, одатларидаги, қилиқлардаги хусусият-ларнинг мажмуаси ҳисобланади. У маълум бир жамият, ижти-мой гуруҳ аъзоларининг ижтимоий ҳаёт шароитида шакл-ланган амалий фаолияти, хатти-ҳаракатлари, одамлар билан муносабатларининг умумий тартиб ва қоидаларидан иборат бўлади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданиятини ички ва ташқи маданиятга бўлиб ўрганамиз. *Ички маданият* деганда, ходим маънавий оламининг бойлиги, дунёқараши-нинг кенг ва соғломлиги, мустақил ва ижодий фикрлай олиш лаёқати, ахлоқий поклиги, хис-туйғуларининг бой ва фаоллиги, дидининг юксаклиги тушунилса; *ташқи маданият* деганда эса ходимнинг хатти-ҳаракати ва юриш-туриши, гапириш ва кийиниш маданияти тушунилади. У ходимнинг ҳаё, ибo, назокат, андиша каби бир қатор ижобий фазилатларини ўз ичига олади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли билан бўладиган хулқ-атвор маданияти муомала маданиятининг узвий қисми ва аниқ ифодаси ҳисобланади.

Хулқлар яхши ёки ёмон хулқларга бўлинади.

Яхши хулқлар жумласига поклик, собитқадамлик, ростгўйлик, шижоат, хаё, матонат, диёнат, қаноат, кадр-қиммат, фаросат, итоат, камтарлик, мулойимлик, хайрихоҳлик, мунислик, афв, садоқат ва бошқалар киради.

¹ Ахлоқ-одобга оид = адис намуналари.-Т.:Фан, 1990.-34,52-б.

Ёмон хулқларга худбинлик, ҳасад, хушомадгўйлик, жаҳл, ғазаб, ғийбат, такаббурлик, тамагирлик, ёлғончилик, чақим-чилик, тухмат, бахиллик, очкўзлик, адоват, ҳақорат, нифоқ, зулм, ялқовлик, қўрқоқлик ва бошқалар киради.

Ички ишлар идоралари ходимларининг хулқ-атвор маданияти, шубҳасиз, ходимларнинг аҳоли билан бўладиган муносабатларида фақат яхши хулқларини намоён қилишлари, ёмон хулқларини яширишлари, уларни йўқ қилиш учун курашишларини такозо этади.

Одамларнинг хулқ-атвор маданияти тўғрисида «Хадис»ларда шундай дейилган: «Сизлар одамларни мол-дунёларингиз билан мамнун қила олмайсизлар, балки очик юз ва яхши хулқларингиз билан миннатдор қилишларингиз мумкин», «Мўминларнинг афзали хулқ-атвори яхшиларидир»¹, дейилган. Шундай экан, халқнинг осойишталиги, тинчлиги, бахт-саодати йўлида хизмат қилаётган ҳуқуқ посбонлари ўзларининг яхши хулқлари билан халқ орасида обрў топишлари об-хаводек зарур.

Ички ишлар идоралари ходимларининг хулқ-атвор маданияти хушмуомалалик, маданиятлилик, одоб кабиларда намоён бўлади.

Хушмуомалалик деб ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли билан уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиб, самимий, сиполик ва мулойимлик, камтарлик, хайрхоҳлик, холислик билан қиладиган ахлоқий хатти-харакатларининг мажмуасига айтилади.

Одоб (арабча «адаб» сўзидан олинган) деганда, жамиятда, кишилар билан муомалада ўзини тута билиш; ахлоқ, тарбия ва унинг нормалари тушунилади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг одоби деб уларнинг ўзаро ва фуқаролар билан қиладиган муомалаларида намоён бўладиган хулқ-атвор қоидаларига айтилади.

Одоб ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли билан бўладиган муносабатларида, яъни жамиятда, кишилар билан бўладиган муомалада ўзини

¹ Ахлоқ-одобга оид = адис намуналари.-Т.:Фан, 1990.-34,52-б.

тута билиш, ярамас ишдан, ёмон сўздан нафсини тийиш, ўзининг ҳам, ўзганинг ҳам иззатини, обрўсини сақлашга қаратилган ахлоқий хатти-ҳаракат норма-ларига айтилади. Ходим қанчалик адабли бўлса, унинг ҳам, ички ишлар идораларининг ҳам обрўси шунчалик юқори бўлади. «Адаб,- донолар айтганидек, - ақлга нур бағишловчи ва саломатликнинг сармоясидир. Адабсизлик эса қонун ва ахлоққа тескари бўлган ярамас ишлар ва ёмон сўзларни ҳеч уялмасдан ишлатмоқ ва сўзламоқдир».¹ Демак, адаблига йўлдош бўлиб, адабсиздан йироқ юрмоқ керак.

Одобнинг асосий шакли сулукат ҳисобланади. «Сулукат» арабчадан келган сўз бўлиб, кишилар билан муомалада, жамиятда ўзини тутиш тарзи, хулқ-атвор, қилиқ маъносида қўлланилади (масалан, сулукати совуқ одам ёки сулукатли (қилиғи ёқимли) одам каби).

Сулукат - ходимнинг ўзини тутиш усули, халқнинг бошқа кишилар билан муомала қилишида кўринадиган ташқи шакли, ифодаси. +ар кимнинг ўзига хос хулқ-атвори унинг сулукатида ўз аксини топган бўлади. Худди шу жойда этика ва эстетикадаги яхшилик ва гўзаллик ўзаро қўшилиб кетади, уларнинг узвий бирлиги ички ишлар идоралари ходимларининг одоби ва сулукати орқали ўзини намоён қилади. Шунинг учун ҳам «эстетика келажак этикаси», «одоб чиройли эстетика» дейдилар.

Ички ишлар идоралари ходимларининг фаолиятида одоб уларнинг фуқаролар билан қиладиган муомалаларининг жамиятда ўрнатилган тартиб, қонун-қоидалар орқали амалга оширилиши билан бошқа хулқ-атворлардан ажралиб туради.

Маданиятлик деб ички ишлар идоралари ходимларининг ақлий ва ижтимоий камолотининг қанчалик ривожланганлиги-ни, унинг жамият ва давлат манфаатларига мос келишини ифодаловчи ички ва ташқи ахлоқда-эстетик, сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ва хатти-ҳаракатларининг муайян тизимига айтилади.

¹ Щаранг: Донишмандлар одоб-ахлоқ тўғрисида.-Т.: Ўқитувчи, 1986.-49-б.

Юксак маданият соҳиби бўлган ходимгина халқдан ўзини ажратмайди, унинг дилига ошно, дардига малҳам бўлади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли билан бўладиган хулқ-атвор маданиятининг муҳим қисмлардан бири саломлашиш одоби ҳисобланади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли билан саломлашиш одоби қоидалари. Саломлашиш одоблиқнинг олий белгиларидан бири ҳисобланади. Саломлашишнинг кўринишлари турли хил халқларда турлича бўлади. Масалан, Европа халқлари - бош кийимини ечиб-кийиб, хиндистонликлар - кафтларини жуфтлаб ва пешонасининг ўтасига тегизиб, афғонлар -унг кўлини манглайига тегизиб ва таъзим этиб, тибетликлар- бир-бирларига қараб тилларини чиқаришиб саломлашадилар.

Ўзбекларда саломлашишнинг йигирмага яқин шакллари мавжуд. Масалан, кўл бериб кўришиш, икки кўллаб кўришиш, кучоқлашиб кўришиш, кўлни кўкракка қўйиб саломлашиш, кўл қовуштириб саломлашиш, таъзим ила саломлашиш, ўпишиб кўришиш, эркак билан аёлларнинг саломлашиши, катталар-нинг ёшлар билан кўришиши, аёлларнинг ўзаро кўришиши ва ҳоказо.

Ўзбек халқига хос бўлган саломлашишнинг қуйидаги умумий қоидалари мавжуддир:

1. Таниш ёки нотаниш кишилар бир-бирлари билан ўчрашиб қолсалар, салом бериб кўришишлари лозим. Танишлар саломлашибгина қолмай, бир-бирларининг ҳол-аҳволларини сўрашлари керак. Бу хусусда «+адис»ларда: «Салом — Тангрининг ердаги исмларвдан биридир. Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Зеро, мўмин киши одамлар олдидан ўтиб бораётиб уларга салом берса, улар ҳам алик олишса, уларга саломни эслатгани учун бир даража кўп савобга эришади. Мабодо алик олишмаса, унга бари бир, улардан яхшироқ ва афзалроқ зотлар, яъни фаришталар алик олишади»¹, - дейилган.

2. Салом тўлиқ, равишда «*Ассалому алайкум*» деб берилиши ва «*Ва алайкум ассалом*» деб алик олиниши керак. «Ассалому алайкум» - «сизга

¹ Ахлош-одобга оид «адис намуналари. - Т.: Фан, 1990 - 100-б

тинчлик ва омонлик бўлсин», «Ва алайкум ассалом» эса «Мен ҳам сизга тинчлик ва омонлик тилайман» деган маънони англатади. Бошқача тарзда «Алайкум салом», «Салом бердик», «Салом ўртоқлар !», «Ассалом», «Алайкум салом», «Алайкум» дейиш тўғри эмас. Айниқса «Ассам алайкум» дейиш мутлақо нотўғри, чунки бу яхудий тилида «Сизга ўлим бўлсин» деган маънони англатади.

3. Салом кўпчилик турган жойда бир киши учун эмас, ҳамма учун берилади. Жамоа жам бўлиб турган жойда ҳар бир киши учун алоҳида салом берилмайди. Барча учун «Ассалому алайкум» дейилади ва иложи бўлса, барча билан қўл бериб кўришиб чиқилади.

4. +ар бир одам ўнг қўлини чап қўксига қўйиб, бошини биров эгиб, очик, чехра билан салом бериши, салом ҳамма учун бир хилда ва нихрятдн самимий бўлиши керак.

5. Салом эшитиларли қилиб, мулойимлик ва хушхулклик билан берилади. Кар ёки гунг одамларга салом бериш ёки уларнинг саломига алик олиш имо-ишора билан билдирилади.

6. «Юриб кетаётганга отлик,, ўтирганга юриб кетаётган, кўпчиликка озчилик салом берсин! Саломга алик олса-ку яхши, борди-ю олмаса, салом берувчига зарари йўк»¹. Худди шунингдек, ёшлар кексаларга,эркаклар аёлларга, соғлом кишилар беморларга, фарзандлар ота-оналарига, укалар акаларига, сингиллар опаларига, шогирдлар устозларига биринчи бўлиб салом берадилар.

Қўл бериб кўришиш чоғида, энг аввало, қўлни ёши катта одам, аёл киши, мансабдор шахс узатиши керак, улардан олдин қўл узатиш саломлашиш одоби доирасига кирмайди.

Қўл бериб саломлашган вақтда бир-бирларининг қўлларини қаттиқ сиқиб, силкитиб, қўлини оғритиб ёки қўлининг учинигина бериб қўйиш, айниқса

¹ А=лош-одобга оид =адис намуналари. - Т.: Фан 1990-100-б; Маънавият дарслари. Мажмуа. - Т.: Ўштитувчи, 1994 - 264-б; Бобомурод, А=маджон. Ислоом одоби ва маданияти.- Т.: Чылпон, 1995.

кафтини бармоқ билан қитиқлаб қўйиш ўта одобсизлик ҳисобланади. Аёл кишилар билан сўрашганда қўлни кўксига қўйиб саломлашган маъқул.

Қуйидаги ҳолларда саломлашиш керак эмас:

- 1) намоз ўқиётган ёки тиловат қила қуръон ўқиётган шахс билан;
- 2) ваъз айтаётган нотик ва хутба ўқиётган имом билан;
- 3) хожатхонада, хамомда, ювинмаган пайтда;
- 4) бадмаст, безори, акддан озган кишилар билан;
- 5) таом ейиш вақтида, агар таом оғизда бўлса;
- 6) қизғин суҳбат ёки савол-жавоб кетаётган анжуманга кеч қолиб кирганда.

Ички ишлар идоралари ходимлари саломлашишнинг юқорида баён этилган умуминсоний қоидалари билан бирга қуйидаги махсус саломлашиш қоидаларини ҳам билмоқлари ва уларга амал қилмоқлари керак.

1. Ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими фуқароларга мурожаат қилганда, энг аввало, «Ассалому алайкум» деб айтиши ва харбийчасига саломлашиши зарур, яъни ўнг қўлини чаккасига қўйиб, ўзини таништириши керак.

2. Ҳар қандай фуқаро ички ишлар идоралари ходимига мурожаат этиб, салом берганда, у, албатта, «Ва алайкум асса-лом» деб алик олиши, харбийчасига салом бериб, ўзини таниш-тириши ва унинг сўзини диққат билан эшитиб, тегишли жавоб қайтариши лозим.

3. Ички ишлар идораларининг ходимлари хизмат бурчини ўтаётган вақтда мурожаат қилган фуқаролар билан харбий-часига салом-алик қилар экан, улар билан ўпишиб кўришиш-лари тавсия этилмайди. Бу ахлоқ нормалари талабларига зид ҳол ҳисобланади.

4. Хизмат хонасига ташриф буюрган ҳар қандай фуқаро билан ўрнидан туриб, иложи бўлса унга пешвоз чиқиб саломлашиш ва кетаётганида эшиккача кузатиб қўйиш лозим. Албатта, салом-алик моддий бойлик келтирмайди, у инсоннинг одамийлигадан, фахму-фаросатидан маданият-лилигию ахлоқ-одобидан дало-

лат беради. Салом-муқаддас сўз. Салом бериш -қарз, алик олиш фарздир.Бу қонунга риоя этмаслик ҳақоратга тенгдир.

Ички ишлар идоралари ходимларининг фуқаролар ва мансабдор шахслар билан муомала қилиш маданияти. Ички ишлар идоралари ходимларининг фуқаролар; корхона, муассаса, жамоат ташкилотлари, ижтимоий жамоа бирлашмаларининг раҳбарлари ва бошлиқлари билан муомала қилиш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Президенти, ҳукумати, Ички ишлар вазирлиги қабул қилган қонун, фармон, низом ва буйруқларда белгилаб қўйилган бўлиб, уларни оғишмай бажариш ҳар бир ходимнинг бурчидир.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 1993 йил 30 декабрда чиқарган ва «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси»ни эълон қилган 446-буйруғида шундай дейилади: «Ички ишлар идоралари ходими фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала бўлиши, уларнинг иш билан боғлиқ чигал саволларига ва бошқа ҳолатлар бўйича муурожаатларига тўғри ва аниқ жавоб бериши, арз ва шикоятларини имкони борича қонуний ҳал қилиши лозим. Жойлардаги аҳоли билан алоқани мустаҳкамлаб, такомиллаштириб боради. Ўз хизмат вазифасини бажариши эвазига ҳадя ва тортиқлардан воз кечади»¹.

Ички ишлар идораларининг ходимлари фуқаролар билан булган мулоқотларида хушмуомала бўлишлари керак.

Хушмуомалалик ички маданиятнинг ташқи кўринишидир. Унинг асосини инсонийлик ташкил этади. Фуқаролар билан бўладиган хушмуомалалик қуйидаги хулқ-атвор қоидаларини қамраб олади:

- одамларга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш;
- инсонга хайрхоҳлик, эътиборлилик;
- мухтожларга ўз вақтида ёрдам бериш, уларнинг ҳожатини чиқариш;

¹ Ўзбекистон республикаси ички идоралари ходимларининг касб одобномаси. - Т.: ИИВ 1993-5-6

- илтифот билан жой кўрсатиш, жой бериш, олдинга ўтказиб юбориш, ёрдамлашиш;

- одамларни ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ноқулай ахволга солиб қўймаслик, агар шундай ҳолат юз берса, тезликда кечирим сўраш ва ўз хатти-ҳаракатини тузатиш;

- кексаларга, болаларга ва аёлларга алоҳида илтифот кўрсатиш ва хоказолар.

Ходим ушбу талабларга ўзининг бутун фаолияти давомида, яъни фуқароларни қабул қилганда, кузатиб қуйганда, жамоат тартибини сақлаш учун хизматга чиққанда, жиноятчиларни ушлаганда, тинтув ўтказиш, сўроқ қилиш чоғида, хизматдан ташқари вақтларда, транспортда, театрда, кино залларида, уйда ва жамоат жойларида амал қилиши керак.

Ички ишлар идораларининг ходимлари фуқаролар билан бўладиган мулоқотларида албатта зийрак, хушёр, меҳрибон бўлишлари лозим.

Зийраклик деб, фуқароларнинг орзу-умидларини, аниқ истак-хохишларини, дилидаги гапларини тезликда фахмлаб олиш ва шунга жавобан ахлоқ қоидалари талаби асосида хатти-ҳаракатлар қилишга айтилади. Зийракликнинг асосини сезгирлик ва хушёрлик ташкил этади. Зийраклик ахлоқ ва нафосатнинг фуқаролар

дилидагини илғаб олиш, уларнинг қалбидан жой олишга хизмат қиладиган сирли калитидир.

Фуқароларга зийраклик, яъни сезгирлик билан яхши муомала қилиш, уларнинг дардига қулоқ солиш, саволларига ширинсуханлик билан жавоб қайтариш, уларга ёрдам қўлини чўзиш, умуман, яхши муносабатда бўлиш охир-оқбатда барча мушкул муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Бу эса ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли ўртасидаги обрўини янада оширади, халқнинг уларга нисбатан ишончи кучаяди ва у ички ишлар идоралари ходимларининг ишончли таянчига айланиб боради.

Бу умумий қоидалардан фарқли ўлароқ, ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли билан бўладиган махсус касб ахлоқи қоидалари ҳам мавжуд. Бу қоидалар уларнинг хизмат вазифаларини бажариш чоғида намоён бўлади.

Хизмат вазифаларини бажариш вақтида фуқаролар билан муомала қилиш маданияти қоидалари. Бу қоидалар қуйидагилардан иборат:

1. Ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими хизмат бурчини бажараётган вақтда, энг аввало ўзининг давлат ҳокимияти вакили эканлигини, одамлар унинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати, сўз оҳанги ва ташқи қиёфасига қараб бутун ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчиларга баҳо беришларини, унинг обрўси давлат обрўси эканлигини унутмаслиги керак.

2. Фуқаролар ички ишлар идораларининг ходимларига ёки, аксинча, ходим фуқароларга мурожат қилганда, саломлашиш қоидаларига тўлиқ риоя қилмоғи, яъни ҳарбийчасига саломлашиб, ўзининг лавозими, унвони, исми-шарфини айтиши, сўнгра мурожаат қилиш сабабини ва мақсадини диққат ва сабр-тоқат билан эшитиши ҳамда баён қилиши керак.

3. Фуқароларнинг барча саволларига, мурожаатларига ҳушмуомалалик билан жавоб бериш, ётиғи билан тушунтириш, уларга иложи борича ёрдамлаши, иложи бўлмаганда маслаҳатлар бериш зарур.

4. Ички ишлар органлари ходими фуқароларга мурожаат қилганда, уларнинг талабига биноан ўзининг исми-шарифини ва иш жойини айтиши ҳамда хизмат гувоҳномасини кўрсатиши шарт.

5. Ходимнинг фуқаролар билан муомала қилиш чоғида:

- димоғдорлик, далғаз танбех, кўполлик қилиш;

- кинояли, дағал тарзда танбех бериши;

- гапирганда инсон қадр-қимматини таҳқирловчи пичинг ва қочирик сўзларни ишлатиши:

-фуқароларга асосланмаган айблар қўйиши;-тахдид солувчи ҳамда фуқароларнинг кадр-қиммати ва шахсини таҳқирловчи бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўйиши қатъиян тақиқланади¹ .

6. +ар бир ходим хизмат вазифасини бажариш вақтида у ёки бу фуқаронинг ҳужжатларни текшириб кўришга зарурат сезса, унинг олдига келиб, ҳарбийчасига саломлашиши, ўзининг кимлигини айтиши, вақтини олганлиги учун узр сўраб, мулойимлик билан ҳужжатларини кўрсатишини талаб қилиш керак. +ужжатлар тўғри бўлса, ходим ҳужжатни эгасига тезликда қайтариши, миннатдорчилик билдириб, хайрлашиши керак. Борди-ю ҳужжатларда бирон-бир камчилик бўлса ёки у шубҳа туғдирса, бу ҳақда фуқарога хушмуомалалик билан тушунтириши ва қатъий тарзда ундан ўзи билан биргаликда яқинроқдаги ички ишлар бўлинмасига боришни талаб қилиши зарур. Бунда, албатта хушёрликни унутмаслик керак.

7. Ходим фуқароларнинг шахсий мунозараларига ва баҳсларига аралашмаслиги керак. Фуқароларнинг ҳаётига хавф соладиган жамоа тартибининг бузилишига олиб келадиган, жиноятни келтириб чиқарадиган баҳс мунозаралар бундай мустаснодир.

8. Байрам ва тантанали кунларда, айниқса, ҳалқ сайллари вақтида фуқароларга кам аҳамиятли, тасодифий тартиб бузарликлар учун имкони борича танбаеҳ бермаслик, бўлар-бўлмасга бўлимларга олиб келмаслик керак.

9. +ар бир ходим ҳар қандай фуқаронинг ҳурмат-иззатини ўрнига гаплашиши шарт. Бунда кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болаларга «сен», катталарга эса «сиз» деб мурожаат қилиши керак.

10. Ходим хизматдан ташқари ҳолларда мурожаат қилган фуқароларга нисбатан бефарқ бўлмаслиги керак. Уларга тўғри маслаҳатлар бериб, саволларига жавоб топиш имкони борича учун амалий ва маънавий ёрдам кўрсатиши зарур.

¹ Щаранг: Ички ишлар идоралари ходимларининг хулқ=атвор маданияти юзасидан тавсиялар - Т.: ИИВ 1994 - 21-б.

11. Қўшнилар билан яхши муносабатда бўлиш, уларнинг мурожаатларига қулоқ солиш, ёрдам бериш, оилаларида бўлаётган ҳар хил кўнгилсизликларнинг олдини олишга ёрдамлашиши зарур.

12. Таътил вақтида, хизматдан бўш вақтларида ҳалқ байрамларида, миллий маросимлар, тўй-хашам, таъзия ва бошқаларда кўпчилик қатори қатнашиши керак.

Ички ишлар идоралари ходимларининг чет эл фуқаролари билан муомала қилиш маданияти. Ички ишлар идораларининг ходимлари чет эл фуқаролари билан муомала қилганда қуйидаги қоидаларга амал қилишлари зарур:

1. Ҳар бир ходим хорижий мамлакатлар фуқаролари билан фақат ўзига берилган ваколатлар доирасида муносабатга киришиши ва хизмат вазифасини, бурчини бажаришда она Ватанимизнинг посбони эканлигини унутмаслиги керак.

2. Хорижий мамлакат фуқаролари савол билан ёки ёрдам -сўраб мурожаат қилганда, уларнинг сўзларини диққат билан эшитиш, уларга ўз ваколатлари доирасида ёрдам бериш, бошқа ҳолларда тегишли муассасаларга мурожаат қилишни тавсия этиш лозим. Айниқса, давлат тилини билмайдиган хорижий фуқароларнинг сўзларини диққат билан эшитиб, уларни тушунишга ҳаракат қилиш ва шунга яраша, уларни қаноатлантирадиган даражада жавоб қайтариш зарур.

3. Хорижий мамлакатлар фуқаролари арзимаган, кам аҳамиятли тартиббузарликлар содир қилган бўлса, уларни бу ҳақда огоҳдантириш ва уларни бошқа такрорламасликка чақириш керак. Борди-ю, улар огоҳлантиришга қарамасдан тартиббузарликни давом эттирсалар, уларнинг жиноят сари бораётганликлари сезилса, ходимнинг қонуний талабларига бўйсунмасалар, у ҳолда бундай ажнабий фуқароларни ички ишлар идораларининг навбатчилик қисмига олиб бориш ва бу ҳақда бўлим бошлиқларига хабар бериш зарур.

4. Ҳар бир ходим шуни унутмаслиги керакки, дипломатик ёки консуллик ҳужжатларига эга бўлган хорижий мамлакат фуқароларини ушлаб туриш тақиқланади. Борди-ю, улар жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этган бўлсалар, дарҳол уларнинг фамилиясини, исми-шарифларини, дипломатик ёки консуллик ҳужжатларининг белги ва рақамларини ёзиб олиб, бу ҳақда тезлик билан ўзидан юқори турувчи ички ишлар идоралари бошлиқларига ёзма равишда ахборот беришлари керак.

5. Хорижий мамлакат фуқаролари содир этилган бирон-бир жиноят ҳақида хабар берсалар, бу ҳақда тезликда ички ишлар идоралари бошлиғига маълумот бериш ва уларнинг аризаларини қабул қилиб олиш учун ички ишлар идораларига шахсан бошлаб бориш ёки у ерга бориш йўлини тушунтириб бериш зарур.

6. Хорижий мамлакат фуқаролари яшаётган хонадонларга ўзбошимчалик билан киришга, уларнинг паспортлари қайд этилган ёки этилмаганлигини текшириб кўришга руҳсат этилмайди. Бу иш жуда зарур бўлиб қолган вақтда уй-жой бошқармаси маъмурияти, корхона, ташкилот, муассаса ва ўқув юртлари раҳбарлари билан бамаслаҳат амалга оширилади.

7. Хорижий мамлакат фуқаролари ички ишлар идораларига мурожаат қилганларида ички ишлар идорасининг бошлиғи ёки унинг муовини уларни бирон-бир милиция ходими ёки ҳолис фуқаро иштирокида қабул қилиши керак.

8. Ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими ажнабий фуқаролар билан мулоқотда бўлганда ўзининг юксак фазилатларини намоён қилиши, хорижлик фуқаролар унинг сулуқатига қараб она Ватанимиз -мустақил Ўзбекистон халқи тўғрисида фикр юритишини зинҳор унутмаслиги лозим. Бу ҳақда «Қасб одобномаси»да: ходим «Хорижий давлат фуқаролари билан мулоқотда ўзини муносиб тутади, вазифасини юксак маҳорат билан бажариб, республикамиз шаъни ва мавқеини баланд кўтаради, она Ватани билан ғурурланишини, унинг

учун ҳар қандай синовларга ва хизматга тайёр эканлигини намоёиш этади»¹ , - дейилган.

Ички ишлар идоралари ходимларининг фуқаролар хонадонларига ташриф буюриш маданияти. Фуқароларнинг хонадонларига киришга тўғри келганда ички ишлар идоралари ходимлари қуйдаги қоидаларга риоя этишлари керак:

1. Ички ишлар идораларининг ходимлари ўз хизмат вазифа-ларини бажариш чоғида, қонунларда ва йўриқномаларда кўрсатилган тартибда фуқароларнинг хонадонларига ташриф буюришлари мумкин.

2. Хонадонга ташриф буюраётган ходим ўз ташрифи уй соҳибининг қадр-қиммати, кўни-қўшнилари олдидаги обрўси билан боғлиқ бўлган катта ахлоқий масъулиятга эга иш эканлигини унутмаслиги керак. Шунинг учун ҳам фуқаролар хонадонига ташриф буюрганда одоб қоидаларига, ташқи кўриниш, кийим-бошларни кийиш, тозалик нормаларига оғишмай амал қилиш зарур.

3. Хонадонга киришда ҳар бир ходим, энг аввало, ҳарбийча-сига саломлашиши, ўзини таништириши ва ташрифдан кўзлаган мақсадини босиқлик билан хонадон соҳибига тушунтириши керак. Бу ташриф паспорт қайдини текшириш билан боғлиқ бўлса, хушмуомалалик билан паспортни кўрсатишларини сўраши лозим. Агар паспорт солинган ҳужжатдон ичида пул ва бошқа қоғозлар бўлса, хонадон соҳибидан уларни олиб қўйиб, фақат паспортни беришни сўраши керак. Ходим ҳеч вақт ҳужжатдондаги пул ва бошқа қоғозларга қўл тегизмаслиги керак.

4. Паспортни қайд қилиш ва яшаш қоидаларига амал қилишда озгина камчиликлар бўлса-ю, маъмурий чора кўриш учун етарлича асос бўлмаса, хонадон соҳибидан ва унинг оила аъзолари билан қисқача суҳбат ўтказиш ва тушунтириш ишларини олиб бориш зарур. Суҳбат ва тушунтириш ишлари ниҳоятда самимий, ишончли бўлмоғи керак.

¹ Ўзбекистон Республикаси ички ишлари идоралари ходимларининг касб одобномаси. - Т.: ИИВ, 1993 - 6-б.

5. +ар бир ходим, Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг 26-моддасида кўрсатилганидек, «+ар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан-дан химояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга» эканлигини унутмаган холда хонадонга фақат жинойтнинг олдини олиш, фуқароларнинг шахсий ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида кириши, бунда эҳтиёткорлик билан ва тез ҳаракат қилиб, жинойтчини, тартиббузарни қўлга олиши керак. Қўлга олиш чоғида у иложи борича хонадондаги буюмлар, анжомларга зиён-захмат етказмаслик чораларини кўриши зарур.

6. Ёлғиз ўзи яшовчи қариялар ёки умуминсоний ахлоққа зид ҳаракатлар қилиб яшовчи оилалар, қамоқ жойидан бўшаб келганларнинг хонадонларига ташриф буюрганда ниҳоятда эҳтиёткорлик, сезгирлик билан иш кўриб, уларга диққат - эътибор билан қараш, ёрдам қўлини чўзиш, қайта тарбиялаб рисоладаги ҳаёт кучоғига қайтариш тадбирларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Ички ишлар идоралари ходимларининг фуқароларни қабул қилиш маданияти. Ички ишлар идоралари ходимларининг фуқароларни қабул қилиши уларнинг ахоли билан бирлигини таъминловчи омиллардан бўлиб, фуқароларнинг саволларига, ариза ва шикоятларига тез ва тўғри жавоб топиш ҳамда жинойтчиликнинг олдини олиш, адолатни қарор топтириш мақсадида ташкил этилади. Бунда қуйидаги қоидаларга риоя этиш зарур:

1. Фуқароларни муурожаат этилган масалалар бўйича зарур қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган ички ишлар идораларининг ходимлари, бошлиқлари қабул қилишлари керак.

2. Фуқароларни қабул қилиш учун махсус хона ажратилиши лозим. Ажратилган хона тоза, озода, ёруғ, тинч ва қулай бўлиши, керакли кўрғазмали маълумотлар ҳамда юксак эстетик дид билан жихозланган бўлиши зарур. Қабул қилиш учун яратилган шарт-шароит ва муҳит ички ишлар идоралари

ходимларининг маданиятлилик даражасини кўрсатувчи белгилардан бири эканлигини унутмаслик керак.

1. Фуқароларни қабул қилиш вақти аниқ белгиланган бўлиши, кимлар қандай масалалар бўйича қабул қилиниши кўрсатилган бўлиши лозим. Қабул қиладиган ходим доимо махсус кийимда (формада) бўлиши, ўзини камтарона тутиши лозим; фуқароларга ёрдам беришга тайёрлиги ва уларнинг ишончини оқлай олиши унинг қабулидаги фуқарога сезилиб туриши керак. Фуқарода уни қабул қилаётган ходимга нисбатан ишонч ҳосил бўлиши керак. Ходим, шунингдек, ташқи кўриниши ораста бўлиши зарурлигини унутмаслиги лозим.

2. Ички ишлар идоралари ходими ўз қабулига келган фуқарони, у ким бўлишидан қатъий назар, ўрнидан туриб, унга пешвоз чиқиб кутиб олиши, саломлашиши, утариш учун таклиф қилиши ва ҳол-ахвол сўраши лозим. Шундан сўнг суҳбатдош фуқаронинг исми-шарифини, иш жойини, уй адресини, телефони сўраши ва бу маълумотларни тегишли дафтарга ёки ҳисоб varaқасига қайд этиши, ташрифдан кўзлаган мақсадини сўраши керак.

3. Суҳбат чоғида фуқаронинг барча гапларини диққат билан тинглаш, гапини бўлмасдан эшитиш керак. У гапини тугатганидан сўнг, унга ноаниқ ёки тушунилмай қолган нарсалар тўғрисида савол бериш керак. Савол-жавоб жинойтчини ёки гувоҳни сўроқ қилиш тарзида бўлмаслиги керак. Суҳбат самимий, эркин тарзда олиб борилиши лозим. Суҳбат чоғида бошқа одамлар билан, шу жумладан, телефон орқали сўзлашмаган маъқул.

4. Ташриф буюрган фуқаронинг барча саволларига, шикоятларига тўлиқ жавоб бериш, жавобнинг тушунарли бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Фуқаро жавобдан қониққан бўлса, унга миннатдорчилик билдириш, қониқмаган бўлса - юқори ташкилотларга мурожаат қилиш тартибини ётиғи билан, шошмасдан, хушмуомалалик билан тушунтириш зарур. Суҳбат тугаганидан сўнг фуқарога сиҳат-саломатлик тилаб, хайрлашиш ва албатта узатиб қўйиш лозим.

5. Фуқароаларнинг мурожаатига алоқадор мансабдор шахслар суҳбат чоғида иштирок этаётган бўлсалар, уларнинг барчасини фуқарога таништириш керак. Бордию суҳбатдош фақат бошлиқнинг ўзи билан гаплашиш истагини билдирса, бунга ҳам имкон бериш лозим.
6. Фуқаро билан суҳбат чоғида уларга берилаётган жавоб аниқ ва ишонарли бўлиши учун жавобни тегишли қонунлардан ва бошқа норматив ҳужжатлардан парчалар ўқиб бериш орқали асослаш мақсадга мувофиқдир.
7. Суҳбат давомида курилатган масала ички ишлар идораси бошлиғининг ваколатига кирмаса, фуқарога бу ҳақда ётиғи билан гапириб, кимга мурожаат қилиши зарурлиги тушунтириб берилади.
8. Суҳбат давомида курилатган масалани ҳал қилиш учун қўшимча маълумотлар, ҳужжатларни кўриш ёки муайян ташкилий тадбирларни ўтказиш зарур бўлса, бу ҳақда суҳбатдошга маълум қилинади ва масала ҳал этилиши лозим бўлган аниқ вақт белгиланади.
9. Қабулга келган фуқаронинг маълумоти жинойтни очишга ёки ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бўлса, унга албатта ташаккур айтиш керак.
10. Қабулга маст ҳолда келган фуқаролар билан одатда суҳбат ўтказилмайди. Борди-ю улар жинойт ёки бошқа кўнгилсиз воқеаларнинг содир этилаётганлиги ёки бунга ҳаракат бўлаётганлиги ҳақида маълумотга эга бўлсалар, унинг сўзларини тинглаш ва тегишли чора-тадбирларни кўриш зарур.
11. Қабулга ёзилган барча фуқаролар қабул қилиниши шарт.
12. Қабул вақтида тушган таклифлар, аризалар, шикоятлар билан боғлиқ масалаларни тезликда ҳал қилишнинг имкони бўлмаса, уларни умумий тартибда ҳал қилиб, фуқароларга унинг бажарилганлиги тўғрисида ёзма равишда маълумот бериш керак.

13. Фуқароларни қабул қилиш ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими учун унинг касбий, ахлоқий ва сиёсий етуклиги синаладиган катта имтихон эканлигини ёддан чиқармаслик зарур.

3-§. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАДАНИЯТИ

Барча халқлар, миллатлар ўз тили ва нутқ, маданиятига эгадирлар. Тил - фикр ифодалаш усули, муомала воситаси. Тил ва нутқ-бир жараённинг икки томони. Тил фикрни ифодалайди, нутқ уни юзага чиқаради. Фикрни сўзлар орқали бошқаларга билдириш усули кишиларнинг нутқ маданияти ёки сўзлашиш услуби деб аталади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг нутқ маданияти деб уларнинг ўз фикрларини бир-бирларига, фуқароларга, аҳолига тил воситалари орқали тўғри, аниқ ва таъсирчан қилиб етказа олишларига айтилади.

Нутқнинг ёзма ва оғзаки турлари мавжуд. Ёзма нутқ -илмий, расмий, публицистик ва қисман бадий услубларда; оғзаки нутқ эса адабий ва сўзлашув услублари орқали ифодаланади.

Ёзма нутқ ва унинг ички ишлар идоралари ходимларининг касбий фаолиятида тутган ўрни. Ёзма нутқ ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Оддий билдирги ёзишдан мураккаб жиноий ишларни олиб боришгача бажариладиган ишларни ёзма нутқсиз тасаввур этиш қийин. Донолар, одатда, «ёзувингни кўрсат, мен сенинг кимлигингни айтиб бераман» дейдилар. Демак, ёзув одамнинг феълени кўрсатувчи белгилардан бири экан. Шунинг учун ҳам ички ишлар идораларининг ходимлари, энг аввало, ёзма нутқ турлари ва қоидаларини пухта эгаллаган бўлишлари лозим.

Илмий услуб. Илмий услуб деб жамият тараққиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда фикрларни ўзбек тилининг барча морфологик ва синтаксик қоидалари

асосида, илмий-хужжат шаклида, илмий-техникавий, илмий-оммавий, ўқув-илмий, публицистик тарзда ифода этишга айтилади.

Илмий услуб ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан ёзма нутқнинг бошқа шаклларида фарқ қилади:

- 1) баён қилинаётган ахборотнинг объективлиги, аниқлиги;
- 2) баён қилинаётган фикрнинг қисқа ва лундалиги;
- 3) мантиқий изчилликнинг кучлилиги;
- 4) маълумотларга бойлиги;
- 5) адабий тил қоидаларига қатъий риоя этилиши, шевачиликнинг йўқлиги;
- 6) фикрни баён этишда кўргазмали қуроллар, яъни ҳар хил чизма, рамз ва жадвалларнинг ишлатилиши.

Илмий услуб асосан мақола, монография, илмий маъруза, илмий ахборот, рисола шаклидаги асарларда қўлланилади.

Расмий услуб. Бу услуб ҳозирги кунда маъмурий ва юридик ишларда кенг қўлланиладиган ёзма нутқ шаклларига киради. Барча қонунларнинг матнлари, фармонлар, буйруқ ва қўлланмалар, йўриқдомалар, ижозатномалар, билдиргилар, баённомалар, тушунтириш хатлари, далолатномалар, шартномалар, судлардаги чиқишлар, хуллас, ички ишлар идораларида олиб бориладиган ва юритиладиган барча ҳужжатлар расмий услубда ёзилади.

Расмий услуб қоидалари қуйидагилардан иборат:

- 1) сўз тартиби грамматика қоидаларига тўлиқ асосланган бўлиши керак;
- 2) фикр содда, аниқ ва қисқа ифодаланиши керак;
- 3) фикр касбга доир терминлар асосида баён қилиниши зарур;
- 4) жаргонлар, оғзаки сўзлашув услубига хос сўзлар ишлатилмаслиги керак;
- 5) эскирган сўзлар ва ибораларни иложи борича ишлатмаслик ёки ўрнига қараб ишлатиш лозим.

Расмий услубда ёзилган ҳужжатлар ички ишлар идоралари ходимларининг, қолаверса, бутун вазирликнинг маданиятлилик даражасини, профессионал

жихатдан етуклигини, замон билан, халқ билан ҳамнафас эканлигини ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Оғзаки нутқ ва унинг ички ишлар идоралари ходимларининг муомаламаданиятини шакллантиришдаги аҳамияти. Юқорида қайд этилганидек, оғзаки нутқ - сўзлашув ва адабий услубларда ифодаланади.

Сўзлашув услуби деб кишиларнинг кундалик ҳаётда шева ва лахжаларда мулоқот қилиш усулига айтилади. Сўзлашув услубида нутқ маданиятининг қоида ва нормалари қатъий қўлланилмайди. +озирги кунда мамлакатимиз аҳолиси Тошкент шеваси, Фарғона шеваси, Наманган шеваси, Андижон шеваси, Қарши шеваси, Сурхондарё шеваси, Бухоро шеваси, Самарқанд шеваси каби кўплаб шеваларда сўзлашадилар.

Адабий услуб деб адабий тил нормаларига қатъий амал қилишга асосланган услубга айтилади. Адабий услубда сўзлашганда, жумладан маъруза ўқилганда, расмий учрашувларни ўтказганда тил қоидаларига тўла риоя этилади.

Оғзаки нутқ, ёзма нутқда қараганда кенг қамровли бўлиб, қуйидаги хусусиятларга эга: 1) оғзаки нутқда шевачиликнинг таъсири кучли бўлади; 2) оғзаки нутқда ёзма нутқдаги каби ўйлаб иш тутиш имкони кам бўлади; 3) оғзаки нутқнинг ўзига хос грамматик тузилиши, қурилиш тартиби мавжуд; 4) оғзаки нутқда талаффуз, оҳанг, имо-ишора воситалари муҳим роль ўйнайди; 5) оғзаки нутқнинг юзага чиқиши сўзловчининг кайфиятига, нутқ сўзланаётган вазиятга боғлиқ, сўзловчи нутқий аъзоларининг нормал ва соғломлигига боғлиқ; 6) оғзаки нутқ нормаларининг барча хусусиятларини пайқаш, ёзиб олиш, ўргатиш ва ўрганиш анча қийинчилик билан кечади; 7) оғзаки нутқ бир бутун ҳодиса (матн) сифатида чексиз ва сон-саноксиз шахсий (индивидуал) фаолият бўлиб, унинг кўпгина қирралари турли шароитларда ўзича кечади ва

пайқаманган ҳолда беиз йўқолиб кетади; 8) киши сўзлаганда, ўз нутқида ёзгандаги каби етарли эътибор беравермайди¹.

Оғзаки нутқ, ўзининг функционал шаклига кўра, сўзлашув тилида гапирувчи шахсларнинг, нотикларнинг, радио ва телевидение эшиттирувчиларининг нутқлари ҳамда сахна нутқларига бўлинади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг нутқ одоби қоидалари. Ички ишлар идоралари ходимларининг нутқи, оғзаки ёки ёзма бўлишидан қатъи назар, қуйидаги қоидаларга мос келиши керак:

биринчидан, нутқ мазмунли бўлиши, нотикнинг фикр юритаётган мавзунини ҳар томонлама чуқур билишидан дарак бериб туриши;

иккинчидан, адабий ва грамматик жихатдан тўғри, ҳар қандай шевачиликдан холи бўлиши;

учинчидан, аниқ, равшан, қисқа ва тушунарли ифодаланиши;

туртинчидан, мантиқий изчил, соф, кераксиз сўз ва иборалардан холи бўлиши;

бешинчидан, ифодалани, таъсирчан, ёрқин, тингловчида қизиқиш уйғотадиган бўлиши;

олтинчидан, аниқ, содда, гўзал бўлгани ҳолда нутқ мавзунига мос тушиши;

еттинчидан, ўқувчи ёки тингловчининг рухий-маънавий ҳолатини, ёшини, касби-корини, жинсини ҳамда мавжуд вазиятни, давлат томонидан юритилаётган ички ва ташқи сиёсатни инобатга олиши керак.

Ички ишлар идоралари ходимларининг нутқ маданиятини ўстириш воситаларига қуйидагилар киради:

- бадиий асарларни мунтазам равишда ўқиб бориш ва улар юзасидан фикр юритиш;

- ўзбек тилининг грамматик қонун-қоидаларини пухта ўрганиш;

- ҳар хил луғатлар билан мунтазам равишда ишлаш;

¹ Шараф: Шыңуров Р., Бегматов Э., Тожиёв Ё. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. - Т.: Ёшитувчи, 1992. - 33-34-б.

- газета ва журналларни, айниқа уларда эълон қилинган ҳикоялар, мақоллар, латифаларни ўқиб бориш;

- хикматлар, пандномалар, латифаларни кунт билан ўқиб чиқиш;

- хизматдошлар олдида оғзаки нутқ сўзлаш, ҳар хил ахборотлар бериб туриш;

- бадий ҳаваскорлик тўғрақларида қатнашиб, у ерда шеър, монолог, қасида ва ҳоказоларни ўқиш ва бошқалар.

Ички ишлар идоралари ходимлари аҳоли билан мулоқатда қуйидаги нутқ, одоби талабларини унутмасликлари керак:

1. Фуқаролар билан сўзлашганда ходим ширинсухан, мулойим ва эзгу ниятли бўлиши зарур. Чунки ширин сўз билан одамларни бирлаштириш мумкин ёки аччиқ, ҳақоратомуз сўзлар билан эса уларни юз кўрмас қилиб юбориш мумкин.

2. Сўзлаганда имо-ишораларни камроқ қилиш, айниқса кўлни кўтариб дўк-пўписа қилиб, минбарни муштлаб, кўлидаги нарсаларни отиб гапирмаслик керак. Сухбат нихрятда самимий, ўзаро хайрхоҳлик билан ўтказилиши, одамохунлик билан тугатилиши лозим.

3. Фуқароларнинг сўзларини, гарчанд уларнинг мазмуни сизга маълум ёки ёқмаётган бўлса ҳам, диққат ва чидам билан эшитиш керак. Бу ҳақда буюк бобокалонимиз хазрат Мир Алишер Навоий шундай деганлар: «Фано ахдига кўп сўзламоқ, мақбул эмас, кўп эшитмоқ, - матлуб ва яхшидир. Эшитмоқ кишини тўлатади, айтмоқ, бўшатади»¹.

4. Сўзлашиш чоғида ўзи, оиласи туфисида, шахсий ғам-ташвишлари ҳақида сўз очмаслик, оила сирини сақлаш керак.

5. Тилни, сўзни қадрлаш, уни ҳурмат қилиш, тилни тийиш, сергап ва вайсақи бўлмаслик, ҳар хил ҳақоратомуз сўзларни айтмаслик лозим. Чунки, улуғ мутаффакир Алишер Навоий таъбири билан айтганда, «кўп сўзловчи валдироқ

¹ Аждодлар ыгити: =икоятлар =икматлар, тамсиллар. - Т.: Чылпон, 1990-115-б.

тунда тонг отгунча ҳурийдиган итга ўхшайди. Нодоннинг даҳшатга солувчи алжирашига томоқ қирмоғи-эшакнинг ўринсиз ҳанграмоғи»² кабидир.

6. /ийбатдан, тухматдан, миш-мишлардан ўзни тийиш, бўшоғизлик қилмасдан, суҳбат сирини сақлай билиш керак.

7. Фуқаролар билан бўладиган муносабатда, «*тип тарозисидир*» деган нақлга риоя қилиш керак.

8. «Ходим, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, жамоасида ва фуқаролар билан бўладиган мулоқотларда нутқи, ҳатти-харакатлари, хулқи ва феъл-атворини назорат қилиб бориши, фақатгина ўз гапини маъқуллашга уринмай, бошқаларнинг сўзларига ҳам қулоқ солишга одатланиши керак»¹.

Сўзнинг қудрати ва одамларнинг нотиклик маданияти тўғрисида турли халқларнинг мутафаккирлари шундай деганлар:

Сўздан қудратлироқ нарса йўқ. Сўз ёвузларни яксон этади. Сўз бўлмаса, дунё дағал кучлар қўлида қолар эди (А. Франс).

Сўз билан ифодаланган ҳар қандай фикр таъсир кўлами тугамайдиган кучдир (Л. Н. Толстой).

*Сўзни кўнгилда пиширмагунча тилга келтирма,
+ар неким кўнгилда бўлса - тилга сурма* (А. Навоий).

Нутқ қудратли куч: у ишонтиради, ундайди, мажбур этади (Р. Эмерсон).

Эҳтиёт бўлиб гапириши нотикликдан ҳам устундир (Ф. Бэкон).

Яхши сўзла, аммо маҳмадона бўлма, эзмалик калтабинликдир (Кайковус).

Энг яхши тил - тийилган тил, энг яхши нутқ - пухта ўйланган нутқ (Л. Н. Толстой).

² Ёша манба, 118-б

¹ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси. Т.: ИИВ, 1993 - 6-б

4-§. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ТАШҚИ КЎРИНИШ МАДАНИЯТИ

Ташқи қиёфа ва унинг аҳамияти. *Ташқи қиёфа* шахснинг ички маданиятидан келиб чиқувчи жисмонан соғломлик, тананинг бекаму-кўстлиги, хатти-ҳаракатларнинг енгил ва нафислиги, кийим-бош ва афт-ангорнинг покиза ва озодалиги ҳамда уларнинг ўзаро мутаносиблиги, аниқроғи тана ва кийимнинг ўзаро уйғунлигидир.

Инсоннинг ташқи қиёфасининг кўркемлигини таъмин белгилайдиган омиллар қуйидагилардан иборат:

- жисмонан соғломлилик ва инсон танасининг бекаму-кўстлиги;
- қадди-қоматнинг тик ва ихчамлиги, ҳаракатчан ва хушбичимлига;
- юриш, қадам ташлаш, оёқ олишнинг тўғри, чаққон, енгил ва нафислиги;
- тананинг кийим, уст-бош билан мутаносиблиги;
- афт-ангор ва кийим-бошнинг покизалиги, озодалиги ва ҳ.к.

Одамнинг ташқи қиёфасига қараб, унинг ички дунёси, касби-кори, ёши, феъл-атвори, жамиятда тутган ўрни, тарбия кўрган-кўрмаганлиги тўғрисида дастлабки маълумотларга эга бўламиз.

Ташқи қиёфа учта муҳим унсурдан ташкил топади:

- жисмоний соғломлик ва инсон танасининг бекаму-кўстлигини ўзида мужассамлаштирган жисмоний тарбия;

- кийим кийиш;

- шахсий гигиена ва косметика, зеб-зийнат санъати маданияти.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ташқи кўринишини ифодаловчи муҳим нарса унинг саломатлиги, жисмонан бақувватлиги, танасининг чиройлилигидир.

Инсон ўзининг ташқи қиёфасини гўзал қилиш учун, энг аввало, спорт билан шуғулланиши керак. Спорт одамни кучли, чаққон, шижоатли, кўркемас, чидамли

қилиб тарбиялаши билан бирга, унинг танасига гўзаллик ҳам бахшида этади. Инсон танасидаги гўзаллик эса унинг юришида, қадам олишида, қадамни тўғри босиши, шахдамлиги, енгиллиги ва нафислигида намоён бўлади.

Юрганда бесўнақай қадам ташлаш, гавдани олдинга энгаштириб ёки орқага ташлаб ёздайиб юриш ёки икки ёққа шох ташлаб, қийпанглаб юриш ички ишлар идоралари ходимлари учун жуда хунук ҳолат ҳисобланади: бу халқнинг нафратини кўзгатиши мумкин.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ташқи кўриниш маданиятининг юқори даражада бўлиши уларнинг шахсий гигиена ҳамда пардоз-андоз қоидаларига амал қилишларига кўп жихатдан боғлиқдир.

Жисмоний жихатдан соғлом ва гўзал бўлиши учун ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими куйидагиларга эътибор бериши керак:

Биринчидан, шахсий озодалик, яъни бадан, юз-қўл, соч ва шу кабиларни тоза тутиши керак. Бунинг учун ҳар бир ходимнинг шахсий буюмлари - алоҳида сочиғи, дастрўмоли, совуни, тароғи эркакларнинг устараси, аёл ходимларнинг атир-упаси, тирноқ олгичи, ойнаси ва бошқа нарсалари бўлиши лозим. Ўзгаларнинг нарсаларидан фойдаланиш одобга ҳам, гигиена қоидаларига ҳам тўғри келмайдиган хунук иш ҳисобланади.

Иккинчидан, юз инсоннинг ички дунёсини акс эттирувчи кўзгу эканлигини унутмаган ҳолда, уни ҳар доим ювиб туриш, соқолни олиш, мўйлабни тартибга келтириш, юзнинг тиниқлигини сақлаш, ажинлар босишига, яра-чақалар чиқишига қарши даволаш ҳамда пешонани, бурунни тириштириб юрмаслик чораларини кўриш лозим. Умуман олганда, ички ишлар идораларининг ҳамманинг нигоҳи тушиб турадиган, форма кийган ходимининг юзи хушрўй, ёқимли бўлиши ва ундан «нур ёғилиб туриши» керак. Шунини унутмаслик лозимки, юздаги хунуклик, бадбашаралик одамларни қочиради.

Учинчидан, тишнинг, оғиз бўшлиғининг тозаллигига эътибор бериш лозим. Чунки тишдаги иллатлар ва оғиз бўшлиғидаги касаллик инсондан ёқимсиз ҳид келишига сабаб бўлади. Шунинг учун касал тишлар даволаниши, йўқ тишлар

ўрнига сунъий тишлар қўйилиши керак. Тишдаги жило одамнинг истарасини иссиқ қилиб кўрсатади.

Тўртинчидан, соч одам хуснининг беаги ҳисобланади. Сочнинг чиройли қилиб олинганлиги ва таралганлиги ички ишлар идоралари ходимларининг ташқи маданиятидан далолат берувчи кўрсаткичлардан биридир. Соч - ҳусн ва айна пайтда, бошни иссиқ-совуқдан сақловчи восита. Ювиб-таралмаган соч хизмат вазифасини бажаришга бепарволикни, ўзига ва теварак-атрофдагиларга ҳурмат-сизликни акс эттиради. Шунинг учун ҳам ички ишлар идоралари ходимларининг соч-соқоли ҳамма вақт батартиб бўлиши керак. Бу касбий бурч талабидир.

Бешинчидан, қўллар яхши парвариш қилиниши, тирноқлар ўз вақтида олиб турилиши лозим. Овқатланиш, овқат пишириш олдидан ва овқатдан кейин қўллар албатта ювилиши керак. Айниқса, хожатхонадан чиққанда ва кўчадан кирганда қўлларни ювиш ҳам озодалик, ҳам ахлоқийлик жихатдан муҳим бурчдир. Ички ишлар идораларининг ходимлари «тахорат олиб юрса» нур устига-нур бўлур эди.

Олтинчидан, ички ишлар идорапарининг ходимлари қўлларига, бўйинларига турли-туман тақинчоқлар тақмаслиги, ялтир-юлтир кийимлар кийиб, уларни ҳар хил безаклар билан беаб ташламасликлари керак. Айниқса, баданга ҳар хил татуировкалар чиздириш қатъиян ман этилади.

Еттинчидан, одам танасида унинг ташқи гўзаллигига раҳна солувчи бирон-бир ўзгариш содир бўлса, уни албатта даволаш, тиббий косметика воситасида тузатиш чора-тадбирларини кўриш керак.

Саккизинчидан, эркак ходимлар сочларини бўяшлари мумкин, аммо юзни ялтиратадиган упа-эликлардан фойдаланишлари одобдан эмас. Упа-элик суртиш, лаб, қош ва киприкларни бўяш фақат аёл ходимларга руҳсат этилади.

Кийиниш маданияти ва унинг ички ишлар идораларидаги хусусиятлари. Кийим инсонни ҳайвонот дунёсидан ажратиб турувчи турмуш зийнати ҳисобланиб, қуйидаги вазифаларни бажаради:

- 1) одам танасини бошқалар нигоҳидан яшириб туриш;
- 2) турли табиий шароитларда - қишда совуқдан, баҳор ва кузда намгарчиликдан, ёзда эса қуёш нурларидан, чанг ва хашаротлардан ҳимоя қилиш;
- 3) юриш-туриш ва меҳнат қилишда қулайликни таъминлаш ҳамда соғлиқни сақлаш;
- 4) кўркемлик, гўзаллик бағишлаб, одамни латофатли ва нафосатли қилиб кўрсатиш.¹

Ички ишлар идоралари ходимларининг кийиниш маданияти деб уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган ғарбий либос кийиш ва фарқловчи белгилар тақиб юриш қоидаларини оғишмай амалга ошириш асосида ўз қадр-қимматини сақлашга ва бутун ички ишлар органларининг обрў-эътиборини ҳимоя қилишга қаратилган ахлоқий-эстетик хатти-ҳаракатлари тизимига айтилади.

Кийим кийиш маданиятини яхши ўзлаштириш учун, аввало, кийим турларини фарқлай билаш керак. Кийимнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- ички ва устки кийим, оёқ ва бош кийимлари;
- эркеклар, аёллар, болалар ёки ёшлар кийимлари;
- кундузги, кечки, тунги кийимлар;
- уйда ва кўчада кийиладиган кийимлар;
- қишда, ёзда, баҳор ва кузда кийиладиган кийимлар;
- касб-корга боғлиқ кийимлар (коржома), махсус (форма) кийимлар ва бошқалар.

Ички ишлар идоралари ходимлари кийимларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- кундалик иш кийими (ҳамма мавсумларга мўлжалланган);

¹ Щаранг: *Маъмуров К.* Турмуш зийнати. - Т.: Ўшқитувчи, 1991. - 76-77-б.

- жанговор топшириқларни (операцияларни) ҳамда дала машқларини бажариш вақтида кийиладиган махсус кийимлар;

- байрам, тантана (намойиш) ва бошқа касб анъаналарини ўтказиш, нишонлаш вақтида кийиладиган кийимлар ва х.,к.

Ички ишлар идоралари ходимларининг эғнидаги кийимлари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

биринчидан, ходимнинг бўйи-бастига мос келиши;

иккинчидан, ниҳоятда тоза ва дазмолланган, ҳар қандай ортиқча ип ва матолардан ҳоли бўлиши;

учинчидан, тугмалари қадалган бўлиши, металлдан қилинган тугмалар тоза ва ярқираб туриши;

тўртинчидан, давлатимизнинг рамзий белгиларини акс эттирувчи - герб, байроқ, юлдуз ва бошқа фарқловчи белгилар ўз жойига қадалган бўлиб, аниқ кўриниб туриши, одамларнинг нигоҳини ўзига тортиши, уларда фахрланиш хиссини уйғотиши;

бешинчидан, ҳукумат нишонларини (орден ва медалларини) акс эттирувчи белгилар кундалик иш кийимларига, уларнинг ўзлари эса тантанада кийиладиган кийимларга тақиб юрилиши;

олтинчидан, оёқ кийими ниҳоятда тоза бўлиши, ялтиллаб туриши;

еттинчидан, кийимлар мавсумга, бажарилаётган иш турига қараб ва кийилиш қоидаларига катъий риоя қилинган ҳолда кийилиши керак.

Ички ишлар идоралари ходимларининг махсус кийим-кечагини кийганда ва уни кийиш билан боғлиқ ҳолда қуйидагиларни қилиш қатъиян ман этилади:

- қимор ўйнаш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш;

- тўй-хашамларга, ресторанларга бориш, у ерда рақсга тушиш;

- фуқароча кийимлар билан аралаштириб кийиш;

- мавсумга мос бўлмаган кийимларни кийиш, уларни ифлос ҳолда сақлаш;

- давлат белгиларини ва бошқа фарқловчи белгиларни нотўғри тақиш, уларга нисбатан ҳурматсизлик қилиш;

- кийимларни ўзгаларга бериш, бош кийимсиз юриш, ифлос оёқ кийимида, айниқса, таъмирланмаган, мойланмаган пойабзалда аҳоли олдида, иш жойида пайдо бўлиш;

- чўнтакларни ҳар хил нарсалар билан тўлдириш ёки қўлни чўнтакка тикиб юриш;

- формадан ўз хизмат ваколатини суистеъмол қилган ҳолда шахсий мақсадларда фойдаланиш ва кийим кийиш қоидаларига зид бўлган бошқа хатти-ҳаракатларни қилиш.¹

Юқоридагиларни ҳулосалаб, шуни қайд этиш мумкинки, ички ишлар идоралари ходимларининг ташқи кўриниши, биринчидан, унинг ички маданияти, яъни тиришқоқлиги, хизматга шайлиги, интизомлилиги, ўз касби ва атрофдагиларга муносабатини билдирувчи; иккинчидан, фуқаролар ва ўз ҳамкасбларининг ишончига сазовар қилувчи; учинчидан, инсонга эстетик завқ берувчи; тўртинчидан, атрофдагиларга ахлоқий-руҳий таъсир ўтказиб тарбияловчи омиллардан бири ҳисобланади.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Аҳоли деганда нимани тушунасиз ва ички ишлар идоралари ходимлари қандай масалаарни ҳал қилишда у билан муомалада бўладилар?

2. Муомала маданияти деб нимага айтилади ва у қандай кўринишларга эга?

3. Муомала одобининг асосий қоидаларини ёддан айтиб беринг?

4. Хулқ-атвор, одоб, сулукат деганда нималарни тушунасиз? Одобнинг асосий принципларини айтиб беринг.

5. Саломлашиш одоби қоидаларини ёддан айтиб беринг.

6. Қандай ҳолларда салом бериш мумкин эмас? Бу тўғрида ўз фикрларингизни баён этинг.

¹ Шаранг: Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси.-Т.:ИИВ, 1993.- 56.

7. Фуқаролар билан бўладиган муомала қоидаларини ёд олинг ва уларни амалда қўллашга ҳаракат қилинг.

8. Чет эл фуқаролари билан бўладиган муомала маданиятининг асосий талабларини айтиб беринг.

9. Фуқароларнинг хонадонларига ташриф буюришнинг асосий қоидалари тўғрисида билганларингизни айтиб беринг.

10. Фуқароларни қабул қилиш маданияти тўғрисида нималарни биласиз? Бу ҳақда ўртоқларингиз билан бахслашинг.

11. Нутқ маданияти деганда нимани тушунасиз ва унинг қандай шакллари биласиз?

12. Ёзма нутқ қоидаларини, услубларини ва уларнинг амалий аҳамиятини айтиб беринг.

13. Ички ишлар идоралари ходимлари нутқ одобининг асосий қоидаларини ёд олинг.

14. Ташқи кўриниш маданияти нима ва у қандай таркибий қисмлардан ташкил топган?

15. Кийим қандай вазифаларни бажаради? Махсус кийим кийишнинг асосий қоидаларини ёддан айтиб беринг. Кийим кийишда нималар қилиш тақиқланади, бу ҳақда сизнинг мулохазаларингиз қандай? Бу ҳақда бахслашинг.

IX боб

ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА АХЛОҚДЎ ВА ЭСТЕТИК МАДАНИЯТНИНГ УРНИ

Терговчилик касби жиноятни очиш, хакикатни карор топтириш борасида кечаю-кундуз тинмай изланиш, машаққатли меҳнат, маънавий-рухий зўриқишлар, кишилар тақдирини ҳал этиш билан боғлиқ, масъулиятли хизматга отланиш, бутун хаётини жиноятчиликка қарши курашга баҳшида этишдир. Терговчилик касбининг муваффақияти нафақат машаққатли меҳнатга, криминалистик тактика услуб ва методларини қўллаша сосида жиноят ишини ўз вақтида очишга, балкитерговчининг шахсий маънавий-ахлоқий фазилатларига ҳам боғлиқдир.

1-§. ТЕРГОВЧИ ФАОЛИЯТИНИНГ АХЛОҚИЙ ВА ЭСТЕТИК АСОСЛАРИ

Тергов фаолияти, унинг таркибий қисмлари ва иштирокчилари. Тергов ишлари ички ишлар идоралари фаолиятининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, нихрятда мураккаб ва масъулиятли ишлардан бири ҳисобланади. Унинг ҳар бир босқичи ҳуқуқий акт тусини олади, қонун ҳужжати билан расмийлаштирилади.

Ўзбекистан Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 35-моддасига асосан, «жиноят иши бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органларининг ва миллий хавфсизлик хизматининг терговчилари олиб борадилар»¹.

Шу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ, терговчиларга қуйидаги ваколатлар берилган:

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси - Т.: Адолат, 1995 -18-б

- жиноят ишини кузгатиш ва тугатиш, ишни кузгатишни рад этиш;
 - жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва сўроқ қилиш;
 - ушбу Кодексда назарда тутилган тергов ҳаракатларини олиб бориш;
 - шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш тўғрисида ва унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида қарор чиқариш;
 - ўзи юритишга қабул қилган иш бўйича суриштирув органларига қидирув ва тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисида ёзма топшириқлар бериш;
 - суриштирув органларидан айрим тергов ҳаракатларини юритишда кўмаклашишни талаб этиш.

Тергов жараёни икки асосий босқичдан, яъни дастлабки тергов ва суд терговидан иборат бўлади.

Дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар идоралари ва миллий хавфсизлик хизматнинг терговчилари олиб борсалар, суд терговини дастлабки ишлар тугаб, иш судга оширилганидан сўнг судлов жараёнида сўроқ, қилувчилар - суд раиси ва унинг аъзолари амалга оширадилар. Қискача қилиб айтсак, суд тергови судлов жараёнида олиб бориладиган сўроқ қилиш ишларидан иборатдир.

Тергов фаолияти деб жиноят иши бўйича далилларни тўплаш, уларни тадқиқ этиш ва муайян равишда баҳолашга айтилади. У терговчининг қуйидаги тергов ҳаракатлари орқали олиб борилади:

- куздан кечириш ва гувоҳлантириш
 - тинтув қилиш ва олиб қўйиш;
 - телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш;
 - сўроқ, қилиш;
 - юзлаштириш;
 - таниб олиш;
- кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш;

- тергов экспериментини ўтказиш;
- суд экспертизаларини тайинлаш ва ҳ.к. Тергов фаолиятида хуйидаги шахслар иштирок этадилар:

- терговчи, суриштирувчи;
- жабрланувчи;
- айбланувчи;
- гувоҳ;
- холислар;
- таржимон;
- гумон қилинувчи ва бошқалар.

Терговчи тергов ишларини уч асосий қоидага риоя этган ҳолда амалга ошириши керак:

1) процессуал нормаларга, яъни тергов ишларини қайси мазмунда, қайси шаклда ва қайси тартибда олиб боришни белгилаб берадиган қонун ҳужжатларига таяниш;

2) криминалистик тактикага, яъни жиноятни тезроқ, ва самаралироқ, очиш учун зарур методлардан унумли фойдаланишга асосланиш;

3) ахлоқ нормаларига суяниш.

Бунда процессуал қонунлар - терговчи ишининг мазмуни ва шаклини; криминалистик тактика - тергов методикасини; этика эса унинг ахлоқий асосларини белгилаб беради.

Терговчи юқорида кўрсатилган қоидалар асосида иш кўриш жараёнида, ўзига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажариши учун бир қатор шахсий, қолавеса, касбий хислатларга эга бўлиши керак. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Терговчи интеллектуал ақлга эга бўлиши, яъни барча билимлардан, воқеалардан, касб-хунарлардан хабардор бўлиши лозим. Аниқроғи, у ҳар қандай мутахассис билан суҳбатлаша олиш қобилиятига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.

2. Терговчи ўз касбининг устаси бўлиши, яъни ҳамма норматив ҳужжатларни яхши билиши, криминалистик тактикани юқори даражада эгаллаган бўлиши, ниҳоятда синчков ва нотик бўлиши зарур.

3. Терговчи рухшунос бўлиши, яъни одамларнинг кайфиятини тез илғаб олиши, ўзининг муомаласи, хатти-ҳаракатлари билан одамларнинг кўнглига йўл топа олиши керак.

4. Терговчи ахлоқан пок, маънавий жиҳатдан гўзал бўлиши керак. У ахлоқ, одамларни тарбиялаш воситаси эканлигини, гўзаллик эса дунёни, одамларни жаҳолатдан қутқарувчи куч эканлигини ҳеч вақт унутмаслиги керак.

5. Тергов ҳаракатларининг ахлоқий ва ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида куйидагича баён этилган: «Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни қўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошқор қилиши мумкин эмас»¹.

Терговчи учун зарур бўлган ахлоқий хислатлар. Терговчи фаолиятининг ахлоқий асосларини ҳалоллик, холислик, принципиаллик, ҳушёрлик каби ахлоқий хислатлар ташкил этиши шубҳасиз.

Терговчи учун зарур бўлган ахлоқий сифатлардан энг биринчиси *ҳалоллик* бўлиб, у виждон билан, инсоф юзасидан иш тутишни, тўғрилиқ ва одилликни билдиради.

Т ў ғ р и л и қ ҳеч нарсани яширмасдан бор ҳақиқатни айтишдан иборат ростгўйликни ва ҳар қандай масалани адолат билан ҳал этишдан иборат одилликни қамраб олади. Тўғрилиқ адолатнинг тантана қилишига хизмат қилади. Одилликнинг зарурий шартларидан бирини терговчининг ўзи қилаётган ишнинг адолатлилигига ишончи ташкил этади. Аммо ушбу ишончнинг ўзи том маънодаги тўғрилиқ қарор топиши учун етарли эмас. У фақат жамиятнинг ахлоқий талабларига мос келгандигина чин маънодаги тўғрилиқка айланади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - Т.: Ўзбекистон 1992-14-б

Халолликни таъминловчи омиллардан бири қонунларга оғишмай риоя этишдир. Терговчи ҳар қандай шароитда ҳам қонунга оғишмай амал қилгандагина чинакамига ҳалол бўлади.

Тергов харакатларини олиб бораётганда терговчининг ёлғон гапириши, адолат билан иш тутилмаслиги терговда бўлганларда терговчига нисбатан ишончсизлик келтириб чиқаради. Натижада терговчи ўз обрўсини йўқотади. Охир-оқибатда терговчининг барча нопокликлари унинг касбий жихатдан бузилишига олиб келади. Унга ҳеч ким - милиция бошлиғи ҳам, прокуратура бошлиқлари ҳам ишонмай қўядилар ва тергов ишларини олиб боришдан четлаштирадилар.

Терговчи учун зарур бўлган ахлокий сифатлардан яна бири бу холисликдир. *Холислик* тергов ишларига таалукли нарса ва ҳодисаларга, шунингдек, одамларга нисбатан холисона иш юритиб, ишга қонун ва адолат нуқтаи назаридан ёндашишни билдиради. Холислик олиб борилаётган жиноят иши, айбланувчи, гувоҳ, ёки холисларга, улар терговчига ёқиш-ёқмаслигидан қатъи назар, холисона ёндашиш, уларни қандай бўлса шундайлигига ўрганиш демакдир. Тергов жараёнидан кутиладиган асосий мақсад - ҳақиқатни қарор топтириш. Шундай экан, терговчининг асосий вазифаси барча далилларни синчиклаб ўрганиш, текшириб кўриш асосида жиноятнинг сабабларини аниқлашдан иборат булади. Ушбу вазифага масъулият билан ёндашиш терговчига бўлган ишончни оширади.

Холисликнинг карама-қаршиси ғаразгўйликдир. *Ғаразгўйлик* деб ёмон мақсадни кўзлаб, адоват билан иш қилишга айтилади. Терговчи ҳеч вақт ғаразгўй бўлмаслиги керак, яъни жиноят ишини тергов қилаётган вақтида ўзининг шахсий манфаатларини кўзлаб, ёки пора олиш, таниш-билишларининг илтимослариний бажариш каби мақсадларни кўзлаб айбланувчига, жабрланувчига, гувоҳларга, холисларга нисбатан кек, адоват билан иш юритмаслиги, тергов ишларини сохталаштирмаслиги керак. У ҳамма вақт далиллар асосида ва холисона иш кўриши лозим.

Жиноят ишларини охирига етказишда терговчининг характеридаги *қатъият* (принципиаллик) катта аҳамиятга эга. *Қатъият* бу бошлаган ишни охирига етказиш учун астойдил ҳаракат қилиш, ўз ишига ташқаридан аралашувлар, тазйиқлар бўлишига қарамай мақсад сари илгарилаб боришдир.

Одатда, кўпчилик жиноий гуруҳлар терговчини кўрқитиш, сотиб олиш ёки бошқача усулда дўқ-пўписа, иғво қилишга уриниб кўрадилар, баъзида эса мансабдор шахслар орқали тазйиқ, ўтказишга ҳам уринадилар.

Бундай шароитларда терговчининг ўз қилаётган ишига, адолатнинг тантана қилишига ишончи уни қатъийлик билан иш куришга ундайди. Терговчининг ушбу қатъияти унинг ўз касбий бурчини намунали бажаришини таъминлайди. Ақлли ва тадбиркор терговчи ҳеч вақт ўзи олиб бораётган ишга ўзга шахсларнинг аралаштирилишига йўл қўймайди.

Терговчи учун зарур бўлган яна бир ҳислат - ҳушёрлик *Хушёрлик* бу бирор воқеа ёки ҳодисани дарров англаб олиш асосида сергаклик ва зийраклик билан иш тутишдир. Терговчи қанчалик зийрак бўлса, жиноят ишлари шунчалик тез ва соз очилади. Терговчидаги зийраклик жабрланувчининг Кўнглига йўл топишда, айбланувчининг асосий мақсад-ларини, жиноят мотивларини дарров фахмлаб олишда, идрок этишда намоён бўлади.

Терговчи шижоатли бўлиши, қийинчиликлардан, тажовузлардан кўрқмаслиги керак. Терговчининг шижоаткорлиги унинг ҳар қандай оғир шароитларда ва қийин вазиятларда ҳам қатъийлик билан, ғайрат, мардлик, жасорат ва ботирлик кўрсатиб, фидокорона иш тутишида кўринади.

Терговчига қўйиладиган эстетик талаблар. Тергов фаолиятида этика категориялари билан бир қаторда эстетика категориялари ҳам намоён бўлади.

Маълумки, эстетиканинг асосий категорияси -*гўзаллик*. Тергов фаолиятидаги гўзаллик, биринчидан, касб маҳоратида намоён бўлади. Чунки, ўз ишини билиб қилиш, вазифасини чиройли қилиб бажариш терговчининг ўзига ҳам завқ-шавқ бағишлайди, атрофдагиларни ҳам қувонтиради. Тергов фаолиятидаги гўзаллик, энг аввало, терговчининг касб маҳоратига, билимига, одатларига, уларни амалда

қуллай олиш санъатига, маҳоратига боғлиқ бўлиб, ана шулар билан белгиланади.

Иккинчидан, тергов фаолиятидаги гўзаллик тергов аппарати ходимларининг янги билимларни эгаллаши, умуминсоний ахлоқ нормаларига, миллий, минтақавий, умуминсоний қадриятларга асосланган тергов усулларини излаб топиши ва амалда қўллаши билан шакллантириб борилади.

Учинчидан, тергов фаолиятидаги гўзаллик қонунга, жамият манфаатларига, касб ахлоқининг нормаларига мос келгандагина ҳақиқий гўзаллик, ижтимоий маънодаги гўзаллик тусини олади.

Терговчи хонасининг эстетик дид талабларига риоя қилинган ҳолда жихрзланиши тергов фаолиятида терговчининг иш унумдорлигани оширишга ёрдам берувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Терговчининг иш хонаси тергов ишлари учун керакли нарсалар билан жихозланган бўлиши зарур. Унда тергов ишларига ҳалақит берувчи предметлар бўлмаслиги керак. Масалан, кабинетга қўйилган катта гул хонани торайтирса, деразадагиси ёруғлик тушишига ҳалақит беради. Айни вақтда деворда осиглик турган оилавий расмлар, дўстларнинг суратлари жинойтчиларга қўл келиб қолиши мумкин, чунки улардан келгусида терговчининг устидан ҳар хил тухматлар уюштириш ёки оиласига тазйиқ утказиш учун фойдаланилиши мумкин.

Терговчининг хонаси катта ва ёруғ бўлиши керак. Хонанинг ҳажми камида 12 м. кв. бўлгани маъқул. Бунинг сабаби шундаки, тергов қилиш ва гувоҳларни юзлаштириш учун жой бўлади. Кичик хонага одамлар сиғмай қолиб, тергов фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир этиши мумкин. Худди шунингдек, терговчининг хонасидаги мебеллар ҳам шу хона рангига мос бўлиши, хонадаги жихозлар оддий ва бир-бирлари билан уйғун бўлиши зарур.

Терговчи хонасидаги эшик ва деразалар маҳкам ёпиладиган бўлиши, шовқин ўтказмаслиги керак, чунки шовқин тергов ишларига салбий таъсир кўрсатади.

Хона деворларининг ранглари табиий муҳитни ҳисобга олган ҳолда бўялган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Хонадаги барча жихозлар, айниқса графин, чойнак ва пиёлалар тоза ва бутун бўлиши лозим. Буларнинг ҳаммаси терговчининг кайфиятини кўтаради. Кўтаринки кайфият эса ишнинг самарадорлигини оширади.

Ахлоқий нормаларга риоя қилиш тергов жараёнининг ҳаммаси учун зарур бўлса-да, аммо сўроқ қилишда унинг аҳамияти айниқса катта.

2-§. Сўроқ қилишнинг ахлоқий жиқатлари

«Сўроқ қилиш» тушунчаси ва унинг ахлоқий мазму-ни. Сўроқ қилиш жиноят ишини тўғри ҳал қилиш мақсадида сўроқ қилинувчидан унга маълум бўлган ва иш учун муҳим маълумотларни олишдан иборат тергов ва суд ҳаракатидир. Шунга асосан, сўроқ қилиш ҳаракати:

- жиноят-процессуал қонун билан бошқарилувчи процессуал ҳаракат сифатида қаралади;

- криминалистик жиқатдан қонун ва ахлоқ чегарасидаги ўзига хос тактикасига эга;

- тергов қилинаётган воқеага доир ахборот билан чекланган бўлади.

Сўроқ қилиш кенг тарқалган тергов ва суд ҳаракатидир. Терговчи ва суд ҳар бир жиноят иши бўйича гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчиларни сўроқ қилади. Сўроқ ёрдамида жиноят тўғрисидаги ахборотнинг асосий қисми текширилади ва тегишли ахборот олиниб, жиноят ишини тўғри ҳал этишда, жиноятнинг сабабларини ва мақсадларини аниқлашда, унинг келиб чиқишига ёрдам берган ҳолатларни юзага чиқаришда ишлатилади. Ниҳоят, сўроқ қилиш сўроқ қилинувчига бевосита тарбиявий жиқатдан таъсир этиш воситасидир.

Сўроқ қилиш жараёнида терговчидан қуйидаги ахлоқий қоидаларга риоя этиш талаб этил ади:

а) гувоҳни кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланганлиги тўғрисида огоҳлантириш;

б) айбланувчига ҳар бир далилни, шунингдек, эксперт хулосасининг аҳамиятини холисона тушунтириш;

в) гумон қилинувчи ва айбланувчига чин кўнгилдан айбига иқрор бўлиш айбни юмшатовчи ҳолат эканлигини батафсил тушунтириш;

г) сўроқ, қилинувчининг маънавий-ахлоқий ва диний эътиқодларини ҳурматлаш;

д) сўроқ, қилиш вақтини оқилона чеклаш;

е) дастлабки тергов натижаларини ошқор қилмаслик, шахснинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни ҳеч кимга билдирмаслик, яъни уларнинг махфийлигини сақлаш;

ж) илтимосномаларни қабул қилгандан сўнг ўз ваколатларини масъулият билан амалга ошириш;

з) ўзга шахсларнинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш ва кишилар билан мулоқатда одоб қоидаларига риоя этиш¹.

Тергов жараёнининг қийин томонларидан бири шундаки, тергов қиллинаётган одам саволга жавоб беришдан бош тортиши, ўзининг ноҳақ, эканлигини ўжарлик билан тан олмаслиги мумкин. Терговчининг тергов қилинаётган шахсни қонунга ва ахлоққа зид усуллар билан айблашга ҳаққи йўқ.

Сўроқ қилишда қўлланилиши тақиқланган ахлоққа зид хатти-ҳаракатлар. Сўроқ, қилиш вақтида ахлоқий нормаларга зид бўлган қуйидаги усулларни қўллаш қатъиян ман этилади:

1. Шахсларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлган ёки уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш. Масалан, жисмоний жихатдан куч ишлатиш ёки рухий жихатдан азоблаш. Терговчининг айбдорни уриб ёки сўкиб сўроқ қилиши

¹ Щаранг: Криминалистик тактика. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1996. - 85-86-б

натижасида сўроқ қилинаётган одам ёлғон кўрсатув бериши мумкин. Бу эса хужжатларнинг сохталаштирилишига олиб келишибиланбирга Терговчининг касбий бузилишига ҳам сабаб бўлади.

2. Зўрлик ёки дўқ-пўписа қилиш, алдаш ва қонунга ҳилоф бошқа йўллар билан кўрсатув, тушунтириш, хулосалар олишга, экспериментал ҳаракатларни бажаришга, хужжатлар ёки буюмлар тайёрланишига ва берилишига эришиш. Масалан, алдаш йўли билан айбни бўйнига қўйиш мумкин эмас. Борди-ю шундай қилинса, бундай ҳаракат бутун ички ишлар органларини халқ оммаси олдида абгор қилиб қўяди.

3. Диний эътиқодларини ўртага қўйиб сўроқ қилиш. Масалан, диний китобларни ўртага қўйиб қасам ичириш ёки уларда кўрсатилган жазо усулларини қўллаш билан кўрқитиш, алдаш ёки мажбур қилиш мумкин эмас.

4. Шахсларнинг ахлоқий заиф томонларидан сўроқ қилиш вақтида фойдаланиш. Масалан, кўрқоқлигидан, ақли заифлигидан, арақхўрлигидан, хотинбозлигидан, кар-соқовлигидан фойдаланиб иш кўриш мумкин эмас.

5. Тунги вақтда, яъни кеч соат 22.00 дан эрталаб соат 6.00 гача тергов ҳаракатлари олиб бориш. Тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш, жиноят изи йўқолишига ёки гумон қилинувчининг қочиб кетишига йўл қўймаслик, эксперимент жараёнида текширилаётган ходисанинг холатини қайтадан тиклаш зарурати бўлган холлар бундан мустасно..¹

6. Эксперт сифатида иштирок этаётганши фоқорлардан бошқа шахсларнинг ўзга жинсдаги шахсни яланғоч зилиб текшириш чоғида ҳозир бўлишлари тақиқланади.

Терговчи сўроқ қилганда бақирмаслиги, шахсни ҳақорат қилмаслиги лозим. Терговчи сўроқ қилинувчига одоб ва ҳурмат билан муносабатда бўлиб, унинг сўзларини сабр-тоқат билан тинглаши, керак сўзларни топиб, сўроқ қилинувчи билан ўрталарида юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиши, умуман, ўзининг юксак маданиятлигини намоён этиши лозим.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. _ Т.: Адолат, 1995. - 48-49-б

Сўроқ қилишда қўлланиладиган ахлоқий усуллар. Сўроқ қилишда қўлланиладиган ахлоқий усулларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. *Саволни такрорлаш.* Саволни турли пайтда ва турлича усулда такрорлаш терговчига айбланувчидан янги маълумотларни олиш имконини беради, бу усул ёрдамида айбланувчининг ёлғон кўрсатув бераётганлигини билиб олиш, яъни у бунда тилидан илиниб қолади.

2. *Сўроқ; ҳаракати тезлаштириш.* Сўроқ, қилиш жадал суръатда амалга оширилса, айбланувчи ёлғон гапиришга, қандайдир тусмолларни ўйлаб топишга улғурмайди. Шу йул билан айбланувчининг сўроқда нотўғри, ёлғон кўрсатув бераётганлигини билиб олиш мумкин.

3. *Сухбатдош билан руҳий жиҳатдан ишончли алоқа ўрнатиш.* Бу терговни эркин, қийналмасдан олиб бориш имконини беради.

4. *Аста-секин маълумотларни бериш асосида сўроқни кучайтириб бориш.* Терговчи, айбланувчини унга барча ахборотни эмас, балки жиноятни очиш, айбни қўйиш учун зарур бўлган, керакли маълумотларни бериш асосида сўроқ қилиши мумкин. Бундай усул айбланувчини шошириб қўяди.

5. *Тўсатдан сўроқ, қилиш.* Айбланувчини тўсатдан сўроқ, қилиш, унинг довдираб қолишига, шошиб қолишига, гапидаги мантиқий изчилликнинг йўқолишига олиб келиши мумкин. Бу эса айбланувчининг сўроқ, вақтида терговчига айтмай қолган, яширган эпизодларини билиб олишга имкон беради.

6. *Диққатни чалғитиш.* Терговчи бу усулни қўллаб сўроқ қилинаётган шахснинг диққат-эътиборини, бошқа мавзуга буриб юборади. Бошқа мавзуда суҳбатлаша туриб, бирданига олдинги мавзуга қайтади. Бу усул ҳам айбдордан терговга, жиноят ишига дойр тўғри маълумотларни олишга ёрдам беради.

7. *Эркин ҳикоя қилиб бериш.* Терговчи бўлиб ўтган воқеани сўроқ қилинувчининг шахси ва маълумотларини ҳисобга олган ҳолда ҳикоя қилиб беради. Ҳикоя қилиш чоғида, айбланувчидан: «шундай ҳам бўладими?» ёки «шундай бўлганмиди», - деб сўраб қўяди. Айни вақтда терговчи айбдорнинг ҳам шу тўғрисидаги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳикояларини диққат билан

эшитиб олади. Сўнгра унинг бу афсонага ўхшаш гагшаридан, эркин ҳикоясидан терговга дойр маълумотларни мантиқий усул билан умумлаштиради. Бу эса терговнинг йўналишини белгилашда аҳамиятга эга. Аммо терговчи бу усулга ортиқча баҳо бериб, эришган ютуқларидан мағрурланиб кетмаслиги керак. Айниқса, бу тўғрида айбдорга мағрурланиб гапириш, мақтаниш айбдорнинг терговчига, тергов жараёнига нисбатан нафратини кўзғатиши мумкин.

Тергов қилишнинг юқорида кўрсатилган ахлоқий-тактик усуллари фақат ёлгон кўрсатув беришга уринаётганларга нисбатан ишлатилиши керак. Хуш, жабрланувчи, айбланувчи, гувоҳ ва холисларни сўроққа чақиришнинг ўзига хос ахлоқий нормалари мавжудми?

Терговчи гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчини суриштирув, дастлабки тергов ўтказиладиган жойда ёки сўроқ қилинувчи бор жойда, суд эса суд муҳокамаси жойида сўроқ қилади (ЖПК, 96-м.).

Сўроқ қилиш учун чақиришнинг ахлоқий талаблари:

1. Гувоҳ, жабрланувчи, шунингдек, озодликда юрган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга чақирув қоғози билан чақирилади.

2. Чақирув қоғози почта орқали жўнатилади ёки чопар орқали топширилади. Чақирув телефонограмма, телеграмма, радиogramма билан ёки телефакс орқали юборилиши мумкин.

3. Чақирув қоғозида шахс ким сифатида, қайси манзилга ва кимнинг ҳузурига чақирилаётганлиги, қайси кунда ва қайси соатга келиши кераклиги, шунингдек, узрсиз сабабларга кўра келмай қолган тақдирда қандай оқибатлар рўй бериши кўрсатилган бўлиши лозим.

4. Чақирув қоғози чақирилувчига топширилиб, тилхат олинади.

5. Хар қандай шароитда ҳам аввал жабрланувчи чақирилиши керак.

6. Жабрланувчини жуда зарур бўлиб қолган ҳоллардагина чақириш керак.

7. Терговчи шундай қилиши керакки, айбланувчи билан жабрланувчи чақирилган вақтда бир жойда учраша олмаслиги керак. Учрашиб қолишлари ҳар хил гап-сўзларни келтириб чиқариши мумкин.

Терговнинг муваффақияти нафақат сўроқ қилишнинг, балки бошқа тергов ҳаракатларининг ҳам ахлоқийлик қоидаларига риоя қилган ҳолда бажарилишига боғлиқдир.

3-§. КЎЗДАН КЕЧИРИШ, ТИНТУВ ЎТКАЗИШ, ТЕКШИРИБ

КЎРИШ ВАҚТИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН

АХЛОҚИЙ ҚОИДАЛАР

Маълумки, тергов жараёнининг энг муҳим таркибий қисмларидай бири бўлган *кўздан кечириш* қуйидаги тергов ҳаракатларини қамраб олади:

- воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш;
- мурдани ташқи жихатдан кўздан кечириш;
- жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида тан оли-ниши мумкин бўлган предмет ва ҳужжатларни кўздан кечириш;
- ашёвий далил кучига эга бўлмаган ҳужжатларни кўздан кечириш;
- воқеа содир бўлмаган очиқ жойлар ва хоналарни кўздан кечириш;
- транспорт воситаларини кўздан кечириш¹.

Кўздан кечиришдан кўзланган асосий мақсад жиноят изларини ва ашёвий далилларни топишдир. Кўздан кечириш дастлабки тергов босқичида холислар иштирокида олиб борилади ва унда терговчи фото- ва кинотасвирга, видео ёзувга туширади, ўлчашлар ўтказди, режалар, чизмалар тузади, излардан қолиплар ва нусхалар олади.

¹ Щаранг: Криминалистик тактика. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1996. - 25-б

Кўздан кечиришнинг ахлоқий нормалари. Кўздан кечиришнинг ахлоқий нормаларига қуйидагилар киради:

1. Аввало, кўздан кечириш чоғида кўпчилик иштирок этади. Масалан, жиноят қидирув органи ва прокуратура ходимлари, гувоҳлар, холислар, жабрланувчилар ва х-к. Шунча одам тўпланган ана шундай мураккаб шароитда терговчи бошқарувни уз қўлига олиб, ҳамма билан хотиржам муносабатда бўлиши, ҳеч қандай тўқнашувга йўл қўймаслиги керак. Қатъийлик ва хушмуомалалик билан олиб борилган ишгина кутилган самарани беришини унутмаслик, демак, хотиржамликни таъминлаш керак.

2. Кўздан кечириш вақтида, жиноятчиларнинг гувоҳларга зарар етказишини инобатга олган ҳолда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш керак.

3. Кўздан кечириш чоғида бирон-бир нарсага зиён етказилса, унинг қийматини эгасига албатта тўлаш керак.

Тинтув ва юзлаштиришда қўлланиладиган ахлоқ нормалари. Тергов фаолиятидаги яна бир муҳим элемент тинтув ўтказиш ҳисобланади. *Тинтув* - шахсни, унинг оила аъзоларини, шахсий ёки ташкилот ихтиёрида бўлган хона ва турар жойларни, очиқ жойларни мажбурий текширишдан иборат тергов ҳаракати.

Тинтув ўтказишдан кўзланган мақсад жиноятдан қилган қуроллар, буюмлар, жиноят йўли билан топилган қимматбаҳо нарсалар, иш бўйича аҳамиятга эга бўлган бошқа нарса ва ҳужжатлар ёки унинг қисмларини, гаровга олинган ва олиб қочилган шахсларни топишдан иборат.

Тинтув прокурорнинг санкцияси билан ўтказилади. Шахсни тинтув қилиш ваколати милиция ходимларига ҳам берилган (ЖПК, 162-м.).

Тинтув ўтказиш чоғида терговчи қуйидаги ахлоқий нормаларга амал қилиши зарур:

1. Қидирилаётган нарсани айбланувчи ўз ихтиёри билан эркин тарзда топширса, тинтув тўхтатилиши керак. Тинтув ҳеч қачон айбдордан уч олиш ёки рухий тазъийк ўтказиш воситаси бўлмаслиги керак.

2. Қўни-қўшниларнинг, бошқа одамларнинг оромини бузиб, асабига тегмаслик учун тинтув кундуз куни ўтказилиши керак. Аммо қидирилаётган объектнинг йўқ қилиниш хавфи бўлса, тинтувни тезликда ўтказиш керак.

3. Тинтув қилиш вақтида жойдаги нарсалар билан ниҳоятда эҳтиёткорона муомалада бўлиш керак. Тинтув вақтида нарсаларни сочиш, йиртиш, ҳар хил тартибсизликлар келтириб чиқариш тақиқланади. Тинтув қилинганидан сўнг, ҳамма нарса аввалги жойига қўйилиши керак. Агар бирон-бир нарса, масалан, эшик, сейф, сандиқ кабилар ёпиқ ҳолатда бўлса, унинг калитини беришни ёки соҳибнинг ўзидан уни очишини илтимос қилиш, бермаса - уларнинг бузилиши тўғрисида огоҳлантириш керак.

4. Тинтув ўтказилаётган жойда болалар ёки кекса ёшдаги одамлар бўлса, уларни тинтувда қатнашишларига йўл қўймаслик керак. Чунки тинтув ўтказилаётган жойда бўлиш уларнинг руҳиятига, кексаларнинг эса соғлигига зарар етказиши мумкин.

5. Тинтув ўтказиш вақтида тинтилаётган хонадон эгасининг шахсий ҳаётига дойр масалалар кўрилмаслиги керак. Масалан, шахсий хатларни ўқиш, ички кийимларни намоёйиш қилиш мумкин эмас.

6. Тинтув вақтида айбсиз деб топилган шахснинг қадр-қиммати қайта тикланиши керак. Бундай шароитда терговчи айбсиз шахснинг иш жойига хат ёзиши ёки қўни-қўшнларига унинг айбсизлигини айтиб, ундан кечирим сўраши керак.

Тергов ҳаракатларини олиб бораётган бир вақтда тан жароҳати олган одамларнинг олган жароҳат изларини ёки номусига тегилган аёлнинг номусли жойларини ва ҳоказоларни текшириб кўришга зарурат туғилади. Бундай ҳолларда, қандай иш тутиш керак?

Кўпчилик ҳолларда жабрланувчилар ўзларининг тан жароҳатларини ўзгаларга кўрсатишдан уяладилар, шу сабабли бундан бош тортадилар. Бундай вазиятда албатта прокурорнинг ижозатини олиш керак. Шу ижозатнома асосида унинг жароҳатларини текшириб кўриш мумкин. Текширишда фақат бир жинсдагилар қатнашгани маъқул. Терговчи жабрланувчининг танасидаги жароҳат изларини фақат унинг ижозати билангина суратга олиши мумкин.

Тергов ҳаракатлари элементларидан яна бири бу юзлаштиришдир. *Юзлаштириш* сўроқ, қилишнинг бир тури бўлиб, унда айнан бир вақтда икки шахс сўроқ қилинади. Ушбу жараёнда мураккаб руҳий ва ахлоқий ҳолатлар вужудга келади. Юзлаштиришда биринчи одам тўғри кўрсатув берса, иккинчиси нотўғри кўрсатув беради.

Юзлаштиришда терговчи, энг аввало, юзлаштириш тартибини тушунтирмоғи керак. Юзлаштиришга қуйиладиган ахлоқий талаб шундаки, терговчи фақат унинг рухсати билан уларнинг бир-бирларига саволлар бериши ҳамда навбатма-навбат жавоб бериши кераклигини ўқтириши керак. Улар бир-бирларининг кадр-қимматини ҳурматлашлари, тинчликни сақлашлари лозимлигини қайта-қайта таъкидламоқ, керак.

Тергов фаолиятида тергов ҳаракатларини ахлоқ нормаларидан оғишмай амалга ошириш асосида олиб бориш, аввало, терговнинг самарали бўлишига, ундан кейин қонунийликнинг, адолатнинг тантана қилишига, сўнгра инсон кадр-қимматининг камситилмаслигига имкон беради. Бу билан терговчиларнинг, ички ишлар идоралари барча ходимларининг обрӯ-эътибори янада ошади, ҳуқуқий маданиятлари юксалади.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Терговчилик касби деганда нимани тушунасиз?
2. Терговчи ўз фаолиятини қайси ҳужжатларга таянган ҳолда олиб боради ва унинг зиммасига қандай вазифалар юклатилган бўлади?

3. Терговчига зарур бўлган ахлоқий ҳислатларни нимааар ташкил этади?
 4. Тергов қилишда ахлоққа зид бўлган қандай хатти-ҳаракатларни содир этиш тақиқланади?
 5. Сўроқ, қилишнинг ахлоқий нормалари деганда нимани тушунаси?
 6. Сўроқ қилишга чақириш ва сўроқ қилиш вақти туфисида. нималарни биласиз?
 7. Тинтув ўтказишнинг ахлоқий нормалари ҳақида ҳикоя қилиб беринг.
 8. Терговчининг нафосати ҳақида баҳс юритинг.
- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексини ўқинг ва унинг ахлоқий мазмунига эътиборингизни қаратинг.

Х БОБ

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ХИЗМАТ ЖАМОАЛАРИНИНГ АХЛОҚИЙ- ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИ

1-§. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ХИЗМАТ ЖАМОАСИ, УНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ, ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Инсон ўзини ўраб турган олам билан бўладиган муносабатлар тизимида яшайди ва камол топади. Бу муносабатлар тизими эса инсоннинг табиатга, моддий ва маънавий қадриятларга ҳамда бир-бирларига бўлган муносабатларини камраб олади. Уларни ушбу муносабатлар давомида инсоннинг оламини ўзгартириш, ундаги нарса, воқеа, ходисаларни уз манфаатларига бўйсундириб эҳтиёжларини қондириш мақсади бирлаштиради. Ана шу бирлашув жамоанинг келиб чиқишидаги омиллардан бири ҳисобланади.

Хуш жамоа нима? Жамоа мақсад, қизиқиш ва фаолият муштараклиги асосида бир жойга бирлашган ва муайян барқарорликка эга бўлган кишилар уюшмасидир.

Жамоаларни ўзларига хос бўлган белгиларига қараб бир неча турларга, масалан, жамоа аъзоларининг сонига қараб - оз сонли ёки кўп сонли, катта ёки кичик; таркибий тузилишига қараб - ёшлар, ўрта ёшдагилар, кексалар; эркаклар ёки аёллар; маълумотлилар ёки маълумотсизлар; мутахассис; бир миллатли ёки кўп миллатли жамоаларга ажратиш мумкин.

Ички ишлари доралари ходимларининг хизмат жамоалари деб давлат ҳокимияти томонидан фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, ҳавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни очиш мақсадида ихтиёрий-мажбурий равишда ташкил этилган бошқаришнинг яқка бошчилик принципига қатъий амал қиладиган катта ёки кичик гуруҳларга (бўлинма, бўлим, бошқармаларга) айтилади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат жамоаларини уларнинг иш фаолиятига қараб қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- жиноят қидирув;
- уюшган жиноятчиликка қарши кураш;
- тергов;
- жамоат тартибини сақлаш ;
- участка нозирлари;
- паспорт ва чет элга боришга рухсат бериш;
- навбатчилик қисми;
- пост-патруль, қўриқлаш ва бошқалар.

Ички ишлар идоралари ходимлари хизмат жамоаларини давомийлигига қараб қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. *Қисқа муддатли хизмат жамоаси.* Бундай хизмат жамоалари содир этилган бирон-бир жиноятни тезликда очиш, жиноятчиликларни тезликда қўлга олиш ёки бирон-бир вазифани бажариш учун мутахассисларни жалб

қилган ҳолда тезлик билан тузилади. Улар бир кундан бир йилгача бўлган муддат давомида фаолият -кўрсатишлари мумкин.

2. *Ўртача муддатли хизмат жамоаси.* Бунга бирон-бир мураккаб жинойтни очиш учун ташкил этилган ҳамда мутахассислар тайёрлаш мақсадида 1 йилдан 10 йилгача даврга мўлжаллаб ташкил этилган хизмат жамоалари киради.

3. *Узоқ, муддатли хизмат жамоаси.* Узоқ мақсадларни кўзлаб мунтазам равишда халқнинг хавфсизлигини таъминлаш учун ўн йилдан ортиқ давр мобайнида фаолият кўрсатувчи жинойт қидирув бўлими, тергов бўлими, паспорт бўлими каби хизмат жамоалари узоқ, муддатли хизмат жамоалари ҳисобланади.

Барча жамоаларда бўлгани каби, ички ишлар идоралари ходимлари *хизмат жамоаларининг ҳам ўзига хос белгилари* ҳам мавжуд бўлиб, улар куйидагилардан иборатдир:

1. *Мақсад бирлиги* - хизмат жамоасининг асосий белгиси. У жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда хизмат жамоасининг асосий мақсадини ва шу мақсадни амалга ошириш учун одамларга ўз атрофида бирдашишини билдиради. Ички ишлар идораларидаги хизмат жамоаларининг асосий мақсади -жинойтчиликнинг олдини олиш ва уни тугатиш асосида фуқароларнинг тинч-тотув яшашини таъминлаб, келгусида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қилишдан иборатдир.

2. *Ўявий бирлик* хизмат жамоасининг яна бир белгиси бўлиб, у хизмат жамоалари аъзоларининг миллий истиқлол мафқураси талабларидан келиб чиққан ҳолда жамиятда инсонпарварлик, адолатпарварлик, қонунийлик, жамоатчилик ва ватанпарварликнинг тантана қилиши учун маънавий-руҳий жихатдан бирлашишидир.

3. *+амкорлик ва ўзаро ёрдам* - хизмат жамоасининг навбатдаги белгиларидан бири бўлиб, у ҳар бир ходимнинг ўз бурчини бажаришида биродарлари билан

ҳамкорлик қилиш ва ўзаро ёрдам бериш хусусиятларини ифодалайди. Бу хусусият ҳар бир инсон учун табиий бўлиб, у сиз хизмат жамоаларини тасаввур қилиш қийин.

4. *Раҳбарлик* - хизмат жамоасининг асосий белгиси бўлиб, ишларни бошқариш, мақсадни аниқлаш, режалаштириш, иш натижаларини таҳлил қилиш эҳтиёжларидан келиб чиқувчи зарурий фаолият ҳисобланади. Хизмат жамоасида раҳбарлик қилиш асосан яккабошчилик принципига асосланади.

5. *Демократия* - хизмат жамоасининг муҳим белгиси бўлиб, у ҳар бир жамоа аъзосининг бажарилаётган иш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиш ҳамда раҳбарнинг шу фикрлар асосида тегишли қарорлар қилиши асосида ишни ташкил этишга асосланган фаолият шаклидир. Демократиясиз хизмат жамоаси ўзининг мазмунини йўқотади ва қандайдир механизмга айланиб қолади.

6. *Тартиб-интизом* - хизмат жамоаси вужудга келиши ва мавжуд бўлишининг асосий шарти. Тартиб-интизомсиз хизмат жамоаси ўз олдида турган вазифаларни бажара олмайди. Ҳар қандай бошбодоклик хизмат жамоасига ёт нарса ҳисобланади. Қаерда тартиб-интизом бўлса, ўша жойда муваффақият бўлади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат жамоаларини ташкил этиш ва уларни шакллантириш фаолияти мураккаб бўлиб, бир неча босқични ўз ичига олади.

Биринчи босқич - хизмат жамоасини ташкил этиш (агглютинация) даври бўлиб, унда энг аввал раҳбар-бошлиқ, тайинланади ва ишга тайинланиши керак бўлган ходимларнинг сони белгиланади. Шунга кўра, тайинланган бошлиқ хизмат жамоасига мутахассисларни танлаб олиш ва тайинлаш ишлари билан бевосита шуғулланади. Ушбу дастлабки босқичда хизмат жамоаси ҳали тўлиқ, шаклланмаган, ходимлар ўртасидаги ахлоқий-эстетик муносабатлар етарли даражада таркиб топмаган бўлади. Бу даврда баъзан бошлиққа, унинг

ўринбосарларига ишонкирамасдан қараш, берилган топшириқларни бажаришда монелик қилиш каби ҳолатлар учраб туради.

Бу босқичда жамоанинг оёққа туриши бошлиққа боғлиқ, бўлади. У қанчалик талабчан, ташкилотчи, жонкуяр, собитқадам бўлса, жамоа шунчалик аҳил, ишчан бўлади.

Иккинчи босқичда хизмат жамоаси таркибий-ташкилий тузилишининг барқарорлашуви, бошлиққа ёрдам берувчи фаол жамоатчиларнинг; фаоллиги паст - ишга унчалик кўнгли йўқ ходимлар ҳамда ўзгаларга ҳалақит берувчи, интизомсиз шахсларнинг борлиги кўзга ташланади. Бу босқичда раҳбар ўзининг иш услубини бирмунча ўзгартиради, аниқроғи фаоллар орқали гуруҳларни бошқаришга ўтади. Фаоллар эса бошлиқнинг яқин ёрдамчиларга айланиб, хизмат жамоаси фаолияти устидан ўзларининг назоратини ўрнатадилар. Худди шу босқичда иш ёқмас, вазифасига совуққонлик билан қарайдиган, интизомсиз ходимлар билан таълим-тарбия ишларини олиб бориш кучайтиради. Айниқса жамоа аъзолари ўртасида кўнгилочар ўйинлар ташкил қилиш, тўй, тугилган кунларни нишонлаш, спорт мусобақаларида қатнашиш жонланиб кетади.

Учинчи босқичда хизмат жамоасининг мустаҳкамланиб барқарорлашиши, унда ўзаро ҳамкорлик, ўртоқларча ёрдам, ҳар бир жамоа аъзосининг ўз вазифаларига катта масъулият билан ёндашиши кўзга ташланади.

Тўртинчи босқич - хизмат жамоаси аъзоларининг ўзаро яқинлашиш даври. Бу даврда «бир киши ҳамма учун ҳамма бир киши учун» деган принцип қарор топади.

Жамоа - ўзгарувчан, бетиним ривожланувчи ижтимоий ҳодиса. Вақт ўтиши билан жамоани ташкил этувчи ходимлар, уларни бирлаштирувчи ахлоқий-эстетик муносабатлар ҳамда жамоанинг шахсга таъсир кўрсатиш усуллари ҳам ўзгариб туради.

**2-§. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИДА БОШЛИҚЛАР ВА
БЎЙСУНУВЧИЛАР, КАТТАЛАР ВА КИЧИКЛАР
ЎРТАСИДАГИ АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК
МУНОСАБАТЛАР**

Ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат жамоасига раҳбарлик қилиш яккабошчилик принципига асосланади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат жамоаларини бошқаришининг яккабошчилик принципа деб бошлиқларнинг вужудга келган вазиятни ҳар томонлама ўрганиш, баҳрлашдан келиб чиққан ҳолда ёлғиз ўзи қарор қабул қилиш, қонун ва низомларнинг талабларига қатъий мувофиқ, равишда буйруқлар бериш ва уларнинг бажарилишини талаб қилиш, бажармаганларга нисбатан тегишли чоралар куриш ҳуқуқи асосида жамоага раҳбарлик қилиш қонунчилигига айтилади.

Ҳар қандай хизмат жамоаси бошлиқлар ва бўйсунувчилардан ташкил топади. Ўз хизмат мақоми ва махсус унвонига кўра айрим хизматчилар бошқаларга нисбатан бошлиқ ёхуд бўйсунувчи мақомига эга бўлиши мумкин. Бошлиқ бўйсунувчига буйруқлар бериш ва уларнинг ижросини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Бошлиқ бўйсунувчи учун ҳушмуомалалик ва босиқлик намунаси бўлиши ва тақаллуфсизликка ҳам, ноҳолисликка ҳам йўл қўймаслиги лозим. Бошлиқ бўйсунувчининг инсоний қадр-қимматини поймол этувчи ҳаракатлари учун жавобгар бўлади.

Бўйсунувчи бошлиқнинг буйруқларини сўзсиз бажариш шарт. Агар у ўзига нисбатан нотўғри муносабатда бўлинган деб ҳисобласа, буйруқни бажариб, ундан кейин шикоят қилиши мумкин.

Ўз хизмат мақоми ва махсус унвонига кўра бошқа хизматчиларга нисбатан уларнинг бошлиғи ёхуд бўйсунувчиси саналмаган хизматчилар катта ёхуд кичик бўлишлари мумкин.

Катталиқ хизматчиларнинг махсус унвонига қараб белгиланади. Махсус унвони бўйича кичиклар хизмат интизомини, жамоат тартибини, ахлоқ, махсус кийим-кечакни кийиш ва ҳарбийчасига саломлашиш қоидаларини бузган ҳолларда, катталар улардан бу тартиббузарлик бартараф этишларини талаб қилишлари лозим. Унвони бўйича кичиклар катталарнинг бундай талабларини сўзсиз бажаришлари шарт¹.

Хизмат жамоаси бошлиқларининг вазифалари ва одоб-ахлоқ қоидалари. Ички ишлар идоралари хизмат жамоаларининг бошлиғи ўзига ишониб топширилган бўлинма, бўлим ва бошқармалар, ўқув юрларининг жинойатчиликнинг олдини олиш, жинойатларни очиш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш борасидаги кундалиқ ахлоқи, шахсий таркибнинг ахлоқий-рухий ҳолати, ички тартиб ва интизомни сақлаш, техник, моддий, тиббий, молиявий, ижтимоий ва маиший таъминот учун масъул шахс, ҳисобланади.

Ҳар қандай катта ёки кичик хизмат жамоасининг бошлиғи қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

- ташкилотчилик;
- сиёсий, маънавий, маърифий тарбия;
- касбий педагогика;
- малака оширишни таъминлаш;
- маъмурий-хужалик;
- кундалиқ хизматга раҳбарлик.

Ҳозирги кунда хизмат жамоаларининг бошлиқлари Ўзбекистон халқига, Президентига, ҳукуматига, мустақиллик ғояларига содиқ бўлган, олиб борилаётган

¹ Шаранг: Ўзбекистон Республикаси Шўролли Кучларининг умум-ҳарбий низомлари. Ички хизмат низоми- Т.: Ўзбекистон 1996 -17-18-б

ички ва ташқи сиёсат йўналишларини теран тушунадиган, жиноятчиликнинг олдини олишда, жиноятларни очишда, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда юксак ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлган, ҳар қандай ахлоқий ёмонликка, қонунбузарликка қарши мурасасиз курашувчи, содиқ, қўрқмас, хушёр, зийрак, ҳар томонлама маълумотли, собитқадам, туну-кун халқ, хизматидан чарчамайдиган, ўз қўл остидагиларига нисбатан талабчан, айна вақтда меҳрибон, тўғри сўз, намунали хулққа ва аҳоли ўртасида нуфузга эга бўлган, ўз касбини яхши биладиган ҳар томонлама соғлом киши бўлиши керак. Ана шундай ахлоқий фазилатларга эга бўлган раҳбарга жамоа аъзолари эргашадилар.

Раҳар бу умумий талаблардан ташқари қуйидаги ахлоқий қоидаларга ҳам риоя этиши лозим.

Раҳбарликнинг асосий ахлоқий қоидалари. Раҳбарликнинг асосий ахлоқий қоидаларига қуйидагилар киради:

- қўл остидагиларга ўргатиш ва улардан ҳам ўрганиш, «Ўргатиб, сабоқ бериб қўйиш»дан ўзни тийиш;
- одамларни ўзининг яхши ҳислатлари, ишдаги шахсий намунаси билан ортидан эргаштира билиш, яъни «мен қилгандай бажар» деган қоидани шиор қилиб иш кўриш;
- талаб қилиш, аммо таъкиб этмаслик;
- қўл остидагиларнинг таржимаи ҳолини, хулқидаги яхши ва ёмон томонларини, турмуш шароитини, оилавий аҳолини, дўст ва душманларини яхши билиш;
- муомалада камтар, содда, вазмин, дилкаш бўлиш, ортиқча расмиятчиликка, тўрачиликка йўл қўймаслик;
- ўзига бино қўйишдан, мақтанишдан сақланиш, халқимизнинг «камтарга камол, манманга завол» деган ўғитига амал қилиш;
- собитқадам бўлиш, аммо қайсар бўлмаслик, Қайсарлик - аҳмоқлик белгиси эканлигини теран англаш;

- заруратсиз танқид қилмаслик, танқиднинг мақсад эмас, восита эканлигини унутмаслик;

- хатосини тушуниб, уни тузатган одамни танқид қилмаслик, айниқса камчилигини юзига солмаслик;

- заруратсиз қўл остидагиларнинг қилаётган ишларига аралашмаслик;

- «бошлиқ хафа бўлмайди, у таҳлил қилади» деган ўғитга амал қилиш;

- ҳамма вақт қўл остидагиларига уларнинг яхши ишлари учун ташаккур айтиш;

- бегона одамлар олдида қўл остидагиларини танқид қилмаслик, уларга танбех бермаслик;

- гапириш, тинглаш, суҳбатлашишни билиш;

- ўзгалар хатосидан ўрганиш;

- ўзгаларнинг фикрларига қулоқ солиш;

- ёқмаган одамларнинг ҳам фикрларига, таклифларига эътибор бериш, уларни курслик билан қайтариб ташламаслик;

- иқтидорли хизматчилардан кўрқмаслик, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- ишхонадан чиққанда қаерда бўлишини ва ишхонага қачон қайтиб келишини айтиб кетиш;

- телефонда қисқа ва аниқ сўзлашиш, сирларни ошкор этмаслик;

- итоат қилишга ўрганиш;

- қўл остидагиларига топшириқ беришдан аввал уларнинг имконият ва қобилиятларини инобатга олиш;

- ўзини фақат ишдагина бошлиқ, хизматдан ташкарида жамоанинг тенг ҳуқуқли аъзоси деб ҳис қилиш;

- биринчи бўлиб саломлашишга ҳаракат қилиш;

-тушаётган маълумотларни обдон текширмасдан туриб хулоса чиқармаслик, миш-мишлар ҳамда ғийбатларнинг ишга ва раҳбар обрўсига катта зарар етказишини унутмаслик;

- ўзини мақтаётган одамга нисбатан хушёр бўлиш;

- қўл остидагиларнинг ҳам одам эканлигини, уларнинг ҳам оиласи, ёру-дўстлари борлигини унутмаслик;

- ишониш ва текшириб кўриш принципига амал қилиш ва ҳ.к.

Катта ва кичик ходимлар ўртасидаги муносабат қоидалари.

1. Катта ва кичик ходимлар ўзаро муносабатда қуйидаги қоидаларга риоя этишлари керак:

- ўзаро мулоқотда камтар, мулойим, босиқ, самимий бўлиш ҳамда ўз муносабатларини ўзаро ҳурмат, ишонч ва ҳамкорлик асосида ташкил этиш;

- ўз иш жойларида тинч ва ишчанлик муҳитини яратиш, телефонда аниқ, равшан ва қисқа сўзлашиш, давлат ва хизмат сирини ошкор қилмаслик;

- «сиз»лаб ҳамда «ўртоқ лейтенат», «ўртоқ генерал-майор» дея мурожаат қилиш;

- махсус унвонларни бузиб айтмаслик, тақиқланган сўзларни, лақаб ва номларни ишлатмаслик, қўполлик ва беодоблик қилмаслик;

- сафдан ташқарида ҳамда бир-бирларига мурожаат қилиш ва топшириқлар бериш чоғида қадни рост тутиш, топшириқ олганда «хўп бўлади» деб, уни бажаришга киришиш;

- бошлиқнинг, каттанинг хонасига кирганда рухсат сўраш ва харбийчасига саломлашиб ўзини таништириш, бунда ташриф сабабини тушунтириш, бошлиқ ўтиришга ижозат берса, ўтириш;

- қўлни кийим-кечак чўнтақларига тикиб юрмаслик, бошлиқнинг-каттанинг ҳузурида рухсатсиз чекмаслик ёхуд ўтирмаслик, шунингдек, махсус ажратилган жойлардан бошқа жойларда чекмаслик;

- жамоат транспортларида бўш жой бўлмаган тақдирда катталарга жой бериш, йўлда бемалол ўтиб кетиш мумкин бўлмаса, бошлиқларга (катталарга) салом бериб йўл бериш.

2. Бошлиқлар (катталар) билан суҳбатлашиш чоғида қуйидаги қоидаларга риоя этиш зарур:

- рухсатсиз суҳбатга аралашмаслик;

- ялпайиб, ёнбошлаб олмаслик, стулнинг суянчиғига осилиб, оёқларни чалкаштириб ўтирмаслик;

- кўлдаги буюмларни ўйнаб, кўлларни бошга тираб ёки тирсакни бошлиқнинг столига кўйиб ўтирмаслик;

- гапга аралашиб, латифалар айтиб, ҳазиллар, киноялар, қочириқлар қилиб, айниқса бақириб гапирмаслик.

3. Бўйсунувчилар (кичиклар) билан муносабатда кўйидаги одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш лозим:

- бошлиқларни (катталарни) ҳурмат қилиш, аммо тилёғламалик ва хушомадгўйлик қилмаслик;

- камтар бўлиш, аммо келишувчанлик қилмаслик;

- ташаббус кўрсатиш, аммо ўзбошимчалик қилмаслик;

- итоаткор бўлиш, аммо қонунга зид буйруқларни бажармаслик;

- ўз фикрини айтиш, асослаш бироқ бетгачопарлик қилмаслик.

Хизмат жамоаси ходимлари расмий муносабатларининг ахлоқий асослари. Хизматжамоалари ходимларининг расмий ахлоқий муносабатлари уч хил кўринишда бўлади.

1. *Катталарнинг кичикларга нисбатан расмий ахлоқий муносабатлари.* Бунда катта-кичикка:

- буйруқ беради, тайинлайди, кўрсатма беради;

- талаб қилади, таклиф этади;

- ўз олдига чақиради, келишини талаб қилади;

- рухсат беради, ҳужжат ёки таклифларни тасдиқлайди;

- ҳужжатлар ёки хатларни ижро учун юборади.

2. *Хизмат мансаблари ва махсус унвонлари тенг бўлган ходимларнинг ўзаро расмий ахлоқий муносабатлари.*

Бунда тенг-тенгга:

- ахборот беради, маълум қилади;

- кўрсатма ёки ёрдам беришни илтимос қилади;

- сўрайди, таклиф қилади;
- қўшилади, эътироз билдирмайди;
- тегишли ҳужжатларни юборади.

3. *Кичикларнинг катталарга нисбатан расмий ахлоқий муносабатлари.* Бунда кичик каттага:

- ахборот беради, расмий илтимос қилади;
- рухсат беришни ёки тавсия қилишни сўрайди;
- келишини сўрайди;
- бажаради ва бу ҳақда ахборот беради;
- тегишли ҳужжатларни тақдим этади.¹

Хизмат жамоаси ходимларининг телефон орқали сўзлашув одоби.

Хозирги кундаги энг муҳим алоқа воситаларвдан бири телефон ҳисобланади. Телефонларнинг икки хили, яъни хизмат жойида ва уйда фойдаланиладиганлари бўлади.

Хизмат телефонларвдан фойдаланганда, сўзлашув одобининг қуйидаги қоидаларига риоя қилмоқ керак:

1. Кунгирок эшитилиши билан унинг гўшагини кўтариб, хизматдаги вазифангизни, унвонингизни ва исми-шарифингизни айтишингиз керак. Масалан, «бўлим навбатчиси, капитан Қодиров эшитади» деб жавоб бериш керак.

2. Агар ўзингиз телефон қилган бўлсангиз, аввал салом беришингиз, сўнгра ўзингизни таништиришингиз лозим. Масалан, «Ассалому алайкум! Ўртоқ полковник, майор Пирматов мурожаат этаяпти» дейишингиз керак.

3. +ар икки ҳолда ҳам шошмасдан дона-дона қилиб гапириш, суҳбатни қисқа, аниқ ва тушунарли тарзда олиб бориш лозим.

¹ Шаранг: Ички ишлар идоралари ходимларининг хулқ-атвор маданияти юзасидан тавсиялар.-Т.:ИИВ, 1994.-13-б; Этикет и такт сотрудника милиции.-М.:Академия МВД, 1977.-С.23

4. Телефонда суҳбатдошнинг сўзларини диққат билан эшитиш, керакли маълумотларни ёзиб олиш керак. Бунда суҳбатдошнинг гапини асло бўлмаслик керак. Яхши маълумот учун ташаккур айтиб ҳайрлашмоқ лозим.

5. Телефонда хизмат фаолияти билан боғлиқ, бўлган сирлар ёки яқин кунлар ичида ўтказиладиган оператив тадбирлар тўғрисида гапирмаслик керак. Борди-ю бунга эҳтиёж сезилса, ҳеч ким тушунмайдиган махсус тилда гапириш керак.

6. Телефонда узоқ вақт гапланмаслик, уни банд қилиб турмаслик, айниқса хизмат телефонида шахсий мақсадларда кўп фойдаланмаслик, телефонлардан фойдаланиш ҳуқуқини суиистеъмол қилмаслик зарур.

7. +алқаро ва шаҳарлараро телефон алоқасидан фақат бошлиқларнинг рухсати билан фойдаланиш лозим.

8. Телефондан ғаразли мақсадларда, бировни алдаш, мазах қилиш, сўқиш, тухмат қилиш, ғийбат, чаклмчилик қилиш учун фойдаланмаслик керак.

9. Телефон рақамини ҳар кимга бериш тақиқланади.

10. Телефонда қариялар, болалар, аёллар билан суҳбатлашганда ниҳоятда эҳтиёткорлик ва камтарлик билан мулоқотда бўлмоқ керак. Умуман телефонда бақриб гаплашиш тақиқланади.

11. Телефон орқали олиб борилаётган суҳбатни тугатиш бошлиқ ёки каттанинг ихтиёрида эканлигини унутмаслик лозим.

12. Рация ёки уяли телефонлардан фойланганда ҳам мазкур қоидаларга амал қилиш керак.

Ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат жамоаларидаги ахлоқий-эстетик ва руҳий муҳитни яхшилашга хизмат қилувчи бир қатор одоб-ахлоқ қоидалари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. +ар бир ходим ишга ўз вақтида, кечикмасдан келиши ва иш жойидагилар билан очиқ чеҳра билан саломлашиши зарур. Хатто кайфияти бузилган бўлса

ҳам буни хизматдошларига сездирмаслиги, жиғибийрон бўлиб ўзгаларни ҳам безовта қилмаслиги керак.

2. Ишхонада хизматдошлар билан овозни пасайтириб, хушмуомалалик билан мулойим сўзлашиш, дағалликка йўл қўймаслик, ўзгаларнинг суҳбатига аралашмаслик, сўзларини хуфиёна тингламаслик, тасодифан эшитиб қолган сўзларни ўзгаларга етказмаслик, қолаверса, сабабсиз ўзгаларнинг бажараётган ишларига аралашмаслик лозим.

3. Хизматдошларнинг нарсалари - қалам, ручка, қоғоз, елим, ип-игна, хизмат учун зарур бўлган техника воситаларидан уларнинг рухсатсиз фойдаланиш одобдан эмас. Фақат сўраб фойдаланиш керак.

4. Маслахат сўраган хизматдошларга иложи бориша тўғри маслахат бериш, билганини сидқидилдан ўргатиш, тушунмаган жойларини тушунтириб бериш керак.

Хизматдошнинг ишдаги ёки феъл-атворидаги камчилиги учун унинг устидан асло кулмаслик, масхараламаслик лозим.

5. +ар бир ходим ҳар хил бекорчи ишлар билан ўзининг ҳам, қолаверса, бошқаларнинг ҳам вақтини зое кетказмаслиги, «вақт-олтин, уни тежаш керак» деган ўғитга амал қилиши зарур. Берилган ваъда устидан чиқиш лозим.

6. Бетоб бўлиб қолган хизматдошнинг ҳол-аҳволидан хабар олиш, улардан кўнгил сўраш, керак бўлса ёрдам бериш керак.

7. Дўстлар ёки хизматдошлар билан албатта театр, концерт, кинога ва бошқа кўнгилочар жойларга бориб буюриб туриш, хордиқ чиқаришнинг фаол усулларида фойдаланиш керак. Маҳаллада ўтказиладиган барча умумий тадбирларда албатта қатнашиш, иложи бўлса уларга бош-қош бўлиб туриш зарур.

8. +амкасбларнинг ютуқларидан қувониш керак. Бахиллик, чақимчилик, ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшаш керак.

«Касб одобномаси»да: «Шахсий муносабатларидан қатъий назар, ходимларнинг хизмат жараёнидаги ўзаро алоқалари Низом ва қўлланмаларда

белгиланган қоидалар асосида бўлиши шарт. Ўз ҳамкасбларини камситиш, шахсий ишларига аралаштириш ва улар ҳақида ҳар хил мишмишлар тарқатиш ман этилади.

Ички ишлар идораларининг ходимлари бошлиқларга хушомадгўйлик, лаганбардорлик қилмайди, уларнинг ва ўзининг обрў-иззатини сақлайди. Улар билан суҳбат чоғида фақатгина ишга тааллуқли масалалар хусусида сўз юритади. Бошқа ишлар ёки гапларга чалғитмайди. Ўзидан ёши, лавозими, унвони катталарнинг танқид ва танбеҳларини тўғри қабул қилиб, хато ва камчиликларини йўқотиш чораларини кўради. Асоссиз важ-корсонлар излаб, ўзини оқлашга уриниш ходимлар учун иллатдир»¹, - дейилган. Бу талабларни бажариш ҳар бир хизмат жамоаси аъзоларининг бурчидир.

3- ХИЗМАТ ЖАМОАЛАРИДАГИ АНЪАНА, УРФ ОДАТ, МАРОСИМ ВА БАЙРАМЛАРНИ ЎТКАЗИШНИНГ АХЛОҚИЙ ЭСТЕТИК АСОСЛАРИ

Ички ишлар идоралари ходимлари хизмат жамоаларининг кам бошқа меҳнат жамоаларида бўлгани каби ўзларига хос анъана, урф-одат, маросим ва касб байрамлари мавжуд.

«Анъана» арабча сўз бўлиб, узоқ замонлардан бери авлоддан-авлодга, оталардан болаларга ўтиб давом этиб келган урф-одатлар, қарашлар ва шу кабиларни қамраб олади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллик кунини ёки милиция ташкил топган кунни ки хизмат жамоасининг ташкил топган кунини, «Наврўз» халқ байрамларини нишонлаш анъана ҳисобланади.

Шу боис, ички ишлар идоралари ходимлари хизмат жамоаларининг анъаналари деб ходимларнинг онгида, ҳаётида, хизмат фаолиятида ўз ўрнини топган, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган такрорланадиган, жамоа томонидан қабул қилинган ахлоқий норма ва принциплар йиғиндисига айтилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси.-Т.:ИИВ, 1993.-6-б.

Урф-одат деб ички ишлар идоралари ходимларининг турмушига сингиб кетган, хизмат жамоаси аъзолари томонидан қабул қилинган, маълум муддатда такрорланиб турувчи хатти-ҳаракат, хулқ- атвор кўникмаоларининг мажмуасига айтилади.

Урф-одатлар удумлар ва расм-русумлардан ташкил топади. Масалан, кичикларнинг катталарга салом бериши, байрам арафасида беморларни, бева-бечораларни, қарияларни бориб кўриш ёки марҳумларнинг хотирасини ёд этиш азалий урф-одат ҳисобланади.

Маросимлар анъананинг бадийлашган, рамзий белгилар, образлар, мусиқа, кўшиқ, публицистик ва бадий сўз воситасида англашиладиган муайян ғоялар, ахлоқий нормалар шаклидаги кўринишидир.

Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, маросим анъананинг тантанали бадийлашган қисми бўлиб, оммавий ҳаракатлар йиғиндиси¹

Маросимларга, масалан, никоҳ: гувоҳномасини топшириш, фестиваль ва спорт мусобақаларининг очилиши, қасамёд қабул қилиш кабилар киради.

Хизмат маросимлари ва уларнинг тарбиявий ахамияти. Маросимлар харбий хизматчилар фаолиятида, шу жумладан, ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат жамоаларида «харбий маросим», «хизмат маросими» тарзида намоён бўлади.

Ички ишлар идоралари ходимлари хизмат жамоаларининг маросимлари деб бирон-бир байрамни ёки тантанани махсус низом ёки буйруқ билан олдиндан қатъий тарзда белгилаб қўйилган ахлоқ ва нафосат нормалари ва принциплари асосида ходимларнинг нозик хис-туйғуларини уйғотиб, уларнинг руҳиятини кўтарувчи, юқори даражада бадийлашган, рамзий белгилар, мусиқа, кўшиқ ва бадий сўзларнинг муштараклигини ифодалаш орқали нишонлаш учун бажариладиган муайян хатти-ҳаракатлар тизимига айтилади.

Хизмат маросимларига қуйидагилар киради:

- хорижий мамлакатлар давлат бошлиқларини кутиб олиш;

¹ Щаранг: /офур /. удумларда халқ шалди. - Т.: Ёш гвардия, 1986 - 9-6

- тантанали равишда қасамёд қабул қилиш;
- давлат мукофотларини топшириш;
- жанговор байроқни топшириш;
- урушда ёки хизмат вазифасини бажариш чоғида халок бўлганларнинг хотирасини ёдлаш;
- пенсияга кузатиб қўйиш;
- спорт мусобақаларини очиш;
- халок бўлганларни дафн этиш;
- олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тугатганларга диплом ва кўкрак нишонларини топшириш ва бошқалар.

Масалан, Харбий қасамёд қабул қилиш маросими куйидаги тартибда ўтказилади.

Харбий қисм Жанговар Байроқ олдида ва оркестр билан оддий аскарлар сафида курул билан тантанали кийим-бошда сафга тизилади. Қисм рота ёхуд взвод колонналари чизиғида саф тортади. Қисм командири қисқача нутқида харбий хизматчиларга Харбий қасамёднинг аҳамиятини ва ўз халқига содиқ бўлишга қасамёд қилганларнинг зиммасига юклатиладиган фахрли ва масъулиятли мажбуриятларни эслатади.

Харбий қасамёд қилувчи ҳар бир аскар бўлинма сафи олдида Харбий қасамёд матнини овоз чиқариб ўқийди. Қасамёд қабул қилиш тугаши билан харбий қисм командири шахсий таркибни Харбий қасамёд қабул қилганлиги муносабати билан табриклайди. Шундан сўнг оркестр Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини ижро этади ва харбий қисм тантанали марш юриб ўтади¹.

Худди шундай тартибни тингловчиларнинг Академияда ўқишни тугатиб диплом ва махсус унвонларни олиш маросимида ҳам кўриш мумкин.

¹ Шараф: Ўзбекистон республикаси Шўролли Кучларининг умум-арбий низомлари. Ички хизмат низоми -Т.: Ўзбекистон 1996-1997 - 167-б.

Хизмат маросимларини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ички ишлар идоралари ходимларини кўтаринки рухта, тантанали равишда ахлоқий ва эстетик жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг касб маданиятини шакллантиришдан иборат.

Хизмат маросимлари ички ишлар идоралари ходимларининг фаолиятида қуйидаги вазифаларни бажаради:

биринчидан, хизмат маросимлари ходимлар хизмат фаолиятини юқори даражада ғоявийлик белгилари асосида ифодалаб, унинг маънавий-ахлоқий хусусиятга эга эканлигини кўрсатиб туради;

иккинчидан, ходимларга юқори кўтаринки рух бахшида этиб, янгидан-янги ижодий меҳнатга чорлайди ва шу асосда ходимларнинг ахлоқий-касбий маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Учинчидан кишиларда байромана кайфият, ҳокимиятнинг кучига ишонч, ўз қакамёдига садоқат, инсонийлик, адолатпарварлик, она Ватанга муҳаббат туйғуларини тарбиялайди, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ходимларнинг қаҳрамона меҳнатларига нисбатан ҳурмат-ишончларини янада мустаҳкамлаш вазифасини бажаради.

Хизмат жамоаларининг маросимларини ўтказишда қуйидаги талабларни бажаришга алоҳида эътибор бериш зарур:

1. Маросим ўтказиладиган жой ниҳоятда тоза, озода бўлиши, ҳамма жиҳозлар, яъни пешлавҳалар, байроқлар суратлар, портетар юқори дид билан безатилган бўлиши, нишонланаётган тантана руҳига мос бўлиши керак. Безаклар содда ва ниҳоятда чиройли, тантана иштирокчиларига кўтаринки рух бағишлайдиган бўлиши, бачкана ўрин бўлмаслиги лозим.
2. Мароим қатнашчилари ҳарбий одоб қоидаларини амалда қўллай олишлари керак.
3. Маросим чоғида - давлат байроғини кўтариш, Дав лат мадҳиясини чалиш ёки қуйлаш катта масъулият билан амалга оширилиши керак. Уларга

нисбатан заррача ҳурматсизлик ёхуд эътиборсизлик қилишга йўл қўймаслик зарур.

4. Маросим чоғида ходимлар қўлларидаги қурол ва бошқа воситалар билан эҳтиёткорона муносабатда бўлиб, улардан фойдаланишда хавфизлик қоидаларига риоя қилишлари зарур.

Хизмат маросимлари ички ишлар идоралари ходимлари хизмат фаолиятининг юқори даражадаги ахлоқий-эстетик ифодаси эканлигини барча ёдда тутиши лозим.

Байрамлар ва уларнинг хизмат жамоаси ахлоқий-эстетик маданиятини шакллантиришдаги ўрни. Байрам- ҳаётдаги муҳим воқеа, санани кўтаринки руҳда ва хурсандчилик билан нишонлаш. Байрамлар неча хил бўлади? Бу саволга маданиятшунос олим У.Қорабоев байрамларни қуйидагича таснифлаш орқали жавоб беради:

- 1) табиат байрамлари-наврўз, Янги йил, Меҳржон;
- 2) меҳнат байрамлари-барча касб байрамлари;
- 3) маданият байрамлари-санъат, бадий спорт, кино, фольклор;
- 4) оилавий-хусусий байрамлар- туғилган кун, суннат, никоҳ, бешик, кумуш, олтин ва олмос тўйлари;
- 5) ижтимоий-сиёсий байрамлар- /алаба байрами, Мустақиллик куни, хотира куни, Хотин-қизлар куни;
- 6) диний байрамлар-Рўза ҳайити, Қуръон ҳайити ва бошқалар¹.

Байрамларни нишонлаш ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий-эстетик онгини шакллантиришда қуйидаги вазифаларни бажаради:

биринчидан, ходимларнинг хизматда эришган ютуқларини ифодалаб, уларнинг келгусида қиладиган ишлари учун чуқур маънавий-руҳий замин яратиш;

¹ Щаранг: Щорабаев У. Ўзбекистон байрамлари. - Т.: Ўшитувчи 1991 -70-б

иккинчидан, вақт ўтишининг бир хиллигини бузиб, унга янгича суръат бахш этиш;

учинчидан, ҳаётнинг энг яхши томонларини акс эттириб, одамларга сахийлик, мусаффо қалб, дилларга равшвнлик бахшида этиш;

тўртинчидан, одамларга кундалик иш, вазифа, бурч, ташвишларидан дам олиш, одобсизлик, ўғрилик, зўравонлик, фисқу фасод каби ярамас иллатлардан халос бўлиш имконини яратиш;

бешинчидан, тенглик ва тинчлик куни сифатида одамлар ўзаро ҳурмат, меҳрибонлик, ҳамжиҳатлик принципларининг қарор топишини амалга ошириш;

олтинчидан, кишиларда келажакка ишонч ҳосил қилиш ва ҳ.к.

Ўзбек халқининг байрамларини нишонлаш ички ишлар идораларининг ходимларига икки карра катта маъсулият юклайди.Биринчидан, улар ушбу байрамларда халқнинг тинч-осуда дам олишини, байрамнинг гўзал ва унутилмас даражада ўитшини таъминлаш учун тинмай хизмат қилишлари керак, иккинчидан, ўзлари ҳам байрам тантаналарида иштирок этиб, халқ билан бирга бўлишлари, уларга ўзларининг энг яхши ахлоқий хислатларини намоёйиш қилишлари керак.

Анъаналар, урф-одатлар, маросимлар, байрамларнинг барчаси ходимлар ўртасида ўзаро ҳурмат, олий ҳимматлик, ватанпарварлик каби бир қатор ахлоқий фазилатларни шакллантиришга, уларни она Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилиш учун сафарбар этишга қаратилган оммавий тарбиялаш воситалари жумласига киради.

Бу хусусда «Касб одобномаси»да: «ички ишлар идораларининг ходими ўз сафдошлари босиб утган қахрамонона ва ибратли йўларни эъзозлаб, уларнинг шонли анъаналарига ўз хиссасини қўшишга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва

милиция идоралари обрўсини мустахкамлашга, шунингдек, халқнинг чуқур ишончини қозонишга интилноғи даркор»¹

Жамоа тўғрисида жаҳонга машхур мутафаккирлар шундай деганлар:

Киши жамиятда яшаш учун яратилган; уни жамиятдан ажратиб, яккалаб қўйсангиз - фикрлари ҳам алмойи-алжойи бўлиб қолади, характери ёмонлашади, юрагида юзлаб норасо эҳтирослар тугилади, худди чўлда ўсган ёввойи тоғолча сингари миясида бемаъни гоялар томир ёяди (Д. Дидро).

Икки киши бир кишидан яхши, уч киши икки кишидан яхши, тўрт киши уч кишидан яхши, кўпчилик билан бирга бўлинглар. Тангри умматларимни фақат тўғри пулда боришликка бирлаштиради .(Хадис).

Инсон одамлар орасидагина одам бўла олади (И. Бехер).

Киши узлатда яшай олмайди, унга жамоа керак (И. Гёте).

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Жамоа деб нимага айтилади ва унинг қандай турларини биласиз?
2. Ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат жамоаси деб нимага айтилади? Унинг турлари ва асосий белгиларини кўрсатиб беринг.
3. Бошқаришнинг яккабошчилик принципи деганда нимани тушунасиз? Бошлиқлар ва бўйсунувчилар, катталар ва кичиклар деб кимларга айтилади?
4. Хизмат жамоасининг бошлиқлари қандай вазифани бажарадилар ва қандай ахлоқий қоидаларга таяниб иш кўрадилар?
5. Катта ва кичик ходимлар ўртасидаги мулоқот одобининг қоидаларига нималар киради?
6. Расмий муносабатларнинг ахлоқий асосларини гапириб беринг.
7. Телефонда сўзлашув одоби хақида нималарни биласиз?
8. Анъана, урф-одат, маросим деганда нималарни тушунасиз? Уларга хаётдан мисоллар келтиринг.

¹ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси Т.: ИИВ, 1993 - 4-б

9. Хизмат маросимлари деб нимага айтилади ва унга нималар киради?

10. Байрамлар ходимларнинг касб маданиятини шакллантиришда қандай аҳамият касб этади?

11. Алишер Навоий ҳазратларининг: «Тилга ихтиёрсиз - элга эътиборсиз» деган ҳикматли сўзи ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.

Меҳмон ва мезбон деганда кимларни тушунасиз? Меҳмондорчилик одоби тўғрисида билганларингизни айтиб беринг ва бу тўғрида ўртоқларингиз билан бахслашинг.

ХІ боб

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДА ЮЗ БЕРАДИГАН АХЛОҚИЙ НИЗОЛАР. АХЛОҚИЙ ТАНЛОВ ВА КАСБИЙ ТАВАККАЛЧИЛИК

1-§. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЮЗ БЕРАДИГАН АХЛОҚИЙ НИЗОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Ахлоқий низо, унинг турлари ва шакллари. Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий

Давлатни вужудга келтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари муайян қийинчиликлар билан кечиши табиий. Айниқса, давлат мулкининг якка ҳукмронлигига асосланган ижтимоий тузумдан, мулк шакллари хилма-хиллигига асосланган миллий демократик тузумга ўтиш даври кишиларимиз онгида ҳам муайян ўзгаришлар ҳосил қилиши, жумладан, уларнинг ахлоқий кадриятларга дойир қарашларида, ўзаро муносабатларида айрим зиддиятларни ахлоқий низоларини келтириб чиқариши мумкин.

Низо ўзаро келишмовчилик ёки қарама-қаршилик, душманлик, адоват орқасида туғилган ҳолат, муносабат, ихтилоф, нифокдир.

Ахлоқий низолар деб жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий ҳаётидаги ўзаро номутаносибликлар туфайли кишилар ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар, тушунмовчиликлар, кўрслик, тоқатсизлик, масъулият хиссининг парокандапик сари юз тутиши каби иллатларга айтилади.

Ахлоқий низоларнинг келиб чиқиш сабабларини билиш ва уларни бартараф этиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ва ички ишлар идоралари ходимларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ва умуман, ҳозирги кунда унинг иқтисодиёт, ахлоқ, ҳуқуқ, сиёсат ва маданият сохаларида бўлаётган зиддиятларни ва уларнинг натижасида келиб чиқувчи низоли ахлоқий ҳолатларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш вақтида ижтимоий ва хусусий мулк тарафдорлари ўртасида келиб чиқадиган зиддиятлар ҳамда шу зиддиятлар туфайли ижтимоий мулк эгаси билан хусусий мулк эгаси ўртасида юз берадиган низоли ахлоқий ҳолатлар;

2) мулкдорларнинг бозордаги ўзаро рақобатлари натижасида келиб чиқувчи зиддиятлар ва шу туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар;

3) ишлаб чиқарувчи, воситачи ҳамда истеъмолчилар уртасида юз берадиган зиддиятлар ва улар туфайли келиб чиқувчи низоли ахлоқий ҳолатлар;

4) бирон шахснинг рухий-маънавий дунёсида, ахлоқий ҳолатларида, оиласида, ички кечинмаларида, иш жойида, дўстларига бўлган муносабатларида юз берадиган зиддиятлар ва шулар туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар.

Мазкур зиддиятлар ва улар туфайли келиб чиқадиган ахлоқий низоларнинг олдини олиш ишлари бевосита ички ишлар идоралари ходимларининг зиммасига юклатилган бўлиб, уларни бартараф этиш милиция ходимларининг халқ олдидаги бурчи ҳисобланади.

Аҳоли билан ички ишлар идоралари ходимларининг ўртасида юз берадиган ахлоқий низоларнинг кўриниши қуйидагича:

1. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий ахлоқий бузилишлари, раҳбарлар томонидан яхши йўлга қўйилган назорат қилиш механизмларининг йўқлиги туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар. Буларга қуйидагилар киради:

- ҳар қандай йўллар, воситалар билан, хаттоки ҳужжатларни сохталаштириб бўлса ҳам, жиноятни очишга уриниш туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар;

- айбсизларни айбдор деб топиш, жиноят ишларини очишга жалб қилиш туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар;

- ғайриқонуний тарзда жиноят ишларини кўзгатиш туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар;

- фуқароларни ғайриқонуний тарзда жиноятчиликда айблаш, қамаш, ушлаб туриш туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар ва ҳ.к.

Буларнинг барчаси ўрнатилган қонунларнинг қўпол равишда бузилишига ва милиция ходимлари билан фуқаролар ўртасида ахлоқий низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

2. Ички ишлар идоралари ходимларининг жиноятларни қайд этиш ва ҳисобга олишда давлат интизомини бузишлари туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар. Буларга қуйидагилар киради:

- ғаразли мақсадларга эришиш ёки ҳудуддаги мавжуд ахволни бўяб кўрсатиш учун жинойтларни ҳисобга олмаслик туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар;

- жабрланувчини кўрқитиш орқали уни шикоят аризасини қайтариб олишга ундашга қаратилган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар;

-жабрланувчининг устидан иғво қилиш, унинг сирларини фош қилувчи ҳар хил ҳужжатларни ошкор қилиш билан кўрқитиш ва шу билан айбдорнинг устидан қилаётган арзини, гувоҳликларини хастпўшлаш оқибатида келиб чиқувчи ахлоқий низолар.

3. Ички ишлар идоралари ходимлари ахлоқий-эстетик маданиятининг етарли даражада ривожланмаганлиги туфайли содир бўладиган ахлоқий низолар. Буларга қуйидагилар киради:

- хизмат бурчига, ўз вазифаларига совуққонлик билан қараш, хизмат масъулиятини ҳис қилмаслик туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар;

- фуқароларга нисбатан ёки хизмат жамоалари аъзоларига нисбатан кўрслик қилиш, мансабларини суистеъмол қилиш туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар;

- касб сирларини билмасдан, қонунларни билмасдан, билса ҳам уларни менсимасдан андишасизлик билан одамларнинг тақдирига бефарқ қараш, уларнинг устидан кулиш, масхаралаш, уларни уриш, сўкиш, бақириш-чақириш ва ҳоказолар туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар.

Шу туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар милиция ходимларининг обрўсига путур етказди, уларнинг халқ ишончидан айрилишига ва халқдан ажралиб қолишига олиб келади.

4. Ички ишлар идоралари ходимларининг раҳбарлари томонидан кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қуйиш, ўқитиш ва таълим-тарбия бериш борасида йўл қўйилган камчиликлар туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар. Буларга қуйидагилар киради:

- ҳуқуқшунослик соҳасида маълумоти бўлмаган одамларни ишга олиш, уларни милиция фаолиятини таъминлайдиган муҳим соҳаларга ишга тайинлаш туфайли келиб чиқадиган ахлоқий низолар;

- раҳбарлик лавозимларига тайинлашда ходимларнинг ишни билишини, қобилиятларини ҳисобга олиш ўрнига таниш-билишларни, қариндошларни тайинлаш, маҳаллийчилик қилиш оқибатида келиб чиқадиган ахлоқий низолар;

- ўқитиш, малака ошириш, таълим-тарбия бериш ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, яъни мунтазам билим бермаслик, хужжатлар, буйруқлар, қарор ва фармонларни ўз вақтида барча ходимларга маълум қилмаслик, тарбия ишларидаги камчиликлардан кўз юмиш, ўз вақтида муносабат билдирмаслик, жазолаш ва рағбатлантириш методларидан нотўғри фойдаланиш туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар.

5. Ички ишлар вазирлиги ва идораларининг жойларда қонунлар ижросини таъминлаш, аҳоли тинчлигини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва тугатиш вазифаси юклатилган раҳбар ходимларининг худуддаги оператив вазиятни билмасликлари ёки ўнта бефарқ, қарашлари, баъзида жиноятчиликни келтириб чиқарувчилар билан келишувчиликлари туфайли юзага келувчи ахлоқий низолар. Уларга қуйидагилар киради:

- раҳбарларнинг тумандаги оператив вазиятни билиш учун зарур бўлган «махсус» усуллардан унумли фойдаланмасликлари туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар;

- раҳбарларнинг жиноятчи элементлардан кўркиш, ҳадиксираш туфайли уларга нисбатан кескин чоралар кўрмасликлари туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар;

- раҳбарларнинг иймон-эътиқоди суслиги туфайли жиноятчилар билан тил бириктириши, улар билан олди-берди қилишлари туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар;

- раҳбарларнинг ўз тинчлигини, мансабини, қолаверса, ўзининг ва қариндош-уруғларининг манфаати йўлида иш қилишлари туфайли келиб чиқувчи ахлоқий низолар ва ҳ.к.

Бу ахлоқий низолар ҳамма вақт раҳбар ходимларнинг обрўсига путур етказди, уларни халқ олдида шарманда қилади.

Ахлоқий низоларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш йўллари.

Ички ишлар идоралари ходимлари билан фуқаролар ўртасида юзага келадиган ахлоқий низоларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш йўллари куйидагилардан иборат:

1) ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятида кенг ошкораликни таъминлаш. Бу тўғрида И.А.Каримов: «Халқ билан бамаслаҳат иш кўрсак, ислоҳотларнинг бориши ва яқунларидан уларни доимо хабардор қилиб турсак, қийинчиликларни яширмасак, хаётимизнинг энг оғир жиҳатларини ҳам очик ошкор этсак, баён этсак, бундан биз асло ютқазмаймиз, аксинча, фақат ютамиз.

Ошкоралик ва очиклик бизнинг ҳар қадамимизни зимдан пойлаб юрган ғанимларимиз тарқатаётган турли миш-мишларга, бўхтон ва уйдирмаларга қарши зарба беради. Тирноқ остидан кир ахтариб юрадиган кимсаларга ҳам иш қолмайди.

Ошкоралик, фикр эркинлиги кундалик хаёт тарзимизга айланиши керак. +аётда ютуқлар билан бир қаторда кўп камчиликларимиз ҳам бор. Буюк мақсадларни ўз олдига қўйган одам, жамоа, халқ хатоларни очик бўйинга оладиган ва бартараф этиш чорасини кўра биладиган даражада жасур ва мард бўлиши шарт»¹

2) ички ишлар идоралари хизмат жамоаларидаги вазиятни, раҳбарларнинг иш услубларини, ташкилотчилик фаолиятини қайтадан таҳлил қилиб, ишни бошқатдан ташкил этиш, янги иш услубларини жорий қилиш;

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. - Т.: Ўзбекистон 1997 - 352-б.

3) ички ишлар идоралари ходимларининг иши юзасидан тушган шикоятларни тезлик билан текшириш ва унинг натижаларини хизмат жамоаси аъзолари ўртасида очиқ муҳокама қилиш ва айбдорларни жазолаш;

4) ходимларнинг малакасини ошириш ишларини тўғри ташкил этиш, янги фармон буйруқ, низом, қарорлардан милиция ходимларини ўз вақтида хабардор этиш, уларнинг моҳиятини тушунтириш, бунинг учун семинарлар ташкил этиш, уларнинг билимини синовдан ўтказиш;

5) таълим-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш, ходимларнинг хизматдаги ва хизматдан бўш вақтдаги хулқ-атворларини кузатиб, назорат қилиб туриш; ички ишлар идоралари ходимларининг турли хил меҳнат жамоалари, уюшмалар, партиялар билан алоқалар ўрнатишини таъминлаш, улардан жиноятчиликка қарши курашда, ҳуқуқий билимларни тарғиб ва ташвиқ этишда унумли фойдаланиш;

7) Миллий истиқлол мафқурасини шакллантириш, ходимларни жиноятчиликка нисбатан мурасасиз бўлиш, унга қажатқич зарба бериш руҳда тарбиялаш ишларини ташкил қилиш;

8) бирон сабабга кўра ёки ходимларнинг айби билан нотўғри айбланганлар, ушланганлар ёки қамалганлардан кечирим сўраш, уларнинг гуноҳсиз эканликларини халққа, маҳаллага маълум қилиш, халқ оммаси билан доимо мулоқотда бўлиш, уларнинг дарди ва қувончига шерик бўлиш.

2-§. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИДА АХЛОҚИЙ ТАНЛОВ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ахлоқий танлов ҳамда уни амалга оширишнинг объектив ва субъектив омиллари. Ҳар бир инсон ўзининг ҳаёти давомида ахлоқий эътиқодини, ҳислатларини амалда намоён қилиши зарур бўлган минглаб вазиятларга дуч келади. Шунда улар инсонийлик бурчи ва виждони, яхшилик ва ёмонлик

тўғрисидаги тасаввурлари, ахлоқий эътиқодларидан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилади ва шу асосда ҳаракат қилади, вазиятга аралашади ёки ўзини кўрмасликка солиб ўтиб кетади. Инсондаги бундай ахлоқий танлов унинг бутун умри мобайнида давом этади.

Ахлоқий танлов деб шахс, гуруҳ, жамоа, синф, давлат ёки жамиятнинг мавжуд имкониятлардан бирини ўз ақлий салоҳияти, диди, ахлоқий эътиқоди, кўзлаган мақсадига мувофиқ равишда амалга оширишга қаратилган фаолиятига айтилади.

Ахлоқий танлов инсон фаолиятининг ажралмас қисмларидан бири ҳисобланади. Чунки инсоннинг фаолияти ҳамма вақт мавжуд имкониятлардан бирини танлаш асосида амалга ошади. Ахлоқий танловнинг тузилиши оддий хатти-ҳаракатдан «ҳаётнинг мазмунигача»

бўлган томонларни ҳамда унинг субъекти бўлмиш шахс, гуруҳ, жамоа, синф, давлат ёки жамиятни ва унинг объекти бўлган ғоя ва қадриятларни танлаш, уларни амалга оширишда қўлланиладиган воситалар, услублар ва йўлларгача бўлган соҳаларни қамраб олади.

Ахлоқий танловни амалга ошириш кўпинча мавжуд воқеликка, унда инсоннинг тутган ўрнига боғлиқ бўлади. Ҳар бир инсон мавжуд шароитга ва ўз имкониятларига қараб ахлоқий танловни амалга оширади. Худди шу жойда ахлоқий танловнинг объектив ва субъектив омиллари яққол кўзга ташланади.

Ахлоқий танловнинг объектив омиллари деб уни амалга оширувчи субъектга боғлиқ, бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий шарт-шароитларга айтилади. Масалан, мавжуд ижтимоий-иқтисодий тузум, давлат, турли хил меҳнат жамоалари, жиноятчилар дунёси ва бошқалар шулар жумласига киради.

Ахлоқий танловнинг субъектив омиллари деб яққо шахс, гуруҳ, жамоа ёки жамиятнинг ахлоқий салоҳияти, эътиқоди, билимлари, хис-туйғулари, ишончлари йиғиндисига айтилади. Масалан, ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқ соҳасидаги билимлари, касбий бурчга садоқати, ахлоқий

салоҳияти, эътиқоди, ахлоқийлик ёки ахлоқсизликни ҳис қила олиш қобилиятлари, жиноятчиларга бўлган нафрат туйғуси ва бошқалар шулар жумласига киради.

Ҳар қандай ахлоқий танлов объектив шарт-шароитлар, жумладан, инсоннинг турмуш тарзи, ижтимоий муносабатларда тутган ўрни, умуминсоний маданият тизимидан ўрин олган ахлоқий қадриятлари билан чегараланган бўлади.

Ахлоқий танлов асосида эркинлик ва зарурият ётади. Маълумки, эркинлик англаб олинган заруриятдир. Зарурият эса нарса, ходиса, жараёнларнинг тараққиёти билан белгиланадиган, ички муҳим боғланишлар орқали қонуний келиб чиқадиган ва шунинг учун юз бериши муқаррар бўлган ходисадир. Шундай экан, инсон заруратни англаган ва ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилса, ўзини эркин ҳис қилади. Бу эса ахлоқий танловни эркин тарзда амалга оширишга олиб келади.

Эркин ахлоқий танлов деб инсоннинг ахлоқий заруратни англаган, билган ҳолда ҳаракат қилишига айтилади. Эркин ахлоқий танлов инсоннинг субъектив майлларидан эмас, балки жамиятнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Ҳақиқий ахлоқий танлов субъектив ва объектив томонларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган хатти-ҳаракатлардан иборат бўлади.

Ахлоқий танловни амалга оширишда мақсад ва восита бирлиги. Ахлоқий танловни амалга оширишда ахлоқий мақсад ва воситалар ўртасида диалектик алоқадорлик мавжуд. Мақсад воситани белгилайди, аммо уни оқламайди. Яъни муайян мақсадга эришиш учун зарур воситалар ана шу мақсаддан келиб чиқиб танланади. Аммо уларнинг қайси бирини танлаш субъектга боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир субъект ўз танлови учун масъулият ҳис қилиши керак. Яхши мақсадга ёмон усуллар билан бориш ҳеч қачон оқланмайди.

Ахлоқий танловдаги мақсад ва восита алоқадорлиги қуйидагиларда кўринади:

- аниқ мақсадларнинг мавжуд реал воситалар билан чекланганлиги

- ахлоқий баҳо бериш ва воситаларни танлашнинг конкретлиги (мавжуд шароитларни ҳисобга олмасдан воситаларни танлаш ва уларни амалда қўллаш субъективизмни, авантюризмни, догматизмни келтириб чиқаради).

- воситалар уларнинг ижтимоий, шу жумладан, ахлоқий аҳамияти, моҳияти бўйича таснифланиши зарур.

Мақсад воситани белгилайди, восита эса - мақсадни.

Ахлоқий мақсадга эришиш учун зарур воситалар хамиша уларни қўллаш туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни таҳлил қилиш асосида танланиши керак. Бунда воситалар: а) энг олий мақсад бўлган ижтимоий тараққиётни ҳисобга олган ҳолда танланиши ва қўлланиши керак; б) ижтимоий тараққиётга қандай машаққат эвазига эришилган бўлса, ахлоқий мақсадга ҳам шу даражада қийинчилик билан эришилади; в) восита нафақат субъектнинг моддий, жисмоний фаровонлигини, айни вақтда инсоннинг кадр-қиматини, субъектнинг ахлоқий онгани ўйлаб қўлланилиши, танланиши лозим.

Ички ишлар идораларининг ходимлари ахлоқий танлов чоғида мақсадни белгилаш ҳамда воситаларни танлаш ва қўллашда қуйидаги қоидаларга қатъий риоя қилишлари зарур:

1. Ички ишлар идоралари ходимлари турли хил одамлар билан бўладиган мулоқотларида ўзини ахлоқий жихатдан кўпроқ оқлаган воситалардан самарали фойдаланишлари, масалан, гумон қилинаётган шахснинг таржимаи ҳолини ўрганишлари керак.

2. Кўзланган мақсад ундан ҳам юксак бўлган бошқа мақсадга раҳна солмаслиги керак. Масалан, ҳуқуқбузарни маъмурий жазолаш учун тўпланган далиллар уни озодликдан маҳрум қилиш учун эмас, балки тарбиялаш учун ишлатилиши керак.

3. Мақсад ва воситаларни танлашда ва қўллашда улчовни унутмаслик керак: битта мақсад учун битта воситани ишлатиш зарур.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий эркинликлари қуйидаги асосий жихатлардан ташкил топган:

1. Ички ишлар идоралари ходимларининг ўз ҳаётларининг мазмунини ташкил этувчи олий мақсадларини белгилаб олишлари. Инсон фаровонлигини таъминлаш ҳамisha юксак ахлоқий мақсад бўлиб келган. Ўнга эришиш учун доимо инсонпарварлик мазмунига эга бўлган воситалар қўлланилган.

2. Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш шароитида ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий танлови, уни амалга оширишнинг мақсад ва воситалари бир-бирига *уйғун* бўлиши, ҳар бир фуқаронинг ўзида мужассам бўлган барча инсоний ҳислатларини намоён қилишлари учун имкониятларни яратиб бериш.

Иймон-эътиқодли, ҳалол ва виждонли бўлиш. Эркин ахлоқий танловни амалга оширишнинг муҳим томонини унинг амалий фаолияти ташкил этади. Амалий фаолият ахлоқий танловни амалга оширишнинг ташқи кўринишидир.

Ички ишлар идораларининг ходимлари ахлоқий танловни амалга ошириш чоғида қуйидаги асосий ахлоқий талабларга риоя қилишлари керак:

- жиноятчиликка қарши кураш чоғида ўзининг ғоявий принципларидан, касб бурчининг талабларидан воз кечмаслик;

- қонунни, ўрнатилган тартибни, ахлоқ қоидаларини бузишнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан мурасасиз бўлиш;

- касб бурчини юқори даражадаги ахлоқий талаб деб билган ҳолда сад оқат билан бажариш;

- ўз буларчиликка, бефаркликка, сансалорликка, шош-ма-шошарликка йўл қўймаслик;

- одамларнинг тақдирига бефарқ қарамаслик ва фуқароларга нисбатан мулозаматли бўлиш ва х.,к.

И. А. Каримов: «Бугун ҳаёт, давр тараққиёти кадрлар танлови, уларнинг тарбияси ва билим-малакасини ошириш, савиясини юксалтириш борасида

замонавий услубларни қўллашни тақозо этмоқда»¹, - деб ҳақ сўзни гапирган эди.

3-§. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИДАГИ ПРОФЕССИОНАЛ ТАВАККАЛЧИЛИК ВА УНИНГ ТИПОЛОГИЯСИ

Профессионал таваккалчилик ва уни амалга ошириш принциплари.

Таваккал деб узоқ мулоҳаза қилиб ўтирмай, нима бўлса булар, ё остидан, ё устидан зайлида қилинадиган хатти-ҳаракатларга айтилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда ички ишлар идораларининг профессионал таваккалчилигига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Ички ишлар идоралари ходимларининг профессионал таваккалчилиги деб ҳавфли, ўта қийин шароитларда кўзлаган мақсадга эришиш учун ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, қилаётган ишининг қандай оқибатлар билан тугашини, атрофдагиларга қандай таъсир этказишини тўлиқ, ҳисобга олмаган ҳолда, узоқ, мулоҳаза қилиб ўтирмасдан қилинган хатти-ҳаракатларга айтилади.

Таваккалчилик асосланган ва асосланмаган бўлади. А с о с л а н г а н таваккалчиликка ноаниқ шароитлардаги оптимал фаолият кирса, а с о с л а н м а г а н таваккалчиликка умуман ҳаракат қилмаслик, ҳамма нарсани ўз ҳолига ташлаб қўйиш киради.

Ички ишлар идоралари ходимларининг профессионал таваккалчилиги ҳуқуқий жиҳатдан асосланган ёки асосланмаган бўлиши мумкин.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий жиҳатдан асосланган профессионал таваккалчилиги қуйидаги принципларга асосланади:

1) профессионал таваккалчиликнинг қонун ҳужжатларига ҳеч қачон зид келмаслиги;

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби Т. 5. - Т.: Ўзбекистон 1997 - 356-б

2) профессионал таваккалчиликда бажарилаётган ишнинг миқдоригина эмас, балки унинг оқибатида келиб чиқадиган сифати ҳам ҳисобга олиниши кераклиги;

3) профессионал таваккалчиликдан кўзланаётган ижобий натижалар салмоғининг, у келтириб чиқарадиган салбий натижалардан устун бўлиши.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий жиҳатдан асосланган профессионал таваккалчилиги бирон бир салбий оқибатни келтириб чиқарган бўлса ҳам, уни содир этган ички ишлар идораларининг ходими маъмурий ёки ҳуқуқий жиҳатдан жазоланмаслиги керак.

Профессионал таваккалчилик турлари ва шакллари. Ички ишлар идоралари ходимлари профессионал таваккалчилигининг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

Ички ишлар идоралари ходимларининг топшириқларни бажаришда яхши ижтимоий натижаларга эришиш учун бутун масъулиятни чин дилдан ҳис қилган ҳолда ўзини оқлайдиган хатти-ҳаракатларини ўз ичига олган таваккалчилиги. Бундай таваккалчиликка ички ишлар идораларининг иродаси касбий бурч талабларига мос келувчи ходимларининг таваккалчилиги киради.

2. «Хавф ҳиссини» сезган, уни ҳеч қандай хатти-ҳаракатлар қилмасдан ўтиб туриш, ўтказиб юбориш позициясида туриб иш тутувчи, ўзини оқламайдиган хатти-ҳаракатларни камраб олувчи асосланмаган таваккалчилик. Буларга вазиятни билмайдиган, шароитни ўрганмайдиган, ўзининг кучларига, қобилиятига ҳаддан ташқари ишонувчан ички ишлар идоралари ходимларининг таваккалчиликлари киради. Жиноятни очиш чоғида бундай ходимлар таваккалчилигига қонунларни тенглаштириш, гумон қилинувчига нисбатан куч ишлатиш, унинг шахсий қадр-қимматини ерга уриш, камситиш асосида иш кўриб, «мақсад воситани оқлайди»шиори остида ишлайдиган ходимларнинг профессионал таваккалчилиги киради.

Ички ишлар идоралари ходимлари жиноятчиликка қарши кураш чоғида, айниқса жиноятчини ушлаш, уюшган гуруҳларни фoш этиш, жиноятчини

қуролсизлантириш, жамоат тартибини сақлаш, оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш вақтларида таваккал билан иш қуришга мажбур бўдилар. Бундай шароитлардан келиб чиқувчи таваккалчиликларнинг қуйидаги шакллари кўриш мумкин:

1. Оператив тадбирларни ўтказиш вақтида қонунларни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузиш туфайли содир бўладиган таваккалчилик. Масалан, жиноятчини қидириш ва ушлаш тадбири ўтказилаётган вақтда, ўзининг ташкл кийими, ташқи кўриниши, юз тузилиши ва бошқа кўрсаткичлари бўйича қидирилаётган жиноятчига ўхшаб кетадиган одамлар ушланиши мумкин. Улар вақтинчалик ушлаб турилиши, текшириб кўрилиши мумкин. Булар ҳам таваккалчилик оқибатига киради. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Аммо у кейинчалик қонуний хал қилинади.

2. Қурол-яроқларни ишлатиш вақтида содир этиладиган таваккалчилик. Ички ишлар идоралари ходимлари ўзларининг хизмат вазифаларини бажариш вақтида зарурий мудофаа чегарасидан чиқишга мажбур бўдилар ва қуролни ишга соладилар, аммо унинг оқибати нима билан тугашини билмай қоладилар. Бу ҳам профессионал таваккалчилик шаклига киради.

3. Тушаётган ҳар хил маълумотларни баҳолашда йўл қуйиладиган ҳатолар туфайли содир этиладиган, объектив мазмунга эга бўлмаган таваккалчилик. Бир қанча «улик» (асосланмаган) тусмоллар мавжуд, бунга жиноятчилар томонидан чалғитувчи информацияларнинг тарқатилиши ҳам қўшилиб кетиши оқибатида, мавжуд жиноятни тезлик билан очишда милиция ходимлари хатога йўл қўйишлари мумкин. Бундай таваккалчиликни оқлаб бўлмайди, у маънавий-ахлоқий жихатдан ички ишлар идораларининг обрўсига катта салбий таъсир ўтказиши мумкин.

4. Қонунларда ҳали ўз ифодасини топмаган жиноятларга қарши кураш чоғида қўлланиладиган таваккалчилик. Масалан, иқтисодий жиноятчилик тури бўлган сохта банкротликка қарши кураш, фуқароларни қўл сифатида ёллаб ишлатиш

ва хоказоларга қарши кураш ёки жиноятчилар ичига кириб ишлаш кабилар шулар жумласига киради.

Шуни унутмаслиги керакки, ички ишлар идоралари ходимларининг профессионал таваккалчилиги ҳамма вақт мумкин қадар ҳуқуқий жиҳатдан асосланган таваккалчилик бўлиши керак.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Ахлоқий низо деб нимага айтилади?
2. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида қандай зиддиятлар келиб чиқиши мумкин?
3. Ички ишлар идоралари ходимлари билан аҳоли ўртасида ва ўзаро юзага келадиган ахлоқий низоларнинг кўринишлари тўғрисида гапириб беринг.
4. Ахлоқий низоларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақда ўз фикрингизни билдиринг.
Ахлоқий танлов деб нимага айтилади ва уни амалга оширишнинг қандай талаблари мавжуд?
6. Профессионал таваккалчилик деганда нимани тушунасиш?
Таваккалчиликнинг тур ва шакллари айтиб беринг, касб таваккалчилигининг ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида тутган ўрни тўғрисида суҳбатлашинг.

XII боб

ЖИНОЯТЧИЛИК ДУНЁСИНING АХЛОҚИ ВА «ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИ» УЛАРНИ БИЛИШНИING ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ УЧУН А+АМИЯТИ

1-§. ЖИНОЯТЧИЛИК ДУНЁСИНING ТАРКИБИ ВА

УЛАРДА АМАЛ ҚИЛУВЧИ ҚОНУНЛАРНИНГ АХЛОҚИЙ МАЗМУНИ

Ҳар қандай жамиятнинг ҳаёт фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, бир томондан, мазкур жамият томонидан ўрнатилган қонунларга, умуминсоний ахлоқ нормалари ва принципларига амал қилиб эркин яшаётган одамларни, иккинчи томондан эса, ўрнатилган тартиб, қонун-қоида, ахлоқ нормаларига зид ҳатти-ҳаракатлар қилган ҳолда ижтимоий жиҳатдан хавфли, айбли қилмишлар содир этиб яшаётган шахсларни кўрамыз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасида : «Ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади.

Ушбу Кодекс билан кўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфни келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади»¹ , деб жиноят тушунчасига таъриф берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда жиноятчилар дунёсига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Жиноятчилар дунёси деб давлатнинг ижтимоий тузумига, унинг сиёсий ва иқтисодий тизимларига, ўрнатилган ҳуқуқий-тартибга, шунингдек, мулкка, шахсга, фуқароларнинг сиёсий, меҳнат, мулкӣ ва бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига қарши мунтазам равишда айбли ижтимоий хавфли ҳаракат ва ҳаракатсизликларни содир этиб яшовчи кишиларнинг турмуш тарзига айтилади.

Халқаро криминалистлар иттифокининг 1897 йидца Гейдельбергда бўлиб ўтган қурултойида жиноятчилар оламини қуйидагича таснифлаш тўғрисида келишиб олинган эди:

- 1) вақти-вақти билан, тасодифан жиноят қилиб турувчи жинбятчилар;

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. - Т.: Адолат.

2) бир неча маротаба жинойтлар содир этиб, жинойтчилик сари оғиб кетаётган жинойтчилар;

3) жинойт қилишни ўзига касб қилиб олган профессионал жинойтчилар.

Ҳозирги замон жинойтчилар дунёсининг таркибий тузилишини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг бир неча тоифага бўлинганлигини ва ҳар бир тоифадаги жинойтчиларнинг ўзига хос ички ва ташқи турмуш тарзи, унда амал қилувчи қандайдир қонунлар ва ахлоқ, хулқ-атвор нормалари борлигини, уларнинг барчаси ўзининг мазмун-моҳияти билан жинойтчилар дунёсини такомиллаштиришга қаратилганлигини кўрамиз.

Жинойтчилар дунёсининг ахлоқи ва эстетик маданияти деганда, энг аввало, уларнинг умуминсоний ахлоққа зид бўлган иллатлар жумласига кирувчи ёзилмаган хулқ нормалари, кўрсатмалар, тил (жаргон), сулукат, кўшиқ, мусиқа, татуировкалари киради. Буларни билмасдан туриб, жинойтчилар дунёсида бўлаётган ўзгаришларни билиш ва уларга қарши самарали курашиш мумкин эмас.

Ҳозирги кунда жинойтчилар дунёси қуйидаги тоифалардан ташкил топган:

- 1) «қонундаги ўғрилар» (ворў в законе);
- 2) «авторитетлар» (обрўлилар);
- 3) «ишбилармонлар» (дельцў);
- 4) «қиморбозлар» (катали);
- 5) «шестеркалар» (тилёғламачи);
- 6) «мужиклар» (эркаклар);
- 7) «пацанлар» (болалар, йигитчалар);
- 8) «шўрпешоналар» ва «пасткашлар» (обиженнўе и опукеннўе).

Улардан дастлабки бештаси жинойтчилар дунёсининг ўзагини ташкил қилувчи профессионал жинойтчилар гуруҳларига киради.

«Қонундаги ўғрилар». Жинойтчилар дунёсининг «олий табақаси»га кирувчи бу тоифадаги жинойтчиларни ўзининг оғир ва ўта-оғир жинойтлари билан камида 2-3 маротаба қамалиб чиққан, жазони ўташ жойларида 13-15 йилаб ўтирган, жинойтчилар дунёсининг барча ахлоқий қонун-қоидаларини пухта

ўзлаштириб олган, жиноятчилар дунёсида обрў-эътиборга сазовар бўлган ҳамда ўғриларнинг маҳсус йиғинларида ушбу «олий унвонни» олган профессионал жиноятчилар ташкил қилади.

«Қонундаги ўғрилар»га қўйиладиган асосий ахлоқий талаблар фўйидагилардан иборат:

- «ўғрилар ғоя»сига чексиз содиқлик;
- жиноят қилишда тажриба ва катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиш;
- ўғриларнинг «қонунлари»ни пухта билиш;
- «обрўсизлантирадиган» (армияда хизмат қилганлиги, партияга аъзо бўлганлиги, давлат мукофотлари орден ва медаллар билан тақдирланганлиги хақидаги) маълумотларнинг бўлмаслиги;
- жиноятчилар дунёсида нуфузга эга бўлганлардан оғзаки ёки ёзма тавсияноманинг бўлиши.

+аётнинг ўзгариши билан «қонундаги ўғрилар»нинг турмуш тарзи, уларга қўйиладиган талаблар ҳам ўзгариб боради. +озирги кунда мавжуд бўлган «қонундаги ўғрилар» 50-йиллардагиларидан қўйидаги жихатлари билан фарқ қилади: биринчидан, жиноятни бевосита ўзлари эмас, балки бошқаларнинг («пехота»ларнинг) ёрдамида амалга ошириши; иккинчидан, катта ташкилий ишларни бажариш, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва маъмурий органлар билан алоқа ўрнатиб ишни узларининг фойдасига ҳал қилиш билан шуғулланиши; учинчидан, бевосита ўғрилик билан эмас балки рэкет, кимор ўйини, гиёвандлик билан шуғулланишлари.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда «қонундаги ўғрилар»нинг икки тоифасини, яъни эски ўғричилик анъаналарига содиқ қолиб, уларнинг қонунларини қатъий равишда амалга ошираётган «нэпман ўғрилар» ҳамда эски қонун-қойдаларни замонга мослаб ўзгартирган «янги ўғрилар»ни кузатиш мумкин.

«Янги ўғрилар»нинг қамоқда ўтирган бўлиши шарт эмас, улар катта пул эвазига «қонундаги ўғри» рутбаси (титули)ни сотиб олиб, эски «нэпман

ўғрилар»га қарши кураш олиб борадилар. Бу кураш кўпинча бир-бирларини жисмоний йўқ қилиш билан тугалланади.

Умуман олганда, «қонундаги уфилар» қуйидаги ахлоқий ёмонликларни бажарадилар:

- жиноятчилар турмуш тарзини, уфилик «ахлоқи», хулқ-атвори қонун-қоидаларини тарғиб қилиш, ўз сафларини уфиларнинг урф-одатларини яхши эгаллаб олган ёшлар билан тўлдириш;

- бошқа уюшган жиноятчи гуруҳлар билан алоқа ўрнатиш, битим тузиш, уларга ўзларининг таъсирини ўтказиш ҳамда янги хулқ нормаларини ишлаб чиқиш ва жиноятчилар дунёсига татбиқ этиш;

- умумий пул жамғармасини ташкил этиш ва уни мунтазам равишда тўлдириб бориш;

- уфилар, фирибгарлар ва бошқа текинтомоқларни топиш ҳамда уларнинг устидан ўз назоратларини ўрнатиш;

- қималган ўғриларга, уларнинг оиласига моддий ёрдам кўрсатиш;

- ўғриларнинг йиғинини чақириш ва унда кўриладиган масалаларни белгилаб олиш (ўғрилар йиғини *ўғрилар* ҳаётининг муҳим масалаларини, масалан, пул жамғармасини ташкил этиш, уни тўлдириш, сотқинларни йўқ қилиш, ҳар хил низоларни ҳал қилиш каби масалалар бўйича кўпчилик томонидан «демократик» асосда қарор қабул қиладиган кенгаш ҳисобланади);

- жиноят қидирув ходимларига қарши иш олиб бориш, ўзга жиноятчи гуруҳлар томонидан тарқатилаётган гап-сўзларни текшириб кўриш, жиноятчилар бошлиқларининг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш;

- жиноятчилар ўртасида вужудга келган низоларни, зиддиятларни ҳал этиш, уларнинг ахлоқ нормаларига, қонунларига мос келмаган хатти-ҳаракатларни содир этганларни суд қилиш, қилмишига яраша жазок чораларини белгилаш ижро этилишини назорат қилиш ва ҳ.к.

+удди шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида қамоқ жазосини ўтаётган «қонундаги ўғрилар» қуйидаги ахлоқий ёмонликларни бажарадилар:

- ўзига рутбаси тўғри келадиган ёки ўғриларнинг олий табақасига мансуб ёки шуларга яқин бўлган жинойтчилар билан алоқа қилиш;

- ЖИЭМда бажарадиган ғайриинсоний, ахлоққа зид ишларни бевосита ўзи эмас, балки хизматкорлари «тилёғламачилар», уларнинг қилган гуноҳини ўзига олувчи «балогардонлар» («громоотводлар»), жазолаш ишларини бажарадиган «бўқалар» («бўки»), «солдатлар» орқали амалга ошириш;

- ташқи дунё билан махфий йўллар орқали алоқада бўлиш, яъни ҳар хил товарлар, озиқ-овқат, пул кабиларни олиб туришни таъминлаш;

- қамоқдаги назоратчилар устидан ҳар хил иғво гапларни тарқатувчи гуруҳга раҳбарлик қилиш, қонунларни бузиб талқин этиш каби тарғибот-ташвиқот ишларини уюштириш;

- камерада, ошхонада, ётоқда, хаммомда ўзига ёққан жойни зўрлик билан эгаллаш;

- ЖИЭМ раҳбарларининг, ходимларининг хатоларини, ишдаги камчиликларини топиш ва улардан бузғунчилик, иғво мақсадларида унумли фойдаланиш;

- кийин ишларни бажармаслик, енгил ишлар бригадирлик, сартарошлик каби ишлар билан шугулланиш;

- ЖИЭМ ходимлари ва харбий хизматчилар орасидан гайриконуний иш килувчиларни топиш ва улар билан алоқа урнатиш;

белгиланган шаклдаги кийим-бошлардан ажралиб турувчи кийим кийиш, хар хил маиший хожат предметларига эга булиш ва х-к.¹

«Авторитетлар». Булар жинойтчи унсурлар ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлган профессионал жинойтчилар ҳисобланиб, «қонундаги ўғрилар»дан кейин турувчи тоифани ташкил қилади.

¹ Щаранг: Гуров А.И. Профессиональная преступность: прошлое и современность - М.: Юрил. лит., 1990-С. 175-176-б

Бу тоифадаги жиноятчилар ҳам икки гуруҳга ажралади. Биринчи гуруҳдагиларга «қонундаги ўғриларга» яқин бўлган, улар билан бевосита боғланган «авторитетлар» кирса; иккинчи гуруҳдагиларга ўзларининг моддий имкониятларига кўра мустақил бўлган «авторитетлар» киради. Бу «авторитетлар»нинг ўз одамлари, кўрикчилари, маслаҳатчилари бўлади. Бундай «авторитетлар» одатда қаллоб, тамагир бўладилар ва улар билан «қонундаги ўғрилар» ҳисоблашишга, келишишга мажбур бўладилар.

«Авторитетлар» «қонундаги ўғрилар» амал қиладиган ахлоқий қоидаларни, бурч ва вазифаларни деярли бажарсалар-да, бироқ баъзи жихатлари билан фарқ қиладилар. «Авторитетлар» ўғрилар йиғинини чақиришга, озодликдан маҳрум этилган жойларда умумий пул жамғармасини ташкил этишга ёки ташкил этилган «касса»даги маблағларни сарфлашга, ўғрилар йиғинида ҳал қилувчи овоз билан қатнашишга, «қонундаги ўғрилар» ваколатларидан фойдаланиб, ҳар хил қарорлар қабул қилишга, судялик функциясини бажаришга ҳақли эмаслар.

«Ишбилармонлар» ва «цеховиклар»: Бу гуруҳдагиларга иқтисод ва хужалик юритишда жиноят содир этганлар киради. «Ишбилармонлар»га олибсотарлар, мансабдор жиноятчилар, «валютачилар» кирса, «цеховиклар»га хусусий тадбиркорлик билан яширинча, давлат ҳисобидан ўтмаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарувчи жиноятчилар киради. Нима бўлганда ҳам маҳсулотни ишлаб чиқариш ва тезликда сотиб катта фонда олиш уларнинг асосий қонуни ҳисобланади.

«Қиморбозлар». Булар қимор ўйинлари билан шуғулланувчи профессионал жиноятчилар бўлиб, бу тоифадаги жиноятчилар фирибгарлар фаолиятининг давочилари сифатида келиб чиққан. Уларнинг асосий вазифаларидан бири жиноятчилар дунёсининг пул жамғармаларини тўлдириш ҳисобланади.

«Тилёғламачилар». Булар жиноятчилар дунёсининг энг пастки табақасига мансуб бўлган жиноятчилар жумласига кириб, ўғрилар бошлиқларининг хизматкорлари вазифасини бажарадилар, яъни уларнинг ҳар хил

топшириқларини бажарувчи майда жиноятчилар ҳисоблана-дилар. «Тилёғламачи» масалан, чақимчилик, воситачилик, алоқачилик, пул маблағларини йиғиш каби вазифаларни бажаради. «Тилёғламачилар» озодликда бўлганида, ўзлари жиноятчи гуруҳларга бошчилик қилиши, ўз одамларига эга бўлиши мумкин, бироқ «авторитет»га қатъиян бўйсунган ҳолда иш кўради, қамокхоналарда эса хизматкорлик вазифасини ўтайди.

«Мужиклар» ва «пацанлар». «Мужиклар» асосан хўжалик жинояти бўйича озодликдан маҳрум қилинганлар бўлиб, улар асосан яхши ишлайдилар, кун тартибини бажарувчан, маъмурият билан яхши муносабатда бўлиб, «қонундаги уфилар» билан алоқасини узиб, тезликда озодликка чиқишга ҳаракат қиладилар. Яна шуни алоҳида қайд қилиш керакки, қаттиқ, алоҳида режимдаги турмада ўтирган «мужиклар» ўзларининг қадри-шаънини химоя қилиш учун бирлашиб олиб «қонундаги ўғрилар»га ва уларнинг гумашталарига қарши курашадилар. Улар ўзларини «бандитлар» деб атаган ҳодда «қонундаги ўғрилар»нинг етакчиларини топиб, кўпчилик олдида номусига тегиш бесоқолбозлик қилиш орқали «қонундаги ўғрилар»ни шарманда қилиб обрўини тушурадилар.

«Пацанлар» қароқчилиги, ўғрилиги учун озодликдан маҳрум қилинган ёш жиноятчилар бўлиб, улар асосан жиноятчилар дунёсида яхши обрўга эга бўлиш учун «қонундаги ўғри»ларга якин бўлишга, улар ўрнатган ахлоқ қоидаларини бажаришга ҳаракат қиладилар.

«Қонундаги ўғрилларни қўллаб-қувватловчиларнинг ахлоқ нормаларидаги хусусиятларга қуйидагилар киради:

- озодликдан маҳрум этилганлар орасида мустақил бўлиш, яъни ҳеч кимга бўйсунмаслик, уларнинг ахлоқий қоидаларини бажариш;
- ўз ҳақ-ҳуқуқларини бошқа жиноятчи гуруҳлар поймол қилсалар, уларнинг устидан «қонундаги ўғри»ларга арз қилиш;
- жамоат жойларини супуриб-сидириш, тозалаш ишларидан бош тортиш;

- тақиқланган предметларга эга бўлишга ҳаракат қилиш ва х.к.

«Шўрпешоналар» ва «пасткашлар». Буларга бесоқолбозлар, бачабозлар, балоғат ёшига етмаганларни зўрлаб номусига текканлар ва шу қилмишлари учун озодликдан маҳрум этилиб, қамоқда ўтирганлар қиради. Улар одатда ана шу қилмишлари учун қамоқлонадаги ўғри-жиноятчиларнинг ҳам тегишди жазосига дучор бўладилар, яъни зўрланадилар. Бундайлардан кўпчилик жиноятчилар ҳазар қиладилар.

Ўғрилар чўнтаккесарлар, уй ўғрилари, дўкон ўғрилари, автомобиль ўғрилари, антиквариат ўғрилари каби бир неча гуруҳларга бўлинадилар.

Фирибгарлар эса шулерлардан, фолбинлардан, «қўғир-чокбоз»лардан, ёлғончи олиб-сотарлардан ташкил топади ва уларнинг ҳар бир тоифасининг ўзига хос ахлоқий қонунлари бўлади.

Жиноятчилар дунёсидаги қонунлар бирон жойда ёзилган, тасдиқланган- ёки рўйхатдан ўтган бўлмайди. Шунинг учун ҳам уларни қонун деб ҳисоблаш мумкин эмас, уларни фақат жиноятчиларнинг «ахлоқ, қоидалари» деб аташ мумкин.

2-§. ПРОФЕССИОНАЛ ЖИНОЯТЧИЛАРНИНГ АХЛОҚИЙ ЁМОНЛИК ҚОНУНЛАРИ

Профессионал жиноятчилар деб ўз ҳаётларида бир неча марта айбли ижтимоий хавфли қилмишлар қилиб муайян билим ва тажриба тўплаган ва фақат жиноят содир этиш туфайли қўлга киритилган моддий неъматлар эвазига яшашни касб қилиб олган кишиларга айтилади.

Профессионал жиноятчилар ахлоқининг моҳияти ва хусусиятлари уларнинг ахлоқий ёмонлик қонунларида ўз ифодасини топган.

Жиноятчилар дунёсининг ахлоқий ёмонлик қонунларига қуйидагилар қиради:

+ар бир жиноятчининг, жиноятчилар гуруҳи аъзоларининг асосий вазифаси, бурчи «ўғрилар зояси»га садоқат билан хизмат қилишидир. Ушбу қонун ҳар бир жиноятчидан а) жиноят содир этиш ҳаётининг бош мақсадини ташкил этишини; б) тўплаган маблағларини ўғриларнинг умумий пул маблағлари жамғармасига топширишни, ошиқчасини эса ҳар хил кўнгил хушликга, қиморбозликка сарфлашини; в) махфийлик қоидаларига қатъий амал қилишни, ҳар қандай ахводда ҳам, яъни қийноққа солинганда ҳам, наркотик моддалар таъсирида ҳам, ақлдан озганда ҳам «ўғрилар биродарлиги» ғояларига содиқ қолиб, уларни сотмасликни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчиларга ҳеч қандай маълумотларни ошкор қилмасликни; г) жамият учун фойдали меҳнат қилмасликни, яъни умумий фойдали меҳнат фаолияти билан шуғулланиш «фрайер учун ишлаш»ни энг ифлос, ҳазар қилинадиган иш деб билишни; д) оила кўрмаслик, қариндошлар билан алоқада бўлмасликни талаб қилади. Бу ахлоқий ёмонлик талабларини бузганлар қаттиқ, жазоланадилар.

Жиноятчилар дунёсининг ахлоқий ёмонлик қонунлари жиноятчининг ўз онаси билан нормал инсоний муносабатда бўлишгагина монелик қилмайди. Бироқ, жиноятчининг баданига ёзилган «Не забуду мать родную» деган татуировканинг онага бўлган меҳр-мухаббатни ифодалашга ҳеч қандай алоқаси йўқ,- Бу татуировка уларнинг фақат жиноятчилар гуруҳига бўлган мухаббатини, садоқатини ифодалаб, жиноятчилар дунёсини «родная мать» - «жонажон она» деб билишларини ифодалайди, холос.

Жиноятчилар дунёсининг ахлоқий ёмонлик қонунлари жиноятчиларнинг ишқ-мухаббатлари, жинсий ҳаёти борасида уларга фақат «шалавалар» бузук аёллар билан ишқий-интим муносабатда бўлишларига, яъни баъзида эр-хотин бўлишларига рухсат беради. Бунда профессионал жиноятчининг хотини бошқа жиноятчиларни ҳам интим жиҳатдан таъминлаб юриши кераклигини, айниқса унинг «қонуний эри» қамоққа тушса, унинг бошқа жиноятчилар ихтиёрига ўтиб кетиши, айни вақтда қамоқдаги эридан хабар олиб туриши талаб қилинади.

Бундай «шалава» хотинлар гарчанд ўз эрки билан ўғриларнинг хотини бўлган бўлса-да, ўғрилар дунёсига киргандан кейин улар бу хаётдан ўз ихтиёрлари билан чиқиб кетолмайдилар ва бир умр ўғрилар дунёсининг қўл хотинига айланиб қоладилар. +ар қандай хиёнат, жиноятчилар дунёсидан чиқиб кетишга уриниш унинг учун фожиали тугаши муқаррар бўлади.

+озирги замон жиноятчилари бола-чақа масаласида ҳам ахлоқий тарбияни жиноятчилар дунёсининг ахлоқий ёмонлик қонунлари асосида олиб боришга ҳаракат қиладилар. Айниқса, профессионал жиноятчининг боласи жиноят содир этса, у бола ва унинг отаси катта нуфузга эга бўлиб, унга ишонч билдирилади. Бундан асосий мақсад ана шу жиноятчилар ичидан «қонундаги ўғриларни» тарбиялаб етиштириш ҳисобланади.

2. +ар қандай профессионал жиноятчининг давлат органлари, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан алоқа қилишлари, муносабатда бўлишлари қатъиян тақиқланади.

Бу қонунни жорий қилишдан асосий мақсад жиноятчиларнинг ўз шерикларини сотмаслигини, уларнинг ишига ва ғоясига содиқ қилишини таъминлашдан иборат. Шунга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчилар билан қилинган ҳар қандай алоқа хиёнат ҳисобланади. Борди-ю жиноятчи давлат органларига, қамок, жойларидаги маъмуриятга бирон-бир ахборот берса, у жиноятчиларнинг «қардошлик» оиласидан чиқарилади ва жиноятчилар суди томонидан ўлимга ҳукм этилади.

Бу қонунни амалга ошириш учун маҳсус «қасамёд» қабул қилиш нормалари ишлаб чиқалган. +ар қандай ёш, қобилиятли ўғри маълум синов тажрибаларидан ўтганидан сўнг, жиноятчилар дунёсига қабул қилиниши олдида «қасамёд» қабул қилади. Бу «қасамёд»да, масалан, «мен, ёш пацан, сифатида ўғрилар йўлини танлар эканман, мана шу йигинда иштирок этаётган ўғрилар олдида, бутун умрим давомида садоқатли ўғри бўлишга, чекистлар билан ҳеч қандай муносабатда бўлмасликка қасам ичаман...», - дейилади.

Бу қасам жиноятчилар дунёси ахлоқий ёмонлик қонунларининг энг олий чўккилардан бири ҳисобланади.

Ана шундай қасамёд қилганларгагина *ўғрилар* ишонадилар. «Қасамёд»ни бузганлар, албатта ўлимга ҳукм этиладилар. Бу ахлоқий ёмонлик тилсимотини ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими яхши билмоғи

зарур

3. *+ар қандай жиноятчи, ўз гуруҳи аъзоларига нисбатан ҳалол ва тўғри муносабатда бўлиши, ҳушмуомалалик билан иш қўриши лозим.* Бу қонун тенг тоифадаги жиноятчиларнинг бир-бирлари билан уришишини, ҳар хил ҳақоратомуз сўзлар айтиб сўкинишларини тақиқлайди. Ўғрилар «одоби»да тенг тоифадагилар ўртасида «қўл силташ»га руҳсат берилади, холос. Бироқ, бу ахлоқий талаблар ўзларидан пастки табақадагиларга нисбатан қўланилмайди. Юқори табақадагилар, пастки табақадагиларни уриши, сўкишига руҳсат этилади. Шунинг учун «қонундаги ўғрилар» ўзларини жиноятчилар дунёсининг «князлари» деб атайдилар.

4. *«Қонундаги ўғрилар»нинг қамоқ жойларидаги тартибни назорат қилиши, жиноятчилар орасида бутунлай ўз ҳокимиятини ўрнатиши ва унинг ишлашини таъминлаши шарт.* Бу қонун қамоқ жойларида «қонундаги ўғрилар» бошчилигидаги ҳокимиятни ўрнатиб, жиноятчилар дунёсининг бир бутунлигини таъминлаш ва уларни янги аъзолар билан тўлдириш мақсадига хизмат қилади. Бу ишни амалга оширолмаган «қонундаги ўғрилар» ўғрилар йиғини олдида жавобгар ҳисобланадилар ва тегишли жазони оладилар.

5. *+ар бир ўғри-жиноятчининг асосий вазифаларидан бири жиноятчилар дунёсини янгидан-янги аъзолар билан тўлдириш ишлари билан мунтазам равишда шугулланишидир.* Бу қонун жиноят қилишга мойил бўлган ёшлар орасида «ғоявий-мафкуравий иш» олиб боришни, яъни жиноятчилар дунёсидаги эркинлик, чиройли ҳаёт, ҳар хил қўшиқлар, татуировкаларни тарғиб қилиш, уларни наркотик моддалар истеъмол қилишга, спиртли ичимликлар ичишга ва ҳар хил бузуқ аёллар билан жинсий алоқа қилишга ўргатиш; шантаж қилиш,

кўрқитиш, иғво қилиш, қимор ўйинларига жалб қилиш, қарздор қилиш орқали уларни жиноятчилар дунёсига жалб этиб, ўзнинг сафларини кенгайтиришни ва жиноятчилар авлодининг узлуксиз давом этишини таъминлашни талаб қилади.

6. *Ҳар қандай профессионал жиноятчининг сиёсий фаолият билан шугулланиши, яъни партияларга аъзо бўлиши, газета ўқиши, тергов ва суд ишларида гувоҳ сифатида, жабрланувчи тарзида қатнашиши*

7. *Ҳар бир профессионал жиноятчи қимор ўйинларини яхши билиши лозим.* Қимор ўйинлари жиноятчиларнинг ақлини пешлашдан ташқари, жиноятчилар дунёсининг бошқа одамлар билан тил топишишининг энг муҳим усулларида бири ҳисобланади. Бу ўйинлар орқали улар бошқа жиноятчилар устидан ўзларининг ҳукмронлигини ўрнатадилар, яъни уларнинг мол-мулки, хотини, бола-чақасини ва ҳатто ҳаётини ҳам ютиб оладилар. Ютқазиб қўйганларни ўзларининг хизматкорига айлантирадилар ва энг хавфли топшириқларни бажаришга мажбур қиладилар.

Профессионал жиноятчиларнинг ахлоқий ёмонлик қонунлари талабларини бузганларга ва бажармаганларга қарши қуйидаги жазолар қўлланилади.

1. *Ошқора тарзда шапалоқ, уриш.* Бу жазо кўпинча қилган майда гуноҳлари, хусусан ҳақорат қилганлиги учун қўлланилади Уни амалга ошириш учун жиноятчилар йиғиладилар ва тенг тоифадаги гуноҳсиз жиноятчи уларнинг олдида тенг тоифадаги гуноҳкорни бир шапалоқ уради.

2. *Жиноятчилар гуруҳидан чиқариш ёки бир табақа пастга тушириш.* Бунда одамлар йиғилиб, гуноҳкорнинг қулоғи тагига ўйин картаси билан урилади. Буни «қулоғининг тагига тушириш билан жазолаш» дейилади.

3. *Катта пул жаримасини солиш.* Бу жазо чораси айна бозор иқтисодиётига ўтиш вақтида кенгайиб кетди. Айниқса, ўғри-жиноятчилар ўғрилар йиғинига кечикиб келганликлари ҳамда ўзлари бўлиб олган ҳудудлардан чиқиб, бошқаларнинг ҳудудида иш олиб борганлиги учун катта пул жарималарини тўлайдилар.

4. *Олий жазо ўлим жазоси.* Бу жазо асосан ҳиёнат учун қўлланилади. Бунда ўлдириш қуроли сифатида кўпинча пичоқ ишлатилади.

3-§. ЖИНОЯТЧИЛАР ДУНЁСИ «ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИ» ВА УНИНГ УМУМИНСОНИЙ АХЛОК, ВА НАФОСАТГА ЗИД МАЗМУНИ

Профессионал жиноятчиларнинг қуйидаги тўрт асосий белгиси мавжуд: 1) жиноятчилик билан шуғулланишдаги барқарорлик, яъни бирон-бир жиноят турини содир этишга ихтисослашганик; 2) маълум кўникма ва малакага эга бўлиш; 3) жиноят қилиб мол-мулк топиш ҳаётининг асосини ташкил этиши; 4) жамиятдаги тартибга хилоф тарзда ҳаёт кечирувчилар билан алоқада бўлиш.

Жиноятчилар дунёси жамиятнинг илллати бўлиб, ундан ажралган ҳолда иш кўради. Шунинг учун ҳам жиноятчилар бошқалар билмаслиги ёки тушунмаслиги учун ўзларининг тилини, ҳар хил лақабларини, белгиларини ишлаб чиққанлар. Бу тил (жаргон), лақаб, белги (татуировка)лар орқали улар сирли мулоқотда бўладилар. Ана шу сирни билиш ва натижада улар содир этмоқчи бўлаётган жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош қилиш ички ишлар идоралари ходимларининг вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жиноятчилар дунёси жиноятчилардан кишилар орасида ва ижтимоий ҳаётнинг иллатлари бўлган бошқа қатламлар билан мулоқот қилишда муомала қилиш элементларини, яъни: а) маҳсус тил, яъни жаргонларни; б) жиноятчиларнинг белгилари татуировкаларни; в) жиноятчиларнинг лақабларини яхши билишларини талаб қилади.

А. Жиноятчилар дунёси «эстетик маданияти»нинг асосий элементларидан бирини уларнинг нутқ, маданиятига кирувчи тили жаргонлари ташкил этади.

Жиноятчилар дунёсида амал қилувчи жаргонларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) оддий ҳуқуқбузарлардан тортиб, профессионал жиноятчиларгача фойдаланадиган умумий жаргонлар;
- 2) озодликдан маҳрум этилганлар қамқоналарда ишлатадиган жаргонлар;
- 3) профессионал жиноятчилар ишлатадиган маҳсус жаргонлар.

Жиноятчилар дунёсининг жаргонлари икки хил вазифани: биринчидан, жиноятчиларнинг сўзларини оддий фуқоролар тушунмаслиги учун махфийлаштириш; иккинчидан, жаргонига қараб жиноятчининг қайси тоифага кириши ва жиноятчилар дунёсида қандай ўрин тутишини аниқлаш, билиш вазифасини бажаради.

Жиноятчилар ўзларининг тилини санъат билан қиёслаб, уларга эстетик туе берадилар, яъни «мусикд садолари остида қадамма-қадам юради» («по музўке ходит») деб ўзларининг тил хунарларини мақтайдилар. +озирги кунда жиноятчиларнинг лугавий бойлиги 10 минг сўздан ортиқ, бўлган ҳар хил жаргонлари мавжуд. Шулардан баъзи бирларини келтирамиз: масалан, поляк тилидан кириб келган жаргонларга *капать* етказиб бориш, чақиш, *мент* милиционер, турма назоратчиси; украин тилидан кириб келган жаргонларга *хавать* емоқ, *хомка* пичоқ;; лўлилар тилидан кириб келган жаргонларга *чувиха* суюқ, оёқ; турк тилидан кириб келган жаргонларга *яманий* - ёмон, *кича* - турма; немис тилидан кириб келган жаргонларга *гутен морген* - эрталабки ўғрилиқ; француз тилидан кириб келган *шпана* - майда ўғрилар каби сўзлар киради.

Шунингдек, ҳозирги кунда муомалада бўлган баъзи бир жаргонларни ҳам келтирамиз. Масалан, *айва* - қоч, *алкаш*- арокхур, *амба* - тамом, *ампула* - шиша идиш, *балда* -наша, *бан* - бозор, *баруха* - хотин, *бугор* - бригадир, *время* - пул, *зажигалка* - тўпонча ва бошқалар¹.

¹ Щаранг: Империя Страха. - М.: Зеленый парус, 1992 - 146-148-б.

Б. Жинойтчилар дунёси «эстетик маданияти»ни элементларидан яна бири бу жинойтчиларнинг баданларига чизилган ёки куйдириб ёзилган ҳар хил мазмундаги белгилар - татуировкалар ҳисобланади.

Татуировкалар куйидаги вазифаларни бажаради.

1. Жинойтчиларнинг қайси табақага мансуб эканлигини билдиради. Масалан, баданга чизиб ишланган «хоч» (крест) - киссавурни, «гладиатор» - безорини, «ўргимчак инидаги ўргимчак» - гиёхвандни билдиради ва ҳ.к.

2. Жинойтчининг ахлоқий қарашларини, қасд олишга интилишини, аёлларга муносабатини, қамокдан қочишга интилишини ва бошқларни ифодалайди. Масалан, йўлбарс бошининг тасвири - тажовузкор жинойтчини, «погонга санчилган пичоқ» - ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган одамларидан уч олишга қасд қалганлигини, «қуролланган эчки» - милиция ходимидан уч олиш, «каллага қадалган пичоқ, ханжар» - етказилган ҳамма мусибатлар учун уч олиш, «Оғзида пичоқ тишлаш» - «активистларни суяман», «юракка қадалган ханжар ва ўқдон» - «қонундаги ўғрилар»дан уч оламан деган маъноларни билдиради.

3. Шунчаки баданни «безаш» учун хизмат қилади. +аттоки, жаҳонга машҳур санъат асарларидан нусхалар чиздириш, яъни завқ-шавқ олиш мақсадида ҳамда ўзининг юксак эстетик дид эгаси эканлигини, маданият соҳиби эканлигини кўрсатиш учун махсус чизилган татуировкалар бор. Масалан, Васнецовнинг «Уч баходир», Леонардо Да Винчининг «Сикстин Мадоннаси» асарларини баданга чиздирадилар.

Жинойтчиларнинг ахлоқи ва «маданияти» қамок, жойларида ҳар хил ўйинларида ҳам намоён бўлади. Масалан, «Хаммом» ўйинида янги келган, тажрибаси йўқ, жинойтчини хаммомга кўрпа-тўшаги билан боришга мажбур қиладилар, оқибатда у хўл кўрпа-тўшакда ухлашга мажбур бўлади. «Велосипед» ўйинида ухлаб ётган жинойтчининг панжалари орасига коғоз қўйиб ёқлаб юборадилар. «Чмок» ўйинида янги келтирилган жинойтчининг кўзини боғлаб, бирон-бир нарсани топишга буюрадилар, аслида эса унга ўзларининг ялонғочланган

аъзоларидан бирини тутказиб қуядилар. «Этик» ўйинида ухлаб ётган жинойтчининг этигини унинг жуда оғрийдиган жойига боғлаб қуйишади, у туриши билан этик тортилиб, ўша жойини қаттиқ оғритади ва ҳ.к.

Бу ўйинларнинг барчаси инсон устидан қўлиш, унинг қадр-қимматини ерга уриш, ўзларининг зўрлигини, ҳукмини ўтказиш учун ўйлаб топилган ўйинлардир.

Жинойтчилар дунёсининг «ахлоқий ва эстетик маданиятини» биз умуминсоний ахлоқ ва эстетик маданият таркибига кирита олмаймиз. У ўзининг бутун моҳияти, мазмуни билан умуминсоний ахлоққа ва маданиятга зид ходиса ҳисобланади.

4. «Қаҳрамонлик» ва чидамлилиқни намойиш қилиш учун чизилади. Масалан, жон оғрийдиган нозик жойларга, кузнинг устига ва бошқа жойларга чизилган татуировкалар шулар жумласига киради.

В. Жинойтчилар дунёси «эстетик маданияти»нинг элементларидан бўлган лақаблар жинойтчиларнинг иккинчи исми ҳисобланади. Жинойтчиларнинг лақаблари асосан конспирация яъни ниқоблаш, яшириш вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам ҳар бир жинойтчининг лақаби мавжуд бўлади. Лақабларига қараб улар бир-бирларининг нима иш билан шуғулланишларини қаерда туришларини, ким билан алоқа қилишларини биладилар.

Лақаб уюшган жинойтчиларнинг ажралмас белгиларидан бири ҳисобланади. Баъзида лақаблар жинойтчининг жисмоний жихатларини билдириш учун ҳам ишлатилади. Масалан, «Япончик» қандайдир авторитетнинг лақаби, «Маша» уфилар бандасига бошчилик қилувчи аёлнинг лақаби, «Малина» ўғрилар учун маҳсус квартира сақловчиларнинг лақаби ва ҳ.к. Сургун қилинган жинойтчиларда «Иван»лар деганда босқинчилик, иғво билан шуғулланган Жинойтчилар; «Храпў» деганда ўз ишларини ўзгалар қўли билан қиладиган Жинойтчилар; «Игроки» деганда ҳар хил қиморбозлар тушунилади.

Жинойтчилар дунёсининг ўзига хос «санъати» ҳам мавжуд. Буларга жинойтчилар ҳаётини қўйлайдиган қўшиқлар, мусиқалар, рақслар киради. Уларда

жиноятчилар дунёси «романтик» тарзда тарғиб қилинади. Бу «романтик» тарғибот эса жиноятчилар дунёсига янгидан-янги аъзоларни жалб этишга хизмат қилади. Айни вақтда жиноятчилик рухида ёзилган қўшиқлар, шеърлар, куйлар жиноятчиларга завқ, бағишлайди. Масалан, Александр Галичнинг «Турма мотивлари» туркумидаги шеърлари шулар жумласига киради.

Жиноятчилар дунёсидаги ахлоқий ёмонлик қонунлари, уларнинг баданларига чизилган татуировкалар, қўйилган лақаблар, қўйланган қўшиқлар ва бошқалар қанчалик гўзал кўринмасин, улар инсонийликка ёт нарсалар ҳисобланади.

Жиноятчиликнинг янги жамият куриш учун туғдирадиган хавфи тўғрисида И. А. Каримов шундай ёзади: «Жиноятчи унсурларнинг янги хўжалик муносабатлари тизимини шакллантириш жараёнида фаол ва хуфиёна иштирок этиши жамиятда ахлоқсизлик вазиятини туғдиради. Бу эса мамлакат учун ҳам, жаҳрн хамжамияти учун ҳам номақбул жиноий бозор иқтисодиётининг алоҳида тури шаклланишига олиб келади.

Жамиятда жиноий «хуфиёна иқтисодиёт»нинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва турли даражалари вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирига тушиб қолади. Коррупция вужудга келиб, у энг аввало уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлар туфайли жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдидир.

Мамлакатимизнинг келажагини ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни эса тутмоғи даркор. +алол меҳнат қилиш, ўз билими, куч-ғайрати ва ижобий қобилиятини сарфлаш учун барқарор шарт-шароит бўлишини истайдиган, фарзандлари ва яқин кишилари келажакда ҳам демократик, фуқаролик жамиятида цивилизациялашган бозор муносабатларининг самараларидан тўла-тўқис фойдаланишни орзу қиладиган

ҳар бир фуқаро, жиноятчилик ва коррупция йўлига ўз вақтида зарур тўсиқ қўйилмаса, бу иллатлар қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаб етмоғи лозим»¹ . Шунинг учун жиноятчилар дунёсига қарши кураш, уларни тағ-томири билан тугатиш ички ишлар идоралари ҳар бир ходимининг муқаддас бурчларидан бири саналади.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Жиноят нима? Унинг асосий белгиларини кўрсатиб беринг.
2. Жиноятчилар дунёси нима ва у қандай таркибий қисмлардан ташкил топган?
3. Профессional жиноятчилар деб кимларга айтилади ва улар қандай ахлоқий ёмонлик қонунларига амал қиладилар? Жиноятчилар дунёсининг эстетикаси деганда нимани тушунасиз? Жиноятчиларнинг татуировкалари, жаргонлари, лақаблари, мусиқалари тўғрисида билганларингизни сўзлаб беринг.

ХШ боб

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ АХЛОҚИЙ-КАСБИЙ БУЗИЛИШИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

1-§. АХЛОҚИЙ-КАСБИЙ БУЗИЛИШ ВА УНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср босма\асида хавфсизликка таълил барщарорлик шартлари ва таратшиёт кафолатлари - Т. Ўзбекистон 1997. - 87-88-б

«Ахлоқий-касбий бузилиш» тушунчаси. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлатни бунёд этиш ва фуқаролик жамиятини қарор топшириш ишлари енгил кечмаслиги табиий. Бу жараённинг бориши, бир томондан, мулкни хусусийлаштириш ишларини тез ва соз ўтказиб, тежамкорликка, сифатга асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни тақозо этса, иккинчи томондан, одамларда ижтимоий мулкчилик ҳукмронлиги йилларида шаклланган боқимлик психологиясини тугатиш билан боғлиқ, қийинчиликларни енгишни ҳам талаб қилади.

Ушбу ишларни амалга оширишда бир қатор иқтисодий, сиёсий, маънавий етишмовчиликларнинг, зиддиятларнинг бўлиши аниқ. Ана шу етишмовчиликлар ва зиддиятлар ички ишлар идораларидаги баъзи бир иродаси суст, эътиқоди йўқ ходимларни касбий таназзулга дучор этиши мумкин.

Касбий бузилишни келтириб чиқарувчи объектив сабаблар тўғрисида милиция генерал-майори, профессор У.Тожихонов: «Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт етишмовчиликлари баъзан милиция идоралари фаолиятида ҳам касбий нопокликни келтириб чиқармоқда. Бу ҳам муайян маънода ходимлардаги ҳуқуқий маданият савиясини бирмунча пастлатиб юбормоқда»¹, - деб ёзган эди.

Хўш, ахлоқий-касбий бузилиш деб нимага айтилади ва у қандай соҳаларда намоён бўлади?

Ички ишлар идоралари ходимлари ахлоқий-касбий бузилиши деб уларнинг қонун ҳужжатлари, низом ва буйруқларда белгилаб қўйилган ахлоқий нормалар, профессионал бурч ва вазифаларни бажаришда ўзларининг шахсий манфаатларини жамият, давлат, халқ манфаатларидан устун қўйиб суиистеъмол қилишлари пора олиш, калондимоғлик, тамагирлик, қўполлик

¹ Щаранг: Тожихонов У. Ўзбекистон мустақил давлатчилигининг «ушущий-маънавий муаммолари». - Т: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1996 - 131-б.

қилиш, жиноятни ҳисобдан яшириш каби қонунга хилоф хатти-ҳаракатларининг мажмуига айтилади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий бузилишини, унинг келиб чиқиш сабабларини тугатиш йўллари тадқиқ этиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади. Чунки ички ишлар идоралари ходимлари давлат ҳокимиятининг вакили сифатида иш кўрар эканлар, уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатлари одамларининг диққат-эътиборида туради. Битта милиционернинг қилган хатоси, қўполлиги ёки пора олиши бутун ички ишлар идоралари тизимини халқ олдида абгор қилиши, бошқа ҳалол ишлаётган ходимларнинг обрўсига путур ўтказиши мумкин. Шунинг учун ҳам касбий бузилишнинг олдини олиш, унга йўл қўймаслик бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ахлоқий-касбий бузилишнинг турлари ва шакллари. Ички ишлар идоралари ходимлари касбий бузилишининг икки тури мавжуд: биринчиси - ёш ходимнинг тажрибасизлиги, қонун ва буйруқларни билмаслиги, қийин шароитларда ўзини йўқотиб қўйиши туфайли бўладиган касбий бузилиш; иккинчиси - ички ишлар идораларида ишлаб, тажриба орттирган ходимларнинг қонунлардаги камчиликларни англаб, ҳамма нарсани тушунган ҳолда, бойлик орттириш мақсадида, онгли равишда ахлоқий ёмонликка йўл қўйиши асосида юзага келадиган касбий бузилиш.

Ички ишлар идораларининг ходими аҳолининг турли қатламлари билан муносабатда бўлар экан, бир томондан, давлат ҳокимиятининг вакили сифатида уларга ўз таъсирини ўтказса, иккинчи томондан эса, унинг ўзи ҳам ўшаларнинг таъсири остида бўлади. Худди шу жойда касбий бузилиш келиб чиқиши мумкин. Чунки ички ишлар органларининг ходимлари давлат ҳокимиятининг вакили сифатида фуқароларга нисбатан ўзига берилган ваколатлар чегарасидан чиқиб кетиб, лавозимини суиистеъмол қилиши; бошқа томондан эса, ўзгаларнинг таъсири остида бўлган ходим уларнинг берган

ваъдалари, поралари ва бошқа хизматларига ишониб, ўз хизмат бурчига ғиёнат қилиши мумкин. Иккала ҳол ҳам касбий бузилишга олиб келади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий таназзулга учрашларига уларнинг атрофини ураб турган жинойтчилар дунёсининг таъсири ҳам сабаб бўлади. Одам ўлдиришлар, босқинчилик, ўғрилиқ, игво, тух,мат, уруш-жанжаллар милиция ходимининг маънавий-рухий ҳолатига салбий таъсир қилиб, охир-оқибатда унинг хулқи ўзгаришига, унинг касбий жиҳатдан бузилишига олиб келиши мумкин. Ундаги бундай бузилиш очиқ ёки ёпик шаклларда намоён бўлади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг жинойтчиларни қўлга олишда қўлланиладиган усул ва воситаларидаги хатолар, айниқса, қонундан четга чиқиб кетган ҳолда зўрлик ишлатиш, уриш ёки қуролдан нотўғри фойдаланишлари ҳам касбий бузилишнинг кўринишлари ҳисобланади.

Хизмат жамоаларида бошлиқ ва бўйсунувчилар, катталар билан кичиклар ўртасидаги маънавий-ахлоқий муҳитнинг қониқарли эмаслиги ҳам касбий таназзулга олиб келадиган шароитлардан бири бўлиб хизмат қилади. Улар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар хушомадгўйлик, мансабпарастлик, шахсиятпарастлик асосида қурилган экан, у албатта касбий бузилишни келтириб чиқаради. Демак, касб маданиятининг паст даражада ривожланганлиги туфайли, кўпгина ходимлар касбий таназзулга юз тутадилар.

Шундай қилиб, ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий онгида, хатти-ҳаракатларида юзага келган бузилишлар қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- тошбағарлик, одамларга юзаки муносабатда бўлиш, ғамхўрлик ва раҳм-шафқатнинг йўқлиги;

- субутсизлик;

- ғирромлик, тамагирлик, виждонсизлик, шахсга бепарқлик, касбига совуққонлик билан қараш;

- ахлоқ принциплари (инсонпарварлик, жамоачилик, ватанпарварлик) ва нормаларини (бурч, виждон, масъулият, шаън ва қадр-қимматлар) онгли равишда, била туриб атайин бузиш;
- касбий билимларининг паст даражада эканлиги;
- одамларга мунтазам равишда шубҳа билан қараш, уч олиш пайида бўлиш, захрини сочиш;
- ўзига берилган ваколатлардан мутлақо нотўғри фойдаланиш, уни суиистеъмол қилиш ва ҳ.к.

2-§. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ АХЛОҚИЙ-КАСБИЙ БУЗИЛИШINI КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ САБАБЛАР ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Ахлоқий бузилиш сабаблари. Ўзбекистан халқи эзгу ниятлар билан ижтимоий адолат, тенглик барқдорлик ва биродарликка асосланган жамият қураётган вақтда унинг бағрида пайдо бўлиб қулаётган баъзи бир иллатларни ҳам учратамиз. Хўш, бундай салбий ҳолларнинг келиб чиқиш сабаблари нимада? Бунга қуйидагилар сабаб бўлмокда:

Биринчидан, бозор иқтисодиётини нотўғри тушуниш, уни ҳар хил йўллар билан бойлик орттиришдангина иборат деб ўйлаш, ана шу мақсадни амалга ошириш учун айрим баднафс фуқороларнинг қонунга, умуминсоний ахлоққа зид ҳаракатлар қилаётганлиги орқали мол-дунё орттиришга интилаётганликлари кузатилмокда. Бу хусусида И. А. Каримов: «Бугун шуни тан олишимиз керакки, бозор иқтисодиёти энди шаклланаётган бир пайтда куп салбий оқабатлар юзага чикмокда. Эски тизим қонунлари ишдан чиқиб, янги тизим қонунлари

етишмаслиги ва ҳаётда ишга кирмаганлиги порахўрлик, ўғрилик, қаллоблик иллатларининг пайдо бўлишига ва кучайишига олиб келмоқда. Лекин бундай ҳолат, қандай тизим ҳукмронлик қилишидан қатъи назар, авваламбор, айрим кишиларнинг қонида бор нопоклиги, фирибгарлиги, ватан ва миллат манфаатларига бефарқ, қараши, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири учун масъулиятсизлик, очикроқ айтадиган бўлсак, уларнинг маънавий қашшоқлиги туфайли кўзга ташланмоқда»¹, -деган эди.

Шунинг учун ҳам бундай ижтимоий иллатларнинг олдини олиш йўллари тўғрисида фикр билдирган И. А. Каримов: «Бозор муносабатларига ўтиш - ҳаётий етуклик ва сабр-матонатни синовдан ўткизувчи ўзига хос имтиҳондир. Бунда маънавий бўшлиққа ёки кўнгилга келган ишни қилаверишга берилишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари, бозор воситалари фақат юксак маънавият негизида, юксак ахлоқлилик ва ватанпарварлик негизларида барпо этилиши мумкин. Акс ҳолда бошбошдоқлик ва тартибсизлик ҳукм суради»², - деб ўқтиради. Дарҳақиқат, жиноятлар, порахўрлик ва одамларнинг маънавий таназзулга юз тутиши, рухий инқирози билан қоришиб кетган соҳта бозорнинг вужудга келишига йўл қўйиб бўлмайди. Зеро, «биз бу иллатларни деб мустақиллик ва суверенитетга интилган эмасмиз. Мана шуларни деб туб ислохотлар йўлига кирган эмасмиз»³.

Иккинчидан, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ишониш етишмайди, етарлича мураббийлик қилинмаяпти, уларнинг ташаббусини бўғиш ҳоллари учрамоқда. Бу ахлоқий ёмонлик тўғрисида И. А. Каримов: «Мен бир нарсага қаттиқ, ишонаман: ёшларда шижоат бор, янгиликка интилиш бор, ихтиро қилишга, кашфиёт яратишга иштиёқ бор. Лекин уларнинг олдида катта бир тўсиқ, турибдики, бу тўсиқни баъзан замбарак ўқи билан ҳам отиб қулатиб бўлмайди. Бу тўсиқнинг номи бюрократия, тамагирлик, маҳаллийчилик, уруғчилик.

¹ Каримов И.А. Ватан саждахо= каби мушцаддасдир. Т.3. - Т.: Ўзбекистон 1996 - 37-б.

² Ўша манба., 275-б

³ Ўша манба., 276-б.

Ўсиб келаётган ёшларга қулоқ солиши, мадад бериши лозим бўлган кўп мансабдорларда инсоф, диёнат йўқлиги ҳам шу тўсиқнинг бир кўринишидир. Бундай одамларнинг нияти аниқ, - беш-ўн йил амаллаб ўтирган мансабини йўқотмаса, мўмай маоши ва хуфия «шапка»сини олиб

турса, марра уники - у ёғи пенсия. Мустақил давлатимизнинг бугунги бош шиорларидан бири - юртим деб, элим деб ёниб яшаш ундайларнинг тушига ҳам кирмайди.

Оқибатда янгилик куртакилгидаёк, нобуд бўлади ва уни бошлаган ёш тадбиркорнинг хафсаласи пир бўлади, тараққиёти, интилиши сўниб қолади»¹, _ деб ҳақ, гапни айтган эди.

Учинчидан, қонунларнинг ўз вақтида қабул қилинмаслиги ёки қабул қилинган қонунларнинг ўз вақтида ҳаётга татбиқ этилмаслиги, натижада фуқароларнинг ахлоқий онгида иккиланишларнинг пайдо бўлишига ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши паст даражада қолиб, уларнинг шу асосда хар хил ҳуқуқбузарликларни, қонунбузарликларни содир этишлари.

«+уқуқий маданият даражаси, - деб ёзган эди И. А. Каримов, - фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан ҳабардор бўлишдангина иборат эмас. У -қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. У - одил судни ҳурмат қилиш, ўзуз ҳақ- ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. +уқуқий маданият дегани - турли можароларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир»².

Шу боис ички ишлар идоралари ходимлари ахлоқий-касбий бузилишининг сабаблари тўғрисида генерал У.Тожихонов: «Қонунчиликнинг

¹ Ёша манба, 37-б

² Ёша манба, 22-б

такомиллашмаганлиги ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини ҳуқуқбузарликка ундайдиган омиллардан биридир»³, - деб ёзган эди.

Юқорида санаб ўтилган сабаблар, албатта, ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолиятига, турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатиши табиий. Булар ички ишлар идоралари ходимлари ахлоқий-касбий бузилишларининг ташқи сабаблари, холос. Унинг туб сабабларини эса ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолиятини ташкил этишда, бошқаришда, хизмат жамоаларида ахлоқий-руҳий-маънавий муҳитда, тарбияда йўл қуйилган камчиликлардан излаш керак.

Ички ишлар идоралари ходимлари ахлоқий-касбий бузилишининг объектив ва субъектив сабаблари бор.

Ички ишлар идоралари ходимлари ахлоқий-касбий бузилишининг *объектив сабаблари* қуйидагилардан иборатдир:

- профессионал фаолиятнинг хусусиятлари, яъни қийин ва хавфли шароитларда, фавқулодда ҳолатлар ва экстремал вазиятларда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, ўлимга тик қараб жисмоний ва руҳий жихатдан зўриқиб ишлашлари, маънавий ва руҳий жихатдан ўз қобилиятини тиклаб олиш учун вақтнинг етишмаслиги;

- жиноятчилар дунёси билан мунтазам равишда алоқада бўлиш, уларнинг салбий таъсирини сезиш ва оқибатда уларга қўшилиб кетиш ҳолларининг мавжудлиги;

- ишни ташкил қилиш ва бошқаришда ҳато ва камчиликлар, яъни ҳисоботларнинг такомиллашмаганлиги, хизмат сохалари ўртасида ўзаро биргаликда ҳаракат қилишнинг йўқлиги, миқдор кетидан қувиш, ҳайбаракаллачиликларнинг ҳамон учраб туриши;

³ Щаранг: Таджихонов У., Саидов А., +ушущий маданият назарияси Дарслик 2 томли. Т. 2. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 1998 - 26-б

- бирга ишлаётган баъзи ходимларнинг ўз хизмат ваколатларини суиистеъмол қилишлари, ишга совуққонлик билан ёндашишлари, одамларга нисбатан бефарқлик, юзаки муносабатда бўлишнинг янги келган ходимга ёки виждонли, меҳнаткаш ва интизомли ходимга салбий таъсири;

- раҳбар ходимлар ва бевосита бошлиқлар томонидан назорат қилиш ишларининг мунтазам равишда ташкил қилинмаганлиги ёки тўғри йўлга қўйилмаганлиги;

- оператив-техника билан етарлича таъминланмаганлик, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланмаганлик;

- оилавий муносабатлардаги ва турмуш шароитидаги қийинчиликлар; кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда йўл қўйилган камчиликлар ва хатолар;

- ходимларни тарбиялаш ишларини амалга оширишда ҳисоб-китобдан адашишлар, яъни юзаки ёндашувларига йўл қўйишлар.

Ички ишлар идоралари ходимлари касбий таназзулининг объектив сабабларини чуқур таҳлил қилган генерал У. Тожихонов улар қаторида бюрократизмнинг ўрни ниҳоятда катта эканлигини, шунингдек, миқдор ортидан қувиш, ушбу кўрсаткичларнинг ички ишлар органларининг ўзларида шаклланиши ва қайд этилиши ҳам уларнинг хаспўшланишига олиб келишини таъкидлайди¹.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий-касбий бузилишларини келтириб чиқарувчи *субъектив сабаблар* Қўйидагилардан иборатдир:

1) ходимларнинг хизмат-касб соҳасидаги билимларининг ниҳоятда пастлиги ва ўз касб маҳоратини оширишга уринмасликлари, ўз ишига танқидий назарнинг йўқлиги, тўплаган арзимас тажрибасига хаддан ташқари ишониш ва х-к.;

¹ Щаранг: Тожихонов У. Ўзбекистонда мустақил давлатчиликнинг =ушущий-маънавий муаммолари - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 1996. -132-133-б

2) хизмат вазифасини бажаришга маънавий-руҳий жихатдан тайёр эмаслик, ўзини йўқотиб қўйиш, ўз хатти-ҳаракатларини назорат қила олмаслик, бўшанглик, спиртли ичимликлар ичишга ружу қўйганлик ва х.,к.;

3) хизмат жамоасидаги ахлоқий-маънавий-руҳий муҳитнинг ёмонлиги, шахс ва жамоа ўртасидаги манфаатлар ва мақсадларнинг муштарақ эмаслиги;

4) ходимлар ахлоқий, хизмат ва иродавий тайёргарлигининг етарли даражада эмаслиги;

5) хизмат жамоаси манфаатларини мансабпарастлик, гуруҳбозлик манфаатларидан ажрата олмаслик;

6) ходимларнинг ўз иш вақтларини тўғри ташкил қила олмасликлари, жисмоний ва руҳий зўриқишлардан халос бўлиш усулларини билмаслик, ишдаги ва оиладаги ташвишлардан ўзини холи қилолмаслик ва х.,к.

Касбий бузилишнинг объектив ва субъектив сабаблари ўртасида мутлоқ чегара йўқ. Бир жойдаги объектив сабаб иккинчи жойда субъектив бўлиши ва, аксинча, бир жойдаги субъектив сабаб иккинчи бир жойда объектив бўлиши мумкин.

Ички ишлар идоралари ходимларининг субъектив камчилиги бошқа ходимларга, қолаверса, бошқа фуқароларга ўз таъсирини ўтказиши, уларнинг онгини захарлаши мумкин. Бу тўғрида И.А. Каримов: «Милиция ўз бурчини бажармаса, божхона ходимлари порахўр бўлса, прокурор заиф, ўйинчи бўлса, хокимларнинг қулоғи кар, кўзи кўр бўлса, оддий фуқаро кимга боради? Уни ким химоя қилади? Унинг ғамини, ташвишини ким чекади? Қани адолат, қани ҳақиқат? Шу ишни бажармаса елкасига погон такқанлар нега керак.

Оддий одамлар, халқ ана шу воқеаларни, қинғирликларни кўради-да, унда ҳаммаси қуруқ гап, адолат йўқ, бўлмаган ва бўлмайди ҳам деган фикр туғилади. Энг ёмони шунда»¹, деган эди.

Ахлоқий-касбий бузилишларни келтириб чиқарувчи омиллар. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий бузилишига олиб келувчи объектив ва

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан шолсин. Т.2. - Т.: Ўзбекистон 1996. - 66-67-б

субъектив сабаблардан ташқари бир қанча омиллар ҳам мавжуд. Бу омиллар қуйидагилардан иборат:

1. Юридик омиллар:

- жиноят-процессуал қонунларнинг номукамаллиги;
- оператив ишни бошқарувидаги ноаниқликлар;
- ходимларни бошлиқларнинг нотўғри буйруқларидан ҳимоя қилувчи юридик кафолатнинг ўққлиги.

2. Иқтисодий омиллар:

- аниқ иқтисодий рағбатлантиришнинг йўқлиги;
- иш ҳақини тўлашдаги асоссиз тенглаштиришлар;
- махсус унвонлар даражасининг самарали эмаслиги;
- иш вақтида даромадни ошириш имконининг йўқлиги;
- техника билан етарли даражада таъминланмаганлик;
- моддий-техника базасининг йўқлиги ёки эскирганлиги.

3. Ташкилий омиллар:

- кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги камчиликлар;
- раҳбарлар томонидан назоратнинг йўқлиги;
- ички ишлар фаолиятининг ўзига хослиги;
- ишни бахрлаш мезонларининг такомиллашмаганлиги, ҳисоб-китоб ишларининг яхши ташкил қилинмаганлиги;

ходимларнинг малакасини оширишга эътибор берилмаслиги;

- раҳбарларнинг ишга унинг моҳиятини тушунмасдан асоссиз равишда аралаштиришлари.

4. Интеллектуал омиллар:

- ходимлар билимининг етишмаслиги;
- ҳуқуқий, ахлоқий, сиёсий ва умумий касбий маданиятнинг шаклланмаганлиги ёки етарли ривожланмаганлиги;
- қўл остидагиларни ва ўз-ўзларини тарбиялашдаги камчиликлар.

5. Ижтимоий-маънавий-руҳий омиллар:

- раҳбарларнинг қўполлиги ва ўзини бошқара олмаслиги;
- ижтимоий гуруҳбозлик, миллий биқиқлик;
- ўзига ҳаддан ташқари ишониш;
- ҳаддан ташқари такаббурлик ва мансабпарастлик;
- ўзини ўзи назорат қилишнинг паст даражада эканлиги.

Бу омил келтириб чиқарадиган ахлоқий ёмонликлар тўғрисида У. Тожихонов шундай деб ёзган эди: «Касбий бузилишларнинг ахлоқий-руҳий заминлари ҳаммавжуд. Милиция ходимларининг фуқароларга нисбатан қўполликлари, калондимоғликлари, ўзларига бино куйишлари одат тусига кирди. Хўжайинлик қиғашга одатланиш туйғусидан пайдо бўладиган бундай касбий бузилишлар жамоат тартибини муҳофаза қиладиганларнинг паст савиядаги ҳуқуқий маданият эгаси эканликларини курсатади»¹.

Ички ишлар идоралари ходимлари касбий бузилишларининг тузилишини кузатадиган бўлсак унинг очик, яъни кўзга яққрл ташланиб турадиган ва ёпик, яъни кўзга ташланиб турмайдиган шакллари ҳам мавжудлигани кўрамиз.

1. Касбий бузилишнинг очик кўзга ташланадиган шакллари қуйидагилардан иборат:

- жинойтчиларга, ҳуқуқбузарлик ва тартиббузарликда айбланиб вақтинча ушланган фуқароларга нисбатан раҳмсизлик қилиш, ғайриинсоний муносабатда бўлиш, яъни уриш, ҳақорат қилиш, мансабини суиистеъмол қилиш, хизмат ахлоқи принцип ва нормаларини қўпол тарзда бузиш;

- ҳаддан ташқари шубҳаланиш, айбланишга мойиллик, уз-узини танкид қилишнинг йуклиги;

- жинойтчилар билан ишлашда қонун йўли билан руҳсат этилмаган усул ва воситаларни ишлатиш, яъни «восита мақсадни оқлайди» қабилида иш тутиш;

¹ Шараф: Тоджихонов У., Саидов А. +ушущий маданият назарияси Дарслик 2 томли Т. 2 - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 1998 - 26-б

- спиртли ичимликларни ичиш, наркотик моддаларни истеъмол қилиш;
- нутқ маданиятининг етишмаслиги, кўполлик, жинойтчилар дунёсининг жаргонларидан бўлар-бўлмасга фойдаланиш, уларни қўллашда суиистеъмолчиликларга йўл қўйиш;
- ташқи кўринишнинг хунуклиги, кийим-бошларнинг ифлослиги, соч-соқолларнинг ўсганлиги, афт-ангорнинг ифлослашиб, совуқ тус олганлиги ва х.к.

2. Ички ишлар идоралари ходимлари касбий бузилишларининг ёпиқ, кўзга ташланмайдиган шакллариға қуйидагилар киради:

- иш жараёнида хизмат мавқеидан ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширишда фойдаланиш;
- турмушдаги ахлоқий нопоклик;
- ахлоқий-маънавий жихатдан қашшокланиш;
- хизмат манфаатларини нотўғри тушуниш, кўзбуямачиликка йўл қўйиш;
- жинойтни хисобдан яшириш, порахурлик;
- жинойтчилар билан тил бириктириш, уларға кушилиб кетиш.

Касбий бузилишларнинг ана шу барча кўринишларини, омилларини, объектив ва субъектив сабабларини тўлиқ ҳисобға олган ҳолда жинойтчиликнинг олдини олиш ва уни тугатиш чора-тадбирларини кўриш зарур.

3-§. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ АХЛОҚИЙ-КАСБИЙ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Ахлоқий-касбий бузилишнинг олдини олиш тадбирлари. Ички ишлар идоралари ходимлари касбий бузилишларининг олдини олиш асосан икки йўналишда, яъни умумий чора-тадбирларни ва бевосита чора-тадбирларни қўллаш асосида олиб борилади.

Умумий чора-тадбирларга жамиятдаги зиддиятларни тадрижий йўл билан ҳал қилган ҳолда, ҳуқуқни химоя қилувчи барча идораларда қонунга итоаткорликини, ҳаётнинг барча жабҳаларида қонунларнинг устунлигини таъминлаш кабил ар киради.

«Қонуннинг устуворлиги, - деб ёзган эди И. А. Каримов, - ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутди. +еч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунуш мажбуриятидан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир»¹. Шундай экан: «Қонунга бўйсунуш юксак ҳуқуқий онглилик, жамият ва давлат манфаатларини чуқур тушуниб етиш, ижтимоий бурч, яъни ўз қилмишлари учун давлат олдида жавобгарлик туйғуси билан узвийдир. +ар бир қонунга итоаткор фуқаро қонунларнинг талаблари жамиятнинг юксак манфаатларини ифода этишини, ҳуқуқий қонунларга риоя қилиш фақат халқ манфаатларига эмас, балки унинг ўз манфаатларига ҳам хизмат қилишини яхши тушунади. Мазкур маънода қонунларга итоат қилишни халқ бирлиги ва куч-қудратининг манбаи деб аташ мумкин.

Қонун одамларни бирлаштиради, қонунларни бузиш эса ҳуқуқ бузарни қонун доирасидан ташқари чиқариб қўяди.... Қонунга итоаткорлик ақл-идрок, виждон, ички эътиқод махсули бўлиб, инсоннинг бундай олийжаноб фазилати ҳар қандай шароитларда ҳам, ҳар қандай йўллар билан қувватланиши, тарбияланиши ва рағбатлантирилиши даркор»¹, - деб ҳақ гапни ёзган эди профессор У. Тожихонов.

Шундай қилиб, касбий бузилишнинг олдини олишга қаратилган тадбирлардан энг биринчиси, энг аввало, ички ишлар идоралари ходимларини

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, ишқисод, сиёсат, мафкура Т.1. - Т.: Ўзбекистон 1996 - 321-б

¹ Шаранг: Тоджихонов У. Ўзбекистонда мустақил давлатчилиқнинг =ушущий-маънавий муаммолари. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 1996. - 221-222-б.

ҳуқуқий тарбиялаш ва шу асосда уларнинг ҳуқуқий онгини ўстириб ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдан иборат.

Ахлоқий тарбия ва унинг усуллари. Ички ишлар идоралари ходимларини ахлоқий тарбиялаш ишларини тўғри йўлга қўйиш, уларнинг касбий бузилишларининг олдини олувчи энг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ахлоқий тарбияси деб уларда ахлоқий билимлар, эҳтиёжлар, ғоявий ахлоқий ишонч, ахлоқий ҳис-туйғуларни шакллантиришга қаратилган жараёнга айтилади.

Ахлоқий тарбия илмийлик, ғоявийлик, ҳаққонийлик, мақсад ва воситаларнинг муштараклиги, воқелик билан узвий боғланиш, ижодий ёндашув принципларига амал қилган ҳолда олиб борилиб, ички ишлар идоралари ходимларини касбий таназзулга учрашдан сақлаб туради.

Ахлоқий тарбия принципларидан ташқари, ахлоқий тарбия методларидан ўз вақтида унумли фойдаланиш касбий бузилишга йўл қўймайдиган энг ишончли омил ҳисобланади.

Ахлоқий тарбия усуллари деб ички ишлар идоралари раҳбар ходимлари ва жамоалари томонидан ахлоқий эътиқодларни, ахлоқий ҳис-туйғу ва одатларни таркиб топтириш мақсадида қўлланиладиган шахсга тарбиявий таъсир кўрсатиш усулларининг мажмуасига айтилади.

Ахлоқий тарбия усуллари жумласига ишонтириш, рағбатлантириш ва жазолаш, шахсий намуна кўрсатиш, мусобақа-беллашув, танқид ва ўз-ўзини танқид киради.

Ахлоқий тарбиянинг асосий ва зифалари қуйидагилардан иборат:

1) ички ишлар идораларининг ходимларини ҳар қандай қийин ва хавфли шароитларда ҳам юксак даражада ахлоқий ғояларга - Ватанга садоқатли бўлиш, халққа чин дилдан хизмат қилиш, инсонийлик, адолатпарварлик, қонунийлик, жамоачилик, миллий ғурур, шаън ва қадр-қимматни сақлашни олий ахлоқий ҳислатлар деб тушуниш руҳида тарбиялаш;

2) ахлоқан пок, ростгўй, собитқадам, ташаббускор, масъулиятли, мустақил фикрловчи ички ишлар идоралари ходимларини тарбиялаб етиштириш;

3) мард, жасоратли, тадбиркор, ўз манфаатларини жамият манфаатларидан устун қўйишни ҳаёлига ҳам келтирмайдиган ходимлар авлодини вужудга келтириш;

4) юксак даражадаги ахлоқий-ҳуқуқий маданият соҳиби бўлган, касб маданиятининг сир-асрорларини пухта эгаллаган ички ишлар идоралари ходимларини камол топтириш;

5) юксак даражадаги профессионал билимга эга бўлган, ўзининг ахлоқий-касбий бурчини чуқур хис қиладиган, «милиция ходими», деган юксак номга доғ туширмайдиган ички ишлар идоралари ходимларини тарбиялаб етиштириш ва уларнинг қохрамонлиги, одамийлиги, инсонпарварлиги, хушмуомалалиги билан фахрланиш мумкин бўладиган ҳуқуқшунос мутахассисларни тарбиялаш.

Эстетик тарбия ва унинг ахлоқий-касбий бузилиш-нинг олдини олишдаги аҳамияти. Ички ишлар идоралари ходимлари касбий бузилишларининг олдини олишдаги воситалардан бири уларни эстетик тарбиялашдир.

Эстетик тарбия деб инсонни нафосат қонунлари асосида ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга қаратилган фаолиятга айтилади. Эстетик тарбия ички ишлар идоралари ходимларини гўзаллик олами билан ошно қилиб, уларнинг ахлоқий онгида вужудга келган ҳар хил бўлмағур фикрларни чиқариб ташлашга, унда ҳаётга бўлган қизиқиш, завқ,-шавқ. билан яшаш орзу-умидларини кучайтириш ишига хизмат қилади.

Касбий бузилишнинг олдини олишда эстетик тарбиянинг бир қанча омилларидан фойдаланилади.

Бундай омиллар жумласига қуйидагилар киради:

1. *Ижтимоий муносабатлар омили* - бу одамлар, жамоалар ўртасидаги бир-бирларига бўлган диққат, эътибор, дилкашлик, хушчакчаклик, кулги, ҳазил.

мутойибалардан иборат бўлиб, улар одамдаги тушкунлик кайфиятини йўқ кдлиб, кунгилни кўтаради, қувонтиради, ишга бўлган иштиёқни кучайтиради.

2. *Табиат омили* - бу тоғларнинг улуғворлиги, шаршаралар, гуллар, боғ-роғлар, мовий денгизлар, сайроки қушлар, сержило балиқлар каби табиат гўзалликлари билан ошно бўлиш, табиат бағрида дам олиш. У кишига шавқ-завқ, чарчаган танага, толиққан мияга ором, роҳат бериб, одамни осойишта ҳаёт кучоғига қайтаради, миядаги ҳар хил губорларни чиқариб ташлашга хизмат қилади.

3. *Санъат омили* ҳисобланмиш яхши куй, кўшиқ, сержило рақс, кино, архитектура ёдгорликларини томоша қилиш асабларга дам беради, воқеликдаги гўзалликларни илғаб олишга, мазмундор ҳаёт кучоғига қайтишга ундайди, янгидан-янги қахрамонликларни содир этишга чорлайди.

4. *Атроф-муҳитни эстетик жиҳатдан ташкил этиш омили* ўз ичига янги замонавий услубда қурилган биноларни, юксак эстетик дид билан жихозланган иш жойларини, унумли меҳнат қилиш учун дид билан безатилган ва қулай меҳнат воситалари - радио, телевидение, компьютер, криминалистика асбоб-ускуналарини ҳамда ходимларнинг дам олишлари учун яратилган шарт-шароитлар - боғлар, дам олиш ўйлари, чиройли чойхона ва ошхоналар, кўллар, истироҳат боғлари, сайилгоҳларни ўз ичига олади. Бу ерларда ишлаган, дам олган ходимларнинг миясидан ҳар хил бўлмагур фикрларнинг кўтарилиши табиий.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақиллик шарофати туфайли, собиқ шурулар даврида фаолияти анча издан чиққан ИИВ Олий мактаби (1992 йидан эътиборан Академия) раҳбарияти, командирлари, ўқитувчи-профессорлари, тингловчилари томонидан мутлақо таниб бўлмайдиган даражада ва юқори савиядаги эстетик дид билан қайта қурилди, жихрланди. Бугунги кунда Академия худуди тингловчиларни юксак эстетик дид билан тарбиялаш намунаси сифатида хизмат қилмоқда.

Ахлоқий-касбий бузилишнинг олдини олишда қўлланиладиган махсус тадбирлар. Ички ишлар идоралари ходимлари ахлоқий-касбий бузилишларининг олдини олишга қаратилган мазкур ҳаракатлардан ташқари бошқа аниқ, чора-тадбирлар ҳам мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Профессионал фаолиятни ташкил этиш соҳасида:

- ҳар бир ходимни танлаб олишда ва ишга тайинлашда уларнинг қизиқишларини инобатга олиш;

- ходимларга аниқ вазифалар, топшириқлар бериш, уларнинг бажарилиши учун барча чора-тадбирларни кўриш;

- аввал судланган одамлар билан мунтазам равишда яқка тартибдаги тарбиявий ишларни олиб бориш;

- ходимларга фуқаролар билан муомала қилиш маданиятини, руҳий алоқа ўрнатиш маҳоратини ўргатиш;

- хизмат вазифасини бажаришда ишга ижодий ёндашувчи, чигал масалаларнинг ечимини тезликда топувчи, муаммоларни ҳал қилишда илм-фан ютуқларидан унумли фойдаланувчи ходимларни тақдирлаш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш;

- қўл остидагиларни ўз ишини ўзи таҳлил қилишга, ўзини ўзи назорат қилишга ўргатиш;

- ходимларнинг бўш вақтларидан самарали фойдаланишлари учун, оиласининг тинчлиги, ҳаётининг сермазмун бўлиши учун тинмай ғамхурлик қилиш;

- ўзгаларга руҳий таъсир ўтказиш усулларини амалда қўллашни ўргатиш ва оператив қидирув органи ходимини жанжалли ва қўрқинчли ҳолатларда ишлашга руҳий жихатдан тайёрлаш ишларини амалга ошириш;

- жисмонан чиниқтириш ва чидамлилигини ошириш.

2. Тарбиявий ишларни амалга ошириш соҳасида:

- ходимларда илми дунёқарашни, ахлоқий-ҳуқуқий эътиқодни, ғоявий-сиёсий маданиятни ва иродавий ҳислатларни, қисқача айтганда, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш;

- уларни танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида тарбиялаш;

- ирода ва ҳарактер кучини чиниқтириш;

- жиноятчилар дунёсининг таъсирига қарши тура олиш қобилиятини ҳосил қилиш;

- хизматда ва турмушда шахсий намуна орқали таъсир кўрсатиш;

- тарбиялаш жараёнида ўргатиш ва мажбурлаш, рағбатлантириш ва жазолаш усул ва воситаларидан унумли фойдаланиш;

- жамоада соғлом руҳий муҳитни вужудга келтириш;

- қўл остидагиларнинг яшаш шароитларини, дам олишини яхшилаш борасида ғамхўрлик қилиш;

- тарбиянинг барча турларини, усул ва воситаларини, принципларини бирга қўшиб олиб бориш, айниқса, ҳуқуқий ва ахлоқий тарбиянинг узвий бирлигига асосий эътиборни қаратиш;

- халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари ва тили билан боғлиқ бўлган қадриятлардан тарбия жараёнида миллий ғурурни ўстириш ва миллий онгни шакллантиришда унумли фойдаланиш.

3. Жиноят қидирув бўлинмаси ходимларининг ахлоқий-руҳий муҳитини шакллантириш соҳасида:

- янги хизматга келган ходимларнинг ва ёш мутахассисларнинг ишга кўникишларини тезлаштириш учун зарур шароитларни яратиб бериш;

- қўл остидагилар тўғрисида мунтазам равишда ижтимоий-руҳий маънодаги маълумотларни тўплаб бориш, яъни улар тўғрисидаги миш-мишлар, гап-сўзлар ва ҳаказолардан огоҳ, бўлиб туриш;

- ходим ва жамоа, бошлиқ ва тобс ходим ўртасида ўзаро ишонч ва дўстона муносабатга асосланган муносабатларни ўрнатиш;

-жамоа олдида яқин кунлар ичида ва келгусида қилинадиган ишлар тўғрисида ахборот бериб туриш, бу тўғрида фикр алмашиш;

- жамоатчилик фикрига қулоқ, солиш ва ундан унумли фойдаланиш;

- хизмат кўрсатган ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ишларини очик ва ошкора тарзда ҳал этиш;

- профессионал фаолият давомида вужудга келган ижобий анъаналарни ўрганиш ва мустаҳкамлаш;

- жамоа ва бўлинмадаги ходимларнинг рухий ҳолатини, қобилиятини инобатга олган ҳолда оператив ишларга жалб қилиш, қўйиш, ишга тайинлаш ва х.,.к.

+уқуқни ҳимоя қилиш идоралари ходимлари ахлоқий-касбий бузилишларининг сабаблари ва уларни тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида И.А.Каримов шундай деган эди: «+уқуқни ҳимоя қилиш органларининг айрим нопок ходимлари ўз вазифасини суиистеъмол қилиб жиноятга қўл урмоқда.... +уқуқни муҳофаза этувчи идоралар -милиция, суд, прокуратура ходимлари сафларини малакали, Ватанга ва ўз бурчига садоқатли, инсофли, ёш, иқтидорли ва замон талабларига жавоб берадиган кадрлар билан тўлдириш ишлари кучайтирилиши лозим...

Барча бугинларда инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раҳбарлар бошчилик қилмас экан, мустақил мамлакатимизнинг обриси, унинг манфаати учун мардлик, жонкуярлик билан ишламас экан, ишларимиз кўнгилдагидек бўлмайди»¹.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Ахлоқий-касбий бузилиш нима?
2. Ахлоқий-касбий бузилишнинг шакллари қандай?.

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик йилидан Т. 4. - Ўзбекистон 1996 -287-288-б

3. Касбий бузилишни келтириб чиқарувчи умумий сабаблар ҳақда сўзлаб беринг.

4. Ахлоқий-касбий бузилишнинг объектив ва субъектив сабабларига нималар киради? Уларни санаб беринг.

5. Бюрократизмга асосланган касбий бузилиш деганда нимани тушунасиш?

6. Касбий таназзулни келтириб чиқарувчи омиллар нималардан иборат? Шу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларингизни айтинг.

7. Касбий бузилишнинг очиқ ва ёпиқ шакллари деганда нималарни тушунасиш? Билганларингизни санаб беринг.

8. Ахлоқий-касбий бузилишларнинг олдини олишда қўлланиладиган умумий тадбирларга нималар киради?

9. Ахлоқий ва эстетик тарбия нима ва улар ички ишлар идоралари ходимлари касбий бузилишнинг олдини олишда қандай аҳамиятга эга?

Касбий бузилишнинг олдини олишга ва уни тугатишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар нималардан иборат?

XIV боб

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИДА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

1-§. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИДА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Маънавият ва унинг таркибий қисмлари. Дунёдаги ҳар бир тирик инсон моддий ва маънавий олам эхсонларидан ташкил топган бўлиб, моддий олам унга тана, жисмоний озик, куч-камолот берган бўлса, маънавий олам унинг танасига руҳий қувват, ақлий заковат ато этади. Инсондаги ана шу икки вужуд, яъни моддий ва маънавий вужуд бир-бирлари билан кўшилиб, уни хайвонот

дунёсидан фарклаган холда еру-кўкнинг гултожига айлантиради. Инсонни буюк кучга айлантирувчи, уни Аллоҳнинг халифаси даражасига кутарувчи қувват ҳам унинг маънавий вужудидир.

«Маънавият» арабча сўз бўлиб, биринчидан, кишининг ички, руҳий ҳаётига оид томонларни билдирса, иккинчидан, ахлоқийлик деган маънони ҳам англатади¹.

Фалсафий маънода «Маънавият - одамнинг руҳий ва аклий оламининг мажмуидир... Маънавият - жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, аклий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча. Маънавият инсон ва жамият маданиятининг негизи, инсон ва жамият ҳаёти маълум йўналишининг бош омилидир»².

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, маънавият кенг маъноли тушунчадир. У реал ижтимоий воқеликнинг узок, утмишини, бугунги ҳаётини ва келгусидаги равнақини ўзида мужассамлаштирувчи фалсафий категория ҳисобланади.

Маънавиятни 1) умуминсоний маънавият; 2) жамият, давлат, халқ ёки миллат маънавияти; 3) алоҳида шахс маънавиятига ажратиш мумкин. Бунда, масалан, дунёда яшовчи барча инсонларнинг тинч-осуда, соғ-саломат ҳаёт кечиришга, меҳнат қилишга уринишлари, фикр, хаёл ва орзу-умидлари умуминсоний маънавият жумласига кирса; демократик суверен давлат қуриш, тенглар ичида тенг бўлиб яшаш - миллат маънавиятига; касб-ҳунар ўрганиш ва шу асосда халққа, эл-юртга хизмат қилиш шахс маънавиятига киради.

Ички ишлар идоралари ходимларининг маънавияти деб уларнинг ўзларини ўзбек халқининг бир вакили деб билган ҳолда она Ватаннинг тупроғини, сувини, хавосини ва жамики бойликларини кўз қорачиғидай асрашлари ҳамда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний тарзда чин виждон, имон, эътиқод, садоқат, ишонч, ҳалоллик, довжораклик, беғаразлик, ҳурмат,

¹ Ўзбек тилининг изоли луғати, - М.: Русский язык 1981 -454-б

² Ватан туйғуси - Т.: Ўзбекистон, 1996 - 111-б.

катта фидойилик ва аҳлий теранлик билан химоя қилишга қаратилган ички руҳий ва ақлий оламининг мажмуига айтилади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг маънавияти уларнинг руҳий ва ақлий оламини ташкил қилувчи фикру зикри, ҳиссиёти, туйғулари, хаяжонлари, кечинмалари, ташвишлари; атрофии ўраб турган турфа олам тўғрисидаги тушунча, ҳукм, хулосалари, уларга берган баҳоси; ўзини ва ўзлигини англаб етиши, она Ватанга, еру самога, ота-онага, ўғил-қизга, ака-укага, халққа бўлган меҳр-муҳаббатларидан ташкил топади.

Маълумки, ички ишлар идораларининг ходимлари халқнинг тинч-осуда ҳаёт кечириши, ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиши учун масъул бўлган давлат хизматчилари ҳисобланадилар. Улардаги ушбу масъулият хисси, энг аввало, ўзлари хизмат қилаётган халқнинг, эл-юртнинг ўтмишини, мавжуд реал ҳаётини билишдан, уларнинг келажагини аниқ, тасаввур этишдан, сунфа, ана шу асосда ўзини ва ўзлигини чуқур англаб етишдан бошланади.

Ўзини ва ўзлигини англаб етмаган инсон ўзгаларнинг ҳам, давлатнинг ҳам, жамиятнинг ҳам, қолаверса, она Ватаннинг ҳам кадр-қимматини билмайди.. Инсон қадрини, Ватан, эл-юрт қадрини, мамлакат қадрини билмаган кишиларга ҳеч вақт ҳуқуқли муҳофаза қилиш ишларини ишониб топшириб бўлмайди.

Хуш, маънавиятнинг таркибий ҳисмларидан бирини ташкил қилувчи ўзини ва ўзлигини англаш деганда нима тушунилади?

Ички ишлар идоралари ходимларининг ўзини англашлари деб уларнинг озод ва обод ватанда яшашдан мақсади нима эканлигини теран идрок этишлари, яъни халқ ва давлат олдидаги хизмат бурчи масъулиятини чуқур ҳис этишлари ва шу асосда ўзининг ички имкониятига, ақл-заковатига, куч-қувватига ишонган ҳолда ҳеч қандай қийинчиликдан қўрқмасдан эл-юртнинг тинчлигини сақлаш, фуқороларнинг қонуний манфаатларини химоя қилиш, авлодларнинг келгусидаги равнақи учун умрини бахшида этишларига қаратилган ҳис-туйғуларининг мажмуасига айтилади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ўзлигини англашлари деб уларнинг ўз халқи, эли, юрти, хизмат жамоасининг келиб чиқишини, уларнинг инсоният равнақи учун узоқ, ўтмишдан ҳозирги кунга қадар қўшган ҳиссаларини теран идрок этишларига айтилади.

«Ўзлигини англаб етган, қалбига кулоқ солган ҳар бир инсон, - деб ёзган эди И. А. Каримов, - узига, мен бу фоний дунёда нима иш қилдим, яна қандай ишлар қилишга вақтим ва қурбим етади, деган саволни бериши инсон қалбини тозартиради, уни босавоб, эзгу ишларга чорлайди. Хуллас, маънавиятда инсоннинг иймони, эътиқоди, ахлоқи, ҳаётнинг маъносини қандай тушуниш, ички дунёси намоён бўлади. Ватан, халқ олдидаги бурчни англаш ҳам маънавиятнинг юксак белгисидир. Маънавий баркамол инсон - ўзининг савобли ишлари билан кечирган ҳаётдан рози кетади... Зеро, юксак маънавияти бўлмаган халқнинг келажаги ҳам йўқдир»¹.

Шундай экан, ўзини ва ўзлигини англаш ички ишлар идоралари ходимлари учун она Ватаннинг озодлига ва ободлиги йўлида жон олиб, жон берган аждодларининг, ота-боболарининг, сафдошларининг хотирасига ҳурмат бажо келтирган ҳолда, давлатнинг, халқнинг, эл-юртнинг тинчлигини, осойишталигини сақлаш, катта-кичик ҳар бир фуқарога инсоний муносабатда бўлиб, унинг кундалик ҳаётини ташвишларига шерик бўлиб, жамият бағридан, инсонлар қалбидан жиноятчиликни, ҳуқуқбузарликни ва тартиббузарликни ва ҳар хил ахлоқсизликларни қилиш истагини чиқариб ташлаш, уларнинг олдини олиш ва таг-туғи билан тугатиш каби ўта масъул ишни амалга оширишларидаги илк маънавий дебоча эканлиги билан ўзининг бетакрор моҳиятини намоёниш килади.

Шунинг учун ҳам юксак маънавиятли инсонлар бўлмаган, айниқса маънавиятсиз ички ишлар ходимлари бўлган жойда касбий буздишнинг қонунга ҳурматсизлик, инсон тақдирига бефарқ қараш, давлатга хиёнат, худбинлик, мансабпарастлик ва лаганбардорлик каби бир қатор кўринишлари

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби т,5. - Т.: Ўзбекистон 1997 - 149-150-б

келиб чиқади. -Маънавий бузилиш инсонни, жамиятни, давлатни таназзулга олиб келувчи энг қабих куч ҳисобланади. Маънавиятнинг ахамияти ҳақида И. А. Каримов шундай деган эди: «Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади... Маънавият тарихни, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади.

Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қон-қардош қилади. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради...

Маънавият инсонга хаводек, сувдек зарур. Сахродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан Маънавият чашмасини излайди. Ер, сила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, кўни-кўшнилари, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч хотира, виждон, эркинлик -маънавиятнинг маъноси ана шундай жуда кенг. Инсон уни Инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди. Инсон ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади...

Маънавият тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қул билан меҳнат қилиши керак. Бу хазина инсонга ҳаётда барқдрорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди.

Маънавият - инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди»¹.

«Маърифат» тушунчаси, унинг моҳияти ва ахамияти. «Маърифат» арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида кишиларнинг онг-билиминини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия маъносини англатади. Илм-фан назмида эса

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истишқол, ишқисод сиёсат мафқура. Т.1. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - 80-81-б.

маърифат деганда кишилар орасида замонавий билимларни, яъни фан ва техника, санъат ва маданият, сиёсат ва ҳуқуқ, каби бир қатор илмларнинг энг сўнгги ютуқларини тарқатиш, тарғибот-ташвиқот қилиш ишлари тушунилади. Шунинг учун ҳам бевосита замонавий илм-фан, маданият ютуқларини тарқатиш билан машғул булган кишиларни *маърифатпарварлар* деб, тарқатилган ана шу илму билимлардан бахраманд бўлганларни *маърифатли кишилар* деб аташади.

Ҳозирги кунда фан ва техника, ижтимоий ва сиёсий тараққиёт жуда тез суръатлар билан кечмоқда. Унинг моҳиятини англаб олиш ва шу асосда ишларни ташкил қилиш ҳар бир киши учун ҳаётий зарурат даражасига етди. Бу зарурат ҳар бир одамни маърифатли бўлишга ундамоқда. Маърифатнинг мақсади одамларга янги фан ва техника ютуқларини, оламда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий тараққиётга хизмат қилувчи янгиликларни, жаҳон маданиятининг дурдоналарини етказишдир.

Инсоният ривожини тарихидан шу нарса маълумки, ҳамма вақт давлатларнинг шукуҳли салоҳияти, жамиятнинг равнаҳи маърифат ишларининг қай даражада ташкил этилганлигига кўп жихатдан боғлиқ бўлиб келган. Чунки қайси бир мамлакатда маърифат ишлари оммавий тарзда, илмий асосда, мунтазам равишда тўғри йўлга қўйилган бўлса, уша ернинг халқи, давлатнинг фуқаролари юксак билим ва манавият соҳиби бўлганлар.

Юксак билимли, маънавиятли ва маърифатли халқ доимо тўқ ва бадавлат яшайди. Ҳар томонлама камол топган, бой-бадавлат ва маърифатли халқ ҳар қандай давлатнинг асосий кучи, таянчи ҳисобланади. Бундай халқ ҳеч қачон зулмат дунёсида яшашни истамайди, у доимо маърифат сари интилади. Шундай экан, ҳозирги кунда давлатлар узларининг замонавий қурол-яроқлари, ўқдорилари билан эмас, балки маърифатли ва маънавиятли одамлари билан кучли саналади.

Маърифатнинг асл моҳияти тўғрисида миллатпарвар инсон Махмудхўжа Бехбудий (1874-1919) шундай ёзган эди: «Илм-маърифатсиз ҳеч бир миллат ...

ҳаёт майдонида тура олмас. Хоҳ ул миллат хоқим хоҳ миллат маҳкум бўлсин, илм маърифатдан маҳрум бўлганлиги учун бошқа санъат ва ҳунар тожи бўлган миллатларнинг оёғи остида эзилурга мажбурдирлар... Бой бўлган миллат албатта дунёда яшай оладур. Ул миллатнинг динига эмас, ҳатто миллиятига ва шахсиятига ҳеч ким тега олмайди... +унарлик ва бой бўлмоқ учун нима лозимдир? Албатта илм ва маърифат лозимдир... Хунарли ва маърифатли бўлган миллатларнинг халқлари фақир ва бечора бўлиб дарвишлар қиёфасига кириб, гадоилик қилиб юрмайдилар»¹ .

Маънавият инсон руҳий ва ақий оламининг мажмуи бўлса, маърифат шу оламини зиёга тўлдирувчи воситадир. Қалби илм-фан, маданият зиёси билан нурга тўлган инсон ҳамма вақт имонли, эътиқодли, саховатпеша, халқпарвар бўлиб, ҳақиқат учун, адолат қарор топиши учун, тинчлик-осойишталик учун кураш олиб борадилар.

Маънавият ва маърифат ишларини ташкил этиш ички ишлар идоралари ходимларининг ҳаёти ва фаолиятида катта аҳамият касб этиб, қуйидаги натижаларга эришишни таъминлайди:

биринчидан, ҳар бир ходимда халқпарвар булиш, уни ардоқлаш, иззат-хурматини жойига қуйиш, мустақилликни олий неъмат деб билиш ва элим, юртим деб кечаю кундуз унинг хизматида бўлиш каби фазилатларни тарбиялайди;

иккинчидан, иймонли, эътиқодли, садокатли, фидойи, хушмуомала бўлган ҳолда, фуқароларнинг тақдирига бефарқ қарамасликни, улар билан ҳамнафас бўлиб яшашни, уларнинг қонуний манфаатларини қимоя қилишни ўргатади;

учинчидан, жамият бағрида мавжуд бўлган, унинг ривожига тўсқинлик қилаётган ҳар хил иллатлар -жиноятчилик, коррупция, уфилик зинокорлик, ёлғончилик, тухматчилик, безорилик кабиларга чексиз нафрат туйғусини ривожлантириб, уларни тағ-томири билан йўқ қилишга рағбатлантиради;

¹ Шараф: Ўзбек педагогикаси анологияси. Икки жилдли Ж. 1. - Т: Ўқитувчи, 1995 - 452-б

тўртинчидан, энг замонавий ҳуқуқий, ахлоқий, сиёсий илмлардан сабоқ бериб, фан ва техника ютуқлари билан таништириб, уларнинг маънавий маданиятини юксалтиради.

2-§. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИДА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ИШЛАРИНИ УТКАЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ТАДБИРИЙ АСОСЛАРИ

Ички ишлар идоралари тизимида маънавият ва маърифат ишлари бир-бири билан узвий алоқада бўлган икки йўналишда олиб борилади. *Биринчи йўналиш* Ички ишлар вазирлиги таркибидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, малака ошириш, мутахассисларни қайта тайёрлаш, раҳбар ходимларни тайёрлаш факультетлари ва курсларида замонавий назарий билимларни бериш орқали олиб бориладиган маънавият ва маърифат ишларидан иборат бўлса; *иккинчи йўналиш* Ички ишлар вазирлиги таркибидаги маданий-маърифий муассасалар, яъни клублар, маданият саройлари, кутубхоналар, маърифатхоналар, дам олиш масканлари кабиларда олиб бориладиган маънавият ва маърифат ишларидан ташкил топади. Бу йўналишдаги тадбирлар шахсий таркиб билан олиб бориладиган маърифат дарслари; турли хил давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, шоирлар, санъаткорлар, саркардалар, меҳнат фахрийлари, хорижлик хамкасаблар билан бўладиган учрашувлар; маданият ва истироҳот боғларига, тарихий аҳамиятга молик жойларга саёҳатлар; кино-концерт залларига, музейларга, театрларга, маданият саройлари ва уйларига, фан-техника ва маданият ютуқлари кўргазмаларига қилинадиган ташрифлар; радио, телевидение, газета ва журналларда қилинадиган чиқишлар ҳамда турли хил маданий-маърифий муассасалар ишларини ташкил этиш кабиларни қамраб олади.

Маърифат дарслари ва уларни ўтказиш шакллари. Ички ишлар идораларининг ходимларига мўлжалланган маърифат дарслари Республика ички ишлар вазирининг 1993 йил 24 июндаги 242-сон буйругига асосан ўтказилади.

Маърифат дарсларини ташкил этишдан қўзланган асосий мақсад шахсий таркибни энг замонавий билимлар, фан ва техника ютуқлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар ва дунёда содир бўлаётган янгиликлар билан таништириш асосида уларнинг маънавий савиясини оширишдан иборат. Уларда асосан қуйидаги масалалар ҳақида атрофлича фикр юритилади:

- давлатнинг ички ва ташкл сиёсати;
- Ўзбекистан Республикаси Президентининг нутқлари, мақолалари, китоблари ҳамда фармон, фармойиш ва кўрсатмаларида баён этилган фикрларнинг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти;
- республика ҳукуматининг қарорлари, ички ишлар вазирининг буйруқлари, хизмат низомлари ва уларнинг бажарилишига оид масалалар;
- мамлакатда жинойтчилик, ҳуқуқбузарлик, тартиб-бузарликларнинг аҳоли ва уларнинг олдини олиш муаммолари;
- мамлакат аҳолисининг меҳнатда эришаётган ютуқлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги аҳвол, кишиларнинг турмуш тарзида бўлаётган ўзгаришлар, ҳаётга кириб келаётган янгича урф-одатлар, ёшларнинг ҳаётга муносабатлари;
- дунёда юз бераётган воқеалар, тарихий ҳақиқатни қарор топтириш муаммолари;
- адабиёт, санъат ва фан-техника соҳаларида эришилган ютуқлар ёки йўл қўйилган камчиликлар ва х.к.

Маърифат дарсларини асосан маъруза, мунозара (семинар), давра суҳбати, савол ва жавоб кечаси, сиёсий ахборот шаклларида махсус ажратилган вақт - маърифат кунларида малакали тарғиботчи-ташвиқотчилар, ахборот-чилар, раҳбарлар ва мутахассислар ўтказадилар.

Маъруза ва уни ўқиш методикаси. Маъруза ўқиш -маърифат дарсларини ўтказишнинг кўп қўлланиладиган, анъанавий шаклларида бири бўлиб, унда танланган мавзу ёки бирон муаммоли масала оғзаки равишда, оммавий ёки илмий тилда баён этилади. Шунга кура маърузалар оммавий ва илмий типларга ажратилади. Маърифат дарсларида одатда оммавий, ўқув юртларидаги дарсларда эса илмий типдаги маърузалар ўқилади.

Маъруза ўқиш мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, уни ғоявий-мафкуравий фаолият воситаси, материални оммавий тарзда баён қилиш тури, илмий-назарий ахамиятга молик янгилик ва кашфиётларни баён этувчи қомусий асар, нотиклик санъатининг намунаси, хиссий ва илмий-аклий салоҳиятнинг кўриниши сифатида талкин этиш мумкин.

Маърифат дарсларида ўқиладиган маърузаларга қўйиладиган умумий талаблар қуйидагилардан иборат:

- масаланинг моҳиятини, аҳамиятини илмий-оммабоп тарзда баён этиш;
 - ҳукумат қарорларини ва вазирлик буйруқларини унинг мазмунига зид ҳолда талкин этишга йўл қўймаслик;
 - масалага ўзбек миллий мафкураси нуқтаи назаридан ёндашиш;
 - ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда маънавий изчилликни таъминлаш ва
- х.к.

Хар кандай маъруза, энг аввало, уни тайёрлашдан бошланади.

Маърузага тайёргарлик куриш асосан уч босқичдан иборат бўлиб, *биринчи босқичда* маъруза мавзуси танланади. Бунда мамлакат ҳаётида юз бераётган сиёсий воқеалар, шахсий таркибнинг маънавий, ахлоқий, руҳий ахволи, эҳтиёжи, оператив вазият ҳамда раҳбарларнинг кўрсатмалари инобатга олинади.

Иккинчи босқичда бевосита маъруза тайёрланади. Бунда мавзуга дойр материаллар - китоблар, рисоалар, мақолалар, газета ва журналлар, буйруқлар, йўриқномалар, қонунларга шарҳлар, маълумотномалар, ҳисоботлар, социологик тадқиқотларнинг натижалари, қайдномалар, афоризмлар, мақоллар, маталлар, топишмоқлар ва бошқалар тупланади ва мазмунига кўра тартибга солинади.

Сўнгра маъруза матнини тайёрлашга киришилади. У, одатдагидек, кириш, асосий қисм ва хулосалардан иборат бўлган режани тузишдан бошланади.

Тайёрланган маъруза матни мукамал режа, асосий қоидалар, тезислар, конспект ва тўлиқ матн шаклларида бўлиши мумкин.

Учинчи босқичда тайёрланган маъруза қайта-қайта ўқиб чиқилади, камчиликлари тuzатилади, овоз чиқариб ўқиш орқали машқ қилинади. Бу эса маърузачининг ўзига ишончини оширади, вақтни тўғри тақсимлаш имконини беради.

Нотиқ маъруза ўқиш жараёнида ҳам муаллиф, ҳам режиссёр, ҳам ижро этувчи актёр сифатида намоён бўлади. Маъруза одамларнинг кўз ўнгида ўқилади. Шу боис маърузачи албатта ўз товушининг охангларига, нутқининг изчиллигига, образлилигига, аудитория билан боғланиш даражаларига алоҳида этибор бериши лозим.

Яхши ўқилган маъруза одамларга завқ-шавқ бағишлайди.

Маъруза ўқишда қуйидаги методик тавсияларга амал қилмоқ керак:

- маъруза содда, ҳамма учун тушунарли тилда ўқилиши керак, ҳар бир назарий фикр ва қоида асосланмоғи, ишончли далиллар билан исботланмоғи керак;

- тингловчилар учун нотаниш терминлар, хорижий сузларни ишла-тишга берилиб кетиб, шу асосда ўзини билимдон қилиб кўрсатишга ўринмаслик керак;

- нутқ фактларга асосланган бўлиши, айна вақтда ҳар хил бадий ўхшатишларга, мақолларга, афоризмларга бой бўлиши лозим;

- маъруза вақтида тингловчиларни турғизиб қойиш, уларга танбех бериш, ҳар хил кесатиклар қилиш мумкин эмас;

- кўргазмали қуроллардан, техника имкониятларидан унумли фойдаланган маъкул;

- маърузада тингловчиларнинг касб-корини, қизиқишларини, билимдонлик даражасини, руҳиятини ҳисобга олиш зарур.

Сиёсий ахборот ва уни ўтказиш методикаси. Сиёсий ахборот - маърифат дарсларининг муҳим турларидан бири бўлиб, унда шахсий таркибга мамлакатдаги ички аҳвол ва ташқи вазият ҳақида қўйидаги масалаларга дойр маълумотлар берилади:

- а) мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаёти;
- б) давлатнинг ташқи сиёсати ва халқаро аҳвол;
- в) ахлоқий, ҳуқуқий масалар, оператив хизмат фаолиятидаги янгиликлар;
- г) фан, техника, маданият, маънавият, маърифат янгиликлари ва х.к.

Сиёсий ахборотнинг самарали бўлиши учун қўйидаги методик қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

1) сиёсий ахборот учун мавзунини танлаганда жамоанинг диққат эътиборини тортаётган нарсалар, воқеа-ҳодисаларни инобатга олиш, мавзунинг номи қисқа, ихчам ва маъноли бўлишига ҳаракат қилиш керак;

2) сиёсий ахборотнинг бош ғоясини, асосий максadini аниқлаб олиш зарур;

3) сиёсий ахборот учун қанча вақт ажратилганлигини билиб олиш ва шунга қараб ишни аниқ режалаштириш лозим;

4) сиёсий ахборот учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш, уларни тартибга солиш, шу асосда режа тузиш, конспект ёки тезислар ёзиш керак;

5) сиёсий ахборотни ўтказишда унинг сўзлаб бериш, суҳбат ўтказиш воқеалар обзори каби шаклларида бирини танлаш жоиз.

Сўзлаб бериш мавзунини жонли ва ифодали қилиб баён қилиш шаклларида бири бўлиб, унда ахборотчи айтилаётган воқеаларга нисбатан эркин тарзда, тингловчини ўз фикрига қўшилишга мажбурламасдан ўз мулоҳазаларини баён этади, асослайди, тавсиялар беради.

Суҳбат тингловчиларни муайян мавзудаги баҳс-мунозараларга жалб қилиш бўлиб, кўпинча савол-жавоб тарикасида ўтказилади. Бундай тарзда берилган ахборот тингловчиларнинг фаол иштироки тўғрисида қизиқиш билан қабул қилинади ва хотирадан мустаҳкам ўрин олади.

Воқеалар обзори бўлиб ўтаётган воқеа-ходисаларни умумлаштириб шарҳдашдан иборат. У умумий хусусиятга эга бўлиши ёки муайян мавзуга бағишланган бўлиши мумкин.

Сиёсий ахборот шахсий таркиб орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришнинг оғзаки шакли бўлиб, у орқали ҳар бир ходим дунё воқеаларидан, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатидан, фан-техник ва маданият ютуқларидан баҳраманд бўлади. Унинг ёрдамида шахсий таркиб сиёсий онгининг, мамлакат ҳукумати қўйган вазифаларни бажаришдаги жанговар қобилиятининг тобора ошиб боришига эришилади.

Давра суҳбати, савол-жавоб кечалари; уларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Давра суҳбати, савол-жавоб кечалари маърифат дарсларининг муҳим шакллариандир. Уларда раҳбар ходимлар, мутахассислар иштирокида шахсий таркибни қизиқтирувчи масалалар юзасидан суҳбат, баҳс-мунозара уюштирилади. Уларни асосан қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- олдиндан белгилаб олинган битта кичик сиёсий мавзу бўйича олиб борилувчи, қисқа;
- бир неча мавзуларни, масалаларни ўз ичига олувчи кенг қамровли;
- бутун шахсий таркиб билан олиб борилувчи;
- фақат ёш мутахассислар ёки хизмат соҳаси у ёки бу бўлинмасининг аъзолари билан ўтказилувчи ва х-к.

Давра суҳбатини, савол-жавоб кечаларини ўтказиш узоқ тайёргарликни талаб этадиган иш бўлиб, у қуйидагиларни амалга оширишни тақозо этади:

Биринчидан, хизмат жамоаси аъзоларини қизиқтирувчи муаммоларни аниқлаш ҳамда шу асосда давра суҳбати ва савол-жавоб кечасининг мавзуини белгилаб олиш зарур.

Иккинчидан, шахсий таркибни давра суҳбати ва савол-жавоб кечаси бўлишидан камида икки ҳафта олдин унда қандай масалалар, муаммолар кўриб чиқилишидан ва кимлар иштирок этишидан хабардор қилиш керак. Айни вақтда, ўтказиладиган кечада ёки суҳбатда шахсий таркибнинг тўлиқ иштирок

этишини таъминлаш, иштирокчиларнинг дилларидаги орзу-истакларини билиш учун барча шарт-шароитларни яратиш, яъни саволларни тўплаш учун махсус кутилар, дафтарларни ташкил қилиб, телефон номерларини ҳам айтиш керак.

Учинчидан, тушган саволларни яхшилаб ўрганиш. уларни таснифлаш ҳамда шу саволларга жавоб бериши лозим бўлган раҳбарларга ва мутахассисларга етказиш лозим.

Тўртинчидан, кечани ўтказувчи раисни танлаш, уни ўтказиш вақтини, жойини белгилаб олиш ва керакли раҳбарларни, мутахассисларни таклиф қилиш зарур.

Бешинчидан, давра суҳбати, савол-жавоб кечаси албатта кечани, суҳбатни олиб борувчининг қисқача сўзи билан очилиши ва шундан сўнг саволларга жавоб бериш тартиби тўғрисида келишиб олган ҳолда иш юритиш лозим.

Олтинчидан, жавоблар аниқ бўлиши, унинг исботи учун зарур хужжатлардан, кинолавҳалардан, мутахассисларнинг фикрларидан тулиқ фойдаланиш керак. Ҳеч бир савол жавобсиз қолмаслиги зарур.

Давра суҳбати, савол-жавоб кечалари ички ишлар идораларида шахсий таркиб билан жонли мулоқот олиб боришнинг асосий шакллари билан бири бўлиб, у маънавий ва маърифат ишларини ташкил этишнинг асосий воситаларидан бири эканлигини ҳар бир бошлиқ, раҳбар ходим чуқур англаб олиши керак.

Маърифатхона ишларини ташкил этиш. *Маърифатхона* - шахсий таркиб билан сиёсий, ижтимоий, маънавий-маърифий ишлар олиб бориладиган жой. Ўзбекистан Республикаси ички ишлар вазирининг 1994 йил 12 августдаги «Ўзбекистан Республикаси Ички ишлар идоралари ходимларининг маънавий савиясини ошириш, шахсий таркиб билан яқка тартибда олиб бориладиган

тарбиявий ишларни такомшаштириш тўғрисида»ги 215 - буйруғига биноан, унда қуйидагилар бўлиши шарт:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг байроғи, герби;
- Ўзбекистон Республикаси мадҳиясининг матни;
- ички ишлар идоралари ходимлари қасамёдининг матни;
- Ўзбекистон Республикаси «Ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси»;
- Улуғ Ватан уруши ва ички ишлар идоралари фахрийларининг, фаол ходимларнинг суратлари;
- Вазирлик, бошқарма, бўлим (кием) тарихига оид материаллар;
- телевизор ва радиоприёмниклар;
- кундалик матбуот нашрлари.

Маърифатхона ишлари қуйидагича ташкил этилади:

1. Шахсий таркибнинг умумий йиғилишида 5-7 кишидан иборат Маърифатхона кенгаши сайланади. Сайланган Кенгаш аъзолари ўзлари учун Кенгаш раисини, унинг ўринбосарини сайлаб ва бажарилиши лозим бўлган вазифаларни бўлиб оладилар. Масалан, Кенгаш аъзоларидан бири Маърифатхонани жиҳозлаш учун масъул бўлса, иккинчиси у ерда ўқиладиган маъруза, ўтказиладиган маърифат дарсларини; учинчиси - ҳар хил тўғараклар ишларини; тўртинчиси - маданий-маърифий ишларни; бешинчиси - кундалик матбуот нашрларини олишни; олтинчиси - кутубхона, яъни кўчма кутубхона ишларини ташкил этиш учун масъул булади.

2. Маърифатхона кенгашининг аъзолари ўзлари бажарадиган ишларини ойма-ой режалаштириб борадилар ва ана шу режа асосида иш юритадилар. Уларнинг режаларида барча ходимларнинг истак-хохишлари, қизиқишлари инобатга олиниши зарур. Тузилган режа албатта бўлим бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланган ва кўзга кўринарли жойда осиб қўйилган бўлиши шарт.

3. Маърифатхона кенгашининг аъзолари маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда албатта бўлимдаги бошқа жамоат ташкилотлари билан бамаслаҳат иш олиб боришлари керак. Масалан, фахрийлар, аълочилар, мураббийлар, хотин-қизлар кенгашлари билан «Янги йил», «Наврўз», «Халқаро хотин-қизлар куни», «Мустақиллик куни», «/алаба байрами» каби байрамларни нишонлаш, шу кунларга бағишланган деворий газеталарни, жанговар варақаларни чиқариш каби тадбирларни амалга оширишда бамаслаҳат иш олиб боришлари лозим. Маърифатхона Кенгашининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- ички ишлар идораларининг раҳбарларига, бошлиқларига шахсий таркибни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, тартиб-интизомли, миллий истиқлол мафқураси талабларидан келиб чиққан ҳолда сиёсий жиҳатдан онгли, қилиб тарбиялашга кўмаклашиш;

- шахсий таркибни оиератив-хизмат вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар қилиш;

- шахсий таркибга Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, нутқ, мақола, китобларни, Республика ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатни тушунтириш;

- ўзбек халқининг тарихий хизматларини, демократик ҳукуқий давлат кўриш борасида қўлга киритаётган ютуқларини, ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат вазифаларини бажариш чоғида кўрсатган жасоратларини тарғиб ва ташвиқ қилиш;

- ходимларда ўз касбига нисбатан меҳр-мухаббат ҳиссини уйғотиш, жамоатчилик ва дўстлик туйғуларини шакллантириш;

- юқори даражадаги эстетик дидни шакллантириш;

- бошқа ижодий меҳнат жамоалари билан яхши алоқалар ўрнатиш;

- ходимларнинг оилалари ўртасида ўртоқлик муносабатларини ривожлантиришга ҳаракат қилиш;

- ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига маданий хордиқ чиқаришларида кўмаклашиш.

Маърифатхона кенгашининг ишларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ички ишлар идораларининг бошлиғи ёки унинг ўринбосари бошқариб туради.

Деворий газета ва жанговар варақаларни чиқаришни ташкил этиш методикаси. Деворий газета ички ишлар бўлимининг кундалик ҳаётини акс эттирувчи ҳамда шахсий таркибни юксак маънавиятли ва маърифатли қилиб тарбиялашга хизмат қилувчи восита бўлиб, ҳар бир бўлинмада ойига бир марта чиқарилади.

Деворий газеталарни чиқариш учун, энг аввало унинг муҳаррири, сўнгра таҳрир хайъатининг аъзолари тайинланади. Уларнинг ишини бўлинма бошлиғининг ўринбосари бошқариб туради.

Деворий газетани чиқаришда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- 1) деворий газетанинг номини тўғри танлаш;
- 2) мавзуларни тўғри танлаш, бунда унинг мазмунига алоҳида эътибор бериш, мазмун ва шакл ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш;
- 3) газетани безаш, суратларни танлаш ва жойлаштиришда эстетик уйғунликни таъминлаш;
- 4) макрлаларнинг объективлигини текшириб кўриш, уларни ёзишда тил қоидаларига амал қилинишини таъминлаш, ортиқча сўзларни, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни олиб ташлаш;
- 5) фамилия ва исм-шарифларнинг, рақамларнинг тўғрилигини текшириб кўриш ва х- к.

Деворий газета учун мўлжалланган ҳар қандай мақола яхшилаб таҳрир қилиниши керак. Деворий газетада, энг аввало, бош мақола кўзга кўринадиган жойга жойлаштирилиши, ундан кейин бошқа мақолалар, суратлар жойлаштирилиши лозим. Юмор, сатира ва бошқа кичик ахборотларни газетанинг сўнгги қисмларига, пастки ўнг бурчагига жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

+ар бир газета номерланиши, унинг қайси органга тегишли эканлиги, чиқарилган вақти кўрсатилиши керак.

Жанговар варана булинма деворий матбуотининг энг тезкор ва таъсирчан турларидан бири ҳисобланади. Жанговар варақада ходимларнинг хайрли ишлари, қаҳрамонликлари, хизматда эришган ютуқлари, спорт соҳасида қўлга киритган ғалабалари ҳамда танқидий материаллар ва сатирик расмлар бериб борилади.

Жанговар варақани чиқаришда қуйидагиларга эътиборни қаратиш зарур:

- ҳар бир мақола қисқа, аниқ, долзарб ва тезкор бўлиши;

- чиройли қилиб, рангли бўёқлар билан безатилиши;

- ходимларнинг фамилияси, исми-шарифи тўғри, қисқартирилмасдан ёзилиши;

- ҳар бир сон номерланиши, чиққан вақти ва кимнинг органи эканлиги кўрсатилиши керак.

Чиқарилган жанговар варақаларни алоқида жойда сақлаб қўйиш керак, чунки у вақти келиб, ички ишлар идораларининг йилномасига айланиб қолади.

3-§. ЯККА ТАРТИБДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ - ЮКСАК МАДАНИЯТЛИ ХОДИМЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ГАРОВИ

Якка тартибда таълим-тарбия ишларини олиб боришнинг моҳияти ва хусусиятлари. Ички ишлар идораларининг ходимларини юксак маданиятли қилиб тарбиялаш жараёнининг асосларидан бирини улар билан якка тартибда таълим-тарбия ишларини олиб бориш ишлари ташкил этади.

Шахсий таркиб билан якка тартибда олиб бориладиган таълим-тарбия ишлари билан бевосита ички ишлар идораларининг раҳбар ходимлари,

бошлиқлари, шахсий таркиб билан ишлаш бўлинмаларнинг ходимлари, мураббийлар ва фахрийлар шуғулланадилар.

Якка тартибда таълим-тарбия ишларини олиб бориш деб ички ишлар идораларидаги раҳбар, бошлиқ ва мансабдор шахсларнинг ўзига бўйсунувчи ҳар бир ходимни ҳар томонлама ўрганиш шахсий имкониятларини инобатга олиш асосида унинг онгида озод ва обод ватанга меҳр-мухаббат, қонунга ҳурмат туйғусини шакллантириш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, йўл қўйилган хато ва камчиликларини тезда тузатиб, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ҳар қандай қийинчиликларга бардош бериб, тўсиқлардан қўрқмасдан ўз хизмат вазифасини ҳалол, бекаму-кўст бажаришларини таъминлаш учун мунтазам равишда олиб борадиган иш фаолиятларига айтилади.

Шунга кўра, якка тартибда таълим-тарбия ишларини олиб боришнинг моҳияти, биринчидан, шахсни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, тарбияда ходимнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш; иккинчидан, ходимга руҳий таъсир ўтказиш; учинчидан, камчиликларини тузатишига, кусурларидан кутилиб, ижобий хислатларини ривожлантиришига ва ўзини-ўзи тарбиялашига ва шу асосда ўзлигини англашига ёрдам беришда ифодаланади.

Якка тартибда таълим-тарбия ишларини олиб бориш бошқа тарбия шаклларида куйидаги *хусусиятлари* билан ажралиб туради:

- 1) аниқ мақсадга йўналтирилганлиги;
- 2) тезкорлиги, яъни ҳар қандай вақтда, ҳар қандай жойда, ҳар қандай шароитда олиб бориш мумкинлиги;
- 3) самарадорлиги, яъни одамга таъсир этиш имкониятининг кучлилиги ва ҳ.к.

Якка тартибда олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнининг *таркибий қисмларига* куйидагилар киради:

- тарбияланаётган ходимни шахс сифатида ҳар томонлама чуқур ўрганиш;

- шахсий таркиб билан таълим-тарбия ишларини олиб боришнинг келгусидаги истиқболларини белгилаш (якка тартибда таълим-тарбия ишларини олиб бориш дастурини тузиш);

- шахсга ҳар томонлама таъсир ўтказиш учун якка тартибда таълим-тарбия ишларини олиб боришнинг энг яхши, самарадор воситалари, усуллари ва шакллари танлаш ва уларни амалда қўллаш;

- ҳамма тоифадаги тарбиячиларни ва хизмат жамоасини ходимнинг юксак маънавиятли шахс бўлиб шаклланишига йўналтириш;

- якка тартибда тарбиявий иш олиб боришнинг бориши ва натижаларини мунтазам равишда кузатиб бориш, назорат қилиш ва ҳ.к.

Якка тартибда таълим-тарбия ишларини олиб бориш юксак маданиятли ходимларни тайёрлашдаги *аҳамияти* қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Мунтазам равишда ва бирон аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган якка тартибдаги тарбиявий иш ҳар бир ходимнинг ўз вазифасини қандай бажараётганлигини, ишдаги ютуқ ва камчиликларини, унинг характеридаги кучли ва заиф томонларни, оилавий аҳволини, кайфиятини, турмуш тарзини чуқурроқ билиш ҳамда қандай масалалар ва муаммоларни ҳал этишга эътиборни кўпроқ қаратиш зарурлигини аниқлаш имкониятини беради.

2. Якка тартибда олиб бориладиган тарбиявий иш ҳар бир ходимнинг ички эътиқрдини шакллантириш воситаси ҳисобланади. Чунки берилган тўғри маслаҳат, кўрсатилган тўғри йўл-йўриқ, одамдаги кусурни йўқ, қилишга қаратилган панд-насиҳатларнинг амалий натижалари охир-оқибатда одамнинг ички ишончига, эътиқодига айланиб боради. Ушбу ички ишонч ва эътиқод ходимнинг қандай шароитда ва вазиятда, кимнинг оддида бўлмасин ўз принципларига содиқ қолишга ўз сўзининг устидан чиқишига, берилган топшириқни уддалашига имкон беради.

3. Якка тартибдаги таълим-тарбия ишлари «*бошлиқ-бўйсунувчи*» тизими доирасида олиб борилар экан, у шубҳасиз бошлиқ ва бўйсунувчи ўртасидаги ўзаро масъулиятнинг узвийлигини таъминлайди. Бунда бошлиқ ўзининг берган

маслаҳатлари ёки кўрсатмалари, топшириқларининг тўғри, аниқ ва ҳаётий эканлиги учун бўйсунувчи ходим олдида масъул бўлса; бўйсунувчи эса бошлиқнинг кўрсатмалари, топшириқлари, маслаҳатлари бекаму-кўст бажарилиши учун масъулдир. Хар икки томоннинг ушбу тарбия жараёнига жиддий ёндашуви иш муваффақиятининг гарови ҳисобланади.

Якка тартибдаги таълим-тарбия ишлари ниш усул ва шакллари. Юксак маданиятли ходимларни тайёрлаш асосан уларнинг онгига таъсир ўтказувчи, тажрибада синалган тарбия усуллари ва шаклларини қўллашга кўп жихатдан боғлиқдир.

Якка тартибда таълим-тарбия ишларини олиб боришнинг *усулларига* қуйидагилар киради:

Сухбатлашиш орқали билиш усули. Бу усул ходимнинг ички дунёсини, ҳислатларини, дунёқарашини, олдига қўйилган вазифани нечоғлик тушунишини, турмуш тарзини билиб олишга хизмат қилади. Бу усулни қўллаш қуйидаги талабларни бажаришни тақозо этади:

- суҳбат мавзусини, мақсадини ва вазифаларини олдиндан белгилаб олиш;
- суҳбатдошга доир ҳужжатларни, унга берилган тавсифномаларни ўрганиш ва жамоанинг у ҳақдаги фикрдан хабардор бўлиш;
- самимий суҳбатлашишга имкон берадиган вақт ва жойни танлаш;
- суҳбатлашишда мажбурийликка, сўроқ қилиш шаклидаги савол-жавобларга йўл қўймаслик, суҳбатни ўта хайрихоҳлик ва олийжаноблик билан ўтказишга ҳаракат қилиш;
- суҳбатга ижодий ёндашиш, уни раҳбарнинг хикоя қилиб бериши асосида ўтказиш;
- суҳбат чоғида суҳбатдошнинг кайфиятини, фикрини инобатга олиш;
- суҳбатдошнинг кўз олдида унинг гапларини қайд қилиш, ёзиб олишга йўл қўймаслик;
- суҳбат чоғида олинган маълумотларни олдинги маълумотлар билан солиштириб қўриш асосида таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш;

- суҳбатлашиш асосида олинган маълумотлар фақат суҳбатдош тўғрисидаги қайдлардан иборат бўлиб қолмаслиги, балки айти вақтда тарбиявий иш олиб бориш мавзусига айланиб бориши керак.

2. *Кузатиш усули*. Бу усул ходимни ҳар хил ҳолат ва шароитларда - хизмат вазифасини бажариш, жамоат жойларида ўзини тутиш, бўш вақтини қандай утказиш, фуқаролар ва хизматдошлари билан қандай муомалада булишларини билиш учун қулланилади.

Кузатиш узок вақтли ёки қисқа муддатли бўлиши мумкин. Узок муддатли кузатиш давомида ходимнинг барча шахсий хислатлари ўрганишса, қисқа муддатли кузатишда эса унинг айрим шахсий хислатлари ўрганилади.

Кузатиш усули қуйидаги шартларнинг бажарилишини талаб қилади:

- кузатишнинг аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш;
- ходимнинг барча хислатлари намоён бўладиган ҳолатларни танлаш;
- кузатувни мунтазам равишда олиб бориш, яъни унинг узлуксизлигини таъминлаш;
- кузатув натижаларини қайд қилиб бориш ва уларни таҳлил қилиш;
- кузатув натижасида олинган маълумотларни, мазкур ходим тўғрисидаги бошқа маълумотлар билан солиштириб кўриш ва ҳ.к.

3. *Синов усули*. Бу усул ходимнинг кундалик оддий шароитда намоён бўлмайдиган айрим шахсий хислатларини махсус синов, тажриба орқали ўрганишда ифодаланади.

Ходимни синаш сунъий ва табиий шароитларда амалда оширилади. *Сунъий шароитда синаш* махсус ўқув синфида, дала-майдонида, лабораторияда ходимнинг у ёки бу хислатларини кўздан кечиришдан иборат бўлса, *табиий шароитда синаш* эса кундалик ишда, ўқишда ходимга ҳар хил топшириқлар бериш орқали унинг шахсий хислатларини кўздан кечириш, амалда текшириш хисобланади.

Якка тартибда таълим-тарбия ишларини олиб боришнинг қуйидаги **шакллари** амалда кўпроқ қулланилади:

1. *Якка тартибдаги суҳбат ва суҳбатлашиш.* Ходим билан бўладиган *яккама-якка суҳбат* ўртоқларча фикр алмашиш, ўзаро ишонч асосида ўтказилиб, унинг ўз камчиликларини тезда англаб олишига ва тезликда тузатишига, атрофда бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини тезда илғаб олишига, ўзини ўйлантриб юрган саволларга жавоб топиб, ўзида янгича бир маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришига хизмат қилади. Якка тартибдаги суҳбат турли хил мавзуларда - хизмат, ўқиш, турмуш, унинг шахсий ҳаёти, жамоат ишларида қатнашиши, хизмат вазифаларини бажариши, касбий маҳоратини ошириши, интизоми бўйича олиб борилиши мумкин.

Суҳбатлашишда якка тартибдаги суҳбатдан фарқли ўлароқ бошлиқдан ташқари, унинг ўринбосарлари, жамоат ташкилотларининг етакчилари, фахрийлар иштирок этишлари мумкин. Бундай суҳбатлашишдан кутиладиган асосий мақсад ходим йўл қўйган хато-камчиликларнинг ҳақиқий сабабларини аниқлаш ҳамда уни тузатиш ва тугатиш чора-тадбирларини белгилаб олишдан иборат.

Суҳбатлашиш ўзаро ишонч, дўстона муносабат тарзида олиб борилиши билан бир қаторда, талабчанлик, катъийлик руҳида бўлмоғи керак. +ар бир танбех асосланган бўлиши лозим. Энг муҳими, ходим ўз камчилигини дилдан ҳис қилиши ва уни тезликда тузатиб, жамоа билан биргаликда янги вазифаларни ҳалол, чин дилдан бажаришга киришишини таъминламоқ керак.

2. *Шахсий ёрдам кўрсатиш.* Шахсий ёрдам кўрсатиш кўпинча норматив ҳужжатларни, техникани, шахсий қуролни, хизмат вазифалари талабларини, жамоат топшириқларини ўрганиш ва бажариш, турмуш шароитини яхшилаш давомида амалга оширилади.

Бошлиқ ёки раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимга шахсий ёрдам кўрсатишда қуйидаги асосий қоидаларга риоя қилиши керак:

- кўрсатиладиган ёрдам, у қандай шаклда бўлмасин, аниқ ва амалий бўлиши керак;

- ўзаро ҳурмат, ўз кучига ишонч, шахсий дахлсизлигини таъминлаш, яъни шахсини ҳурматлаш асосига қурилиши зарур;

- ёрдам олувчи унинг шахсий хислатларини, маълумотини ва тайёргарлигини тўлиқ ҳисобга олиши шарт.

3. *Якка тартибда шахсий топшириқ ва вазифа бериш.* Таълим-тарбия ишининг ушбу шакли одатда, хизмат, ўқув, жамоат топшириқларини бериш асосида амалга оширилади.

Х и з м а т т о п ш и р и қ л а р и г а тажриба алмашиш, ёш ходимларга ёрдам бериш, навбатчилик, хизмат сафари, рейд операцияларини амалга оширишга дойир вазифалар кирса, **ў қ у в т о п ш и р и қ л а р и г а** - жанговар, маънавий-маърифий, хизмат дарслари бўйича ўқув дастурлари талабларини ўрганиши ва ўзлаштиришга дойир вазифалар; **ж а м о а т т о п ш и р и қ л а р и г а** жамоат ишларида фаол қатнашиши учун бериладиган топшириқлар ва вазифалар киради.

Якка тартибдаги шахсий топшириқ ва вазифаларни берувчи бошлиқ ёки раҳбар қуйидаги қоидаларга риоя этиши зарур:

- берилган топшириқ ва вазифанинг тарбиявий ахамиятга эга эканлигини унутмаслик, унга ўзининг шахсий манфаатларини аралаштирмаслик;

- топшириқнинг аниқ бўлиши ва хизмат жамоаси олдига қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда берилиши;

- топшириқни беришда ҳар бир ходимнинг илмини, касбини, қобилиятини, малакасини ҳисобга олиш;

- берилган топшириқнинг бажарилишини назорат қилиб туриш;

- топшириқ бажарилгандан сўнг, унга албатта баҳо бериш, лозим бўлса тақдирланиши ёки интизомий жазо кўрилиши.

4. *Ходимларнинг фаолиятини назорат қилиш.* Таълим-тарбиянинг ушбу шакли асосан ҳар бир ходимнинг ўз хизмат вазифасини бажаришини якка тартибда текшириб туришда; берилган топшириқларни, улар тайёрлаган маълумот ва билдиргиларни ва бошқа хужжатларни ижро этишларини текшириб кўришда ифодаланади. Бу эса уларга ишига холисона баҳо бериш, ишни тўғри ташкил этиш имкониятини беради.

5. *Йиғилишларда ходимнинг ҳисоботини эшитиш.* Ҳисобот - ходимнинг уз хизматдошлари олдида қилган ишлари бўйича берган виждон имтиҳони. Унинг қанчалик ҳалол ишлагани, тўғрисиўзлиги, ишга, дустларига садоқати ана шу ҳисоботи орқали билиб олинади.

6. *Шахсий намуна кўрсатиш.* Шахсий намуна кўрсатиш бошлиқнинг ўз қўл остидагиларга хизмат вазифасини бажаришда, сўз ва иш бирлигида, оилада, дўстлар даврасида, умуман, ҳаётда ижобий ўрнатилган курсатишдан иборат.

Бошлиқ ёки раҳбар қуйидаги ишларда шахсий намуна кўрсатиши лозим:

- хизмат вазифаларини бекаму-қўст бажаришда, норматив ҳужжатлар талабларини ижро этишда;
- тартиб-интизомни сақлашда, юриш-туришда, ташқи қиёфада, саф тайёргарлигида;
- талабчанликда, принципиалликда, назорат қилишда;
- одамларга ғамхўрлик қилишда, турмуш шароитини яхшилашда;
- оилада, дўстлар даврасида, маҳаллада, кўча-қуйда;
- Ватанни севишда, одамларга иззат-ҳурмат кўрсатишда ва ҳ.к.

7. *Ходимнинг яшаш жойига таъриф буюриш.* Бу бошлиқ ёки раҳбарнинг ўз қўли остидаги ходимнинг оилавий аҳволини яхши билиш, унинг турмуш шароитини ўрганиб, унга ёрдам бериш мақсадида ўтказиладиган яқка тартибдаги таълим-тарбия шаклларида ҳисобланади.

Бу тадбир қуйидаги вазифаларни бажариш учун ўтказилади:

- ходимнинг турмуш шароитини ўрганиш;
- оиладаги муносабатларни, уларнинг ходим интизомига ва хизмат фаолиятига таъсирини ўрганиш;
- оила аъзоларининг ходим касбига муносабатларини аниқлаш;
- ходимнинг бўш вақтни қандай ўтказишини, қизиқишларини билиш;
- ходимнинг таниш-билишларини ўрганиш, уни ҳар хил зарарли алоқалардан сақлаб қолиш;
- ходимнинг ўз болаларини тарбиялашдаги иштирокини билиш ва ҳ.к.

Якка тартибдаги таълим-тарбия ишларининг юқорида кўрсатилган барча шакллари бир-бирлари билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг асосий мақсади ички ишлар идоралари ходимларининг маънавий савиясини оширишдан иборат.

Якка тартибдаги таълим-тарбия ишларини олиб боришга масъул бўлган ходимларнинг вазифалари. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 1994 йил 12 августдаги 215-буйруғига биноан, якка тартибдаги таълим-тарбия ишларини олиб боришга масъул ходимларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ходимнинг таржимаи холи ва шахсини аниқловчи (оила, яшаш шароитлари, атрофдагилар билан алоқалари ва ҳоказо) маълумотлар билан танишиш, унинг ҳаёт фаолиятидаги ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор бўлиш;

- ходимнинг ҳамкасблари, яшаш жойидаги маҳалла аҳли, дўстлари, танишлари орасидаги хулқ-атворидан хабардор бўлиш;

- хизмат бурчига, жамоат топшириқларига бўлган муносабатини ўрганиш;

- Конституция, қонунлар, "Касб одобномаси", ИИВнинг буйруқ ва йўриқномалари талабларига риоя қилиш,

- жисмоний ва касбий тайёргарлик ҳамда "Маърифат дарслари"га қатнашишни текшириш;

- ходимнинг маданиятли, зийрак, ақл-заковатли, Ватани ва халқига садоқатли, инсоф-иймонли, адолатли, диёнатли бўлишига эришиш;

- ходимларни рағбатлантиришда, юқори лавозимларга тавсия этишда, унвонлар беришда улар меҳнатининг самараси ва хизматда эришаётган ютуқларига ҳаққоний баҳо бериш;

- илгари хато-камчиликларга йўл қўйганлиги сабабли интизомий жазога тортилган ходимларнинг ўз нуқсонларини бартараф этишларини назоратга олиб, яқиндан ёрдам бериш;

- ходимнинг тўй ва маъракаларида иштирок этиш ва унга моддий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш;

- ходимлар ва улар оила аъзоларининг маданий дам олишлари ҳамда хордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан содир этилаётган ножўя хатти-ҳаракатлар, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш қонунчилик ва хизмат интизомини мустаҳкамлаш мақсадларида якка тартибдаги тарбиявий ишлар қуйидаги йўналишлари амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунларига ҳамда ички ишлар идоралари фаолиятига дойир буйруқлар, низомлар, йўриқномалар ва кўрсатмалар,

«Касб одобномаси», Интизом низоми талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш;

- ҳар бир ходимнинг маҳалла аҳли ва ўз оила аъзолари билан доимо яхши муносабатда бўлишига эришиш;

- жамоада соғлом маънавий-рухий муҳитни, хамжихатлик, ишчанлик, меҳр-оқибатлилик каби омилларни вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш;

- ходимлар хизмат фаолиятини ижобий натижаларга эришишга йўналтириш;

- хизмат пайтида фуқаролар билан хушмуомала бўлиш, уларнинг жамиятда тутган ўрни, миллати, ирки, сиёсий қарашлари, диний эътиқодларидан қатъи назар, ҳар томонлама ҳимоя қилишга чорлаш;

- хизматдан бўш вақтда фуқаролик бурчига, ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилиш юзасидан маслаҳатлар бериш;

- ҳаётда оддий ва камтар бўлиш;

- тамагарлик, порахўрлик, манманлик каби иллатларга муросасиз бўлишни талаб қилиш;

- хизмат бурчини, низомлар, буйруқлар ва фармойишлар талабларини виждонан бажаришда ўзига нисбатан талабчанлик, раҳбарларга ва фуқароларга ўз бурчларини бажаришларида ёрдам беришга доимо тайёр туришга эришиш;

- давлат ҳокимияти вакили эканлигани ифодаловчи хизмат кийимлари ва белгиларини чуқур ҳурмат қилиш, уларни фахрланиб кийиб юриш, доимо саранжом-сарипшта ва озода тутишни талаб қилиш;

- ходимлардан жисмонан чиниқиб, касб маҳоратларини тинмай такомиллаштириб боришларини талаб қилиш;

- республикамизда ва жаҳонда кечаётган воқеалар ва ўзгаришлар, янгиликлардан доимо хабардор бўлиб борилишига эришиш.

Аммо раҳбарлар шахсий таркиб билан якка тартибдаги тарбиявий ишларни олиб бораётганда ушбу тавсияномада кўрсатилмаган, лекин авлоддан авлодга ўтиб, халқимиз орасида кенг қўлланиб келаётган бошқа замонавий тарбия усулларидан ҳам фойдаланишлари мумкин.

+ар хил тоифадаги ходимлар билан якка тартибда таълим-тарбия олиб бориш ишларининг тақсимот тартиби. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 1994 йил 12 август 215 буйруғига кўра, ички ишлар идрраларида шахсий таркибнинг маънавий савиясини ошириш ва якка тартибда тарбиявий ишларни олиб боришда раҳбарларнинг жавобгарлиги, масъулиятини ошириш, ходимларнинг шахсий ва ишбилармонлик хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида қуйидаги тақсимот тартиби тавсия қилинади:

№	Якка тартибдаги тарбиявий ишларни олиб бориши лозим булган мансабдор ходимлар	Кимлар билан якка тартибда тарбиявий иш олиб борадилар
1	2	3

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ аппаратлари бўйича:

1. Бош бошқарма бошлиғи Бош бошқарма бошлиғи ўринбосарлари ва

- | | |
|---|---|
| | хизмат тақсимотига кўра ўзига тегишли бошқармалар, бўлимлар, бўлинма раҳбарлари билан. |
| 2. Бош бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари | Бошқарма, бўлим, бўлинмалар бошлиқлари ва хизмат тақсимотига кўра ўзига тегишли бошқармалар, бўлимлар, бўлинмалар раҳбарлари, шахсий таркиби. |
| 3. Бошқарма бошлиқлари | Бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари хизмат тақсимотига кўра ўзига тегишли бўлимлар, бўлинмалар раҳбарлари, барча шахсий таркиб |
| 4. Бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари ишлар буйича бош инспекторлари | Бўлинма бошлиқлари, алоҳида муҳим ишлар бўйича бош инспекторлари |
| 5. Бўлим бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, бўлинма бошлиқлари, бош ва катта инспекторлари | Бўлим бошлиғининг ўринбосарлари, бўлинма бошлиқлари, ўз қўл остидаги барча шахсий таркиблари. |
| 6. Батальон, рота, взвод сардорлари ва уларнинг ўринбосарлари | Батальон сардорининг ўринбосарлари, рота, взвод, бўлинма сардорлари ва уларнинг ўринбосарлари, қўл остидаги барча шахсий таркиб |

Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Нақлиёт ички ишлар бошқармалари бўйича:

1.	Бош бошқарма бошлиғи	Бош бошқарма бошлиғи ўринбосарлари ва хизмат тақсимотига кўра ўзига тегишли бошқармалар, бўлимлар раҳбари
2.	Бош бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари	Бошқарма, бўлим бошлиқлари ва хизмат тақсимотига кўра ўзига тегишли бошқармалар, бўлимлар раҳбарлари
3.	Бошқарма бошлиқлари	Бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари ва хизмат тақсимотига кўра ўзига тегишли бошқарма ва бўлинмалар раҳбарлари
4.	Бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари	Бўлим, бўлинма бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда хизмат тақсимотига кўра ўзига тегишли бошқарма ва бўлинмалар раҳбарлари

5.	Бўлим ва бўлинма бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари	Бўлим бошлиғининг ўринбосарлари, бўлинма бошлиғи, алоҳида муҳим ишлар ва топшириқлар бўйича бош ва катта инспекторлар, инспекторлар
6.	Туман, шаҳар ИИБ бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари	Туман шаҳар Ииб бошлиқларининг ўринбосарлари, бўлим бўлинмалари бошлиқлари.
7.	Туман, шаҳар ИИБ га қарашли қўриқлаш бўлими, махсус комендатура, вақтинчалик сақлаш хибисхоналари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари.	Рота, взвод сардорлари ва уларнинг ўринбосарлари, қўл остидаги барча таркиб.
8.	Полк, взвод, бўлинма сардорлари ва уларнинг ўринбосарлари	Полк, Батальон, рота, взвод сардорлари ва уларнинг ўринбосарлари.
9.	Рота, взвод, бўлимни сардорлари ва уларнинг ўринбосарлари.	Рота, взвод, бўлимни сардорларининг ўринбосарлари, қўл остидаги барча шахсий таркиб.

ИИБ Ахлоқ тузатишлари бошқармаси бўйича

1	Бошқарма бошлиғи	Бошқарма бошлиғи ўринбосарлари ва хизмат тақсимотига кўра ўзига тегишли бошқармалар, бўлимлар раҳбарлари.
2.	Бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари	Бўлим бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, хизмат тақсимотига кўра ўзига тегишли бошқармалари, бўлимлар раҳбарлари.
3	Бўлим бошлиқлари ва уларнинг ўринбосар-лари, бош катта инспекторлар.	Бўлим бошлиғининг ўринбосарлари, бўлими бошлиқлари, қўл остидаги барча таркиб.

4	Муассаса бошлиғи ва унинг ўринбосарлари.	Муассаса бошлиғининг ўринбосарлари ва кўл остидаги барча шахсий таркиб.
---	--	---

Ички ишлар идорасининг раҳбари қайси жамоада хизмат қилишидан, бевосита кимга бўйсунушидан катъий назар ҳар бир ходимнинг тарбияси учун жавобгардир.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Маънавият деганда нимани тушунасиз?
2. Маърифат деганда нимани тушунасиз?
3. Ўзини ва ўзлигини англаш ички ишлар идоралари ходимларига нима учун керак?
4. Маънавият ва маърифат ишларини ташкил этиш ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолиятида қандай аҳамият касб этади?
5. Маърифат дарсларининг турларини айтиб беринг.
6. Маъруза ўқиш методинаси ҳақида баҳс-мулоҳаза юритинг.
7. Сиёсий ахборот нима учун керак?
8. Давра суҳбати, савол-жавоб кечаларини ўтказишга қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
9. Якка тартибда таълим-тарбия ишларини олиб бориш деб нимага айтилади?
10. Якка тартибда таълим тарбия ишларини олиб боришнинг усулларини, шаклларини санаб беринг.
11. Якка тартибда таълим-тарбия ишларини олиб боришга масъул бўлган бошлик, ва раҳбар ходимларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
12. Ўзбекистон Республикаси Президентга И.А.Каримов: «Маънавий баркамол инсон ўзининг савобли ишлари билан кечирган ҳаётдан рози кетади», -

деганда нималарни назарда тутади? Шу ҳақда ўзингизнинг фикр-мулохазаларингизни айтиб беринг.